

Ў. АХМЕДОВ, А. ЭРГАШЕВ, А. АБЗАЛОВ

**Доривор ўсимликлар ва уларни
ўстириш технологияси**

Тошкент — 2008

Масъул мухаррир: Тошкент фармацевтика институти, Ботаника,
физиология ва микробиология кафедраси доценти,
биология фанлари номзоди

Тақризчилар:

- 1. А. Кайимов** — Тошкент давлат аграр университети ўрмончилик кафедрасининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
- 2. В. В. Бережнева** — Ўзбекистон Республикаси сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти, агрокимё ва сифат лабораторияси мудири, биология фанлари доктори
- 3. Ф. Ф. Ўрмонова** — Тошкент фармацевтика институти, фармакогнозия кафедраси профессори, фармацевтика фанлари доктори

СҮЗ БОШИ

Маълумки дунё миқёсида фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 50% и доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланмоқда.

Мутлоқ кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатини жадаллик билан ривожланиши бундай корхоналарнинг доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган талабни кескин ортишига сабаб бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, табиий ҳолда ўсуви доривор ўсимликлар захираларининг чегараланганлиги туфайли фармацевтика саноати корхоналарнинг доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган талабини, асосан, доривор ўсимликлар ўстириш орқалигина қондириш мумкин.

Бирок „Доривор ўсимликлар ўстириш технологияси“ фани шу вақтга қадар мустақил дарслик сифатида ишлаб чиқилган эмас.

Бунинг устига ҳозирги вақтгача мамлакатимизнинг ихтисослашган, фермер, ўрмон, деҳқон ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларида доривор ўсимликларни, уларни ўстириш технологиялари мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, илмий асосланмаган ҳолда парвариш қилинмоқда.

Шу сабабли ҳам фармацевтика саноатини сифатли, мўл, таннархи арzon ва экологик соғ хомашё билан таъминлаш катта муаммо бўлиб қолаверади.

Бу ҳолат, албатта, доривор ўсимликлар хомашёси етиштириш билан шуғулланувчи хўжаликларни доривор ўсимликлар ўстириш технологияларини пухта эгаллаган мутахассислар билан таъминлашни тақозо қиласди.

Бу борада мазкур „Доривор ўсимликлар ўстириш технологияси“ дарслиги муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Тақдим қилинаётган ушбу дарслик фармацевтика олий ўкув юртининг ўрмон доривор ўсимликлари, доривор ўсимликлар биотехнологияси ва

доривор ўсимликлар ўстириш технологияси мутахассисликлари талабалари учун мўлжалланган.

Ушбу дарсликдан қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг доривор ўсимликларни ўстириш билан шуғулланувчи бакалавриатура ва магистратура талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мазкур дарсликда ҳар бир ўсимликнинг ботаник тавсифи, морфологияси, тарқалиши, кимёвий таркиби, тиббиётда қўлланиши, ўстириш технологияси, хомашёсини йиғиш ва уни қайта ишлаш технологияси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

КИРИШ

Доривор ўсимликлар ўстириш технологияси қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, фармацевтика саноати ҳамда дорихоналарни сифатли шифобахш ўсимликлар хомашёси билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган фандир.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишларининг мавсумийлиги, агротехника тадбирларни аниқ белгиланган муддатларда еткизиш лозимлиги, ҳар йилги об-ҳаво шароитининг бир-бирига деярлик ўхшамаслиги, ҳар бир минтақанинг тупроқ, иқлим шароитини бир-биридан кескин фарқ қилиши ва бошқа кўпдан-кўп омиллар доривор ўсимликлар ўстириш технологиясини ишлаб чиқишида кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда фармацевтика саноати ва дорихоналарни ўсимликлар хомашёси билан таъминлаш мақсадида ихтисослашган, фермер, ўрмон ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларида энг кўпи билан 42 тагача доривор ўсимликлар турлари ўстирилади.

Россия Федерацияси, Украина, Молдова, Миср Араб Республикаси ва бир қатор мамлакатларда доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланиш бирмунча яхши йўлга қўйилган. Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика саноати тезлик билан ривожлана бошлади. Ҳозирги вақтда бундай корхоналарнинг сони 70 тадан ортиқдир.

Шу сабабли ҳам, ушбу саноатни доривор ўсимликлар хомашёси билан етарли даражада таъминлаш талаб этилади.

Кейинги вақтда фармацевтика саноати корхоналари дори воситаларининг тахминан 50% доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланаётганлигини эътиборга олсак, доривор ўсимликлар ўстириш технологияси фани нақадар катта аҳамият касб эта бошлаганини тасаввур қилиш қийин.

Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан ҳозирги вақтда мамлакатимизда доривор ўсимликлар ўстириш билан шуғулланувчи 8 та ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилинган. Бундан ташқари кўплаб ўрмон, фермер ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларда ҳам ўстирилмоқда. Бироқ мамлакатимизда доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган талабнинг кескин ортиб боришига қарамасдан уларни ўстириш технологиялари шу вақтгача мукаммал ишлаб чиқилган эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳеч бир соҳа бошқа фанларнинг ютуқларига таянмасдан туриб, ўzlари мустақил равишда ривожлана олмайди. Ўз навбатида доривор ўсимликларни ўстириш технологияси ҳам ўсимликшунослик, ботаника, фармокогнозия, агрокимё, тупроқшунослик, ўсимликлар физиологияси, ўсимликлар биокимёси, ўсимликлар биотехнологияси, кимё, физика ва бошқа фанларнинг ютуқларига таянган ҳолдагина ўз олдига қўйган мақсадларга эриша олади.

Маълумки ҳар бир фаннинг ўзига хос методлари — услублари мавжуд. Доривор ўсимликлар ўстириш технологияси фани эса номлари юқорида кўрсатилган барча фанларнинг услубларига таянган ҳолдагина тараққий эта олади.

Мазкур асар, асосан, муаллифларнинг кўп йиллик ўтказган тажрибалари ҳамда илмий адабиётлардан ва бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлардан фойдаланиб илк бор тайёрланган дарслидир. Ушбу дарслик бир қатор камчиликлардан холи эмас.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда китобхонлардан келадиган қимматли таклиф ва истакларни муаллифлар сўзсиз қабул қиласидилар ва уларга миннатдорчилик билдирадилар.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Одам ва ҳайвонларни даволаш, касалликларнинг олдини олиш ўсимликлар-гиёҳлар. Ер юзида доривор ўсимликларнинг 10—12 минг тури бор. 1000 дан ортиқ ўсимлик турларининг кимёвий, фармокологик ва дориворлик хоссалари текширилган. Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 577 тури мавжуд. Шулардан ҳозирги вақтда 250 тури илмий табобатда ишлатилмоқда. Доривор ўсимликларнинг организмга таъсири уларнинг таркибидағи бирикмаларнинг микдорига боғлиқ. Бу бирикмалар ўсимликнинг ҳар хил қисмларида турли микдорда тўпланади. Дори тайёрлашга ўсимликнинг керакли қисмлари турли муддатларда йиғилади. Масалан, пўстлоқ, куртак эрта баҳорда, барг ўсимлик гуллаши олдидан ёки гуллаганда, гуллари тўла очилганда, мева ва уруғлари пишганда, ер ости органлари (илдизи, илдизпояси ва пиёзи) эрта баҳорда ёки кеч кузда олинади.

Доривор ўсимликларнинг таъсир этувчи моддаси — алколоидлар, турли гликозидлар (антрогликозидлар, юракка таъсир этувчи гликозидлар, сапонинлар ва б.), flavоноидлар, кумаринлар, ошловчи ва бошқа шиллиқ моддалар. Эфир мойлари, витаминалар, смолалар ва бошқа бирикмалар бўлиши мумкин. Кўп ўсимликлардан микроорганизм ва вирусларни йўқотадиган антибиотиклар ва фитонцидларга бой препаратлар тайёрланади. Одатда бир гурухга хос ўзаро яқин кимёвий бирикмалар бир оила ёки туркумга мансубларда учрайди, шу билан бирга баъзи кимёвий бирикмалар бир-бирига яқин бўлмаган, турли оиласа мансуб ўсимликлар таркибида ҳам бўлиши мумкин.

Қадим замондан бошлаб инсон ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни турли касалликларни даволашда фойдаланиб келади.

Ҳозирги даврда доривор ўсимликларни тури кўпайиб, халқ тиббиёти шифобахш ўсимликлар билан бойиган.

Илмий табобатда ишлатиладиган доривор ўсимликларнинг аксарияти асрлар давомида халқ ишлатиб келган ўсимликлардан олинган. Халқ медицинасида қўлланиб келинадиган доривор ўсимликларни илмий табобатда ишлатиб бўлмайди. Ўзбекистонда доривор ўсимликлардан кўпроқ анор, аччиқмия, бодом, доривор гулхайри, ёнгоқ, жағ-жағ, зубтурум, исириқ, итсигек, омонқора, писта дарахти, сачратқи, чойўт, шилдирбош, шири nmия, шувоқ, янтоқ, қизилча, қоқиўт ва бошқалар тарқалган. Аччиқмиядан — пахикарнин, исириқдан гармин, итсигекдан анабазин, омонқорадан галантамин, шилдирбошдан сферафизин алколоидлари олинади. Анор пўстидан гижжа ҳайдовчи пельтерин танат ва экстракт тайёрланади. Доривор гулхайри препаратлари балғам кўчирувчи ва юмшатувчи, жағ-жағ ва лагохилус дорилари қон кетишни тўхтатувчи, писта бужғуни ва чойўтдан тайёрланган дорилар меда-ичак касалликларини даволовчи сифатида ишлатилади. Доривор ўсимликларни 2 хил тавсифлаш қабул қилинган:

1. Таъсир қилувчи моддаларнинг таркибига қараб — алколоидли, гликозидли, эфир мойли, витаминли ва бошқалар;
2. Фармокологик кўрсаткичларига қараб — тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатувчи, шунингдек, юрак-томир тизимига таъсир қилувчи, марказий нерв тизимини қўзғатувчи, қон босимини пасайтирувчи ва бошқа доривор ўсимликлар.

Тошкентдаги кимё-фармацевтика заводларида Ўзбекистонда ўсадиган ва экиб ўстириладиган доривор ўсимликлардан турли-туман дорилар тайёрланади. Масалан, оқкурайнинг илдизи ва мевасидан песни даволашда қўлланиладиган псорален, япон софораси ғунчасидан витамин А дек таъсир этувчи рутин, омонқорадан галантамин алколоиди, кендордан строфантин, цимарин, юрак гликозидлари ва бошқа препаратлар олина бошланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек ҳозирги вақтда тиббиётда 250 га яқин ўсимликларнинг маҳсулотидан фойдаланилади. Шу кўрсатилган доривор ўсимликлар маҳсулотининг 48% ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлардан, 30% турли тупроқ иқлим шароитида жойлашган хўжаликларнинг доривор

ўсимликлар ўстириладиган майдонларида тайёрланади. Колган 22% „аралаш“ гурухни ташкил қиласи, яъни бу гурух доривор ўсимликлар маҳсулоти ҳам ёввойи ҳолда ўсадиган, ҳам плантацияларда ўсимликлардан йиғилади. Кейинчалик „аралаш“ гурух доривор ўсимликлардан тайёрланадиган доривор маҳсулотларнинг салмоғи умумий йиғиладиган доривор маҳсулот миқдорида йил сайин ошиб бориши кутилмоқда.

Қандай сабабларга кўра сугориладиган майдонларда ўстириладиган доривор ўсимликлар маҳсулоти йил сайин умумий тайёрланадиган маҳсулотлар миқдоридан кўпайиб бормоқда?

Бунинг сабаблари кўп бўлиб, асосийлари қуидагилардан иборат:

1. Йил сайин доривор ўсимликлар маҳсулотига эҳтиёж ўсиб бориши натижасида уларнинг хомашёсини тайёрлаш миқдори ҳам кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида қатор доривор ўсимликларнинг кўп ўсадиган жойида камайиб кетишига, натижада уларнинг хомашёсини тайёрланишини кескин чегараланиши ёки бутунлай тўхтатилишига олиб келиши.

Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган бозулбанг ва қорақовуқларнинг ер устки қисми ва пиёзининг кўп тайёрланиши натижасида уларни захираси (миқдори) табиий ўсиш жойида жуда ҳам камайиб кетди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда бу ўсимликлар Ўзбекистон „Қизил китобига“ киритилди. Шунинг учун уларнинг табиий хомашёсини ўсиш жойида тайёрлаш тўхтатилди ва хўжалик далаларида ҳамда ўзларини ёввойи ҳолда ўсадиган жойларида ўстирилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

2. Доривор ўсимликлар маҳсулотига мунтазам равишда талабнинг ошиб бориши ва уни ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар ҳисобига қондирилмаслиги натижасида шу ўсимликларни сугориладиган минтақаларда ўстиришга тўғри келмоқда.

3. Баъзан камёб доривор ўсимликларга талаб катта бўлса-ю, лекин улар ёввойи ҳолда, йиғиш учун ноқулай жойларда (масалан, Кавказ ва Кримнинг тоғли туманларида ўсадиган белладонна ва бошқалар) ёки кам миқдорда, катта ҳудудларда тарқоқ ҳолда (масалан, Россиянинг Европа

қисмида кенг тарқалган, лекин сийрак учрайдиган доривор валериана ва бошқалар) ўсса, бу доривор ўсимликлар маҳсулотини тайёрлаш суғориладиган ерларда ўстиришдан қимматга тушади. Шунинг учун бундай ўсимликларни ҳам хўжаликлар далаларида ўстириш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар хомашёсини катта ҳажмда тайёрлашнинг қийинчилиги, уни йиғиб олиш учун қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишнинг мураккаблиги.

Плантацияда ўстириледиган доривор ўсимликлар маҳсулотини қулай шароитда ва таъсиран кимёвий биологик фаол моддалари кўп тўпланган даврда турли механизмлар ёрдамида йиғиб олиш мумкин.

5. Қимматбаҳо, тибиёт учун жуда зарур бўлган доривор маҳсулот республикамизда учрамайдиган тропик ёки субтропик иқлимли давлатларда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланадиган бўлса, имкони борича шу ўсимликларни ўзимизда ўстириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Янгидан экилиши керак бўлган доривор ўсимликлар агротехникиси ВИЛР ҳамда унинг тажриба станцияларида, қисман фанлар академияси (ФА), университетлар ва олий ўқув юртларининг ботаника боғларида ишлаб чиқилмоқда. Бу соҳада ВИЛР ва унинг тажриба станцияларини хизмати катта бўлиб, уларда чет элдан келтирилган бир қанча тропик ва субтропик доривор ўсимликларни Собиқ Иттифоқ иқлимида ўстиришнинг агротехника қоидалари ишлаб чиқилган. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида (зоналарида) жойлашган хўжаликлирида қуйидаги доривор ўсимликлар ўстирилмоқда: хин дарахти, кока бутаси, алоэ турлари, ортосифон, дихроа, катта келла, сано (кассия) турлари, мексика бангидевонаси, каланхой турлари, уятчанг мимоза, тўқ қизил пассифлора, раувольфия турлари, пушти катарантус (бўригул), юмалоқ баргли стефания, эвкалипт турлари, бўлакли итузум ва бошқалар.

Суғориладиган майдонларда ўстириледиган доривор ўсимликлар ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлардан катта фарқ қиласди, яъни

ўстириладиган доривор ўсимлик маҳсулотида бегона ўсимликлар аралашмаси бўлмайди. Агротехника қоидалари асосида ўстирилган доривор ўсимликлар серҳосил ва биологик фаол моддаларга бой бўлади.

Доривор ўсимликларни серҳосил навларини танлаб олиш, уларни чатиштириш ёки полиплоидли (хромосом сонларини ошириш) навларини олиш йўли билан экиладиган доривор ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ва таркибидаги биологик фаол бўлган кимёвий бирималар миқдорини ошириш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, баъзи бир доривор ўсимликларни ўстириш ва уларнинг маҳсулотларини тайёрлаш ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар маҳсулотини йиғишга қараганда иқтисодий жиҳатдан анча арzonга тушади.

Ўзбекистонда доривор ўсимликлар асосан турли тупроқ иқлим худудларида жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигига қарашли хўжаликларда экиласди.

Ўзбекистон Республикасида биринчи марта 1973 йилда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги хўжаликларда доривор ўсимликлар экила бошлади. Кейинроқ (1978 йилда) Наманган вилояти Поп туманида Ибн Сино номли доривор ўсимликлар ўстириладиган хўжалик ташкил қилинди. Бу хўжалик далаларида қалампир ялпиз, доривор мармарак (маврак), доривор тирноқгул, наъматак, аччик шувоқ (эрман), бўлакли итузум, майда гулли тоғрайхон ва бошқа ўсимликлар ўстирилган. Улардан йифилган маҳсулотлар Ўзбекистон дорихоналарини таъминлаш учун ҳамда Чимкент кимё-фармацевтика заводи ва бошқа корхоналарга жўнатилган.

Ҳозирги кунда доривор ўсимликларни ўстириб етиштирадиган маҳсус хўжаликлар Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида ташкил қилинган.

Республикамизнинг қарийб ҳамма вилоятларида „Фармация“ ишлаб чиқариш бирлашмалари қошида доривор ўсимликлар ўстирадиган

майдончалар ташкил қилинган бўлиб, уларда вилоят дорихоналар талабига биноан тегишли ўсимликларни ўстирмоқдалар.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти Чирчик туманидаги доривор ўсимликларга ихтисослашган Охунбобоев номли ихтисослашган хўжалик далаларида қалампир ялпиз, доривор мармарак (маврак), доривор тирноқгул, доривор мойчечак, беш бўлакли арслонқуйруқ, пол-пола, наъматак ва бошқа доривор ўсимликлар ўстирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ФА га қарашли Тошкент ботаника боғининг собиқ катта илмий ходими Қ. Ҳ. Хўжаев, кейинчалик шу боғнинг доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва иқлимга мослаш лабораториясининг мудири, катта илмий ходим Ю. М. Мурдахаев Тошкент фармацевтика институти фармакогнозия ва ботаника кафедраларининг илмий ходимлари билан ҳамкорликда қардош республикалари ҳамда дунёning бошқа ҳудуд (регион)ларидан келтирилган 67 турдаги доривор ўсимликларни Тошкент шаҳри иқлимида ўстиришга эришдилар. Уларнинг фикрларича, юқорида тирноқгул, қалампир ялпиз, доривор мармарак (маврак), доривор валериана, фенхель (дорихона укропи), доривор мойчечак, қора андиз, ажгон (зиран кармони), арпабодиён, оддий дастарбош, наъматак турлари, бутасимон аморфа, қизил антишвонагул, ёйик эризимум, кендир турлари, Кавказ ямси, Манъҷжурия аралияси, тоғ жумрут, сано (касия) турлари, патриния, тухумак, беш бўлакли арслонқуйруқ, доривор зангвизорба, ярим бутасимон секуринега, бўригул турлари, қорақобиқ турлари, белладонна, мексика бангидевонаси, пол-пола, бўлакли итузум, гангитувчи бузулбанг ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш мумкин.

Ҳозирги кунда табиий ҳолда ўсаётган доривор ўсимликларни захиралари инсонлар таъсирида камайиб бормоқда. Бунинг ўрнини тўлдириш ва халқимиз эҳтиёжини қондириш мақсадида доривор ўсимликлар турларини кўпайтириш ва уларни Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғориладиган минтақаларда экиб ўстириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистонда фармацевтика саноатини доривор ўсимликлар

хомашёси билан таъминлаш мақсадида яқин йиллар ичидаги доривор ўсимликларни экиб ўстирадиган фермер ва ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилиш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимиз ҳудуди жуда катта бўлиб, турли иқлимли туманларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ўсимликлар дунёси — флораси турли ўсимликларга бой. Уларнинг ичидаги дориворлари ҳам кўп бўлиб, ҳар йили минг тонналаб доривор ўсимликлар маҳсулоти тайёрланади ҳамда касалликларни даволаш ва олдини олиш учун ишлатилади.

Мамлакатимизда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг табиий бойлиги ҳар қанча кўп бўлмасин, барибир уларни ҳам чегараси бор. Чексиз миқдорда Ер юзида ҳеч қандай бойлик бўлмаганидек, ўсимлик дунёсининг захираси ҳам чексиз эмас. Шунинг учун ҳам табиий ҳолда ўсадиган ўсимлик бойликларидан тўғри фойдаланилмаса бу „чексиз бойликлар“ бир вақтлар келиб Ер юзида йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Доривор ўсимликлар ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлири Маҳкамасининг тегишли қарорларида ўз ижобий аксини топди. Бу борада 1972 йил декабрь ойида қабул қилинган „Табиат муҳофазасини кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида“ ва 1977 йилда Собиқ Иттифоқ Олий Кенгashi томонидан қабул қилинган „Ўрмонлар муҳофазасини ва ўрмон ресурсларидан фойдаланишни бундан кейин яхшилаш чоралари тўғрисида“ги қарори ва бошқа қарорлари диққатга сазовордир.

Маълумки, ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудини ўндан бир қисмини ўрмонлар ташкил қиласди. Улар ичидаги жуда кўп миқдорда турли доривор ўсимликлар ўсади. Шунинг учун ҳам ўрмонларни муҳофаза қилиш

уларда ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан (ўрмон, сув ва сув бойликлари, ер ости бойликлари ва бошқалар) тўғри ва оқилона фойдаланган ҳолда, уларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш зарурлиги бизнинг асосий қонунимиз — Республика Конституциясида ўз аксини топган.

Академиклар Е. М. Лавренко ва А. Л. Тахтаджянлар ташаббуси билан тузилган „Қизил китоб“нинг йўқолиб кетган ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган ўсимликларни, жумладан доривор ўсимликларни табиий ўсиш шароитида сақлаб қолишида, яъни уларни муҳофаза қилишида аҳамияти жуда каттадир. „Қизил китоб“да йўқолиб кетган ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган ўсимликларни фақат рўйхати келтирилган бўлмай, китобда шу ўсимликларни табиий ўсиш шароитида сақлаб қолиш ва тиклаш қандай чоралар кўриш лозимлиги ҳамда йўқолиб кетиш сабаблари келтирилган.

Собиқ Иттифоқ „Қизил китоб“ига 444 та, Ўзбекистон „Қизил китоб“ига 163 та ўсимлик, шу жумладан 20 тадан ошиқ доривор ўсимликлар киритилган. Уларнинг хомашёсини турли мақсадлар учун йиғиш қатъий ман этилади. Шунинг учун зарур бўлса уларни плантацияларда ўстириш талаб этилади.

Ўзбекистон доривор ўсимликларидан қуйидагилар „Қизил китоб“га кирган:

1. Анжир (ёввойи ҳолда ўсадигани).
2. Анор (ёввойи ҳолда ўсадигани).
3. Бозулбанг.
4. Виктор қорақабуғи.
5. Етмак.
6. Солаб турлари.
7. Тилла ранг адонис ва бошқалар.

Маълумки ҳудудларда ўсадиган ўсимлик ва яшайдиган ҳайвонларни табиий шароитда сақлаб қолиш учун қўриқхоналар ташкил қилишни аҳамияти каттадир.

Доривор ўсимликларни табиатдаги захирасини сақлаб қолиш ва ҳар иили улардан маълум миқдорда маҳсулот тайёрлаб туриш мақсадида, юқорида айтиб ўтилган тадбирлардан ташқари яна қуидаги қоидаларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Доривор ўсимлик маҳсулотларини ўз вақтида тўғри ва керакли миқдорда тайёрлаш, тўғри қуритиш ва сақлаш лозим. Бу эса ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни ортиқча йиғиб, кейинчалик уларни моғорлатиб ва чиритиб ёки қуртлатиб кетиши натижасида ташлашдан сақлайди.

2. Доривор ўсимлик маҳсулотларини илмий асосланган режа бўйича, кўп ўсадиган жойларни ва захирасини тўғри аниқлаб билган ҳамда тайёрланадиган жойларини вақт-вақтида алмаштириб турган ҳолда йиғиш лозим. Агарда шу келтирилган қоидаларга амал қилинса, бу доривор ўсимликларни табиатда ўсиш жойини сақлаб қолиш мумкин.

3. Кўп йиллик ўсимликларнинг ер устки қисми (барги, гули, меваси) дан дori тайёрланадиган бўлса, уларнинг илдизи билан суғуриб олмаслик лозим. Борди-ю, ер ости органлари (илдизпоя, илдиз, туганак) кавланадиган бўлса, меваси пишиб тўкилгандан сўнг йиғиш керак. Акс ҳолда шу доривор ўсимликлар кейинчалик ўша жойида ўсиб чиқмаслиги мумкин.

4. Ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар дori тайёрлаш учун йиғиб олингандан сўнг (айниқса, ер ости органлари кавлаб олингандан сўнг) уларнинг кейинчалик яна ўсиб чиқишига катта аҳамият бериш лозим. Бунинг учун бир ердан неча йилгача ўсимлик маҳсулотини йиғиш мумкин ва неча йил дам бериш кераклиги ҳақидаги қоидаларга қатъий риоя қилиш керак.

5. Доривор ўсимликлардан комплекс ва ҳамма қисмларидан тўлиқ фойдаланиш зарур бўлганда уларнинг хомашёсини камроқ тайёрлаш керак.

Натижада табиий ўсиш жойида уларнинг захираларини сақлаб қолиш мумкин бўлади.

Агарда доривор ўсимликлар илдизпояси, илдизи, туганак ёки пиёзи доривор маҳсулот бўлса, шу ўсимликларнинг ер устки қисмини кимёвий ва фармакологик жиҳатдан ўрганиб, ер остики органлари ўрнида ишлатишга тавсия этиш, шу ўсимликтиннинг табиий ўсиш жойидаги захирасини сақлаб қолишида аҳамияти жуда катта.

Бу ҳам доривор ўсимликларни муҳофаза қилишнинг асосий тадбирларидан биридир.

6. Доривор ўсимликларни сугориладиган ерларга кўпроқ экиб ўстириш ва уларни агротехникасини яратилса, республикамизда табиий шароитда ўсаётган доривор ўсимликлар захирасини сақлаб қолиш имконияти яратилади.

Юқорида келтирилган доривор ўсимликлар захирасини табиатда сақлаб қолиш тадбирларига биринчи галда бу ишга мутасадди раҳбарлар ўзлари қатъий риоя қилишлари ва бошқалардан ҳам буни талаб қилишлари лозим.

Шу ишларнинг ҳаммаси амалга оширилса, табиат бойликларидан бири бўлган доривор ўсимликлар табиий ўсиш жойларида узоқ вақтлар сақланиб қолади ва инсонга қўп хизмат қиласди.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМАШЁСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистон тиббиётида қўлланиладиган дори воситаларининг 38—40% ини доривор ўсимликлардан олинадиган препаратлар ташкил қиласди. Баъзи оғир қасалликларни даволашда ишлатиладиган муҳим аҳамиятли айрим доривор препаратларни (юрак гликозидлари, қатор алкалоидлар, терпенлар, сапонинлар, стероид ва фенолли бирикмалар ва бошқа биологик фаол моддалар) шу вақтгача синтез йўли билан олиб бўлмайди. Уларни олиш манбаи ҳозирча фақат ўсимликлар бўлиб қолмоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари жуда катта турли географик худудлардан ташкил топган. Бу худудлар тропикдан ташқари ҳамма иқлимли туманларни: абадий музлик билан қопланган баланд тоғлар, тундра, одам қадами етмаган тайга, ўрмон, чўл, ярим чўл, сахро ҳамда нам субтропик ва бошқаларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам уларнинг флораси жуда бой. У 19000 дан ортиқ ўсимлик турларидан ташкил топган. Шулар ичида доривор ўсимликлар ҳам кўп. Аммо ҳозирги вактда уларни ҳаммасидан ҳам тиббиётда касалликларни даволаш учун ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1990 йилда чоп этилган дори воситалари расмий рўйхатида тиббиётда ишлатиладиган 282 га яқин шифобахш ўсимликлар келтирилган.¹

¹ Государственный Реестр лекарственных средств, разрешенных для применения в медицинской практике и к промышленному выпуску (Р-1) (по состоянию на 1 января 1996 года). Москва, 1991 г.

1981—1985 йилларда Собиқ Иттифоқ кимёвий фармацевтика саноатига қарашли корхоналарда 254 хил фитопрепаратлар ишлаб чиқарилган. Шу доривор препаратлар 152 тур доривор ўсимликлардан олинган 171 хил маҳсулотлардан тайёрланган. Шу кўрсатилган доривор маҳсулотлар асосан Собиқ Иттифоқ худудида ёввойи ҳолда ўсадиган ҳамда айrim хўжаликлар далаларида ўстириладиган доривор ўсимликлардан тайёрланган.

Юқорида кўрсатилганидек кимё-фармацевтика саноати, Гален лабораториялари ва дорихоналар эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳар йили катта миқдорда доривор ўсимликлар маҳсулоти тайёрланади. Маҳсулотлар асосан ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлардан йиғилади. Йил сайин доривор ўсимликлар маҳсулотига бўлган талаб ошмоқда. Шунинг учун тайёрланадиган маҳсулотнинг миқдори ҳам ошмоқда.

Ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларнинг захираси ҳар қанча кўп бўлмасин, йилдан-йилга кўпайиб бораётган тайёрлаш миқдорини қондириш ҳамда табиий шароитда ўсадиган ўсимликларни сақлаб қолиш учун уларни йиғиши тўғри уюштирилиши керак ҳамда маҳсулотларни тайёрлашни илмий асосланган қатъий режага риоя қилинган ҳолда олиб бориш зарурдир.

Доривор ўсимликлар хомашёсини тайёрлашда қуидаги тадбирлар бажарилади:

1. Доривор ўсимликларни тайёрлаш ишини уюштириш.
2. Маҳсулотни йиғиши.
3. Йигилган маҳсулотни қуритиш.
4. Йигилган маҳсулотни стандарт ҳолига келтириш.
5. Маҳсулотларни идишларга жойлаштириш (қадоқлаш).
6. Маҳсулотларни транспорт воситалари билан жўнатиш.
7. Доривор маҳсулотларни сақлаш.

Доривор ўсимликлар хомашёсини тайёрлашни ўз вақтида тўғри уюштириш жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, одатда, бу иш билан туман марказий дорихонаси (ТМД — ЦРА) шуғулланади. Туман ҳудудида доривор ўсимликлар маҳсулотини тайёрлаш ишларини уюштириш билан ТМД да катта провизор — фармакогност лавозимидағи мутахассис, агарда бундай лавозим бўлмаса, у ҳолда дорихона мудирининг ўринбосари ёки шу вазифани бажариш юклangan бирор бошқа мутахассис шуғулланади.

ТМД да туман бўйича доривор ўсимликларни тайёрлашни уюштиришга жавобгар мутахассис қуидагиларни бажаради ва ташкил қиласди:

— туман бўйича доривор ўсимликларнинг тайёрлаш режасини билиш ва уни туманда йиғиши мумкин бўлган доривор маҳсулот миқдорига солиштирган ҳолда аниқлаш;

— туман рўзномаси ва радиоси орқали халқ ўртасида қандай доривор ўсимликлар қачон, қандай қилиб, қаерда йиғилиши, қуритилиши, сотиб олиш баҳоси ҳамда қаерда топширилиши лозимлиги тўғрисида тўлиқ ахборот берадиган тегишли тушунтириш ишини олиб бориш;

— худди шу кўрсатилган масалаларни тўлиқ акс эттирадиган варақаларни чоп эттириш ва уни аҳоли кўп йиғиладиган, ҳаммага яхши кўринадиган жойларга осиб кўйиш;

— дорихона қошида доривор ўсимликлар тайёрловчилар учун қисқа муддатли ўқиши (тушунтириш) ни ташкил этиш;

— доривор ўсимликлар кўп ўсадиган жойини ва захирасини аниқлаш;

— доривор маҳсулотни йиғиладиган ерни аниқлаш; доривор маҳсулот йиғиладиган жойни танлаганда иложи борича транспорт воситаси (автомашина) борадиган ва аҳоли яшайдиган ердан олис бўлмаслигини ҳисобга олиш керак. Чунки доривор маҳсулотларни йиғишга ишдан бўш бўлган ерли аҳоли, мактаб ўқувчилари ва пенсионерлар жалб этилади;

— доривор маҳсулотларни тайёрлашни ташкил этиш;

— йиғилган доривор маҳсулотни тайёрланган жойда қуритишни ташкил қилиш. Агарда маҳсулотни йиғилган жойида қуритишни иложи бўлмаса, у ҳолда уни зудлик билан қуритиладиган ерга транспорт воситасида етказиш ва қуритишни ташкил этиш.

Доривор ўсимликлар маҳсулотини тайёрлаш тегишли, ваколатли маҳкамалар тасдиқлаган қатъий режа бўйича олиб борилади. Бу ишни режалашда доривор ўсимликларни табиий ўсиш жойида йўқ бўлиб кетмаслигини ва уларни муҳофаза қилишнинг бошқа тадбирлари ҳисобга олинган бўлиши керак:

— хомашёни режаланган микдордан ортиқча тайёрламаслик;

— доривор ўсимлик маҳсулотини фақат кўрсатилган ва режаланган даладан йиғиш ҳамда йиғиладиган далани ҳар йили қоидага биноан алмаштириб туриш;

— доривор маҳсулотни йиғиш режаси уни эксплуатацион захирасидан ортиқча бўлмаслигига риоя қилиш;

— кўп йиллик ўтли ўсимликларнинг доривор маҳсулот сифатида унинг ер устки қисмидан фойдаланиладиган бўлса, уни илдизи билан суғуриб олмаслик, яъни бу доривор ўсимликни табиий шароитда йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш ва бошқалар.

Хозирги вақтда доривор ўсимликлар ҳамма ҳудудларда тайёрланади. Аввалда бу ишлар Украина, Беларус республикалари, Кавказ ва Россиянинг Европа қисмидаги вилоятлар, автоном республикаларида ва ўлкаларида яхши йўлга қўйилган.

Улуғ Ватан уруши йилларида Собиқ Иттифок доривор ўсимликлар тайёрлаш бўйича асосий туманлари ҳисобланган ғарбий қисми фашист босқинчилари томонидан вақтинча босиб олинган даврда доривор маҳсулотлар Ўрта Осиё республикалари, Қозогистон ва Сибирда тайёрлана бошланди. Кейинчалик бу республикалар ўлка ва вилоятлар ҳам доривор ўсимликлар тайёрланадиган асосий туманларга айланди.

Ўзбекистон Республикасида доривор ўсимликларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда ўстириш билан қуидаги идоралар шуғулланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси — „Ўзбекбирлашув“нинг ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар маҳсулоти тайёрловчи Бosh бошқармаси республикада доривор ўсимликлар маҳсулотларини тайёрлаш ишларини режалайди, доривор маҳсулот миқдорини ва йиғиладиган далаларни аниқлайди ҳамда раҳбарлик қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика „Фармация“ ишлаб-чиқариш бирлашмаси бошқармаси ва унинг вилоятлардаги идоралари турли доривор ўсимлик маҳсулотларини қатта миқдорда тайёрлайди. Масалан, маккажӯҳори оналик устунчаси (соқоли, попуги), тоғрайхон, бўймодарон, аччик шувоқ, наъматак ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг „Дори-дармон“ давлат ҳиссадорлик жамияти ҳар йили 21 тур доривор ўсимликлардан 60—70 тоннага яқин

микдорда маҳсулотлар тайёрлайди. Жумладан, далачой, аччиқ шувоқ, бўймодарон, зубтурум, оққалдирмоқ, газанда, дала қирқбўғими, майдада гулли тоғрайхон, маккажўхори оналик устунчаси, наъматак меваси ва бошқалар.

Доривор ўсимликларни йиғиши билан яна Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ва бошқа вазирликларга тегишли бошқармалари ҳам шугулланади. Бу идоралар ўзларига бириктирилган ҳудудларда ўсадиган доривор ўсимлик маҳсулотларини йигади ва тегишли корхоналарга (фармацевтика саноати, дорихоналар бошқармаси ва бошқалар) топширади.

**ДОРИВОР МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚУРИТИШ,
ИДИШЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИШ (ҚАДОҚЛАШ) ВА САҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**
ДОРИВОР МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ¹

Тиббиётда ва фармацияда таркибида киши организмига таъсир этувчи кимёвий моддаси бўлган доривор ўсимлик органлари — маҳсулотлари ишлатилади. Доривор маҳсулотлар сифатида ўсимликларнинг илдизи, барги, пўстлоғи, гули, меваси ва бошқа қисмларидан фойдаланилади. Уларни кимёвий бирикмалар энг кўп йиғилган даврда йиғиштириб олиш керак.

¹ Правила сбора и сушки лекарственных растений (сборник инструкции). М., 1985.

Кимёвий моддалар ўсимликларнинг ҳамма органларида бир вақтнинг ўзида кўп микдорда тўпланмайди, шунинг учун ҳам уларни турли вақтларда тайёрлашга тўғри келади.

Ўсимлик органларини қуидаги муддатларда йиғиб олиш керак:

Барглар одатда ўсимлик гуллаши олдидан ёки гуллаганида йиғиб олинади.

Барглар жуда оҳисталик билан, иложи борича ўсимликка зарар етказмасдан йиғиб олинади (белладонна, ангишвонагул ва бошқа ўсимлик барглари).

Баъзан ўт ўсимликларнинг баргини тайёрлаш учун ер устки қисми ўриб олинади, сўнгра барглари терилади ёки ер устки қисми қуритиб майдаланади. Барглари ажратилиб, пояси билан шохлари ташлаб юборилади. Бунда шох ва гуллар аралашмаси баргларга қўшилиб кетиши мумкин (ялпиз, газанда ва бошқа ўсимликлар).

Ўсимликнинг ер устки қисми (ўт) ўсимлик гуллаганида йиғилади. Ўсимликнинг ер устки қисми поясининг тагидаги барглар олдидан ўриб олиниб, поянинг баргиз қисмига тегилмайди. Бўйи баланд ўсимликларнинг эса поясининг тепа қисми (10—20 см узунликда) ва шохчалари кесиб олинади (аччиқ шувоқ, далачой ва бошқа ўсимликлар).

Куртаклар эрта баҳорда (очилмасдан илгари) ўсимлик танасида суюқлик юра бошлаган вақтда йиғилади. Куртаклар ўсимликлардан териб олинади ёки куртакли шохчаларни қирқиб олиб сўнгра шохчалардан куртакларни аста-секин қоқиб тўпланади.

Пўстлоқлар ҳам эрта баҳорда, яъни ўсимлик танасида суюқлик юришиб, ёғоч қисмидан осон ажralадиган даврида, поя ва йўғон шохларидан шилиб олинади. Пўстлоқ олишни осонлаштириш учун поя ёки йўғон шохларни бир-биридан 30 см масофада икки еридан ўткир пичоқ билан кўндалангига, кейин узунасига кесилади ва пўстлоқ ажратиб олинади.

Гуллар ўсимлик қийғос гуллаганда йиғилади. Кўпинча гуллар алоҳида-алоҳида кесиб олинади. Баъзан гул тўпламининг ҳаммаси (дастарбош, марジョンдаражти ва бошқалар) ёки гулнинг айрим қисмлари (сигирқўйруқ ўсимлигига фақат гул тожибарглари) йиғиб олинади.

Плантацияларда ўстирилган ёки ёввойи ҳолда кўп учрайдиган майда гулли ўсимликларнинг гули маҳсус асбоб билан йиғилади (мойчечак ва бошқалар).

Мева ва уруглар пишиб етилган даврда йиғилади. Мевалар одатда эрталаб ёки кечқурун йиғиб олинади, кун исиганда йиғилса, қурук меваларнинг уруғи сочилиб кетиши мумкин.

Мевалар турига қараб тайёрланади. Баъзилар кўл билан битта-битта узиб олинади, бошқалари эса таёқ билан қоқилади.

Уруғлар ҳам турли усуллар билан тайёрланади. Баъзи уруғлар маҳсус асбоб билан мевадан ажратиб олинади (бодом уруғи ва бошқалар). Майда мева ва уруғлар эса уруғлар етилганидан сўнг ёки етилиши олдида ўсимликни ўриб қуритиб, сўнгра хирмонда янчиб тозаланади (фенхель, арпабодиён ва кашнич мевалари, хантал уруғи ва бошқалар).

Ер остки органлар (илдиз, илдизпоя, туганак на пиёзлар) одатда ўсимлик уйқуга кирган вактида — эрта баҳорда ёки кеч кузда тайёрланади. Баъзи ер остки органларни ўсимлик гуллаб бўлганидан сўнг йиғилади. Чунки уларнинг баъзиларини ўсаётган ерида баланд бўйли бегона ўсимликлар орасидан топиш қийин (солаб турлари ва бошқалар), баъзиларини қуриб қолган пояларини эса шамол синдириб учирив кетади (етмак ва бошқалар).

Ер остки органларни белкурак, кетмон ва бошқа асбоблар билан қазиб олинади. Бир жойнинг ўзида ўсимлик кўп ҳамда ер остки органлари яхши тараққий этган бўлса, у ҳолда трактор билан кавлаб олинади (қизилмия ва бошқалар). Йиғилган ер остки органларни лой, тупроқ, кум, барг ва поялардан тозалаб (баъзиларини сувда ювиб), қуритиш учун майда бўлакларга қирқилади.

Ўсимликнинг ер устки қисмларини, масалан барги, гули ва бошқа қисмларини шудринг кўтарилигандан сўнг ҳаво очиқ пайтида йиғиб олинади. Ёмғир ёки эрталабки шудринг кўтарилимасдан олдин йиғилган ўсимликларни қуритиш қийин, улар куртилганида ҳам қорайиб кетади. Йиғилган доривор маҳсулотларни саватларга босиб ёки бир ерга уюб қўйиб бўлмайди, чунки намлик ва иссиқлик (қизиши ёки қуёш ҳарорати) таъсирида ўсимлик тўқималарида чукур биокимёвий ўзгаришлар рўй беради, органимзга таъсир

этувчи кимёвий бирикмалар парчаланиб кетиб, доривор маҳсулот ўз қимматини йўқотади.

ДОРИВОР МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚУРИТИШ

Тайёрланган доривор маҳсулотларни бошқа ўсимлик аралашмалари, лой, тупроқ, қум ва бошқалардан тозалангандан сўнг тезда қуритишга киришилади.

Қуритишнинг энг оддий ва осон усули табиий шароитда, яъни очик ҳавода қуритишdir. Лекин ўсимликларнинг ер устки қисмларини (пўстлок, мева ва уруғларидан ташқари) очик ҳавода, қуёшда қуритиб бўлмайди. Акс ҳолда ўсимликнинг ер устки органлари хужайраларидаги яшил ранг берувчи хлорофилл ҳамда гул қисмларидаги ранг берувчи пигментлар парчаланиб кетиб, поя, барг ва қисман гуллар сарғайиб (кўпинча гуллар рангизланиб) қолади. Хлорофилл пигменти парчаланиши билан бирга ўсимлик таркибидағи бошқа кимёвий бирикмалар ҳам гидролизланиши мумкин. Шунинг учун ҳам одатда қуёш иссиғида фақат ер остки органлар, пўстлок, мева ва уруғлар қуритилади.

Ўсимликнинг ер устки қисмлари (поя, барг ва гуллар) маҳсус қурилган бостирма, шийпон ёки чердакларда қуритилади. Бу жойлар тоза ва шамол ўтиб турадиган бўлиши керак. Доривор маҳсулотлар маҳсус ишланган стелажларга юпқа қилиб ёйилади.

Мева қуритиладиган қуритгичларни ҳам доривор маҳсулотларни қуритишга мослаштириш мумкин. Бундан ташқари, хўл меваларни, масалан, черника, малина, клюквани рус печида (нон ёпиб бўлгандан сўнг) қуритса ҳам бўлади.

Сўнгги йилларда доривор ўсимлик маҳсулотларини табиий усулда қуритиш билан бир қаторда турли типдаги қуритгичларда сунъий қуритиш кенг қўлланилмоқда.

Айрим доривор ўсимликлар таркибидаги таъсирчан қимматбаҳо кимёвий бирикмалар (масалан, гликозидлар) табиий равища узок қуритилганда парчаланиб кетиши мумкин. Шунинг учун уларни сунъий равища қуритган яхши. Бундан ташқари, сунъий равища қуритилганда доривор маҳсулот тез қурийди ва сифатли бўлади.

Таркибида эфир мойи бўлган доривор маҳсулотлар 25—30°C да, алкалоидлар, гликозидлар ва бошқа моддалар бўлган доривор маҳсулотлар 50—60°C да қуритилишини эсда тутиш керак. Маҳсулотни жуда қуритиб юбормаслик лозим. Акс ҳолда у кукунга айлануб кетади.

ДОРИВОР МАҲСУЛОТЛАРНИ ИДИШЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИШ (ҚАДОҚЛАШ)

Стандарт ҳолига келтирилган доривор маҳсулотлар турига қараб ҳар хил қадоқланади. Доривор маҳсулотларни идишларга жойлаштириш (қадоқлаш) уларни ташки таъсирлардан ва тўқилиш, сочилишдан, ишлатиладиган муддати ичида унинг сифатини ва ташки кўринишини ўзгартирмасдан сақланишини ҳамда транспорт воситаларида жўнатиш ва ташишни таъминлаши лозим.

Маҳсулотларни жойлаштиришга қоплар, халтачалар (пакетлар), тахтадан ва картон қоғоздан ясалган яшиклар ва қутичалар ҳамда тойлаш учун ясалган яшиклар ва бошқалар ишлатилади. Ишлатиладиган идишлар қуруқ, тоза, ҳеч қандай ҳиди бўлмаслиги ҳамда ҳар бир партия учун бир хил бўлиши керак.

Маҳсулотлар жойлаштириладиган идишлар, идишдаги маҳсулотларнинг оғирлиги доривор маҳсулотларнинг турига қараб аниқланади ва улар тегишли меъёрий-техник ҳужжатлар (МТХ) да масалан фармакопея мақоласи (ФС) ва ГОСТ ларда кўрсатилади.

Қуритилган доривор маҳсулотларни қадоқлаш учун қуйидаги идишлардан фойдаланилади:

ГОСТ 19317-73 бўйича матодан тикилган қоплар ёки ГОСТ 18225-72 бўйича зигир-жут-каноп толаларидан тўқилган қоплар. Бу қоплар бир ёки икки қават ҳолида ишлатилиши мумкин. Қопларнинг оғзи қўл (ГОСТ 17308-85 га биноан каноп ип билан) ёки машина (ГОСТ 14061-85 га биноан зигир толасидан қилинган ип билан) ёрдамида тикилади. Қопга солинган маҳсулот оғирлиги 40 кг дан ошмаслиги керак.

ГОСТ 2226-75 бўйича кўп қаватли қоғоз қоплар ва ГОСТ 24370-80 бўйича икки ёки бир қаватли қоғозли халталар. Маҳсулот билан тўлдирилган қоғоз қоплар, халталар оғзи юқорида кўрсатилган иплар билан қўл ёки машина ёрдамида тикилади.

Бир ёки икки қават халталар тайёрлаш учун маҳсус қоғозлар (ГОСТ 2229-81 Е ва ГОСТ 1760-81 га биноан) ишлатилади. Қоғоз қопга 15 кг, қоғоз халтага 5 кг дан ортиқ маҳсулот солинмаслиги керак.

Матодан тикилган ГОСТ 19298-73 бўйича узун ва олти қиррали яшик шакли тойлар. Тойларга 50 кг дан ортиқ бўлмаган миқдорда доривор маҳсулот солинади ва уларнинг оғзи юқорида айтиб ўтилган, тегишли ГОСТ ларда кўрсатилган иплар билан қўлда ёки машина ёрдамида тикилади.

Баъзан усти мато билан ўраб тикилмаган тойлар ҳам қўлланилади.

Ёғочдан ГОСТ 5959-80 бўйича ясалган яшиклар. Яшиклар ичига тегишли ГОСТ ларда кўрсатилган Б — маркали қоғоз (ГОСТ 8273-75) ёки қоп тикиладиган қоғоз (ГОСТ 2228-81) солиб, сўнгра доривор маҳсулот билан тўлдирилади. Ёғоч яшикларга 30 кг гача оғирликда доривор маҳсулот солинади. Кейин унинг қопқофи михланади.

Картондан ГОСТ 15629-83 бўйича ясалган яшиклар. Бу яшикларни доривор маҳсулотлар билан тўлдиришдан аввал уларни ичига тегишли қоғозлар солинади. Охирида картон яшиклар устига маҳсус елим қоғоз ленталар ёпиштирилади ёки икки еридан пўлат сим билан ўралади (ГОСТ 32822-74).

Картон яшикларга солинган доривор маҳсулот оғирлиги 25 кг дан ошмаслиги лозим.

Доривор маҳсулотларни жойлаш учун керакли бўлган идишлар бу маҳсулотларнинг турига ва хусусиятига қараб тегишли ГОСТ га биноан танланади. Масалан:

— ўсимликларнинг ер устки қисми, барги, пўстлоғи, баъзан гуллари, илдизи ва илдизпояларини одатда олдин пресслаб, сўнгра маҳсус тойлайдиган яшикларга солинади. Бу усул қопга ёки яшикларга солиб, жойлаштиришга нисбатан арzon тушади ҳамда ташиш ёки сақлаш даврида доривор маҳсулотни иссиқдан, намлиқдан ва қуёш таъсиридан яхши ҳимоя қилади.

— қуритилган хўл мевалар, шохкуя ҳамда айрим қимматбаҳо ва оғир маҳсулотлар икки қават қилиб тикилган қопларда сақланади.

— тойлаб бўлмайдиган енгил доривор маҳсулотлар икки қаватли катта қопларга, тез майдаланиб кетадиган мойчечак, марваридгул гуллари, қарагай куртаги ва бошқалар ичига зич қилиб бир неча қават қофоз солинган яшикларга жойлаштирилади.

Доривор маҳсулотларни ахолига сотиш учун қадоқлашда ГОСТ 64-026-87 бўйича қофоздан (картондан) ясалган қутичалар, қофоз ва полиэтилен халтачалар ва бошқалардан фойдаланилади.

Қандай идишларга ва қанчадан доривор маҳсулот қадоқланиши, худди шунингдек халтачалар ва қутичалар оғзи қандай елим билан елимланиши, дорихона ва омборларга жўнатиш учун яшикларга қанча халтача ва қутичалар жойлаштирилиши кераклиги тегишли меъёрий-техник хужжатларда кўрсатилади.

Доривор маҳсулот идишларга жойлаштириб бўлингандан сўнг, улар жойлаштирилган идиш устига шу маҳсулот тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилади (тамғаланади) ёки тегишли ёрлик осилади.

Сотиш учун дорихоналарга чиқариладиган доривор маҳсулотлар идиши (картон қутича, полиэтилен халтача, яшик ва бошқалар) устига ГОСТ 17768-80 га биноан қуйидагилар ёзилган бўлиши керак:

— вазирлик, тайёрлаган корхона ва уни товар белгиси; маҳсулотнинг лотин, рус ва ўзбек тилидаги номи; намликни энг кўп рухсат этиладиган ҳолатидаги маҳсулот оғирлиги, ишлатиш усули, сақлаш шароити, ҳисобга олинган номери, серия номери, сақлаш муддати ва баҳоси.

Транспорт воситасида жўнатиладиган доривор маҳсулот идиши устига ГОСТ 14192-77 бўйича қуидагилар ёзилган бўлиши керак: вазирлик (муассаса, бошқарма), жўнатган корхонанинг номи, маҳсулот номи, намликни энг кўп рухсат этиладиган ҳолатдаги маҳсулотни соф (нетто) оғирлиги, идиши билан биргаликдаги (брутто) оғирлиги, тайёрланган йили ва ойи, партия номери, кўрсатилган маҳсулотнинг меъёрий-техник ҳужжати (МТХ)нинг даражаси ва номери.

МАҲСУЛОТНИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ЖЎНАТИШ

Тайёрланган, қуритилган ва идишларга жойлаштирилган маҳсулотлар ўз вақтида сақланадиган ва ишлатиладиган жойларга жўнатилиши лозим. Агарда маҳсулотларни транспорт воситаси орқали жўнатишда тегишли қоидаларга риоя қилинмаса, у йўлда намланиши, майдаланиши ва бошқа сабабларга кўра ўз сифатини йўқотиши мумкин.

Доривор маҳсулотлар ГОСТ 14192-77 ва ГОСТ 17768-80 ларга биноан куруқ, тоза, ҳеч қандай ҳиди бўлмаган, усти ёпик транспорт воситаларида жўнатилади. Захарли, кучли таъсирга эга ҳамда ўзида эфир мойи сақловчи доривор маҳсулотларни бошқа маҳсулотлардан алоҳида бошқа транспорт воситаларида (айрим автомашина, айрим темирйўл вагони ва бошқалар) юборилиши лозим.

ДОРИВОР МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ

Тайёрланган доривор маҳсулотлар ишлатилишига қадар маълум вақт ичida кўп (марказлаштирилган омбор, завод, фабрика ва лаборатория

омборлари) ёки оз (дорихоналарда) микдорда сақланади. Шу даврда доривор маҳсулот ўз сифати ва қимматини йўқотмаслиги учун маълум қоидаларга риоя қилишга тўғри келади.

Доривор маҳсулотлар сақланадиган бино ва хоналар тоза, қуруқ ва шамол ўтиб турадиган бўлиши лозим. Маҳсулотларга қуёш тушмаслиги ва хонанинг поли тахтадан, деворлари оқланган бўлиши шарт.

Доривор маҳсулотлар махсус стелаж ёки сўрилар устига қўйилади. Сўриларнинг баландлиги 4 м гача, эни 1,5 м бўлиши, деворгача масофа 25 см, сўриларнинг ўзаро оралиғи 50 см ва полдан баландлиги 15—20 см дан кам бўлмаслиги керак.

Доривор маҳсулотлар сақланадиган хоналар ҳар куни тозаланиб турилиши, хона ҳарорати 10—15°C бўлиши лозим.

Доривор маҳсулотларни сақлаш учун гуруҳларга бўлиш керак. Заҳарли ва кучли таъсир этувчи доривор маҳсулотлар, масалан, белладонна, ангишвонагул, марваридгул, бангидевона, мингдевона ва бошқалар алоҳида хоналарда сақланиши лозим. Шунингдек, таркибида эфир мойи бўлган доривор маҳсулотлар ҳам иложи борича алоҳида хоналарда ёки бошқа доривор маҳсулотлардан узокроқ жойда сақланиши лозим.

Қуритилган мевалар, масалан, малина, черника ва бошқаларни ҳаво ўтиб турадиган жойларда сақлаш ёки маҳсулот микдори кам бўлса осиб қўйиш керак. Бу меваларга ҳашаротлар ва кемиравчилар ўч бўлади. Шу сабабли тез қуртлаб кетиши мумкин.

Ҳар бир доривор маҳсулот устига ёрлик (бирка) осиб қўйилади. Ёрлиққа маҳсулот номи, қачон, қаерда, ким тайёрлагани, омборга қачон келтирилгани ёзилган бўлади.

Заҳарли доривор маҳсулотлар устига умумий ёрлиқдан ташқари яна пушти рангли ёрлик ҳам осиб қўйилади.

Доривор маҳсулотларни сақлаш муддати ҳар хил бўлиб бу муддат доривор маҳсулотлар таркибидаги кимёвий бирикмалар тузилишига боғлиқ бўлади. Официнал доривор маҳсулотларнинг (Давлат фармакопеясига

киритилган) сақлаш муддатини Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди. Давлат фармакопеясига кирмаган доривор маҳсулотларни Давлат фармакопея қўмитаси кўрсатмасига биноан ҳар йили бир марта қўриқдан ўтказилади.

Доривор маҳсулотларнинг сақлаш муддати тамом бўлганидан сўнг таркибидаги таъсирчан кимёвий бирикмалар микдори ёки таъсир этиш кучи аниқланади. Тахлил натижаси стандарт талабига тўғри келмаса, маҳсулот ташлаб юборилади. Агар доривор маҳсулотларни сақлаш даврида бирор нуқсон сезилса, доривор маҳсулотни сақлаш муддатини кутиб ўтирумасдан тезда тахлил қилинади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА ДОРИВОР МАҲСУЛОТЛАР ТАСНИФИ

Ўсимлик организми жуда мураккаб. Унинг таркибида турли органик ва минерал бирикмалар бўлади. Албатта, уларнинг ҳаммаси бирорта касалликни даволаш — шифобахш хоссасига эга эмаслар.

Ҳаммага маълумки, бутун тирик организм учун зарур бўлган органик бирикмаларни анорганик моддалардан фақат ўсимликларгина синтез қила олади. Ана шу ўсимликлар тўқимасида синтезланган органик бирикмаларни одатда икки гурухга бўладилар.

1. Бирламчи синтезланган моддалар — бирламчи метаболитлар. Буларга оқсиллар, углеводлар, липидлар, ферментлар ва витаминлар киради. Бирламчи метаболитлар ҳамма тирик организмлар учун жуда ҳам зарур бирикмалар бўлиб, уларсиз ҳаёт бўлмайди.

2. Иккиламчи синтезланган моддалар — иккиламчи метаболитлар. Буларга ўсимликлар тўқимасида синтез бўладиган бирламчи метаболитлардан ташқари қолган ҳамма бирикмалар киради. Иккиламчи метаболитлар ўсимликлар тўқимасида бирламчи синтезланган моддалардан ҳамда уларнинг

иштирокида вужудга келади. Асосий доривор моддалар — иккиламчи синтезланган бирикмалардир.

Ўсимликлар таркибидаги доривор моддалар — биологик фаол бирикмалар ўсимликнинг ўсиши даврида — онтоғенезда ва турли факторлар таъсирида доимий ўзгаришда бўлади. Улар синтезланади, аста-секин кўпаяди, маълум даврда кўп миқдорда тўпланади, кейинчалик камая боради ва бир вақт келиб, бутунлай йўқолиб кетиши мумкин.

Бу ўзгаришларга фақат ўсимликнинг ўсиш давригина — онтоғенез сабабчи бўлмай, балки ташқи муҳит омиллари ҳам катта таъсир кўрсатади.

Онтоғенез ҳар қайси ўсимликни нормал ҳаёт кечириш даври бўлиб, утирик организмни туғилишдан то табиий ҳолда ўлиши (қуриб қолиши) гача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўсимлик таркибидаги доривор моддалар синтезига, уларнинг тўпланишини ўзгариб боришига таъсир этувчи ташқи муҳит омилларига қуидагилар киради: ўсимликнинг ўсиш жойи, намлик (ҳаво ва тупроқдаги намлик миқдори), тупроқ таркиби, ҳарорат (ҳаво ва тупроқнинг иссиқ-совуклиги), ёруғлик ва қуёш нурининг кўп ёки кам бўлишлиги, иқлим ва бошқалар.

Маълумки, ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос ўсадиган жойи бўлади ва у шу шароитда яхши тараққий этади. Баъзи ўсимликлар, барглар чириндиси кўп бўлган ерларда (марваридгул ва бошқалар), бошқалари шўрли ерларда (қизилмия, шувоқ турлари, шўрак ва бошқалар) ёқтирса қолганлари тоғлик, тошли ерларни ва шағалли (қизилча, корақовуқ ва бошқалар) ёки кишилар яшайдиган жойларга яқин ва ифлос жойларни (мингдевона, бандидевона ва бошқалар) ерларда яхши тараққий қиласди. Баъзи ўсимликлар намликни ёқтирса (дала қирқбўғими, оққалдирмоқ, валериана, сарик нуфар, игир, ботқоқ ледуми, мениантес ва бошқалар), бошқалари аксинча қуруқ чўлларда, қирларда (аччиқмия, афсонак, исириқ ва бошқалар) ўсади. Агар ангишвонагулни ўсиш даврида меъёридан ортиқ суғорилса, унинг

таркибидаги юрак гликозидлари кам синтезланади, худди шундай намлик кўп бўлса, дармана шувоқ тарақкий этмайди.

Иссиқлик ва ёруғлик ҳам ҳамма ўсимликларга бир хил миқдорда керак эмас. Женшень ўсимлиги ўрмонларнинг (тайгани) чириндиси кўп, нам, салқин ва ёруғлик кам бўлган ерларида яхши тарақкий этади, ангишвонагул эса ёруғлик, куёш нури кўп бўлса, юрак гликозидларини яхши синтез қиласди. Кўпчилик эфир мойи сақловчи ўсимликлар иссиқ ва ёруғликни севади. Шунинг учун жанубий туманларнинг флораси таркибида эфир мойи сақловчи ўсимликлар кўп бўлади ва уларнинг эфир мойлари хидининг яхшилиги билан фарқланади. Аксинча, баъзи ўсимликлар (родиола, левзея ва бошқалар) салқин ерда, тоғли туманларда яхши ўсади.

Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Шуни яхши билиш керакки, ҳар бир ўсимлик ўзини ўрганган, яшаб тарақкий этадиган ўзига хос шароит ва иқлимда ўсса, тегишли ўзига хос бўлган биологик фаол моддаларни кўп синтез қиласди. Юқорида келтирилган ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва улар таркибидаги доривор моддаларнинг синтези ва тўпланишига ташқи муҳит (намлик, иссиқлик, ёруғлик, тупроқ таркиби, ўсиш жойи ва бошқалар) таъсирини билишнинг катта аҳамияти бор ва бу ҳоллар доривор ўсимликларни табиий шароитдан плантацияларда ўстиришга ўтқазилганда ҳисобга олиниши зарурдир. Ҳар бир ўсимлик учун уни плантацияларда ўстирилганда ўзига хос шароит ва иқлимни иложи борича туғдириш лозим.

Ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларни кўп тўпланиш вақти яна ўсимликни ўсиш даврига ҳам боғлиқдир. Кўпчилик ўсимликларнинг ер устки қисми ва барглари таркибида асосий таъсир қилувчи биологик фаол моддалар уларнинг гуллашидан олдин ва гуллаш даврида, гулларда — уларнинг қийғос гуллаган вақтида, мева ва уруғларда — улар тўлиқ етилганида, ер остки органларда — ўсимлик вегетация даврини (онтогенезни) охирида (кеч кузда) кўп миқдорда тўпланади.

Баъзи доривор маҳсулотлар таркибидаги асосий доривор моддасини максимал тўпланиши юқорида келтирилган даврга тўғри келмаслиги мумкин. Баъзи бир алкалоидлар ўсимлик энди кўкариб, илдизолди барг чиқараётган даврида максимал миқдорда тўпланиб, сўнгра аста-секин камайиши ва ўсимликнинг гуллаш вақтида бошқа бирикмаларга айланиб кетиши аниқланган. Бундай ўзгаришлар фақат алкалоидларгагина хос бўлмай, балки бошқа биологик фаол моддаларда ҳам юз бериши мумкин. Дармана шувоқ ўсимлигининг гули гуллаган даврида эмас, аксинча уларнинг очилмаган — ғунча ҳолатида йифилади. Чунки таъсир этувчи биологик фаол моддаси — сантонин ғунчасида максимал тўпланиб, гуллай бошлаганида кескин камайиб кетади.

Доривор маҳсулотларни тайёрлашда юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, керакли вақтида йифилса, таркибидаги асосий таъсир килувчи моддалар етарли миқдорда бўлиб, маҳсулот эса юқори сифатли бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, ўсимликларнинг кимёвий таркиби жуда ҳам мураккаб бўлиб, турли органик ва минерал моддалардан ташкил топган. Уларнинг ҳаммаси доривор бўлмайди ва касалликларни даволашда шифобахш таъсир қўрсатмайди. Айримлари эса дори турларини тайёрлашда халақит беради, доривор маҳсулотни сақлаш вақтида уларнинг сифатини бузилишига олиб келади ёки асосий таъсир этувчи кимёвий бирикмаларни тез парчаланишга сабабчи бўлади.

Доривор ўсимликларнинг асосий таъсир этувчи биологик фаол моддалари

Доривор маҳсулот таркибida касалликларни даволовчи терапевтик аҳамиятга эга бўлган биологик фаол моддалари бўлгани сабабли у тиббиётда ва фармацияда ишлатилади. Ўсимликнинг терапевтик аҳамияти бўлган шифобахш биологик фаол кимёвий бирикмалари **асосий таъсир этувчи**

моддалари деб аталади. Бу моддалар кўпинча айрим ўсимликларга хос бўлган алкалоидлар (белладонна, бангидевона, мингдевона, скополия турларига хос атропин, гиосциамин, скопаламин), гликозидлар (ангишвонагул, строфант, адонис, марваридгул, эризимум ўсимликларига хос юрак гликозидлари, раъногулдошларга хос амигдалин, карамдошларга хос синигрин ва бошқа изотиоциантлар), кумаринлар, эфир мойлари, флавоноидлар, витаминлар, лигнанлар, ошловчи ва бошқа моддалар сифатида учрайди.

ОДДИЙ КАНАКУНЖУТ — RICINUS COMMUNIS L.

Оддий канакунжут — **Ricinus communis L.** сутламадошлар — **Euphorbiaceae** оиласига киради.

Бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 2 м га етади. Пояси шохланган. Барги йирик, туксиз, 5—11 бармоқсимон бўлакли бўлиб, барг пластинкасининг марказига ўрнашган узун банди билан пояда кетма-кет жойлашган. Барг бўлакчалари чўзиқ тухумсимон, чети тишсимон қиррали. Гуллари шингилга тўпланган. Гули кўримсиз, бир жинсли, гулқўргони оддий, оналик гуллари шингилнинг юқори қисмига, оталик гуллари эса пастки қисмига жойлашган. Меваси уч уруғли, уч чаноқли, тикан билан қопланган кўсак. Кўсак пишганда ёрилади ва уруғлари сочилиб кетади.

Июнь-сентябрь ойларида гуллайди, меваси июль-октябрда етилади.

Географик тарқалиши. Ватани тропик Африка. Тропик зонада ўсадиган канакунжут кўп йиллик бўлиб, пояси ёғочланган, бўйи 10 м га етади.

Канақунжут бир йиллик ўт ўсимлик сифатида Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ, Украинанинг жанубий қисмида ва Волга бўйида экилади.

Уруғнинг ташқи кўриниши. Уруғ тухумсимон бўлиб, ялтироқ, қаттиқ, мўрт, гулдор пўст билан қопланган. Пўсти кулранг ёки оч қўнғир рангли бўлиб, қизил-қўнғир доғ, нуқта ва чизиқлари бор. Уруғ учida кичкина

ок карункула-урұғ үсімтаси бўлади. 1000 дона уруғнинг оғирлиги 800 г келади.

Канакунжутнинг йирик ва майда уруғли навлари бўлиб, улар уруғларининг катта-кичиклиги, оғирлиги, шингилда қўплиги ва уруғ таркибида мойнинг кўп ёки оз микдорда бўлиши билан бир-биридан фарқ қиласи. Йиригининг уруғи 15—22 мм, майдасининг уруғи эса 5—7 мм узунликда бўлади.

Уруғ яхши пишмаган (пўстининг усти ялтироқ бўлмаса), эзилган ёки карункуласи тушиб кетган бўлса, сифатсиз ҳисобланади. Кўп туриб қолган уруғда эса карункула бўлмайди.

Канакунжут уруғи заҳарли бўлгани сабабли тиббиётда ишлатилмайди. У фақат мой олинадиган маҳсулот сифатида хизмат қиласи.

Кимёвий таркиби. Уруғ таркибида 40—56% қуримайдиган мой, 14—17% оқсил моддалар, 0,1—1% рицинин ва никотин алкалоидлари, 18—19% клетчатка, липаза ферменти, кучли заҳарли оқсил модда — рицин ва бошқа моддалар бўлади.

Рицин ўз таркибида 17 та аминокислота сақлайдиган оқсил модда бўлиб, молекула оғирлиги 36000—77000 га teng. Ўзига хос дисульфид боғланишга эга 2 та полипептид (биринчисининг таркибига аланин ва изолейцин, иккинчисининг таркибига аланин-фенилаланин ва серин киради) бирикмаларининг рицин таркибида учраши ўта даражада заҳарли бўлишининг сабабчисидир.

Тиббиётда ишлатиладиган канакунжут мойи уруғдан совуқ пресслаш усули билан олинади. Мойдаги заҳарли модда — рицинни парчалаш учун ундан иссиқ сув буғи ўтказилади.

Канакунжут мойи сарғиши тиниқ куюқ суюқлик бўлиб, ҳиди ва мазаси ёқимсиз. У спиртда яхши эрийди (бошқа мойлардан фарқи). Мой — 10—18°C ҳароратда қотади.

Мойнинг зичлиги 0,948—0,968, рефракция сони 1,475—1,480, совунланиш сони 176—186 ва йод сони 82—88, кислота сони 1,5 дан юқори бўлмаслиги керак.

Мой 80—85 % рицинол (оксиолеин) кислота глицеридларидан ташкил топган. Унинг таркибида яна стеарин, олеин, линол ва диоксистеарин кислоталарининг глицеридлари учрайди.

Канакунжут уруғининг кунжараси заҳарли. Ундан азот сақловчи ўғит сифатида фойдаланилади.

Ишлатилиши. Канакунжут мойи тиббиётда энг яхши сурги дори сифатида ишлатилади, шунингдек, гинекологияда ҳамда кўз касалликлари, яралар, тананинг куйган ерини, лейшманиоз ва бошқа тери касалликларини даволашда қўлланилади. Канакунжут мойи соч ўсишига ёрдам беради.

Канақунжут мойи паст босимда, 240—300°C иссиқликда қиздирилса, таркибидаги рицинол кислота парчаланиб, гептальдегид этантол ва ундецилен кислота ҳосил қиласи.

Ҳосил бўлган ундецилен кислота фунгицид (паразит замбуруғларни ўлдирадиган) хоссага эга бўлганидан тери касалликлари — дерматозлар ҳамда псориаз касалликларини даволашда қўлланилади.

Доривор препаратлари. Канакунжут мойи, мой эмульсияси, уруғдан тайёрланган паста ва ундецилен кислотадан тайёрланган суртма. Ундецилен кислота тери касалликлари — дерматозлар ва псориазни даволашда ишлатиладиган „Цинкундан“ ва „ундецин“ суртмалари ҳамда „дустундан“ кукуни (порошоги) таркибига киради. Бундан ташқари, мой Вишневский суртмаси ва эластик колодий таркибига ҳам киради.

Мой совун олишда, техникада эса моторларни мойлашда, пластмасса, линолеум, ҳамда бошқа материаллар тайёрлашда ишлатилади.

Канақунжут мойининг паст ҳароратда қотиши, спиртда эриши, нихоятда ёпишқоқлиги ҳамда сурги хусусияти унинг таркибида оксиолеин — рицинол кислота борлигига боғлиқ. Мой юқори ҳароратда қиздирилса, рицинол кислота гидроксил гурухини, мой эса юқорида айтиб ўтилган

хоссаларини йўқотади. Шу сабабдан мойини овқатга ишлатиш учун канакунжут Хитойда ва Ҳиндистонда кўп экилади.

Канакунжутни ўстириш технологияси

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида ўсадиган канакунжут бўйи 2 метрга етадиган ўт тариқасидаги бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ўзининг ватанида кўп йиллик, бўйи 10 метрга етадиган дараҳт, Euphorbiaceae оиласига мансуб. Совуқقا жуда чидамсиз, табиий ҳолатда тропик ва субтропикларда (Африка ва Осиё) ўсади.

Қадимги Мисрда милоддан аввал 7- асрда ҳам маълум бўлиши аниқланган. Иссиқсевар бўлгани учун майсалари — 1°C да, катта ўсимликлар эса —3—4°C совуқда нобуд бўлади. Канакунжутни Республикализнинг жанубий вилоятларида ва самарадорлик ҳарорати юқори, сув етарли бўлган ерларга ўстириш мақсадга мувофиқдир.

Унинг ўсиш даври 120—150 кун. Ўзбекистонда асосан „Херсонская-10“ нави экилади.

Канакунжутни кузги дон экинларидан бўшаган ерларга экиш тавсия этилади. Канакунжутни экиш учун ерларни кузда 27—30 см чуқур ҳайдаб шудгор қилиб қўйилади. Шудгор олдидан гектар ҳисобига 10—15 тонна чириган гўнг ва 50—60 кг фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилади. Эрта баҳорда ерлар бороналанади ва 1—2 марта культивация қилинади. Тупроқ ҳарорати 10—12°C гача исиганда экиш мумкин. Бу муддат апрель ойларининг бошларига тўғри келади. Экишдан олдин уруғи ТМТД нинг 80%ли эритмаси билан ишланади (4 кг/т). Уни кенг қаторлаб экилади. Қатор оралари 70 см, экиш схемаси 70 x 20 см, уруғ СУПН-8, СПЧ-6 МФ ёки маккажўхори ва чигит экиладиган сеялкаларда гектарига 50—80 минг дона унувчан уруғ экилади. Ўсимлик туп сони 30—40 минг/га, кам шохланадиган навлари учун 50—60 минг/га. Экиш чуқурлиги 6—8 см бўлиши лозим.

Бегона ўтларга қарши экишдан олдин 2,4 Д 500 (1,6—2,0 л/га) билан ишланади. Майсаланиш бошланганида қатор ораларига ишлов берилади ва 2—3 марта сугорилади. Гуллаш ва мевалаш фазасида икки марта сугорилади. Ўсимликда 4—5та чин барг ривожланганда асосий поя ва ва ён шохларининг учлари чилпилади. Бу ўсимликнинг яхши ривожланишини тезлаштиради. Канакунжутни ўсув даврида 2—3 марта ўғитланади. Биринчи ўғитлаш униб чиққандан кейин гектарига 40 кг дан азот ва 20 кг калий ўғити билан ўғитлагич культиваторлар билан ўғитланади. Иккинчи ва учинчи марта озиқлантириш гуллаш ва мева ҳосил қилиш даврида 50—60 кг азот, 20 кг фосфор ва 30 кг калий ўғити билан озиқлантиришни тавсия қилинади. Канакунжутни озиқлантириш сугоришдан олдин амалга оширилади. Умуман вегетация давомида 90—100 кг азот, 70 кг фосфор ва 50 кг дан калий ўғитини қўллаш унинг ўсиши, ривожланиши тезлашади ва ҳосилдорлиги юқори бўлади. Ўсимликни бир вақтда етилиши учун уни дефолляция қилинади. Барглари 8—10 кундан кейин қурийди ва тўкилади. Ўзбекистоннинг иқлими шароитида канакунжутни сунъий равишда баргини тўқмаса ҳам у яхши етилади.

Маҳсулот тайёрлаш. Унинг ҳосилини ККС-6, ККС-9 комбайнлари ёрдамида йигилади ёки шингиллари кесиб олинади, қуритилади, ёрилади ва дон тозалаш машиналарида тозаланади. Сақланадиган уруғларнинг намлиги 8% дан ошмаслиги лозим. Бизнинг шароитимизда ҳар гектар сугориладиган ерлардан 20—25 центнердан ҳосил олиш мумкин.

ТУКЛИ ЭРВА (ПОЛ-ПОЛА) — *Aerva lanata* Juss. A.

Тукли эрва (пол-пола) — *Aerva lanata* juss. A. мачиндошлар (тожихўроздошлар) — *Amaganthaceae* оиласига киради.

Кўп йиллик, шохланган ва бўйи 55—70 см га етадиган ўт ўсимлик. Барглари ланцетсимон, овалсимон ёки эллипссимон, текис қиррали бўлиб, қисқа банди ёрдамида поя ва шохларда қарама-қарши жойлашган. Гуллари

майда, оч яшил рангли бўлиб, қисқа бошоқсимон гултўпламига ўрнашган. Уруғи ялтироқ, қора рангли.

Ўсимликнинг ҳамма қисми сертукли, кулрангда.

Географик тарқалиши. Ҳиндистон, Филиппин, Янги Гвинея ва бошқа Осиё ва Африканинг тропик туманларидағи қумли ерларда, чўлларда ва буталар орасида ўсади.

Ўзбекистонда тукли эрва бир йиллик ўт ўсимлик сифатида ўстирилади.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик гуллаган даврида ер устки қисми ўриб олинади ва 3—4 см қалинликда соя ерда бирор нарса (фанер тахта, брезент, мато ва бошқалар) устига ёйиб қуритилади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Маҳсулот поя, барглар ва гул тўпламларидан ташкил топган. Барглари тухумсимон ёки эллипссимон, текис киррали, ўткир ёки тўмтоқ учли, узунлиги 2—3 см гача, эни 0,5—1,5 см, сертукли. Гул тўплами сертукли, бошоқсимон. Гуллари майда, оч яшил, гултевараги 2—5 бўлакли бўлиб, учта гулолди баргчалари билан ўралган. Барглари, пояси ва гултўплами сертукли, кулранг-яшил, ҳиди — кучсиз, ёқимли, аччиқ мазали.

Маҳсулот намлиги 7% дан, умумий қули 13% дан, хлорид кислотанинг 10% ли эритмасида эримайдиган қули 8% дан, қорайган қисмлари 7% дан, органик аралашмалар 1,5% дан ва минерал аралашмалар 1% дан кўп ҳамда маҳсулот таркибидаги флавоноидлар йиғиндисининг микдори рутин бўйича 0,5% дан кам бўлмаслиги лозим.

Майдаланган маҳсулот учун 7 мм дан йирик бўлган бўлакчалар 10% дан ва тешигининг диаметри 1 мм ли элакдан ўтадиган майда қисмлар 10% дан ошиқ бўлмаслиги лозим.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибida флавоноидлар (асосан рутин), эфир мойи ва бошқа бирикмалар бўлади.

Ишлатилиши. Маҳсулот сийдик ҳайдаш ва спазмолитик таъсирга эга. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

тукли эрва дамламасини республика худудида тиббиёт амалиётида спазмолитик ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатишга рухсат берган.

Доривор препаратлари. Тукли эрва ер устки қисмининг дамламаси.

Тукли Эрва ўсимлигини ўстириш технологияси

Тукли Эрва Африка, Осиё, Филиппин ва Янги Гвинеяning тропик ва субтропик мамлакатларида табиий шароитда ўсадиган кўп йиллик бегона ўт. Ўзбекистонда эса бир йиллик ўт ўсимлиги ҳисобланади. Ундан хомашё олиш учун барча тупроқларда экиш мумкин. Агар тукли эрвадан уруғ олинадиган бўлса бош ўсимликларни албатта теплицаларда сабзавотларга ўхшатиб иссиқхоналарда ўстириб кўчат қилиб ҳам ўтказилади.

Ўсимликдан кўчат етишириш учун март ойларининг бошларида иссиқхоналарда тахтакутиларда 20—25 даража ҳароратда уруғ экиласди. Уруғ 1 м² ерга 0,5 г сарфланиб, 1—2 мм чуқурликда қадалади. Уруғлар униб чиққунча тупроқнинг юзасини нам ҳолатда сақланишни тавсия қилинади. Уруғ экилгандан кейин майсалар 7—8 кунда униб чиқади.

Ўсимлик 4—5 марта чин барг чиқарганда кўчатлар далага олиб чиқиб пушталарга экиласди.

Пушталар 60 см оралиқда олиниб, кўчатлар бир-биридан 15—20 см масофада экиласди. Ҳар бир уяга 1—2 та ўсимлик жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўртacha ҳар бир гектар майдонга 70—75 минг кўчат сарфланади.

Ўзбекистоннинг тупроқ иқлим шароитида тукли эрвани очиқ майдонларда уруғини экиб юқори ҳосил етишириш мумкин. Ўсимлик экиласдиган ерларни кузда маҳаллий ўғит ва фосфор ўғитлари билан озиқлантириб 25—27 см чуқурликда ҳайдаш керак. Эрта баҳорда ерларни бегона ўтлардан тозалаб, культивация, борона ва мола бостириб тупроқни майин ҳолатга келтиришни тавсия қиласмиз.

Тукли эрвани уруғи жуда майда бўлганлиги учун гектарига 1 кг уруғни қум, кул ва органик қолдиқларга аралаштириб апрель ойида тупроқнинг юза қисмига экилади. Жўяклар олиниб, қатор оралари жилдиратиб суғорилади.

Майсалар кўкариб чиққанга қадар тупроқнинг юзаси нам ҳолатда сақланиб туради.

Тупроқ ҳарорати 18—20°C га етганда 10—12 кунда майсалар униб чиқади. Майсалар жуда нозик бўлганлиги сабабли 3—5 чин барг чиқарганда уни кўмиб юбормаслик учун эҳтиёткорлик билан парваришни бошлаш керак. Қатор оралари кетмон билан ўтоқ қилинади, бегона ўтлардан тозаланади ва ҳар 2—3 марта суғорилгандан кейин оралари культивация қилинади. Ҳар 10 см оралиқда 1—2 тадан ўсимлик қолдириб, ягана қилинади. Ўсимликни вегетация давомида 8—10 марта суғорилади. Тукли эрвани биринчи озиқлантириш майсалар униб чиққандан кейин гектар ҳисобига 40 кг дан азот, 30 кг дан калий беришни тавсия қилинади.

Ўсимлик озиқа элементларига талабчан бўлганлиги сабабли иккинчи озиқлантиришни шоналаш фазасида 30 кг азот ва 40 кг фосфор ўғити берилади.

Тукли эрва гуллаш фазасида жуда кўп озиқа моддаларни, айниқса калий ўғитига талабчан бўлади.

Шуларни эътиборга олиб охирги ўғитлашда гектар ҳисобига 30 кг азот ва 20 кг дан калий ўғити билан озиқлантирилади.

Озиқлантириш ҳар бир суғориш олдидан амалга оширилиши керак.

Махсулот тайёрлаш. Ўсимликнинг ер устки қисми қийғоч гуллаш — уруғ пишиш даврида ўроқ, ўриш ускуналари, силос ўрадиган агрегатлар билан йифиб олинади. Йигилган хомашё хўл ҳолатда 1—1,5 см узунлиқда қирқилиб қуритилади. Кўчат қилиб экилган ўсимликнинг уруғлари тоза пишган даврида (ноябрь ойларида) йигилади ва хирмонга олиб бориб 1—2 ҳафта қуритилади ва янчилиб қопларга жойлаштирилади.

ҚОВОҚ — CUCURBITA

Қовоқ — **Cucurbita**, сапча қовоқ (оддий қовоқ) — **Cucurbita pepo L.**; ўрис қовоқ (йирик қовоқ, картошка қовоқ) — **Cucurbita maxima Duch.**; ош қовоқ (ойим қовоқ) — **Cucurbita moschata Duch.**; қовоқдошлар — **Cucurbitaceae** оиласига киради.

Қовоқ турлари бир йиллик, поясининг узунлиги 4—5 м га етадиган ўт ўсимлиқ. Пояси қиррали, дағал тукли, жингалаклари ёрдамида осилиб ўсади. Барги жуда ҳам йирик, юраксимон, чуқур 5 бўлакли, дағал тукли бўлиб, пояда узун банди ёрдамида кетма-кет жойлашган. Гуллари сариқ рангли, ёқимли ҳидли, бир жинсли, эркак гуллари барг қўлтифида тўп-тўп бўлиб, урғочи гуллари эса якка-якка ҳолда жойлашган. Гулкосачаси қўнғироқсимон, 5 бўлакли, гултожиси воронкасимон-қўнғироқсимон, беш бўлакли. Оталиги 5 та, оналик тугуни 3 хонали, пастга жойлашган. Меваси — йирик, кўп уруғли, серэт ва ширали, турли рангдаги ва шаклдаги ҳўл мева. Уруғи оқ рангли, япалоқ эллипссимон бўлади.

Июнь ойидан бошлаб гуллайди, меваси август-октябрда пишади.

Географик тарқалиши. Ватани Мексика. Кўпчилик туманларда полиз экини сифатида ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот тозаланган уруғдан иборат. Қовоқ уруғи оқ рангли, япалоқ-эллипссимон, бир томонга бир оз торайган, узунлиги 1,5—3,5 см, эни 0,8—1,4 см га teng. Уруғ 2 қават пўст билан қопланган: ташқи томондаги оқ рангли ёғочланган ва ички томондаги яшил-кулранг тусли пардасимон қаватлардан иборат. Маҳсулот ёқимли мазага эга.

XI ДФ га кўра уруғ намлиги 13%, умумий қули 5%, мева тевараги ва қовоқнинг юмшоқ қисмининг қуриган қолдиқлари 0,2%, ичи бўш (магизиз) ва заарланган уруғлар 2%, органик аралашмалар 0,5% ва минерал аралашмалар 0,1% дан ошиқ бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Қовоқ уруғи таркибидә 50% гача ёғ, витамин С ва B₁, органик кислоталар, каротиноидлар ва бошқа моддалар бўлади. Мевасининг этли қисми таркибидә қандлар (4—11%), витамин C, B₁ ва B₂ 16 мг % гача каротиноидлар, никотин кислота ва бошқа бирикмалар бор.

Ишлатилиши. Тиббиётда қовоқ уруғи лентасимон (баъзан юмалок) гижжаларни ҳайдаш учун ишлатилади.

Қовоқ меваси сийдик ҳайдаш таъсирига эга. Шу билан бир қаторда у организмдан хлор тузларини чиқиб кетишини тезлаштиради. Шунинг учун ҳам мевасининг юмшоқ қисми жигар ва буйрак касалликларини даволашда қўлланилади.

Қовоқ мевасидан олинган каротиннинг ёғли эритмаси терининг баъзи сурункали касалликларини (экзема, қийин битадиган яралар), йирингли яра, куйган ва совуқ олган ерларни ҳамда шиллиқ парданинг заарарланган ерларини даволашда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Қовоқнинг тозаланган уруғи (бутун ёки кукун (порошок) ҳолида, уруғдан тайёрланган қайнатма).

Қовоқ мевасининг этли қисмидан каротин олинади. Каротиннинг ёғдаги эритмаси (эмульсия ҳолида ишлатилади).

Гижжаларни тушириш учун 300 г (болалар учун 3—4 ёшгача 75 г, 5—7 ёшгача 100 г, 10—12 ёшгача 150 г) қовоқ уруғини ховончада эзиб, 50—100 г асал ёки мураббо билан аралаштириб эрталаб наҳорда (овқат емасдан олдин) истеъмол қилинади. Беморга 3 соатдан кейин тузли сурги дори берилади ва яrim соат ўтгандан кейин клизма қилинади. Сўнгра овқат истеъмол қилишга рухсат этилади.

Қовоқ уруғи қайнатмасини тайёрлаш учун 500 г тозаланган ва ховончада эзилган уруғга 1000 г (5 стакан) сув қўшиб, сув ҳаммоми устида 2 соат давомида қиздирилади (қайнамаслиги лозим). Қайнатмани дока орқали сузилади, устидан мой пардасини олиб ташлаб, 20—30 дақиқа давомида ҳаммаси истеъмол қилинади, 2 соат ўтгач тузли сурги берилади.

Қовоқни ўстириш технологияси

Ерни танлаш-тайёрлаш. Полиз әкинларини экишга тайёргарлик күришда кузги шудгор мұхим ўрин тутади. Полиз әкинларини экишда тупроқнинг механик ва кимёвий таркиби, унумдорлиги мұхим аҳамиятта эга. Полиз әкинлари ҳаво ва намликтин яхши ўтказадиган ғовак тупроқларда органик ва маъдан ўғитларга бой бўлган ерларда юқори ҳосил беради. Янги ўзлаштирилган қўриқ ва бўз ерларда ҳам полиз әкинларидан юқори ҳосил олинади.

Кузда ерни 30—35 см чуқурлиқда ҳайдаш учун тўрт корпусли ПЛЧ-4-35 осма плуг ёки 40 см чуқурлиқда ҳайдаш учун кўп ярусли 4 корпусли чуқур ҳайдагич ПД-4-35 плуглардан фойдаланилади.

Кузда ерни шудгор қилгунча далани юмшатишдан олдин ВКС-1,8 машинаси ёрдамида кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизлари тирмалаб ийғишиширилади. Сўнгра ГН-2,8 русумли грейдер яъни текислагич ёрдамида бузилган эгатлар ва пушталар текисланади.

Ёмғирдан кейинги намликтин сақлаб қолиш учун баҳорда ерни 6—8 см чуқурлиқда юмшатилади.

ЧКУ-4 русумли қультиватор билан уруғларни экишдан олдин ерни 18—20 см чуқурлиқда чизел қилинади. Агарда ер нотекис бўлса, у ҳолда далани ВП-8 русумли грейдер ёрдамида текисланади.

Ўғитлаш. Қовоқ экиладиган бўз тупроқли ерларга соф ҳолдаги азотдан 100—150, фосфордан 100—150, калийдан 50 кг/га, ўтлоқи тупроқларга азотдан 80—100, фосфордан 100—120 ва калийдан 50—60 кг/га ҳамда ҳар гектар майдонга 15—20 т дан гўнг ёки компост солинади. Фосфорнинг йиллик меъерини 75% и, гўнг ва калий ўғитининг ҳаммаси кузги шудгордан олдин, азотли ўғитнинг 50% и экишдан ёки экиш билан биргалиқда, қолган 50% и эса ўсимликлар 3—4 та чин барг ҳосил қилганда солинади.

Уруғни тайёрлаш. Уруғларни ивitiшдан олдин 3—5% ли ош тузи эритмасига солиб унда чўкканларини ажратиб олиниб тоза сувда ювилади. Сўнгра бу уруғларни 8—10 соат давомида илиқ сувда ивitiлади. Вақти вақти билан ивitiлаётган уруғларни аралаштириб турилади.

Экиш. Қовоқ урганини ҳаво ҳарорати 12—15°C га етганда 5—7 см чуқурликка СБУ-2-4А полиз сеялкасининг иккита экиш агрегати ёрдамида экилади.

Қовоқни ҳамма навлари жанубда 20 апрель-10 май; марказий минтақаларда 25—30 апрель; шимолий минтақаларда 25—30 апрелда экилади.

Қовоқ қўшқаторли лентасимон ва бир қаторли 180 x 90 см усулида экилади.

Юқоридаги усулларда экилган ҳар гектар майдонда 5—5,5 минг туп қовоқ ўсимликлари жойлашади.

Полиз экинларини парвариш қилишда Т-28 x 4 М, барча турдаги „Белорусь“, ТТЗ-100КХ, Жаҳонгир ва бошқа русумдаги тўрт ғилдиракли тракторлар, ҳосилни йиғиш жараёнида эса 2 ПТС-4-793 А русумли прицеплардан фойдаланилади.

Парвариш қилиш. Уруғлар экилгандан кейин баҳор ёмғири таъсирида ҳосил бўлган қатқалоқни МВН-2,8 ёки МВХ-5,4 русумли ротацион мотигалар ёрдамида юмшатилади.

Нихоллар униб чиққандан кейинги ҳосил бўлган қатқалоқни эса КРХ-3,6; КНБ-5,4 культиваторлари ёки МУБ-5,4 русумли машинасига осилган ротацион юлдузчалар ёрдамида юмшатилади.

Биринчи чин барг ҳосил бўлгандан сўнг ҳар битта уяда 2 таданnihol қолдириб биринчи ягана ўтқазилади. Мабодо туплар оралиғида хато бўлса, бу уяларга ивitiлиб нишлаган уруғлардан экилади. Қовоқ 3—4 тадан чин барг ҳосил қилган даврда ҳар бир уяда биттадан ўсимлик қолдирилиб иккинчи ягана ўтқазилади. Яганалаш вақтида ўсимликлар шикастланмасликлари учун керак бўлмаган ўсимликлар кесиб олиб

ташланади. Яганалаш билан бир вақтда бегона ўтлар чопиқ қилиниб юмшатилади, яъни бир вақтнинг ўзида ер юмшатилади. Орадан 25—30 кун ўтгач, яъни ўсимликлар гуллаш даврига яқинлашганда иккинчи чопиқ ўтказилади.

Қовоқ уруғлари қийгос униб чиқиши билан қатор оралари юмшатилади.

Ер ости сувлари чукур жойлашган далаларда суғориш ўтказилгунга қадар бир марта, ер ости сувлари яқин жойлашган майдонларда эса икки марта қатор оралари юмшатилади. Ҳар гал суғорилгандан кейин ер обитобига етгач культивация қилинади. Жами бўлиб ўсув даврида 4—5 марта культивация қилинади. Суғориш учун эгатлар КРХ-3,6; КРХ-4,2; КРН-5,6 ёки КНБ-5,4 культиваторлари ёрдамида олинади.

Қовоқ намликка нисбатан ўртacha талабчан ўсимликлардан ҳисобланади. Одатда қовоқни эгатлаш орқали суғориб парвариш қилинади. Бунда эгатларни 22—24 см чуқурликда уруғларни экиш билан бир вақтда олинади. Эгатларни бундай чуқурликда қирқилиши ўсимликлар илдизлари атрофида намликнинг етарли миқдорда тўпланишини таъминлайди.

Қовоқнинг илдизлари жойлашган тупроқни ҳар доим нам, палаклари жойлашган қатламини эса қуруқ бўлишига эътибор бериш лозим.

Қовоқ ўсимлигининг барглари катта, новдалари узун (5—7 м) бўлгани учун сувни жуда кўп талаб қиласди. Шунинг учун ҳам тупроқ намлиги 80% дан кам бўлмаслиги лозим.

Касалликлар ва зааркунандаларга қарши курашиш.

Мамлакатимизда полиз экинлари кўпинча фузариоз сўлиш ва ун шудринг касалликларига учрайдилар. Бу экинларга зааркунандалардан полиз бити, ўргимчаккан, қузги ва бошқа тунламлар кўпроқ зарар келтирадилар. Касалликларга қарши қуидаги тадбирлар амалга оширилади.

1. Фузариоз касаллигининг олдини олиш учун касалликка чидамли навларни экиш, уруғчиликни соғлом ўсимликларнинг 2- теримидан олиш,

даладаги касалланган ўсимликларнинг қолдиқларини йўқотиш, қовоқни бедадан ёки пиёздан бўшаган ерларга экиш.

Ун шудринг касаллигининг олдини олиш учун чидамли навларини танлаш яхши натижа беради.

Касалликка карши курашиш учун ўсимликка олтингугуртнинг 0,5—1,0% ли коллоид эритмасини ёки ИСО (олтингугурт-оҳак қайнатмасини сепиш, каратаннинг 20% намланадиган кукунини (НК) пуркашади (0,8—1,0 кг/га).

Маҳсулот тайёрлаш. Пишган қовоқ мевасини ёриб, уруғи ажритиб олинади.

АМАРАНТ — AMARANTHUS

Амарант — **Amaranthus** амарантдошлар — **Amaranthaceae** оиласига киради.

Бўйи 2—3 метр келадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Поясининг йўғонлиги 8—10 сантиметр, барги чўзиқ ва эллипссимон бўлиб, пояга узун банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз бўлиб, йирик яrim метргача борадиган супургисимон гул тўпламини ҳосил қилади.

Уруғи майда шарсимон қўнғир ёки сариқ рангла бўлиб, 1000 донасининг вазни 0,4—0,6 грамм келади. Бир туп ўсимлик 0,5 килограммгacha уруғ бериши мумкин. Уруғининг ости ялтироқ бўлади.

Июнь ойида гуллайди, уруғи июлда етилади.

Географик тарқалиши. Амарант Америка, Европа, Африка, Осиё ва Россия вилоятларида ўстирилади. Ўзбекистон флорасида ҳам бир авлоди ва 10 тури ўсади. Манзарали ўсимлик сифатида гултожихўроз (**Celasia** ва **Comfrena**) кўп тарқалган.

Маҳсулот тайёрлаш. Уруғи етилгандан сўнг ўсимлик ўриб олиб қуритилади, сўнгра майдаланади ва элаб уруғи олинади.

Кимёвий таркиби. Амарантнинг баргидаги 30 фоизгача оқсил модда ва 270—350 мг/кг коратин тутади. Уларнинг таркибидаги рибофловин, поливитаминалар аскорбин кислота, К, Е, Д ва бошқа витаминалар бор.

Амарант уруғи таркибидаги 18—20 фоиз оқсил, 8—9 фоиз мойда 65—75 фоиз углеводлар бўлади.

Ишлатилиши. Амарант мойи меъда ва ичак яраларини даволаш хусусиятига эга бўлиб, тери касалликлари, қирқилган яраларни битишини тезлаштириш учун ва нур касаллиги билан оғриган bemorlarни даволашда қўлланилади. Унинг мойи облениха мойидан қолишмайди ва бир қатор касалликларни даволашда ишлатилиб келинмоқда. Амарантнинг уруғи тиббиётда рак касаллигидан ҳосил бўлган хавфли ўсмалар ўсишини олдини олиш ва сўрилиб кетишига ёрдам беради.

Амарант ўсимлигининг агротехникаси

Амарант иссиқсевар ва ёруғсевар ўсимлик ҳисобланади. Амарант ўсимлиги экиладиган майдонлар кузда 25—28 см чуқурликда хайдаб қўйилади. Ер ҳайдаш олдидан органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Эрта баҳорда ерлар текисланиб, бегона ўтлардан тозаланади. Амарантни экишни барқарор илиқ об-ҳавода (апрель-май ойларида), тупроқнинг уруғ тушган чуқурлиги 10—12 градусгача қизиган пайтда ўтказиш тавсия қилинади. Ўсимликни экишда шароит ва муддатларни тўғри белгилаш уруғларнинг қийғос униб чиқишини таъминловчи омил бўлиб ҳисобланади. Шуни кўзда тутиш лозимки, уруғ тушган тупроқда унинг униб чиқиши учун иссиқликдан ташқари етарли миқдорда намлик бўлиши керак. Амарантнинг уруғи қаттиқ парда билан қопланганлиги учун унга етарли миқдорда сув талаб қилинади. Шунинг учун уни оптималь муддатларда экилмаса ёки тупроқнинг юза (4 см гача) қатлами қуриб қолган бўлса, унда қуруқ иқлимли миңтақаларда майсаларнинг униб чиқиши кафолатланмайди. Амарантни экиш усувларини танлаш ҳосил миқдорига ва

унинг ривожланишига ижобий таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Амарантни қатор оралари юмшатиладиган экин турлари каби, қатор оралари 30, 45, 60 см эгатларга, уруғ олиш учун экиладиган майдонларда эса 70 см ли эгатлар олиб экилиши маъқул. Қатор оралари 60 см кенгликда бўлганда амарантни гектарига ўртача 1—2 кг уруғ экиш тавсия қилинади. Агар қатор оралари 45 см дан эгат олиниб экилса ўсимликнинг экиш нормаси 10—15% га кўпаяди. Уруғларни экишда намланган ғалвирдан ўтказилган кум, чириган гўнг, суперфосфат ва бошқа маҳсулотлардан уруғни тўлдирувчи сифатида улар 1 : 10 ёки 1 : 5 нисбатда фойдаланилади. Амарантни уруғини экиш учун сабзавот экадиган сеялкалардан фойдаланилади. Улар бир вақтда қатор оралари 60—70 см ли сугориладиган эгатларни тайёрлаб кетади. Ҳар бир метр масофада 25—30 та яхши ривожланган майсаларнинг мавжудлиги экишдаги энг яхши қалинлик ҳисобланади. Майсаларнинг бундай қалинлиги ўсимликни парвариш фазасида об-ҳаво шароитининг ноқулай келишида уларнинг мумкин қадар нобуд бўлишини ҳисобга олинганда ўрим-йигим даврига келиб ҳар бир метр узунликда 10—12 та яхши ривожланган ўсимлик қолади. Уруғликка экилган майдонларда ўсимликнинг қалинлиги 15—20% га кам бўлиши мумкин. Амарант экилган майдонларда қолдирилган кўчатлар гектаридан 600—700 центнер кўк масса ва 1—2 центнер уруғ етиштириш учун етарли ҳисобланади.

Амарант ўсимлигини парвариш қилиш мураккаб жараён бўлмасдан барча экиб ўстириладиган ўсимликларнинг агротехникасига ўхшаш. Ўсимликни экишдан кейин ерни юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш керак. Айниқса, ҳар қандай тупроққа ҳам баҳор ойларида қатқалок ҳосил бўлиши мумкин ва майсаларнинг пайдо бўлишини, уларнинг ривожланишини тенглаштиради. Шунинг учун қатқалоқни экишдан 4—6 кун кейин енгил юмшатгичлар ёрдамида ишлаш керак. Дастлабки 2—3 ҳафтада асосий эътиборни майсалар униб чиққандан кейин бегона ўтларни йўқотиш қатор ораларини юмшатиш ва ягана қилишга қаратмоқ керак. Ўсимликларни бўйи 10—15 см га етганда қатор ораларини ишлаш билан бирга уларнинг

ривожланишини тезлаштириш мақсадида гектар ҳисобига 40 кг дан азот ва 20 кг дан калий ўғити бериб, 5—6 см чуқурликда культивация ўтказилади. Иккинчи озиқлантириш ўсимликнинг бўйи 30—35 см га етганда гектарига 30 кг дан азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўсимликни озиқлантириш албатта сугоришдан олдин амалга оширилиши лозим. Ўсимлик озиқлантирилгандан ва сугорилгандан кейин унинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Охирги озиқлантиришни унинг бўйи 70—80 см га етганда азотли ва калийли ўғитлар бериш билан тугалланади. Мавсум давомида амарантни 6—7 марта сугорилади ва гектарига 95—105 кг азот, 70 кг фосфор, 50 кг калий ва ер ҳайдаш олдидан 15—20 тонна гўнг билан озиқлантирилади. Амарант ўсимлигини яшил массасини гуллаш фазасидан уруғларнинг сутли-мумли етилиш фазасига етгунча ўрила бошланади. Июль ойигача амарант ўсимлигини 2—3 марта ўриб олинади. Бу эса июль ойининг охирига келиб илдиз тизимидан янги ўт ўсиб чиқишини таъминлайди. Амарантнинг яшил массасида оқсил модаси кўп бўлганлиги учун чорвачиликда силос ва бошқа озиқаларни ишлаб чиқаришда кўпроқ ишлатилади.

КУНЖУТ — SESANUM INDICUM L.

Кунжут — *Sesamum indicum* L., кунжутсимонлар — *Pedaliaceae* оиласига киради.

Кунжут бўйи 60—100 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, тукли, яшил ёки қизгиш, 4—8 қиррали. Барги оддий текис қиррали бўлиб, турли шаклда: пастки қисмларидағи юмалоқроқ, юқори қисмидаги барглари эса ингичка. Ўрта қисмидагилари ланцетсимон ёки чўзиқ тухумсимон. Гули иирик, 1—3 баъзан бештадан барг қўлтиғида жойлашган. Гулкосачаси 5—8 бўлакли, гултоjisи 2 лабли. Меваси 4—8 хонали чаноқ. Июнь-июль ойларида гуллайди. Меваси август-сентябрда етилади.

Географик тарқалиши. Кунжутнинг ватани Жануби-ўарбий Африка. Ўрта Осиё республикаларида, Закавказия, Крим, Краснодарск ўлкасида, Украинада ва Молдавияда экилади.

Кимёвий таркиби. Кунжут уруғи таркибидаги 60% гача мой, Е витамини, фактор — Т, сезамин, сезамон, сезаманин ва бошқа моддалар бўлади. Кунжут мойи 3—6°C температурада қотадиган сариқ рангдаги суюқлик бўлиб, ярим қурувчи мойларга киради. Солиширма оғирлиги 0,9197—0,9260, рефракция сони 1,4731—1,4760, кислота сони 1,4—10, совунланиш сони 185,5—195, йод сони 103—116. Мой таркибидаги алеин, линол, павлетин, стеарин, арахин ва лигноцерин кислоталарининг глицириidlари учрайди.

Ишлатилиши. Кунжут мойи доривор моддаларини эритишда, суртма ва малҳамлар тайёрлашда ишлатилади. Кунжут мойи қондаги тромбоцитлар сонини оширади ва қон ивишини тезлаштиради. Шунинг учун ҳам у баъзан қон касалликларини даволашда қўлланилади. Кунжут мойи ва уруғи озиқовқат саноатида кўп ишлатилади.

Кунжутни етиштириш технологияси

Кунжут энг қимматли мойли экинлардан ҳисобланади. Унинг уруғида 48—63 фоиз мой, 16—19 фоиз оқсил ва 16—17 фоиз азотсиз моддалар мавжуд. Унинг ватани Африка бўлиб, Марказий Осиёга Ҳиндистондан келган. Ер юзида экин майдони 6,7 млн. га Ўзбекистонда ҳам кўп йиллардан бери экилиб келинмоқда.

Кунжут иссиқсевар, ёргусевар ўсимлик бўлиб, қисқа кунда ўсади. Ўзбекистонда „Тошкент-112“ нави экилади.

Кунжут учун асосий ўтмишдошлар дуккакли дон экинлари, маккажўхори, оқжўхори ва беда ҳисобланади.

Кунжут бир бор экилган ерга 6—7 йилдан кейин қайта экилади, чунки касаллик ва заараркунандалар билан кўп шикастланади.

Кунжут учун узумзор, шўрланмаган ва бегона ўтлардан тозаланган ерларни ажратиш керак бўлади. У ернинг чуқур ҳайдалишини талаб қиласи. Ер ҳайдашдан олдин бир гектар ерга 10—15 тонна гўнг, 40—50 килограмм фосфор билан озиқлантириб чимкирқар плуг билан 25—27 сантиметр чуқурликда ҳайдаб кўйилади.

Бахорда экишдан олдин ерлар шўрланган бўлса ювилади. Экишгача 1—2 марта культивация ва борона қилинади. Бегона ўтлар билан кам заараланган ерлар апрель ойининг бошларида 8—10 сантиметр чуқурлиқда бир марта культивация ва бороналаш етарлидир.

Экишдан олдин ерлар эгатлар орқали суғорилади. Тупроқ етилиши билан культиваторда ишланади, ундан кейин бороналанади ва мола босилади. Сизот сувлари яқин жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ ерларни экишдан олдин суғорилмаса ҳам бўлади.

Асосан экиладиган уруғларнинг сифатига катта эътибор берилиши керак. Уруғнинг тозалиги 95—98 фоиз ва унинг унувчанлиги 85—95 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Кунжутнинг уруғини тупроқ ҳарорати 15—16 градус бўлганда экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кунжут кеч кўкламда май ойининг биринчи декадасида экилади. Анғизга 10—15 июнда экилиши зарур.

Кунжут кенг қаторлаб экилади, қатор ораси 60—70 сантиметр, экиш чуқурлиги 3—5 сантиметрдан ошмаслиги керак. Бир гектар ерга 1,5—2,0 миллион дона ёки 5—6 килограмм уруғ экилади. Экиш билан бир қаторда эгатлар олинади ва қондириб суғорилади. Уруғлар 5—6 кунда униб чиқади, майсалари — 4 градус совуқда нобуд бўлади.

Ўсув даврида 2—3 марта культивация қилинади, ягана қилинмайди. 2—4 марта суғорилади. Сизот сувлари яқин жойлашган майдонларда экилган ўсимликка 1—2 марта суғориш етарли бўлади. Гуллагунча 40—50 кг азот ва 20 кг калий билан озиқлантириб суғорилади. Гуллагандан кейин гектар ҳисобига яна азотли ўғитлардан 30 кг ва фосфорли ўғитлардан 20 кг дан бериб суғорилади. Ерлар юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Кунжут ўсув даврининг дастлабки 30—40 кунида секин ривожланади ва

бегона ўтлар кўпроқ таъсир кўрсатади. Унинг вегетацион даври 80—120 кун ҳисобланади.

Вегетация охирида ўсимликнинг барглари сарғайиб тўкилади, пастки кўсакчалари олдин етилади. Вақтида унинг ҳосили йифиб олинмаса кўсакчалар ёрилиб уруг тўкилади. Ўроқ машинасида ўриб йифиб олинган кунжут боғланиб хирмонда қуритилади ва 10—12 кундан кейин қўлда янчилади. Ўсимликни пастга қараган ҳолда қоқиб олинади. Дон тозалаш машиналарда тозаланади ва қопда ёки 20—30 сантиметр баландликдаги тоза ерда сақланади. Сақланадиган уруғликда намлик 9 фоиздан кўп бўлмаслиги керак.

МАККАЖЎХОРИ — *ZEA MAYS L.*

Маккажўхори — *Zea mays L.* бошоқдошлар — Poaceae (Gramineae) оиласига киради.

Бир йиллик, бўйи 1—3 м (баъзан 5 м) га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, цилиндрический, бўғинли, ичи ғовак. Барги оддий, кенг ланцетсимон-чизиқсимон ёки ланцетсимон бўлиб, пояда қини билан кетма-кет ўрнашган. Ўсимлик бир уйли, гуллари бир жинсли. Чангчи (оталик) гуллари поянинг юқори қисмида рўвакка, уруғчи (оналик) гуллари эса поя кўлтиғида сўтага тўпланган. Меваси — донача.

Август-сентябрда гуллайди, меваси сентябрь-октябрда етилади.

Географик тарқалиши. Ватани — Жанубий Мексика ва Гватемала. Маккажўхори кўп ўстирилади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот узун, ипсимон, сариқ-қўнғир ёки тилла ранг сариқ-қўнғир тусли оналик гулининг устунчасидан иборат. Устунча узунлиги 20 см, йўғонлиги 1 мм бўлиб, учida оналик оғизчаси бўлади.

Маҳсулот ўзига хос кучсиз ҳидга эга.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 7%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 2,5% дан, қорайган устунчалар 3%, майдалангандан маҳсулот учун тешигининг диаметри 7 мм ли элақдан ўтмайдиган қисми 5% дан тешигининг диаметри 0,2 мм ли элақдан ўтадиган майдалангандан қисми 1%, органик аралашмалар 0,5% дан ошиқ бўлмаслиги ҳамда экстракт моддалари 15% дан кам бўлмаслиги лозим.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибida витамин K₁ (1 г маҳсулотда 1600 биологик миқдорида), аскорбин ва пантатен кислоталар, 2,5% ёғ, 0,12% эфир мойи, 2,7 % смоласимон ва 2,15% гача аччиқ моддалар, 3,18% сапонинилар, инозит, 0,05% алкалоидлар ҳамда бошқа бирикмалар бўлади.

Маккажўхори меваси таркибida 61,2% гача крахмал, 4,2—4,75% мой, витамин B₁, B₂, B₆, никотин, пантатен кислоталар, биотин, флавоноидлар (кверцетин, изокверцетин ва бошқалар), 7,4% гача пентозанлар ва бошқа бирикмалар учрайди.

Мой маккажўхори дони (меваси) нинг эмбриони (муртаги) дан совук преслаш усули билан олинади. Эмбрионда мойнинг миқдори 49—57% га етади. Мойдан ташқари яна 13—18% гача оқсил моддалар, 5,2% гача фитин ва бошқа бирикмалар бўлади.

Эмбрион — маккажўхори донидан ун, крахмал ва патока (крахмал қиёми, шинни) тайёрлаш жараёнидаги чиқинидидир. Эмбриондан (ишлаб чиқариш жараёнига қараб) 18—20% дан тортиб, 40—50% гача мой олиш мумкин.

Маккажўхори мойи сарғиш рангли, ўзига хос ҳидли ва мазали қуюқ суюқлик бўлиб, ярим қурувчи мойларга киради. Мой таркибida 45—48% олеин, 40% гача линол ва 11—16% гача тўйинган кислоталарнинг глицеридлари ҳамда фосфатидлар, токофероллар, витамин Е, фитостеринлар ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Маккажўхори мойи атеросклероз касаллигининг олдини олиш ва даволашда ишлатилади. Бундан ташқари, қон таркибидаги холестерин миқдорини камайтиради ва организмдаги липоидларнинг

алмашиниши жараёнини яхшилайди. Бу мой биологик фаол моддаларга бой бўлиб, организмга комплекс таъсир этади.

Маккажўхори мойи озиқ-овқат саноатида ҳам ишлатилади.

Маккажўхори ўсимлигининг препаратлари ўт ҳайдовчи (холецистит, холонгит ва гепатит касалликларида, ўт ажралиши тўхтаб қолган ҳолларда), сийдик ҳайдовчи (буйрак-тош касаллигида, қовуқда тош бўлганда ва истиско касаллигида) ҳамда қон тўхтатувчи дори сифатида қўлланилади.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт.

Маккажўхорини ўстириш технологияси

Маккажўхори иссиқсевар ўсимлик, ўсув даври 90—150 кун, уруғлари тупроқ ҳарорати 10°C бўлганда 10—12 кунда униб чиқади, 20—24°C да нормал ўсиб ривожланади. Маккажўхори экиш учун бегона ўтлардан тоза, шўрланмаган, сизот сувлари чуқур жойлашган унумдор ерлар танланади. Ерлар кузда 28—30 см чуқурлиқда шудгорланади, гектарига 20—30 тонна гўнг ва 60—80 килограмм соф фосфор ҳисобидан ўғит солинади. Эрта баҳорда ерлар бороналанади ёки ёппасига қультивация қилинади. Уруғлар қатор оралари 60, 70 ва 90 см қилиб қатор уялаб, қўк масса учун 25—30 килограмм нормада СКГН-6Н маркали сеялкада 6—12 см чуқурлиқда экилади. Ўсув даврида 70—80 кг азот, 60—80 кг фосфор билан озиқлантирилади. Маккажўхорини иккинчи марта 80—100 кг азот, 50—60 кг фосфор, 40—50 кг калий ҳисобидан озиқлантирилади.

Маккажўхорини ўсув даврида 2—3 марта қультивация қилиниб бегона ўтлардан тозаланади, 4—6 марта сугорилади. Маккажўхори қўкати учун рўвак чиқаргунча, силос учун дони думбул бўлиб етилганда ва дони учун тўла етилганда йиғиштирилади.

Маккажўхори ўртача гектаридан 50 центнер дон ва 250—300 центнер қўк масса олиш мумкин.

Маккажүхорини заарлайдиган ҳашаротлар 70 га яқин тури бор. Асосийлари: күсак қурти, карадрина, кузги тунлам, маккажүхори капалаги ва бошқалар. Бу ҳашаротлар маккажүхорини барги, сұтаси, гули ва рўвакларини заарлайди. Буларга қарши курашиш учун ерлар чуқур ҳайдалиб, кузда яхоб суви берилиши керак. Асосан ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлар йўқотилиши лозим. Маккажүхорини эртароқ экилса, ўз вақтида ораларига ишлов берилса ва инсектицидлардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик меваси пишиб етилмасдан оналик гулининг устунчаси йифиб олинади ва соя ерда қуритилади.

ХУШБҮЙ РУТА — **RUTA GRAVEOLENS L.**

Хушбўй рута — **Ruta graveolens L.**, рутадошлар — **Rutaceae** оиласига киради. Бўйи 70 см гача бўлган ҳиди ёқимли ярим бута. Пояси ёғочланган, пастки томони шохланган бўлиб, ҳар йили кўплаб бир йиллик новдалар ҳосил қиласи. Барги оддий, умумий кўриниши учбурчаксимон, икки ва уч марта патсимон ажралган, кулранг-яшил бўлиб, пояда узун банди билан кетма-кет жойлашган. Барг бўлакчалари чўзиқ-тескари тухумсимон, тўмтоқ учли бўлиб, унда жуда кўп нуқталар (эфир мойи сақлайдиган жойлар) бор. Гуллари яшилроқ-сарик рангли, қалқонсимон тўпгулга йиғилган. Энг юқоридаги гулларида гулкосача ва гултожи барглари 5 тадан, қолганлари эса 4 тадан, оталиги 8—10 та, оналик тугуни 4—5 хонали, юқорига жойлашган. Меваси 4—5 хонали, шарсимон кўсакча.

Июнь-июль ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Жанубий Кримдаги қуруқ тош ва шағалли қияликларда ўсади.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик гуллаш даврида шу йилги ўсиб чиққан новдалари ўриб олинади ва қуритилмасдан ишлатилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисми таркибидаги 0,25—1,2% эфир мойи (цинеол, пенин, лимонен, альдегидлар, кислоталар ва бошқа бирикмалардан ташкил топган), флавоноидлар (асосан рутин), алколоидлар, 0,5—1% гача фурокумаринлар бўлади. Фурокумаринлардан бергаптен ва ксантотоксин ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Тиббиётда хушбўй рута ўсимлигининг ер устки қисми препаратлари қон томирларнинг спазмаси натижасида келиб чиқсан бош оғриғи, пневмония, ревматизм, болаларда тиришиш билан ўтадиган касалликларни даволашда ишлатилади. Булардан ташқари, қўтириш ва бошқа тери касалликларини даволашда ҳам қўлланилади.

Доривор хушбўй рута ўсимлигини етиштириш

Рута табиий ҳолда Ўрта Ер денгизи, Жанубий Европа, Осиё мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ёввойи ҳолда ўсади. Россия, Украина ва Белоруссия давлатларида кенг майдонларда кўпроқ экилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг айrim сугориладиган тупроқларининг кичик майдонларида экилмоқда. Доривор рута ўсимлигини унумдор, механик таркиби ўртacha ва структурали тупроқларда экилса ёки дуккакли ўсимликлардан бўшаган ерларни ажратилса, яхши ўсади ва ундан кўпроқ хомашё йиғиб олиш мумкин. Доривор рута ўсимлиги экиладиган ерларни кузда тайёрлашдан олдин гектарига 20—30 тонна гўнг ва 40—50 кг фосфор ўғити бериб, 25—28 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Эрта баҳорда, яъни март ойларининг бошларида ерларни бороналаб ва мола билан текислаб бегона ўтлардан тозалаб, тупроқ ҳарорати (10—15 см қатламида) 15—20°C бўлганда рута уруғи 1—1,5 см чуқурликда, қатор оралари 15 см эгатлар оралиғи 70 см қилиб сабзвот экиш мосламаларида экилади. Рута ўсимлиги уруғидан кўпаяди. Ўсимликнинг уруғи жуда майда бўлганлиги учун у секинлик билан ўсади. Тупроқда нам етарли бўлса уруғлар 6—8 кундан кейин униб чиқади.

Намгарчилик етарли бўлмаган ерларда экиш билан бир вақтда сугориш учун эгатлар олинади. Ўсимлик ердан униб чиққандан кейин унга ишлов бериш бошланади. Рутани яхши ривожланиши, ундан сифатли ва мўл ҳосил етиштириш мақсадида қатор оралари культивация билан юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Чунки бегона ўтлар ва ҳашаротлар кўпроқ зарар етказиши мумкин.

Ўсимлик 2—3 та чин барг чиқарганда қатор оралари ўтлардан тозаланиб ягана қилинади ва ҳар бир тупда 2—3 тадан ўсимлик қолдирилади. Агар уруғлар тўлиқ униб чиқмаган ерлар бўлса, у майдонларни тўлдириш учун (ремонг) яганалаш натижасида ортиб қолган бақувват ўсимликлардан фойдаланиш мақсадгага мувофиқ бўлади.

Рута ўсимлигини ўсув даврида яхши ўсиши ва ривожланиши учун гектарига 40 кг ҳисобидан соф азот ва 20 кг дан калий ўғити билан озиқлантирилади.

Иккинчи озиқлантириш рута ўсимлиги шонага кирган даврда гектар ҳисобига 30 кг азот ва 20 кг дан фосфор ўғити билан озиқлантирилади.

Озиқлантириш ҳар бир сугоришдан олдин амалга оширилиши лозим. Сугоришдан кейин рута ўсимлигининг оралари юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади.

Рута ўсимлиги озиқа элементларга талабчан бўлганлиги учун охирги озиқлантиришни гуллаш олдидан 30 кг дан азот ва калий ўғити бериш билан тутатилади.

Вегетация давомида рутани ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлигини ҳисобга олган ҳолда биринчи йили 7—8 марта сугорилади. Рута ўсимлиги иккинчи йили мева беради.

Иккинчи ва ундан кейинги йилларда сугориш ва ораларига ишлов бериш сони анча камаяди ва уни озиқлантириш хомашёси ўриб олингандан кейин амалга оширилади. Унинг хомашёси вегетация давомида гуллаш фазасигача икки марта ўриб олинади. Рутанинг маҳсулоти ер юзасидан 5 см қолдирилиб пичан ёки силос ўрадиган комбайн билан йифиб олинади. Рута

ўсимлигини ўсув даврида яхши парвариш қилинса, (ўғитлаш, суғорищ, ораларига ишлов бериш, зааркунанда ва касалликларга қарши) гектаридан 4—5 тонна күк масса, 600—700 кг қуруқ маҳсулот (барг, гул) ва 80—90 кг уруғ йиғиб олиш мумкин. Рута ўсимлигига барча маданий ўсимликларга ўхшаб вегетация давомида ўргимчаккан, ҳашарот личинкалари, барг шираси күпроқ зарап келтиради. Касалликни олдини олиш учун 10% ли олтингугурт каллоид суспензияси ва децит эритмаси билан ишланади.

ЭВГЕНОЛ РАЙХОНИ — OCIMUM GATTISIMUM L.

Эвгенол райхони — **Ocimum gattisimum L.**, лабгуллилар — **Labiate** оиласига киради.

Эвгенол райхони бўйи 70—100, баъзан 150 см га етадиган сершоҳ яrim бута. Пояси кам тукли, тўрт қиррали, асос қисмидан бошлаб кўп шохланган. Барги оддий, чўзиқ тухумсимон, тишсимон қиррали бўлиб, поядা банди билан қарма-қарши жойлашган. Гуллар сарғиш, лабгуллилар оиласига хос тузилган.

Август ойида гуллайди.

Географик тарқарилиши. Эвгенол райхонининг ватани Жанубий Африка, Мадагаскар ва унга яқин ороллар. Россия шариотида бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади. Эвгенол райхонининг бошқа райхонлар билан чатиштириб етказилган „Юбилей“ нави Крим, Краснодар ўлкасида ҳамда Грузия, Арманистон, Молдавия, Қиргизистон республикаларида ўстирилади.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик гуллаганида ер устки қисмидан 10—15 см қирқиб олинади (йўғон поялар аралашмаслиги керак) ва қуриб қолмасдан (маҳсулот қуриб қолса ёки қуритилса, таркибидағи эфир мойи миқдори ва мойдаги эвгенол камайиб кетади) эфир мойи олиш учун тезда заводларга юборилади. Эфир мойи босим остида қиздирилган сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади.

Кимёвий таркиби. Ҳўл эвгенол райҳонининг ер устки қисми таркибида 0,3—0,8% эфир мойи бўлади. Эфир мойи таркибида эса 50—80% эвгенол, метилхавикол, камфора ва оцимен бор.

Эфир мойидан эвгенол олинади.

Райҳон ўсимлигини ўстириш технологияси

Райҳон Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экиб ўстирилади. Ундан юқори хомашё етишириш учун барча агротехник чора-тадбирлари орасида ерни сифатли қилиб ишлаш асосий аҳамиятга эга. Чунки ер тўғри ишланганда, райҳон экиладиган тупроқларнинг физик, кимёвий ва биологик хоссалари яхшиланади. Унинг илдиз тизимини ривожланишига қулай шароит яратилади. Райҳон экиладиган ерлар унумдор физик хоссалари мўътадил, шўрланмаган ва нами етарли бўлиши керак.

Райҳон экиладиган ерлар асосан бегона ўтлардан тоза бўлиши шарт.

Ерларни кузда ҳайдашдан олдин гектар ҳисобига 15—20 тонна чириган маҳаллий ўғит ва фосфор ўғитининг йиллик нормасини 70% ни, яъни 40—50 кг дан киргизиб, 25—27 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади.

Райҳон уруғини парникларда сепиб, 40—45 кундан кейин эрта баҳорда ҳайдалган ерлар текисланиб, борона ва мола бостириб тупроқ ҳарорати (10—12 см қатламда) 15—17°C бўлганда унинг кўчатлари 70 x 70 см қилиб механизмлар ёрдамида ёки қўлда экилади ва ҳар бир уяга 2 тадан ўсимлик қолдирилади ва тез-тез суғорилиб турилади.

Райҳон ўсимлигини бегона ўтлар қоплаб кетмаслиги учун уни тозалаб туриш мақсадга мувофиқ бўлади. Вегетация давомида 12—13 марта суғорилади ва 4—5 марта культивация қилинади. Культиваторлар ёрдамида юмшатилади. Райҳон минерал ва органик ўғитларга жуда талабчан экин ҳисобланади. Унинг яхши ўсиши, ривожланиши ва кўпроқ кўк масса етиширишда ўғитлаш тизимини тўғри белгилаш лозим бўлади.

Райхонни шоналаш ва гуллаш фазаларида азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилади ва гектар ҳисобига 90 кг азот, 80 кг фосфор ва 50 кг калий ўғити берилади. Ҳар бир озиқлантириш сугоришдан олдин амалга оширилади.

Агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказилса, бизнинг тупроқ-иклим шароитимизда гектаридан ўртacha 4—5 тонна кўк хомашё ва 800—1000 кг уруғ йиғиб олиш мумкин.

ОШ ПИЁЗ — ALLIUM CEPA L.

Ошпиёз — **Allium cepa** L. лолагулдошлар (пиёзгулдошлар) — **Liliaceae** оиласига киради.

Кўп йиллик, бўйи 60—100 см га етадиган ўт ўсимлик. Ер остида иирик пиёзбошиси бўлади. Пояси йўғон, ичи ковак, ўрта қисмидан пастроғи шишигандан бўлиб, асос қисмидаги 4—9 тагача қини билан жойлашган барглари бор. Барги узун — цилиндрический, тўғри, ўтқир учли, ичи ковак, поядан калтароқ. Гуллари битта гулёнбарг билан ўралган шарсимон оддий соябонга тўпланган. Гулқўрғони оддий, оқ рангли 6 та тожбаргдан ташкил топган, оталиги 6 та, оналик тугуни уч хонали, юқорига жойлашган. Меваси — шарсимон, кўп уруғли қўсак. Уруғи қора рангли, уч қиррали, буришган бўлади.

Июнь-август ойларида гуллайди. Меваси август-сентябрда етилади.

Географик тарқалиши. Ватани Жануби-ўарбий Осиё. Пиёз ҳамма ерда кўп миқдорда ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот чўзинчоқ ёки ялпоқ шарсимон, устки томонидан сариқ-қўнғир, қизғиши, баъзан оқ ёки бинафша рангли пўст билан ўралган пиёзбошидан иборат. Пиёзбоши ўзига хос ҳидга, ўтқир, аччик мазага эга бўлиб, ундаги учувчан моддалар кўз ва буруннинг шиллиқ қаватларини ачиштиради.

Кимёвий таркиби. Пиёзбоши таркибидаги 0,01—0,05% эфир мойи, 10—11% қанд, 10 мг % витамин С, 60 мг % витамин В₁, каротин, флавоноидлар (кверцетин ва унинг гликозидлари) бўлади. Пиёз баргида 20 мг % витамин С, 50 мг % витамин В₂, 4 мг % каротин, эфир мойи, лимон ва олма кислоталари бор.

Пиёзниң эфир мойи таркибидаги олтингугуртли бирикмалар (асосан, дисульфид ва бошқалар) учрайди.

Ишлатилиши. Пиёз ўсимлигининг доривор препаратлари ичак атонияси, колит, артериосклероз, гипертония касаллигининг склеротик формасини ва авитаминоз касалликларини даволаш учун ишлатилади. Бу препаратлар ринит касаллигига бурун шиллик қаватларига суртилади ва гинекологияда трихомонада колпитини даволашда ҳам қўлланилади. Пиёз ўсимлигининг препаратлари бактерицид хоссасига эга. Майдалангандан пиёзбошидан қийинлик билан битадиган ва йирингли яраларни даволашда ҳам фойдаланилади.

Халқ табобатида пиёз сийдик ҳайдовчи ва цинга касаллигини даволовчи дори сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Аллилчеп (настойка).

Ош пиёзни ўстириш технологияси

Пиёз уруги 3—5°C да уна бошлайди, 18—20°C да пиёз ниҳоллари униб чиқади. Ана шу ҳароратда пиёз сифатли ҳосил беради.

Пиёзниң навлари: Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида кеч ёки эрта пишарлиги билан бир-биридан фарқ қилувчи қўйидаги пиёз навлари етиштирилади:

1. Эрта пишар ярим аччик „Қоратол“ нави пиёзи ниҳоллар униб чиққандан кейин 140—150 кун оралиғида етилади.

2. Ўрта пишар чучук „Мағфилон тухум“ нави. Унинг пиёзи ниҳоллар униб чиққандан 170—180 кун ўтгач етилади.

3. Кеч пишар „Испон-313“, „Коба-132“ ва „Самарқанд-172“ навларининг пиёзи ниҳоллар униб чиққандан 180—200 кун ўтгач етилади.

Ер танлаш. Мазкур ўсимлик унумдор, енгил, лойқа ўтирган яъни тўпланган ерлар соз тупроқли ҳамда кумлоқ тупроқли ерларда, айниқса, маъдан ўғитлар солинган тупроқда юқори ҳосил беради.

Алмашлаб экишдаги ўрни. Ушбу сабзавот ўсимлигини ёзги-эрта муддатда эртаги, ўртаги сабзавот, картошка ҳосили йиғиштириб олингандан ҳамда ғалладан кейин бегона ўтлар кам бўлган ерларга экилади. Мазкур ўсимликни алмашлаб экишдаги ўрни ва ўғитлаш тизими унинг тупроқдаги озуқа моддаларининг кўп ёки кам бўлиши ва бегона ўтларга бўлган муносабатига қараб белгиланади.

Ўғитлаш ва гербицидлар қўллаш. Бўз тупроқли ерларда ҳар гектар далага азотдан 200 кг, фосфордан 150 кг ва калийдан 75 кг дан солинади. Ўтлоқи тупроқда эса азотдан 160 кг, фосфордан 160 кг ва калийдан ҳар гектар майдонга 75 кг дан солинади. Пиёз ўстиришда органик ўғит бериш мақсадга мувофиқ эмас.

Пиёз экиладиган майдонларга бир йиллик бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида трефлон гербицидидан 8—6 см чуқурликка бир гектар майдонга 1,0—1,5 кг солинади ёки пиёз экилгандан кейин ҳар гектар майдонга дакталдан 12 кг сепилади.

Пиёз экиш. Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам пиёз эрта баҳор, ёз ва кузда, яъни учта муддатда экилади.

Жойнинг географик кенглиги ва об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда февраль ойининг охири ва мартда экилади.

Пиёзни кеч кузда, яъни ноябрь ойининг охири ва декабрь бошларида экилганда ҳам юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкин деб ҳисобланади.

Август ва сентябрнинг бошларида пиёз уруғи ёз-кузги қилиб сепилади. Пиёзни ёз-кузги қилиб экилганда унинг ҳосили келаси йилнинг

июли ва августининг биринчи ярмида пиёз бошлари йирик ҳолда лента шаклида кўш қаторлаб ёки уч қатор қилиб муддатдан бир ой олдин етилади.

Пиёз уруғларини СОН-2,8, СКОН 4,2 ёки СММ-4 русумли сеялкаларида енгил тупроқли ерларда 2—3 см, оғир тупроқли ерларда эса 1—2 см чуқурликда экилади.

Бунда ленталарнинг оралиғи 50—60 см ва лентадаги қаторлар ораси эса 15—20 см га ($(50+20)/2$ ёки $40+15+15/3$) тенг бўлиши керак.

Пиёз уруғини қўп қаторли қилиб сочма усулда экилганда ҳар гектарга 18—20 кг, лента усулида икки қаторли қилиб экилганда эса 10—12 кг уруғ сарфланади.

Пиёзни парвариш қилиш. Июль ва августнинг бошларида экилган уруғларни парвариш қилиш унга уруғ суви беришдан бошланади. Сўнгра уруғлар қийғос униб чиққунга қадар ҳар 3—4 кунда уларни суғориб борилади.

Баҳорда экилган уруғлар асосан ёмғир суви ҳисобига ундириб олинади. Бироқ ёмғирдан кейин қатқалоқ ҳосил бўлиб улар пиёз уруғи ёки ниҳолларига қўп қийинчиликлар туғдиради. Бундай ҳолатда катқалоқни уруғ суви бериш усули ёрдамида юмшатилади.

Баҳорда экилган пиёз уруғлари 2—3 ҳафта ўтгач, ёзда экилганлари эса улардан кўра эртароқ яъни 7—10 кунда униб чиқади.

Пиёз ниҳоллари униб чиққандан сўнг ўтоқ ва ягана қилиш тадбирлари амалга оширилади.

Бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида қуйидаги гербициidlар қўлланилади:

1. Ниҳоллар униб чиққунга қадар хлор НФК гербициidlари (1 гектарга 40% эмульсия концентрати 10—15 кг препарати) қўлланилади.
2. Ниҳолларнинг бўйи 6—8 см бўлганда ҳар гектарга 260—350 кг кальций ционамид сепилади. Бундай ҳолатдаги кўк пиёзни истеъмол қилиш мумкин эмас.

3. Уруғлар униб чиққунга қадар бир йиллик бир ва икки паллали бегона ўтларга қарши ҳар гектар майдонга 15—24 кг миқдорида Дактал (50% ли намланган куқун) гербициди ишлатилади.

Баҳорда экилган пиёзни апрель ва май ойининг бошларида ниҳолларнинг баландлиги 15—20 см га етгач ўсимликлар оралиғида 7—8 см дан масофа қолдириб иккинчи ягана ўтказилади.

Пиёзни вегетация давомида 4—5 марта КРН-4,2 культиватори ёрдамида 15—16 см чуқурликда культивация қилинади ва ўсимлик атрофидаги ҳамда қаторлар орасидаги тупроқни 1—2 марта чопик қилиб юмшатилади.

Пиёз уруғларнинг униб чиқиш ва пиёз боши шаклланаётган вақтида намликни кўп талаб қиласиди.

Шунинг учун ҳам июль ва августда экилган пиёз қуздаёқ кеч куз ва баҳорда экилганлари эса апрелдан бошлаб баҳорги ёғингарчилик тўхтагандан кейин суғорила бошланади.

Еости суви ер сатҳидан 1—2 м чуқурликда жойлашган далаларни 7—9, еости суви чуқур жойлашган далаларни 12—13 марта суғорилади. Ҳар суғоришда гектарига 400—500 кг ҳисобида сув берилади.

Касалликлар ва зааркунандаларга қарши қураш.

Пиёзда қуйидаги касалликлар учрайди:

Пиёзга қуйруқли бузоқбоши, пиёз пашибаси, еости тунламиининг қурти, сим қурт, тамаки трипси каби ҳаммаҳўр зааркунандалар зиён етказади.

Пиёз пашибаси ва тамаки трипсига қарши 0,15—0,20% ли 54—58, 0,1% ли антио ва ҳар гектар майдонга 2 кг тифос ёки 5 кг хлорофос сепилади.

Сохта ун шудринг касаллиги (переноспороз). Бунда сариқ губор ҳосил бўлиб, барг ва гул поялар сарғайиб сўлиб қолади. Бу касалликни замбуруғлар кўзгатади.

Бундай касалликка қарши курашиш мақсадида пиёз ўсимликлариға 1% ли бордо суюқлиги, 0,7—1,0% ли цинеб ёки 0,5—0,7% ли каптон эритмаси сепилади.

Хосилни йиғиши. Пиёз ҳосили қўлда ёки махсус пиёз йиғиширадиган машиналарда йиғиб олинади, сўнгра пиёзни сохта поясидан 2—3 см қолдириб кесиб ташланади. Пиёзбошни бир оз қуритгандан сўнг омборларга сақлаш учун ёки сотувга жўнатилади.

ТОПИНАМБУР (HELIANTHUS TUBEROSUS)

Топинамбур (*Helianthus tuberosus*) мураккабгулдошлар (*Asteracae*) оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик туганакли ўсимлик ҳисобланади. Бўйи 1,5—2 метрга етадиган ўсимлик. Пояси сербарг, ғадир-будур тукли, юқорига қараб шохлаган. Барглари йириқ, сертуқ, узун бандли, барг пластинкаси тухумсимон, четлари арасимон қирқилган, пояси қарама-қарши жойлашган.

Гуллари саватчага тўпланган бўлиб, якка-якка жойлашган. Саватчанинг ўртасида найчасимон четларида сохта тилсимон гуллар жойлашган. Гулларнинг ранги тиниқ тўқ сариқ рангда бўлади. Бу ўсимлик уруғ бермайди. Июл-август ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Ватани асосан Шимолий Америка. Ҳозирги кунда Топинамбур Америка, Франция, Англия, Норвегия, Швеция, Россия, Украина ва Ўрта Осиёда экилиб келинмоқда.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Ер ости пояларининг учларидаги меваларнинг шакли ноксимон. Асосий меваси илдиз марказида ҳосил бўлиб, уларнинг шакли ҳар хил картошкага ўхшайди. Маҳсулотнинг ўзига хос ҳиди ва мазаси бор.

Кимёвий таркиби. Ер ости ва ер усти қисмларида A, B₁, B₂ ва C витаминалари мавжуд. Туганкларида 16—18 фоиз инулин ҳамда қанд моддалари, 16 хил аминокислоталар ва пектин моддаси ҳам мавжуд.

Ишлатилиши. Топинамбур ўсимлиги ошқозон ва ичак функцияларини фаоллаштиради, унда учрайдиган, касаллик қўзғатувчи бактерия, вирус ва зааркунандаларга нисбатан чидамлиликни оширади. Туберкулёз, остеохондроз, буйрак касалликлари, грипп, ангина, онкологик касалликларни олдини олишда ва даволашда энг самарали ўсимлик ҳисобланади.

Топинамбур ўсимлигини ўстириш технологияси

Топинамбур (*Helianthus tuberosus*) асосан чорва учун озиқ ўсимлиги сифатида фойдаланилади. Тиббиётда унинг туганагидаги инулин моддаси ишлатилади. У совуққа чидамли, қисқа кун ўсимлик бўлгани учун шимолий вилоятларда ҳам етиштириш мумкин. Уни ер устки қисми 6 градусли совуққа ҳам бардош бера олади. Туганаги музлагани билан эриб яна ўз ҳолига келиши мумкин. Топинамбур бошқа маданий ўсимликларга нисбатан Ўзбекистоннинг барча тупроқ иқлим шароитларида (шўрланган ерлардан ташқари) мосланувчандир.

Топинамбур алмашлаб экиш тизимида жуда эҳтиёткорлик билан жойлаштирилмаса ва ерда неча йил ўсиши ҳисобга олинмаса, у ўзидан кейин экиладиган ўсимликларга бегона ўтлар каби катта зарап етказиши мумкин. Топинамбур бир ерда 10 йил, ҳатто 40 йилгача ўстирилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Лекин бир ерда 3—4 йил мобайнида етиштиришни тавсия қилинади. Топинамбурдан бўшаган ерларга беда экилса, у йил давомида 5—6 марта ўрилиши натижасида ер нокидан ўсиб чиқсан ниҳоллар йўқотилади ва ер ундан тозаланади. Топинамбурга ишлатиладиган агротехник тадбирлар картошканинг ишловига жуда яқин туради.

Топинамбур экиладиган ерларни кузда шудгор қилишдан олдин гектарига 30—40 тонна гўнг ва 40 кг дан фософор ўғити бериб 27—30 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Ер нокининг 25—50 граммлик туганаклари экилади. Уни кесиб экилса ҳосилдорлиги 25—30 фоизга камайиб кетиши

мумкин. Агар туганак жуда йирик (70—80 г) бўлса, уни экишдан олдин кесиб экилгани маъқул. Кесилган туганакларни фақат баҳорда экишни тавсия қилинади. Кузда экилса ундан режалаштирилган ҳосилни олиш мумкин бўлмайди. Бир гектар майдонга 50—60 минг туганак ёки 0,6—2,0 тоннагача уруғ экилади.

Топинамбур етиштириладиган иқлим шароитига кўра икки муддатда февраль ойининг охири-мартнинг бошланишида ва октябрь охири-ноябрь бошида экилади. Экиш чуқурлиги экилаётган туганак ҳажмига боғлик бўлиб, у 5—12 см чуқурликда 70 x 35 x 40 см схемада экилади. Экилгандан сўнг ниҳоллар кўкариб чиққунича ер бир-икки марта бороналанади. Ниҳоллар тўлиқ кўкариб чиққандан кейин ҳар суғоришдан сўнг кўчат оралари культивация қилинади. Агар бегона ўтлар кўпайиб кетган бўлса қатор оралари чопик қилинади. Топинамбур тупроқ таркибидаги озиқа элементларни кўпроқ талаб қиласди. Унинг бир тонна ҳосили тупроқдан 3 кг азот, 1,5 кг фосфор ва 4,5 кг калий элементини олиб чиқиб кетади.

Топинамбурни ўғитлаш энг муҳим агротехник омиллардан ҳисобланади. Ўсимлик азот ва фосфор ўғитига анча талабчан. Топинамбур экилаётган азотли ўғитларнинг 15—20 фоизини ва фосфорли ўғитларнинг қолган 20—25 фоизини, ўсимлик униб чиққандан кейин азотли ўғитларнинг 30 фоизини, шоналаш даврида эса 50 фоизини солинади. Калийли ўғитларни ҳаммасини ер хайдаш олдидан солинади. Умуман мавсум давомида топинамбур экилган ерларга гектарига 120—150 кг азот, 70—80 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити билан озиқлантириш тавсия этилади. Ўсимликни озиқлантириш суғоришдан олдин оширилади. Вегетация давомида топинамбур 8—10 марта сугорилади. Ўсув даври 120—200 кун бўлади. Топинамбур ҳаётининг иккинчи ва учинчи йили у ўсаётган ерни эрта баҳорда 2—3 марта борона қилиш билан бошланади. Иккинчи ва учинчи йили топинамбур ўсимлиги кўпайиб кетади, шунинг учун қатор ораси культивация қилинади, ўғитланади ва ундаги ортиқча ўсимликлар олиб ташланади. Топинамбурни фақат туганагидан эмас, поя қаламчаларидан ҳам кўпайтириш

мумкин. Топинамбур пояси Ўзбекистон шароитида октябрь охирида, туганаклари эса ноябрь охирида силос йифадиган комбайнлар билан ийғиширилади. Туганак ҳосилини йифишириш қиши фаслигача давом этади. Топинамбур оқ чириш касаллиги билан заарланади, ундан ташқари симқурт, май қўнғизи ва шолғом каналари уни заарлайди. Уларга қарши анабазин сульфат сепилиши керак.

ҚОРА СМОРОДИНА — RIBES NIGRUM L.

Қора смородина — **Ribes nigrum L.**, тошёраддошлар — **Saxifragaceae** оиласига киради.

Қора смородина бўйи 1—1,5 (баъзан 2) м бўлган бута. Поясининг пўстлоғи тўқ сариқ қўнғир ёки қизил жигарранг тусли бўлади. Барги панжасимон 3—5 бўлакли бўлиб, банди билан пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари шингилга тўпланган. Косачабарги 5 та, тожбарги ҳам 5 та, пушти-кулранг, оталиги 5 та, оналик тугуни бир хонали, пастга жойлашган. Меваси — хушбўй ҳидли, юмалоқ шаклли, қўп уруғли ҳўл мева.

Май-июнъ ойларида гуллайди, меваси июль-августда пишади.

Географик тарқалиши. Қора смородина ёввойи ҳолда Россия ўрмон зонасидаги нам ўрмонларда, нам ўтлоқларда, ботқоқ четларида ва ариқ бўйларида ўсади. Россиянинг Европа қисмида, Сибирда ва бошқа районларда кўплаб ўстирилади.

Махсулот тайёрлаш. Қора смородина ўсимлигининг барги ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаганида, меваси эса пишганида териб олинади. Йиғиб олинган барг салқин ерда, меваси эса печларда қуритилади. Ҳўл мевадан витамин шарбати ҳам тайёрланади.

Кимёвий таркиби. Барг таркибида 0,25% аскорбин кислота ва эфир мойи бўлади. Мева таркибида 0,4% аскорбин кислота, 3 мг % каротин, В₁ ва Р витаминлари, 2,5—4,5% гача органик кислоталар, 4,5—16,8% гача қанд,

0,43% гача ошловчи ва 0,5% гача пектин моддалар, антоциан бирикмалари ва уларнинг гликозидлари ҳамда флаваноидлар бор.

Ишлатилиши. Қора смородинанинг барги, меваси ва препаратлари цинга ҳамда бошқа гипо ва авитаминоз касалликларини даволаш учун ишлатилади. Меваси халқ медицинасида терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи, ич кетишига қарши, барги эса бод касаллигига ҳамда терлатувчи дори сифатида қўлланилади.

Доривор препаратлари. Дамлама. Ўсимликнинг барги ва меваси витамин чойлари — йиғмалар таркибиға киради.

Смородина (Қорақат) ўстириш технологияси

Смородина 3—4-йили мўл ҳосил бера бошлайди. У 10—15 йил давомида мўл ҳосил беради. Умрининг 20—25-йили мевалари жуда майдалашади. Смородина ўтқазилгандан 2 йил ўтгач ҳосил бера бошлайди. У қаламчадан тупларни бир неча бўлакка бўлиш йўли билан кўпайтирилади.

Қорақат ҳарорати юқори ҳаво, ҳамда тупроқ намлиги кам бўлган минтақаларда кам ҳосил беради.

Ўзбекистон Республикаси шароитида смородинанинг қора, қизил ва тилла ранг турлари кўп тарқалган. Ўзбекистон шароитида тилла ранг смородина яхши ҳосил беради. Тилла ранг смородинанинг чуқур қишки тиним даврига эга бўлганлиги сабабли қишиш шароитида ҳарорат кўтарилишига ва ўсиши учун етарли ҳароратга эга бўлишига қарамасдан тиним давридан чиқмайди. Шу сабабли бу смородина совуққа ҳам bemalol бардош бера олади.

Унинг илдизлари 2 м гача чуқурликка етиб борганлиги сабабли 30—32°C да ҳам, еости сувларидан фойдалана олганлиги учун сўлиб қолмайди.

Ер танлаш. Смородина учун ерни тўғри танлай олиш катта аҳамият касб этади. Бу ўсимлик ўарбга ёки Шимолий-ўарб томонга қараган текис,

нишаблиги 10°С гача бўлган унумдор қумоқ тупроқли ерларда яхши ўсиб ривожланади.

Смородина экилган ерлар сув билан яхши таъминланган бўлиши лозим.

Экиш. Смородина баҳорда ёки кузда қаламчалардан тупни бир неча бўлакка бўлиш ёки пархиш йўллари билан кўпайтирилади.

Смородинани кузда экилганда совук тушишидан олдин, лекин ўсимлик ўсишдан тўхтагандан кейин, агарда баҳорда кўпайтирилса унда куртаклар чиқишга улгурмасдан олдин экиш лозим.

Баҳорда смородина тез ўсиб барглар чиқаришга улгуради. Шу сабабли смородинани кузда экиш мақсадга мувофиқ.

Экиш учун синган ва касалланган новдалар олинмаслиги керак. Бундан ташқари экиш учун дағаллашмаган новдалар танланади. Танланган новдаларнинг узунлиги 15—20 см дан узун бўлмаслиги лозим.

Смородина сув билан таъминланган шароитида тез ўсиб қалинлашиб кетганлиги учун қатор оралигини 3 м қилиб, тўплар оралигини 1,5—2 м қилиб экиласди. Бунда бир гектар даладаги ўсимликнинг сони 1666—2222 тупни ташкил этиши мумкин.

Қаламчаларни ёки ўсимлик тупларининг бўлакларини олдиндан тайёрланган чуқурларга (40 x 40, 60 x 60 см) экиласди. Агарда органик ўғит бўлмаса ҳар бир чуқурга 6—7 кг чиринди ва 200—300 г минерал ўғит солинади.

Чуқурлар тупроқ билан тўлдирилгач кўчатлари олдиндан тайёрланган эгатлар орқали суғорилади. Сўнgra ҳар бир қаламчанинг ер устки қисмида 3—4 та дан куртак қолдириб новдаларнинг юқори қисми қирқилади ва чиринди ёки гўнг билан мульчаланади .

Ўғитлаш. Кўчат ўтқазишдан олдин тупроқ унумлиги даражасига қараб 40—100 т гўнга 800—1000 кг гача суперфосфат аралаштириб далага солинади.

Смородина экилган далага ҳар йили соф ҳолда азотдан 60 кг, фосфордан 120 кг ва калийдан 30 кг солинади.

Фосфорли ва калийли ўғитларни ерни кузда шудгор қилишда солинади.

Азотли ўғитларнинг ярми баҳорда вегетация бошланишида, қолган ярми эса гуллашнинг охири — мева ҳосил қилиш даврида берилади.

Ўғитларнинг кўчат экилгандан икки йил давомида ўғитнинг тахминан ярми бевосита ўсимликларнинг тагига, қолган йилларда эса бутун далада ташланади.

Шунингдек, кўчат экилгандан кейинги дастлабки икки йил давомида органик ўғитлар 50—100 см диаметрда 5—10 кг миқдорда мульча тариқасида ўсимлик атрофига, учинчи ва тўртинчи йилларда эса 20—30 т миқдорда қатор ораси бўйлаб бутун далада солинади.

Мульчалаш ўсимлик тўпларини сув ва озиқа моддалари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади ва ўсимликларнинг яхши ўсиши ва ривожланишига катта имконият яратади.

Смородинани вегетация давомида 5 мартадан 15 марта гача сугорилади, ҳар бир сугоришдан сўнг тупроқ юмшатилади. Кузга борганда мева ва ўсиш куртаклари кўп бўлган новдаларни кўпайтириш, яъни шакллантириш мақсадида ўсимлик кесилади.

Ҳосилни йиғиши. Ўсимликнинг барглари гуллаш олдидан ёки гуллаётганда, мевалари эса пишиб етилганда терилади. Барглар соя жойларда очик ҳавода қуритилади.

ПУШТИ КАТАРАНТУС — CATHARANTHUS ROSEUS L.

Пушти катарантус (пушти бўригул) — **Catharanthus roseus (L.) G. Don. (Vinca rosea L.)**; кндишлошлар **Арасупасеае** оиласига киради.

Тик ўсуви ёки ёйилиб ўсуви, баландлиги (узунсимон) 30—60 см ли пояли, доим яшил бута. Пояси цилиндрсимон, туксиз ёки баъзи формаларида

тукли. Барглари эллипссимон ёки чўзиқ эллипссимон, тўқ яшил, ялтироқ, қалин текис қиррали бўлиб, қисқа банди ёрдамида поя ва шохларида қарама-қарши жойлашган. Йирик, чиройли, қизил-пушти рангли гуллари 2—4 тадан поянинг юқори қисмидаги барглар қўлтиғидан ўсиб чиқкан. Гулқўргони мураккаб. Гулкосачаси беш бўлакли, яшил рангли, гултожибарглари бирлашган, баъзан оқ, пушти ва қизил рангли бўлиши мумкин. Меваси — қўшбаргча.

Географик тарқалиши. Ёввойи ҳолда нам тропик ерларда Индонезияда (Ява оролида), Вьетнам, Малайзия, Хиндистон ва ва бошқа давлатларда ўсади. Ажария республикасининг Қора денгиз бўйида жойлашган „Кобулетский“ совхозида ўстирилади.

Махсулот тайёрлаш. Ўсимлик барглари у қийғос гуллаб, мева туга бошлаган даврида йигилади. Бунинг учун иккинчи даражали новдаларни ердан 10—15 см баландликда қирқиб, 40—50°C да қуритгичларда қуритилади. Сўнгра қуриган маҳсулотни майдалаб, йирик поялардан ажратилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот бутун ва синган барглар ҳамда бир оз ўсимликнинг бошқа қисмлари (сербарг поянинг учи, гуллар, пишмаган мевалар ва ингичка поячалар)ни аралашмасидан иборат. Барглар эллипссимон ёки чўзиқ эллипссимон, асос қисми бир оз торайган, текис қиррали, қисқа бандли, узунлиги 12 см гача, бир оз узунасига буришган, асосий томири баргнинг пастки томонидан бўртиб чиқкан бўлади. Пояси цилиндрисимон ёки бир оз яssi, йўғонлиги 0,2 см гача, билинрабилинмас тўрт қиррали, гуллари йирик, чиройли, оқ, пушти ёки қизил, қуриганда сариқ ёки оч қўкимтир-қизғиш рангли. Маҳсулот тўқ яшил, сарғиши-яшил ёки қўнғир-яшил, уруғи қора рангли (пишганда) ўзига хос ёқимсиз ҳидли. Маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 13%, сарғайган, жигарранг ва қорайган барглар 6%, поялар 15%, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 1% дан юшмаслиги ҳамда маҳсулот таркибидаги винбластин алкалоидининг микдори 0,02% дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибидаги индол унуми бўлган икки гуруҳга киравчи 80 тагача алкалоидлар бор: мононерлар (аймалин, серпентин, лохнерин ва бошқалар) ҳамда димерлар (винбластин, винкристин ва бошқалар). Мономер алкалоидлари раувольфияни алкалоидлари сингари организмга таъсир кўрсатади. Димер алкалоидлари алоҳида диққатга сазовордир. Улардан 6 таси ёмон шишларни — рак касаллигини даволаш таъсирига эга бўлиб, шулардан иккитаси — винбластин ва винкристин тиббиётда қўлланилмокда.

Алкалоидлардан ташқари, маҳсулотда яна оксикарбон кислоталар, флавоноидлар, гликозидлар ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Катарантус доривор препаратлари баъзи рак касалликларини (лимфогранулематоз, гематосаркома, миеломада розевин-винбластин ҳамда нейробластома, лейкоз, Вильсон шиши, меланома, қўкрак сут бези раки ва бошқа шишларда, винкристин) даволашда қўлланилади. Бу препаратлар цитотоксик (рак ҳужайраларини ўлдириш) таъсирига эга.

Доривор препарат. Розевин сульфат (винбластин сульфат) (ампулада ва шиша идишда қуритилган ҳолда чиқарилади), винкристин сульфат (шиша идишда қуритилган ҳолда ампуладаги эритувчи билан биргаликда чиқарилади).

Пушти Катарантус ўсимлигини етишириш

Пушти катарантус ёруғсевар, унумдор ерларга ва минерал ўғитларга талабчан ўсимлик ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган тиниқ ва ўтлоқи тупроқларда экиб ўстириш тавсия қилинади. Ўсимлик кўп йиллик бўлганлиги учун уни уруғини кузда ҳамда баҳорда экиш мумкин. Уруғларини иссиқ хоналарда экиб кўчат тайёрлаб ҳам экилади.

Пушти катарантус ўсимлигини ҳайдаб экиладиган экинлардан бўшаган ва бегона ўтлардан тозаланган ерларга экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўсимлик экиладиган ерларни кузда тайёрланади ва ҳайдаш олдидан тупроқ унумдорлигини бир хил ҳолатда сақлаб туриш мақсадида ўсимликни ўсиш даврида яхши ривожланиши учун гектар ҳисобига 15—20 тонна маҳаллий ўғит ва фосфор ўғитини йиллик нормасини 70% ини бериб, 25—27 см чуқурликда сифатли қилиб ҳайдаб қўйилади.

Эрта баҳорда бегона ўтларнинг илдизларидан тозаланиб, икки марта борона ва мола бостириб ер текисланади.

Уруғни апрель ойининг бошларида тупроқ ҳарорати 18—20°C бўлганда қатор оралари 50—60 см дан қилиб сабзавот экадиган ускуналарда тупроқ юзасига 0,5—1 см чуқурликда экилади ва гектар ҳисобига саралangan уруғдан 4—5 кг сарфланади. Уруғ тупроқ юзасига бир текис тушиши учун чириган гўнг, қум ва бошқа маҳсулотлар билан аралаштириб экишни тавсия қиласиз.

Уруғларни суғориш мақсадида экиш агрегатларига окучниклар тиркаб эгатлар олинади. Экилган уруғлар тупроқ остида қолиб кетмаслиги учун эгатлар майда олинади. Уруғлар униб чиққунга қадар жилдиратиб турилади. Майсалар 20—25 кундан кейин пайдо бўлади. Бу субтропик ўсимлик бўлганлиги сабабли тупроқ ҳарорати 20—25°C дан юқори бўлишига ҳаракат қилиш лозим. Майсалар униб чиқиши учун тупроқ юзаси нам ҳолда сақланади.

Ўсимликда 3—4 та чин барг ҳосил бўлганда ҳар 15—20 см оралиқдаги ҳар бир уяга 1—2 тадан ўсимлик қолдириб ягана ўтказилади. Ўсимликларнинг илдиз тизимиға зарар етказмасдан эҳтиёткорлик билан қатор ораларига ишлов бериш тавсия қилинади. Тупроқнинг намлиги ва ўсимликнинг ривожланиш ҳолатига караб суғоришни табакалаб ўтказиш лозим. Вегетация давомида катарантус ўсимлигини 10—12 марта суғорилади.

Ўсимликнинг хомашёси барг ва новдаларнинг баргли тана қисмлари ва 2 мм гача қалинликдаги поялари бўлганлиги учун ва улардан юқори ҳосил этиштириш мақсадида биринчи озиқлантиришни шоналаш фазасида гектар ҳисобига 50 кг азот, 20 кг калий ўғити бериш билан амалга оширилади. Иккинчи озиқлантириш хомашёси ўрилгандан кейин ҳар бир гектар ерга 50 кг азот, 30 кг фосфор ва 30 кг калий берилади. Озиқлантириш сугорищдан олдин амалга оширилади.

Умуман мавсум давомида пушти катарантус экилган ерларга 100 кг азот, 80 кг фосфор ва 50 кг калий ўғити билан озиқлантирилса, юқори ҳосил олишга мувофиқ бўлади.

Пушти бўригул 9—10 жуфт барглар ҳосил қиласа (60—65 кун) шоналаш бошлайди, 70—75 кунда гуллайди. Ён новдалари 80- куни ўсиб чиқади, 125 кундан кейин мевалари тўлиқ пишиб етилади.

Ўсимликнинг ер устки қисми август ойининг ўрталарида мева пиша бошлаган даврда ўриб олинади. Ўриб олинган маҳсулот шийпонларга ташиб келтириб „Волгар“ ускунасида 3 см гача майдаланади, кейин ёпиб қуритилади.

Қуриган хомашё майдалангандан барглардан, мева бўлаклари, майдалангандан поя, тўпгул ва шоналардан иборат бўлади. Хомашёнинг ранги тўқ яшил бўлиб (куриган гуллари борлиги туфайли) оч қўнғир ранглилари ҳам учрайди.

ДОРИВОР ИССОП (HYSSOPUS OFFICINALIS L.)

Доривор иссол — лабгулдошлар (*Lamiace*) оиласига киради. Ўткир ҳидли, кўп йиллик, бўйи 85—90 сантиметр бўлган, доим яшил чала бута. Илдизи ўқ илдизли. Поясининг асосий қисми ёғочланган, шохланган 4 қиррали. Барглари қарама-карши жойлашган, бандсиз ёки калта бандли ланцетсимон ёки чизиқсимон, четлари бир оз пастга қайрилган. Унинг гуллари сиёҳ ранг, пушти ранг барглар ораларида 3—7 тадан сохта

мутовкаларга тўпланган. Мутовкалар бошоқсимон, узунлиги 20—22 сантиметрга борадиган соябонларни ташкил қиласи. Меваси 4 та аниқмас қиррали, тухумсимон ёнғоқчадан иборат. Узунлиги 2,5—3 мм бўлиб, ёнғоқчаларнинг усти нотекис, ранги тўқ-қўнғир ёки қўнғир қора.

Географик тарқалиши. Доривор иссоноп Крим, Кавказ, Молдова, Жанубий Европа, Ўрта Ер денгизи атрофларидағи мамлакатларда ҳамда Ўрта Осиё мамлакатларида ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Баргода 0,90—1,98 фоиз эфир мойи, дубил моддалар, кислоталар ва гулида flavonoид-диосимин $C_{34}H_{44}O_6$, иссонин ва глюкоза бор.

Эфир мойи таркибидаги а ва б пинянлар, 1-пинокамфон, 1-пинокамфеола ва унинг уксус эфирлари альдегин, камfen, цениол, уксус кислотаси, спирт аралашмалари ва сесквитерпенлар тутади.

Ишлатилиши. Доривор иссоннинг эфир мойи фармацевтиканда асосан суртмаларнинг, қисман сиртга ишлатадиган бошқа дориларнинг ҳидини яхшилаш учун ишлатилади. Эфир мойи антисептик хусусиятга эга бўлганидан куйган жойларни тузатувчи восита сифатида фойдаланилади. Тиббиётда кўкрак органлари, нафас сиқилиши, бронхит ва бронхиал астма касалликларни тузатишида ишлатилади. Иссон мойи озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Доривор иссоноп ўсимлигини етиштириш

Доривор иссоноп ўсимлиги асосан уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпайтирилади. Унинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун унумдор тупроқлар ва қуёш яхши тушадиган майдонларни танлаш керак бўлади. Иссон кўп йиллик ўсимлик бўлгани учун уни алмашлаб экиш далаларига жойлаштиришни режалаштирмаслик керак, чунки у бир ерда 20—25 йил давомида ҳосил бериши мумкин.

Доривор иссоп ўсимлиги экиладиган ерларни кузда гектар ҳисобида 15—20 тонна чириган гүнг ва 30—40 кг суперфосфат, ёғингарчилик кам бўладиган минтақаларда ва сизот сувлари чуқур жойлашган тупроқларда 20 кг дан азот ўғити бериб ерни 25—28 сантиметр чуқурлиқда ҳайдаб қўйилади.

Иссоп уруғидан қўпайтириш энг яхши усул ҳисобланади. Унинг энг мўътадил экиш вақти октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг биринчи декадаси ҳисобланади.

Уруғлар чуқурроқ экилади. Агарда экиш баҳор ойига қолдирилса, уруғлар стратификация қилиниши шарт. Бунинг учун уларни намланган қумли яшикларга солиб, иситилмайдиган хоналарда сақланади.

Уруғлар қуриб қолмаслиги ва моғорламаслиги учун вақти-вақти билан намлаб турилади. Экишдан олдин ерлар бегона ўтлар қолдиқларидан тозаланади, бороналанади ва мола билан текисланади. Ҳаво ҳарорати 15—17 градус исиганда эгат оралари 70 см қилиб экилади. Ҳар бир гектар ерга 4 кг гача уруғ сарфланади. Агар тупроқ таркибида нам етишмаса экилгандан кейин дарҳол сугорилади. Уруғлар 6—8 кунда униб чиқади. Орадан 10—12 кун ўтгач майсаларда 2—3 тадан чин барг ҳосил бўлади ва ўсимлик ораларини культивация ёрдамида юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Баҳор ойларида ёғингарчилик натижасида иссоп экилган майдонларда қатқалоқлар пайдо бўлиши билан ўсимлик оралари юмшатилади ва шу билан бирга ягана қилиниб, ҳар бир тупда 20—30 см узунликда 2—3 тадан ўсимлик қолдирилади. Экилган ўсимликлар июнь ойининг охирларида шоналайди. Кузда экилган ўсимликлар май ойининг охири ва июнь ойларининг бошларида гулга киради. Шоналаш фазасигача ўсимлик икки марта сугорилади ва сувдан кейин ўсимлик оралари культивация билан 8—10 см чуқурликкача юмшатилади. Баҳорда экилган ўсимликлар июль ойининг бошларида гуллай бошлайди. Бу даврга келиб иссонинг илдиз тизими яхши ривожланганлиги учун ўсимлик бақувват бўлиб ўса бошлайди. Иссони озиқлантиришни шоналаш фазасида бошлаш тавсия қилинади. Сугоришдан аввал гектарига 50 кг азотли, 30 кг калийли

ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўсимликларни суюлтирилган гүнг билан озиқлантириш яхши натижада беради. Иссон экилган майдонлар ҳар 2—3 суфоришдан кейин дала ўтоқ қилиниши лозим.

Иккинчи озиқлантириш ўсимлик гуллаш фазасида гектарига 40—50 кг азот ва 20 кг фосфор ўғити бериш билан тугатилиши керак.

Унинг битта тўпгулида 16—20 тагача гул бўлади. Унинг гуллари эрталаб соат 6—7 да очилади. Шу вақтда иссон экилган майдонларда асалари ва капалаклар пайдо бўлади. Вегетация давомида доривор иссон ҳаво ҳароратини ҳисобга олган ҳолда 6—8 марта суфорилади. Ўсимликнинг хомашёси бошоқли тўпгул ҳисобланади.

Уларнинг оммавий гуллаш фазасида гулбандларининг узунлиги 30 см бўлганда (августнинг иккинчи ярмида) унинг хомашёси йигилади. Хомашё янги ўрилган пайтда унинг таркибида нам кўп бўлади. Шунинг учун ўсимлик моғорлаб кетмаслиги учун яхши шамоллатадиган бостирмаларга юпқа қилиб стелажларга ўйиб қўйилади. Ҳосил шамолсиз қуруқ вақтда йигилади.

ЯПОН СОФОРАСИ (ТУХУМАК) — SOPHORA JAPONICA L. (STUPHNOLOBIUM JAPONICUM (L) SCHOTT.

Япон софораси (тухумак) — *Sophora japonica* L. (*Stuphnolobium japonicum* (L) Schott. дуккақдошлар — *Fabaceae* оиласига киради.

Бўйи 20 м га етадиган катта дарахт. Ёш новдалари тукли бўлиб, яшил-сарғиши рангли пўстлоқ билан қопланган. Барглари тоқ патли мураккаб, қисқа банди билан шохларда кетма-кет жойлашган. Баргчалари (5—7 жуфт) чўзиқ эллипссимон, чўзиқ тухумсимон ёки кенг ланцетсимон, ўткир учли, узунлиги 23—53 мм, эни 11—21 мм. Гуллари сариқ рангли, капалаксимон тузилган бўлиб, рўваксимон тўпгулни ҳосил қиласиди. Гулкосачаси найчасимон, бештишли, оталиклари бирлашмаган, меваси 3—8 см узунликдаги, пишганда очилмайдиган, этли, қисқа бандли, тасбехсимон дуккак. Дуккалари туксиз,

2—8 уруғли, бир оз шилимшиқ-аччиқроқ мазали бўлиб, тўк қўнғир-қора рангга бўялган.

Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси август-сентябрда етилади.

Географик тарқалиши. Ватани Хитой ва Япония. Украина ва Россиянинг Европа қисмининг жанубида, Закавказье, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг жанубида манзарали дараҳт сифатида паркларда, боғларда, кўчаларда, каналлар бўйида жуда кўп ўстирилади. Украина жанубида, Ростов вилояти, Краснодар ва Ставропол ўлкалари, Озарбайжон, Грузия ва Ўрта Осиё республиклари ҳамда Қозоғистоннинг жанубида тайёрлаш мумкин. Ўзбекистонга биринчи марта XVIII аср ўрталарида келтирилган.

Мевалар пишиши олдидан, узунлиги 9—10 см ва қалинлиги 10—12 мм сершира бўлган вақтида, уруғлари йириклишиб қотган ва қорая бошлиганда йиғилади. Йиғилган мевалар ҳаво кириб турадиган жойда ёки қуригичларда 25—30°C да қуритилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. ўунчалар чўзиқ-тухумсимон, узунлиги 3—7 (кўпинча 4—5) мм, эни 1,5—3 мм, гул банди ингичка, 0,5—4 мм узунликда, тез синадиган. Гул косачаси найчасимон, 5 та тўмтоқ тишли, сарғиши-яшил рангли, бир оз тукли (лупада кўринади). Гул тожиси косача билан teng ёки бир оз ундан чиқиб туради, оч-сариқ рангли. Махсулот кучсиз, ўзига хос ҳидга эга.

Махсулот намлиги 12%, умумий кули 8%, гултўпламини шохлари, гулбанди ва барглар аралашмаси 3,5%, органик аралашмалар 0,5%) ва минерал аралашмалар 1% дан ошиқ ҳамда маҳсулот таркибидаги рутин миқдори 16% дан кам бўлмаслиги керак.

Мевалар пишганда очилмайдиган, бир оз ясси-цилиндрсимон, тасбехсимон, кўп уруғли, узунлиги 10 см, эни 0,5—1 см, яшил жигарранг ва сариқ чокли дуккак. Уруғлари тўк жигарранг ёки қора рангли, узунлиги 1 см гача, эни 0,4—0,7 см бўлади. Мева ҳидсиз, аччиқ мазали.

Маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 3%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 1%, қорайган ва пишмаган (хом) мевалар 10%, поя ва барг аралашмалари 3%, органик аралашмалар 0,5%) ва минерал аралашмалар 1% дан кўп бўлмаслиги зарур.

Кимёвий таркиби. Япон софораси ғунчаси ва меваси таркибида флавоноидлар, витамин С, бўёқ, ошловчи ва бошқа моддалар бўлади. Асосий флавоноиди рутин ҳисобланади. Рутин миқдори дарахтнинг турли органларида турлича, у ўсимликнинг ўсиш даврига қараб ўзгариб боради. ўунчаси (гули) таркибида 0,3—44% гача, баргидаги 1,13—3,5% (баъзан 17%) гача рутин бўлиши мумкин. Маҳсулот таркибида рутиндан ташқари, кверцетин, кемпферол, генистеин, кемпферол-3-софорозид ва бошқа флавоноидлар бўлади.

Ишлатилиши. Япон софораси рутин олинадиган (Тошкент кимё-фармацевтика заводида олинади) асосий маҳсулот ҳисобланади. Мевасидан тайёрланган настойка йирингли ва трофик яралар ҳамда куйган жойни даволаш учун ишлатилади. Настойка бактерицид ва яраларни битишини тезлаштириш таъсирига эга.

Рутин (ҳамда қўшимча олинадиган кверцетин) витамин Р етишмаслигидан келиб чиқадиган касалликлар (гипо- ва авитаминоz), қон томирлар девори ўтказувчалигининг бузилишидан келиб чиқкан касалликлар, геморрагик диатез, кўз пардасига қон қуйилиши, капилляр токсикози, нур касаллиги, гинертония, ревматизм, қизамиқ, бўғма, тиф ва бошқа касалликларни даволаш ҳамда олдини олиш учун қўлланилади.

Доривор препаратлари. Рутин (кукун (порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади), кверцетин (таблетка ҳолида чиқарилади) ва мевадан тайёрланган настойка.

Япон софорасининг гули чет элдан келтирилади. Шунинг учун Собиқ Иттифокда ўсадиган ўсимликлар орасида рутинга бой маҳсулот излаб топиш катта аҳамиятга эга. Рутин олиш учун маҳсулот сифатида ясмиқ (*Fagopyrum sagittatum Gilibe*) ўсимлигининг ер устки қисми тавсия этилган. Ясмиқ

Россия, Украина ва Белорус республикаларида ўстирилади. Унинг ер устки қисми таркибида 2—6% рутин ва бошқа бирикмалар бор.

ЯПОН СОФОРАСИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Япон софораси манзарали дараҳт сифатида 90 га яқин мамлакатда ўстирилмоқда. Ўзбекистонга у биринчи марта XVIII аср ўрталарида келтирилган. Тошкент шаҳрида ҳозирги кунда 150 мингга яқин япон софораси экилган ва ҳосил бермоқда. Япон софораси тез ўсувлан ёруғ севар, қуруқликка ва шўрга чидамли ўсимлик ҳисобланади. Унинг меваси октябрь-ноябрь ойларида пишиб етилади. Япон софораси экиладиган ерларни кузда гектар ҳисобига 20—28 тонна органик ўғит ва 50 килограмм фосфор ўғити билан озиқлантириб 25—30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Ўсимликни кузда ва баҳорда — апрель ойининг биринчи ўн кунлигига экилади. Кузда экилган уруғлардан униб чиққан майсалари баҳорда бўладиган совуқ кунларга чидай олмаслиги мумкин. Шунинг учун унинг уруғини баҳорда экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Уруғларни экишдан олдин 10—15 кун ивитилиб, юмшоқ пўстлоғидан элакларда ажратилиб олинади ва қуритилади. Тозаланган хомашёдан 30—33% га яқин уруғ ажратиб олиш мумкин. 1000 дона уруғининг оғирлиги ўртача 100 г га тўғри келади.

Кузда ҳайдалган ерларни борона ва мола механизмлари билан текисланади.

Тайёрланган уруғлар намли тупроқда 3—4 см чуқурликда экилади. Агар тупроқда нам етарли бўлмаса тезлик билан суғорилади. Япон софорасининг уруғлари 2 қатор қилиб кенг пушталарга экилади. Тупроқда намни кўпроқ сақлаш мақсадида қатқалоқ бўлишни олдини олиш ва уруғ экилган эгатларнинг тупроғи қизиб кетмаслиги учун шоли похоли, чириган барглар ва ёғоч қипиклари билан 1 см қалинликда ёпиб чиқилади.

Бахорда экилган уруғлар 10—15 кундан кейин униб чиқади. Ҳосил бўлган кўчатларнинг яхши ривожланиши учун эгатларни ҳар доим нам ҳолатда сақлаш керак бўлади. Бундан ташқари униб чиқсан майсалар атрофи мунтазам равишда юмшатилиб турилиши лозимдир.

Япон софорасини ўсув даврида 3—4 марта ораларини культивация қилиш, бегона ўтлардан тозалаб ва зааркундаларга қарши чора тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Ўсимликларни илдизини яхши ривожлантириш ва ўсишини фаоллаштириш мақсадида вегетация давомида гектарига соф азотдан 90 кг, фосфордан 60 кг ва калий ўғитидан 40 кг солиниб озиқлантирилади. Софора ўсимлигини пояларини бақувват бўлиши учун июль ёки август ойининг бошларида калий ўғити билан озиқлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўсимликни ўғитлашни сугоришдан олдин амалга ошириш керак бўлади. Вегетация давомида софора ўсимлигини 7—8 марта сугорилса октябрь ойигача анча бақувват бўлиб ўсади. Сугоришдан кейин кўчат атрофи юмшатилади. Софора кўчатларини иккинчи йили эрта бахорда яхши кўкариши учун жўяклар олиниб 70 x 25 см дан жойлаштириб қайтадан кўчириб экилади. Шу схемада экилган кўчатларнинг сони 1 гектар майдонга 57 минг донага тўғри келади. Кўчатларни қайта экишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак: экиш даврида чириган ва синган кўчатларни ажратиш, ўсимликнинг илдиз тизими қуримаган бўлиши керак ва уни тупроқка зич қилиб экиш керак бўлади. Кўчатлар экилгандан кейин тезлик билан сугоришни амалга ошириш лозим. Кўчатларни сугорилгандан 2 кун ўtkазиб уларни тўғрилаб чиқилади.

Экилган кўчатларни яхши ривожланиши учун бегона ўтлардан тозалаш, ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ва об-ҳавони ҳисобга олган ҳолда сугоришни муддатида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Эгат ораларини культивация қилиш кўчатлар 2 марта сугорилгандан кейин амалга оширилади.

Вегетация даврида кўчат оралари 3—4 марта кўлда чопик қилинади. Кўчатларни суғориш учун жўяклар олинади ва вегетация давомида 7—8 марта (май, июнь, июль ойларида 2 мартадан) суғорилади.

Кўчатларни бўйи 2,5—3 м ва тана қисми 2,5—3 см га етганда 2- ёки 3-чи йили асосий майдонларга кўчириб экилади. Экишдан олдин ерлар юмшатилган, текисланган ва ўғитланган бўлиши лозим. Кўчатларнинг экилиш чукурлиги 0,5—0,6 м ва қатор ораларининг кенглиги 8 м, кўчатларнинг оралифи 6 м дан қилиб экилганда 1 гектар майдондаги дараҳтлар 208—210 та бўлиши мумкин.

Япон софораси экилгандан кейин жўяклар орқали сув берилади. Иккинчи суғоришни 6—8 кундан кейин амалга ошириш керак. Кўчатларнинг қатор оралари ҳар доим юмшоқ ва ҳайдалган бўлиши лозим.

Кўчатлар экилгандан кейин 3—4 йилгача уларнинг ораларига 1 йиллик доривор ўсимликлар экиш мумкин бўлади.

Агар агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказилса 1 гектар майдондан ўртacha 0,7—0,8 тонна ҳосил йиғиб олиш мумкин бўлади.

Махсулот тайёрлаш. ўунчаларни гуллашдан олдин (июнь-июль ойларида), улар анча йириклишганда ва тўпгулнинг биринчи ғунчалари очила бошлаган вақтда тўпгул-рўвакни қирқиб олиб соя ерда ёки қуритгичларда 40—45°C да қуритилади.

ЛИМОН — CITRUS LIMON BURM.

Лимон — **Citrus limon Burm.**, рутагулдошлар — **Rutaceae** оиласига киради.

Лимон бўйи 2,5—4 метрга етадиган доим яшил, тиқанли дараҳт. Барги чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, ялтироқ, майда тиҳсимон қиррали бўлиб, пояда қисқа банди билан кетма-кет жойлашган. Гули якка, баъзан 2—3 та бўлиб, барг қўлтиғида жойлашган. Гулкосачаси 4—5 тишли, тожбарглари ок,

4—8 та. Меваси — чўзиқ тухумсимон, сариқ рангли, кўп уруғли хўл мева. Май-июн ойларида гуллайди, меваси ноябрь-декабрда пишади.

Географик тарқалиши. Лимон ватани Тинч океанининг тропик ороллари ҳисобланади. Грузиянинг ғарбидаги нам субтропик районларда, Кримнинг Қора денгиз бўйи районларида, Озарбайжон ва бошқа ерларда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Мева таркибида 6—8% лимон кислота, 3,5 % қанд, A, B₁ B₂, P витаминлари, 43—83 мг % аскорбин кислота, флавоноидлардан (айниқса мева пўстида): диосмин ва гесперидин бўлади. Мева пўсти таркибида 0,6% эфир мойи бор.

Лимоннинг эфир мойи оч сариқ рангли суюқлик бўлиб, таркибида 3—6% цитраль альдегид, 90% лимонен ва бошқа бирикмалар бўлади.

Ишлатилиши. Лимоннинг эфир мойи дорилар хиди ва мазасини яхшилаш учун ишлатилади. Лимон меваси эса авитаминоз касалликларида қўлланилади.

Лимон мойи озиқ-овқат ва кондитер саноатида ҳам ишлатилади.

Лимон етиштириш технологиси

Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқларида вегетация даврнинг узун ва самарадорлик ҳароратнинг юқори бўлиши лимон ўсимлигини экиб ўстириш ва ундан сифатли ва юқори ҳосил етиштириш имконини беради. Лимонни теплицада ва траншеяларда ўстириш мумкин.

Теплицада ўсимлик қисқа муддатда ўсади ва ривожланади, уни парвариш қилиш енгиллашади, ҳосилдорлиги ошади.

Агар траншеяда ўстирилса битта дараҳтдан ўртacha 200—250 донағача мева олинса, теплицада эса анча кучли ривожланган дараҳтдан 400—500 донағача лимон олиш мумкин. Ўртacha ҳарорат 10°C ва ундан юқори бўлганда лимон новдалари ўса бошлайди. Суткалик ўртacha ҳарорат 16—18°C га етганда лимон ялпи ғунчалайди, 18—22°C да гуллайди. Лимон барглари 2—3

йил яшайди ва аста-секин алмашинади. Лимон ўз-ўзидан четдан асаларилар томонидан чангланади. Бу тугунчаларни кўпроқ ҳосил бўлишига ёрдам беради. Ўсиш ва шаклланиш даврида (апрель-май) 20—22°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 70—80 фоиз бўлганда унинг фойдали гуллаши 22—25 фоизга етади. Лимон совукка чидамли ўсимлик. Минус 2—2,5°C совуқда мевалари, 3—4°C да барглари ва бир йиллик новдалари музлайди.

Лимоннинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун унумдор тупроқлар ажратилади. Сизот сувлари яқин ва шўрланган ерларда ўса олмайди.

Тупроқни лимон кўчатларини экишга тайёрлаш.

Лимон экиладиган ерларни яхши текислаб гектар хисобига 50—60 т чириган гўнг, 120 кг суперфосфат, ва 50—60 кг калий ўғити солиб 50—60 см чуқурликда ҳайдаш лозим. Теплицада лимон 3 x 4 метр схемада, траншеяларда эса бир қатор қилиб бир-биридан 3 метр оралиқда ўтқазилади. Кўчатларни ўтқазишдан олдин ҳар бир чуқурчага 10 кг дан чириган гўнг, 80—100 г суперфосфат ва 50 г калийли ўғитларни тупроққа аралаштириб солинади.

Теплицаларга илдиз тизими яхши ривожланган бир ёшли ва икки ёшли кўчатлар баҳорда ёки кузда ўтқазилади. Кузда лимон кўчати ёпишган тупроғи билан ўтқазилади. Кўчатларнинг илдиз бўйини тупроқ сатхидан 2—3 см юқори бўлиши керак. Кўчат экилгандан кейин унинг атрофи зичланади ва бир челяқдан сув қуйилади. Сўнгра ҳар бир қаторнинг иккала томонидан 25—30 см масофада олинган эгатлар бўйлаб суғорилади. Траншеяларга кўчат апрель ойида совуқ кунлар ўтгандан кейин ўтқазилади.

Ўсимликни парвариш қилиш

Экиладиган лимон кўчатлари 15—20 см чуқурликда олинган эгатлар орқали тупроқ қатлами 40—50 сантиметргача намлангунча ариқ сувидан

жилдириатиб сугорилади. Вегетация давомида тупроқ доимо нам ҳолатда сақланиши лозим.

Лимонни бўлиб-бўлиб сугориш керак. Вегетация давомида об-ҳаво шароити ва ўсимлик ҳолатига қараб 20—25 марта сугоришни ўтказиш керак. Ёз ойининг иссиқ кунларида кечқурун ва эрта билан сугорилади. Ҳар бир сугоришдан кейин тупроқ 10—15 см гача сугорилади. Лимон ҳосил бера бошлиши билан ҳар бир сугориш орасида тупроқ юмшатилиши мумкин.

Баҳорда ва ёзда теплицада ҳаво ҳарорати кескин ошиб кетганда уни шамоллатиб туриш керак.

Қишда тупроққа 25—30 см чуқурликка ишлов бериш билан гўнг ва суперфосфат ўғити солинади. Кейинчалик ўсимликни ҳолатига қараб уни ўғитлаб туриш керак ва ўсимликни илдизига шикаст етказмаслик учун эҳтиётлик билан ишлаш керак. Ўсимликни касаллик ва заараркунандаларга қарши ва бегона ўтлардан тозалаб туриш керак.

Тупроқни ўғитлаш кўчат ўтқазилгандан кейин, иккинчи йилдан бошлаб ҳар йили қиши олдидан ишлов беришда гўнг ва суперфосфат солинади. Бир, икки ва уч ёшлик ўсимликлар остига 10 кг гўнг, 2 кг дан азот ва фосфор ҳамда 1,0 кг калий ўғити солинади. Мева берувчи ўсимликлар тупига эса 20—25 кг гўнг, 80—120 г азот, фосфор ва 40—50 г дан калий ўғити берилади. Бунда минерал ўғитлар 2 муддатда — ярмиси февралда ва қолгани май ва июнь ойларида, тугунлар шаклланганидан кейин солинади. Ундан ташқари чириган гўнгни сувга аралаштириб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Лимондан юқори ва барқарор ҳосил етиштириш учун фақат бир меъёрда озиқлантириш, ўсиш ва ривожланиши билан кифояланмаслик керак. Ўсиб кетган ва шаклланган новдаларни дараҳт ёшига муносиб равища сийраклаш, чилпиш ва буташ йўли билан мунтазам равища парвариш ишларини амалга ошириш керак. Бундан тупнинг ўсиши, ривожланиши ва мева бериши яхшиланади.

Мева йиғиб терилгандан кейин, қиша, дарахт ўсмасдан асосий буташ ўтказилади. Шохларнинг ҳамма қуриган, шикастланган ва қариган қисмлари олиб ташланади.

Ёзда чанг қопланган баргларни вақти-вақти билан эрталаб ювиб туриш лозим.

Лимон дарахти теплицада кўпинча юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, каналари, калмараз, антракноз ва бактериал некроз зааркунанда ва касалликлар билан заарланадилар. Мис купороси ва 0,3% ли фузалон эритмаси билан ўсув даврида пуркаб турилади. Қора куясимон замбуруғларга 1% ли бордо суюқлиги эритмаси ёки 0,5% ли мис хлор оксиди эритмасини пуркаш лозим.

Ўргимчак канага қарши 0,2% ли келатон эритмасини пуркаш яхши натижа беради.

Лимон меваларини йиғишни октябрь ойининг охирида пўчоги яrim сарғайганда бошлаш керак.

Лимон маҳсус мева узгич билан йиғилади, уларни 60 x 35 x 13 см ли яшикларда жойлаштирилади. Лимонлар 6—8°C ҳароратда сақланади.

АТИРГУЛ — ROSA DAMASCENE MILL.

Атиргулнинг турлари: **Rosa damascene Mill.**, **Rosa centifolia L.**, **Rosa gallica L.**, атиргуллилар — **Rosaceae** оиласига киради.

Атиргул бўйи 1,5—2 м га етадиган бута. Пояси сершохли бўлиб, тиканлар билан қопланган. Барги тоқ патли мураккаб, 3—5, баъзан 7 та баргчадан ташкил топади. Баргида қўшимча баргчалар ҳам бўлади. Гуллари иириқ, хушбўй бўлиб, қалқонсимон тўпгулга ёки қалқонсимон рўвакка тўпланган. Косачабарги 5 та, тожбарги 25—30 тача қизил, пушти, баъзан оқ рангга бўялган. Оталик ва оналиклари кўп сонли. Мевалари ёнгоқсимон, бир уруғли, гул ўрни билан бирлашиб, қизил рангли, чўзинчоқ, сохта мева ҳосил қиласиди.

Июнь ойида гуллайди.

Географик тарқалиши. Атиргуллар, ёввойи ҳолда учрамайди. Атиргул Россияда, асосан Грузия, Молдавия, Тожикистон, Қирғизистон республикаларида ҳамда Қримда, Закавказьеда ва Краснодар ўлкасида ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Гултожбарги таркибидаги 0,05—0,075% эфир мойи ва кратаноидлардан рубиксантин бўлади. Эфир мойи эрталаб йигилган гултожбарглардан сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади.

Эфир мойи сарғиш, хушбўй бўлиб, $+15^{\circ}\text{C}$ температурада стеароптени (хидсиз, кераксиз қисми) кристалл ҳолида ажралади. Эфир мойининг солиширига оғирлиги 0,8368—0,8776, рефракция сони 1,5571, қутбланган нур текислигини оғдириш бурчаги — $2,50^{\circ}$ — $4,25^{\circ}$.

Эфир мойи таркибидаги 50—60% гераниол, 22,6% цитронеллол, 10% нерол, 2% гача фенилэтил спирти, эвгенол ҳамда цитраль, ионил ва бошқа альдегидлар бўлади.

Ишлатилиши. Атиргул мойи препарати — **Aqua Rosae** фармацевтика дорилар ҳиди ва мазасини яхшилаш учун ишлатилади.

Атиргул мойи асосан парфюмерияда қўлланилади.

Атиргулни етиштириш технологияси

Атиргул раъногулдошлар (атиргуллилар) туркумининг хушманзара ўсимлик сифатида экиласидиган бир қанча турига ҳалқ томонидан қўйилган умумий ном ҳисобланади. Бу туркумининг ёввойи ҳолда ўсадиган турлари ҳалқда раъно, наъматак, гулзвар ва итбурун номлари билан маълум. Шулардан раъно ва атиргул сўзлари оила номига асос қилиб олинган. Атиргулнинг ер юзида 10 мингга яқин навлари бор бўлиб, Ўзбекистоннинг барча иқлим шароитларида 6 та ремонтант, чой-дурагай, перёнцион, полиант, флорибунд ва чирмашувчи каби турлари бор. Атиргулга мансуб 340 дан ортиқ навлари сугориладиган минтақамизда экиб келинмокда. Бу навлар

гулининг катта-кичиклиги, ранги, ҳиди, пояда ўрнашиши, гуллаш даври, поянинг тикка ёки илашиб ўсиши каби хусусиятлари билан фарқ қиласи, фасл бўйи узлуксиз ёки такрорий гуллаб турадиган ва пояси илашиб ўсадиган хиллари қўпроқ экилиб келинмоқда. Атиргулнинг бизнинг шароитимизда асосан пайванд қилиш йўли билан кўпайтиришда керакли атиргул навининг битта ёки бир нечта куртаги август ойининг охирларида пайвандтакка (наъматакка) уланади. Келаси йил эрта баҳорда пайвандтак унга уланган қуртак юқорисидан кесиб ташланади ва пайвандни боғлаган чипта бўшатилади. Мавсум давомида бачки шохчалар 4—5 марта юлиб ташланади. Пайвандли гул 15—20 см ўсгандан кейин унинг бўйига чўзилишига ва муддатидан олдин гуллашига йўл қўйилмайди. Бунинг учун пайванди гулнинг учи кесилиб, вақти-вақти билан ён шохлари кисқартириб туриладц. Октябрь ойининг охири ноябрь ойининг бошларида бу пайвандлар тўла шаклланган кўчатга айланади. Атиргулнинг кўчатларини унумдор ва сув билан таъминланган ерларга кузда ва баҳорда ўтқазилади. Бу ерлар олдиндан гектар ҳисобига 30—50 тоннадан чириган гўнг солиб 30—35 см чуқурликда ҳайдалади. Бегона ўтлардан тозаланиб текислаб қўйилган бўлади. Кўчатлар 70 x 70 см оралиқда ўтқазилади. Кўчат ўтқазиладиган чуқурнинг кенглиги 30—40 см, чуқурлиги 40—50 см дан қилинади. Вегетация давомида атиргул экилган майдон 20 марта суғорилади ва 6 марта гача оралари чопилади. Атиргулнинг (гулзор) яхши ўсиши ва ривожланиши учун мавсум давомида икки марта (1 m^2 ерга 30 г дан аммоний нитрат, 20 г дан фосфор ва 15 г дан калий ўғити билан) озиқлантирилади. Атиргулни вегетация давомида зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса ун шудрингга қарши олтингугурт кукуни билан 3 марта дорилаш керак бўлади. Бегона ўтлардан холи тутилади. Атиргулнинг баъзи хилларининг гулбаргларидан эфир мойидан ташқари гулқанд ва мурабболар тайёрланади.

САРИМСОҚ ПИЁЗ (САССИҚ ПИЁЗ) —

ALLIUM SATIVURN L.

Саримсоқ (сассиқ пиёз) — **Allium sativurn L.** лолагулдошлар (пиёзгулдошлар) — **Liliaceae** оиласига киради.

Кўп йиллик, пиёзбошли, бўйи 20—70 (баъзан 100) см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, цилиндрсимон бўлиб, тахминан ярмисигача барг қини билан ўралган. Барги чизиксимон, яssi ёки тарновсимон, ўткир учли. Саримсоқ пиёзнинг баъзи навларини барг кўлтиғида пиёзчалари бўлади. Гуллари оддий соябонга тўпланган. Соябон тушиб кетадиган битта баргли қинга ўралган. Гул бандларининг оралиғида майда пиёзчалар бор. Гулқўргони оддий, 6 та оқ рангли тожбаргдан ташкил топган. Оталиги 6 та, оналик тугуни уч хонали, юқорига жойлашган. Меваси — кўп уруғли кўсак. Кўпинча мева тугмайди.

Географик тарқалиши. Ватани Жанубий Осиё. Саримсоқ пиёз ҳамма туманларда кўплаб ўстирилади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот тухумсимон, устки томонидан оқиши пўст билан ўралган пиёзбошидан иборат. Пиёзбоши 7—30 та, пушти ёки бинафша рангли пўст билан ўралган алоҳида-алоҳида пиёз бўлакчаларидан ташкил топган. Пиёзбошининг ўзига хос ўткир хиди ва аччиқ мазаси бор. Пиёзбошидаги учувчан моддалар кўз ва бурун шиллик қаватларини ачиштиради.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 0,3% аллиин, 0,4—2% эфир мойи, 10 мг % витамин С, фитонцидлар, фитостеринлар, 0,06% ёғ, оз микдорда йод ва бошқа моддалар бўлади. Эфир мойи 6% аллилпропилсульфид, 60% диаллилдисульфид, 20% диаллилтрисульфид ва 20% га якин бошқа полисульфидлар аралашмасидан ташкил топган.

Аллиин кристалл ҳолидаги бирикма бўлиб, аллиназа ферменти таъсирида аллицинга, пироузум кислотага ва амиакка парчаланади.

Аллицин рангиз, ёғсимон суюқлик бўлиб, саримсоқ ҳидига эга. Сувда ёмон, органик эритувчиларда яхши эрийди, ишқорлар таъсирида парчаланиб кетади.

Аллицин кучли бактерицид хоссага эга (1 : 125000 гача суюлтирилган аллицин бактерияни ўсишдан тўхтатади).

Ишлатилиши. Саримсоқ ўсимлигининг доривор препаратлари артериосклероз, гипертония, колит, ўпка сили касалликларида ишлатилади; гинекологияда трихомонада колпитида қўлланилади ҳамда остицаларни ўлдириш учун клизма қилинади. Махсулот препаратлари ва майдаланган пиёзбоши йирингли яраларни даволашда ҳам қўлланилади.

Саримсоқ пиёзбошиси бактерицид, фунгицид, простистоцид хоссасига ва гижжаларни ҳайдаш таъсирига эга.

Доривор препаратлари. Настойка.

Олдин саримсоқдан бошка доривор препаратлар ҳам тайёрлаб, тиббиётда қўлланган. Шулардан пиёзини таблеткаси 1970 йилдан, аллиглицер — 1978 йилдан ва аллилсат препарати 1979 йилдан буён чиқарилмайди ва улар ҳозирги кунда тиббиётда қўлланилмайди.

Саримсоқни ўстириш технологияси

Саримсоқ совуққа чидамли бўлиб у ҳатто +3, +5°C да ҳам кўкариб чиқа олади ва -7, -8°C совуқда ҳам нобуд бўлмайди.

Саримсоқ ривожланишининг бошларида 5—10°C да паллалар ҳосил қилаётганда 5—10°C етилаётганда эса 20—25°C яхши ўсади. Ҳарорат 20°C дан юқори бўлганда ўсимлик илдизларининг ўсиши тўхтаб қолади.

Шуни таъкидлаш лозимки жанубий яъни қурғоқчилик минтақаларда этиштирадиган саримсоқ навлари иссиқликка чидамли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида қўйида кўрсатилган саримсоқнинг тез пишар навлари этиштирилади:

1. Ўзбекистон бинафша ранг саримсоғи;

2. Андижон саримсоғи;
3. Тунгон саримсоғи;

Саримсоқнинг алмашлаб экишдаги ўрни. Саримсоқни одатда алмашлаб экишда бодринг, карам ва картошка экилган далаларга экишни тавсия қилинади.

Чунки номлари юқорида кўрсатилган экинлардан кейин далаларга бодринг, полиз экинлари, қовоқча, кулча қовоқ, эртаги карам ва картошка кейин саримсоқ пиёз экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўғитлаш. Саримсоқ пиёзни парвариш қилинганда ҳар гектар далага 20—30 т чириган гўнг, 200 кг азот, 140—160 кг фосфор ва 60—75 кг калий қўллаш мўл ва сифатли ҳосил олишга имкон беради.

Саримсоқ экиш. Саримсоқни одатда палласидан сентябрнинг биринчи ярмида экилади. Бунда палаларни экиш меъёри ҳар гектар далага 8—4 ц дан кам бўлмаслиги лозим. Шуни эътиборга олиш лозимки экишга танлаб олинган ҳар бир палланинг оғирлиги 6—9 г дан кам бўлмаслиги керак.

Саримсоқ пиёзнинг уруғини юқорида кўрсатилган муддатда ҳар гектарига 50—100 кг ҳисобидан экилади.

Саримсоқ пиёзни лентасимон икки ёки уч қаторлаб экилади. Бунда лентава қатор оралиғи 7 см бўлиши лозим, қаторлаб экилганда уларнинг оралиғи 15 см, икки қаторли эса 20 см бўлиши керак.

Демак, саримсоқни $50 + 20 \times 5 - 6$ ёки $40 + 15 + 15 \times 7 - 8$ см схемасида экилади.

Бунда ҳар гектар далада саримсоқ ўсимлигининг сони 450—600 минг туп бўлади.

Саримсоқ кузда 2—3 марта, баҳорда эса 4—5 марта суғорилади.

Саримсоқ эгатларини вегетация давомида 4—6 марта культиватор ёрдамида юмшатилади.

Хосилни йиғиши. Саримсоқни йиғиши усули кўп жиҳатдан пиёзнинг ҳосилини йиғишига ўхшайди. Ўсимликни пиёзбошиси ёз ойларида кавлаб олинади.

БОДОМ — AMYGDALUS COMMUNIS L.

Бодом — *Amygdalus communis* L. раъногулдошлар — **Rosaceae** оиласига киради.

Бодом дараҳтининг бўйи — 2—5, баъзан 8 м бўлади. Новдалари қизғиши-жигарранг, шохларининг пўстлоғи қулранг-қўнғир, танасиники эса қорамтири. Барги оддий, ланцетсимон ёки энсиз эллипссимон, ўткир учли, чети эса ўтмас, майда тишсимон бўлиб, банди билан пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари оқ ёки оч пушти рангда бўлиб, шохларида якка-якка жойлашган. Гулқўргони мураккаб, тўғри, косача ва тожбарглари 5 тадан, бирлашмаган, оталиги кўп сонли, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси — қийшиқ ёки чўзиқ тухумсимон данакли мева.

Бодомнинг икки тур хили учрайди, уларни фақат мағзининг аччиқ-чучуклигига қараб ажратиш мумкин: чучук бодом —*Amugdalus communis L. varietas dulcis* D. C. ва аччиқ бодом — *Amugdalus communis L. varietas amara* D. C.

Бодом февраль-апрель ойларида, барг чиқармасдан гуллайди. меваси июнь-июль ойларида пишади.

Географик тарқалиши. Аччиқ бодом ёввойи ҳолда тоғ ёнбағирларида ва денгиз сатҳидан 800—1800 м баландликдаги тоғли туманларда ўсади. Аччиқ бодом асосан Ўрта Осиё тоғларида (Тяньшань, Помир-Олой, Копетдаг), Озарбайжоннинг жанубий қисми, Жанубий Арманистонда ўсади. Аччиқ ва чучук бодом Ўрта Осиёда, Кавказда ва Кримда кўп ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот данакдан ажратиб олинган тухумсимон, чўзиқ, ясси бодом уруғидан иборат. Бодом уруғи ғадир-

будур бўлиб, асосида қора доғга ўхшаш (пўстининг ички томонидан яхши кўринадиган) халаза жойлашган. Халаза атрофида радиус бўйлаб майда сув найчалари жойлашган. Уруғнинг ўртача узунлиги 2 см, эни эса — 1,5 см. Иссиқ сув билан намланганда, пўсти тез кўчади. Уруғ иккита палладан иборат. Эмбрионнинг илдизчаси ва куртаги уруғининг уч томонига жойлашган. Чучук бодом уруғи хидсиз, ёғсимон ёқимли мазаси бор. Аччиқ бодом уруғи эса аччик, қуриганида хидсиз бўлади, намлаб ҳавончада эзилса, цианид кислота ҳиди келади.

Чучук бодом уруғи орасида синган уруғлар ва аччик бодом уруғи бўлмаслиги керак. Синган уруғлардаги мой уруғни сақлаш даврида (пўсти бўлмаганидан) ҳаво ва намлик таъсирида оксидланади ва парчаланиб бузилади.

Кимёвий таркиби. Ҳар иккала бодом уруғи таркибида 45—62% мой, витамин В₂, 20% оқсил моддалар, 2—3% сахароза ва эмульсия ферменти бўлади. Аччиқ бодом уруғида яна 2,2—3,5% амигдалин глюкозиди учрайди.

Тиббиётда ишлатиладиган бодом мойи совук пресслаш усули билан олинади.

Аччиқ бодом уруғидан мой олаётганда сув араласиб кетишига йўл кўймаслик керак. Акс ҳолда сув амигдалинни парчалайди ва ажралиб чиқсан маҳсулотлар мойга ўтади. Мой заҳарли бўлиб қолади.

Бодом мойи куюқ, сарғиш суюқлик бўлиб, унинг зичлиги 0,913—0,918, рефракция сони 1,470—1,472, совунланиш сони 190—195, йод сони 93—102 га teng. Кислота сони 2,5 дан ошмаслиги керак. Мой — 10°C ҳароратгача совутилганда қотмаслиги керак.

Бодом мойи қуrimайдиган суюқ мойларга киради, унда 83% олеин, 16% линол кислоталарнинг глицеридлари ва 0,5% гидролизланмайдиган моддалар бор.

Ишлатилиши. Пўсти олиб ташланган чучук бодом уруғидан тайёрланган эмульсия меъда ва ичак оғриқларини қолдириш учун, бодом мойи эса ич юмшатувчи дори сифатида қўлланилади.

Фармацевтикада бодом мойи баъзи дорилар (камфора ва бошқалар) ни эритиш ҳамда суртма тайёрлаш учун ишлатилади.

Аччиқ бодом уруғи кунжарасидан олинган аччиқ бодом суви оғриқ қолдириш учун ва тинчлантирадиган дори сифатида қўлланилади.

Чучук бодом озиқ-овқат саноатида, турупи эса парфюмерияда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Бодом мойи ва мой эмульсияси, чучук бодом уруғидан тайёрланган эмульсия.

Бодом

Ўзбекистонда бодомнинг юпқа пўчоқли, тўнғич, ялтинский ва туркменский светлўй навлари районлаштирилган.

Экиш. Тупроқ-иқлим шарюитига қараб бодомни экиш схемаси ҳам ҳар хил бўлади. Қуйида бодомнинг экиш схемалари келтирилган:

1. Суғориладиган ерларда— 8 x 8 м;
2. Тоғ ва тоғ олди, лалмикор ерларда — 6 x 6 м;

Бу ерларнинг жанубга қараган ёнбағирларида эса бодом 5 x 5 схемасида, эрта баҳорда ёки кузда горизонтал терассалар кенглиги 1,5—5 м гача бўлган ерларда экилади.

Суғорилмайдиган ерларда ёмғир сувларининг буғланишини камайтириш, шу тариқа сувнинг тупроқ шимилишини ошириш мақсадида бодом кўчатларининг атрофига бошқа ўсимликларнинг қолдиқлари, похол ва сомондан мўлча қилиб ташланади.

Бундан ташқари бодом кўчатларининг атрофи мунтазам равища юмшатилиб турилади.

Ўғитлаш. Мунтазам равища бодомзорларга ҳосилдорликни ошириш мақсадида 2—3 йилда бир марта ҳар гектар ерга соф ҳолда азотдан 120 кг, фосфордан 90 кг ва 40—60 кг дан калий ўғити ҳамда 20—30 т дан чириган гўнг солинади.

Янги экилган бодом кўчатларининг илдиз олиш ва ўсишини фаоллаштириш учун ҳар бир кўчат атрофига 60—80 г дан аммофос ҳамда 4—6 кг дан органик ўғит қўлланиши яхши самара беради.

Маълумки тоғли ҳамда лалми ерларда ёғин сувлари тупроқдаги озуқа элементларини ювиб кетиши натижасида улар кучсизланиб қолади. Шунинг учун ҳам бундай ерларга экилган бодом кўчатларини ўз вақтида органик ва маъдан ўғитлар билан озиқлантириб туриш зарур.

Бодом кўчатлари секин ўсаётган боғлар тўлиқ ҳосилга киргунга қадар ҳар бир кв м га соф азотдан 6—8 г дан, фосфордан 3—4 г дан, калийдан 2—3 г дан ҳамда 4—5 г дан органик ўғит солиш тавсия этилади.

Парвариш қилиш. Ёш боғларни 6 мартадан 8 марта гача суғорилади. Шағалли ва қумоқ тупроқли ерлар эса бир мунча кўпроқ суғорилади. Июл ва август ойларида ҳарорат жуда баланд, тупроқ ва ҳаво намлиги анча паст бўлганлиги сабабли бодом кўчатларини икки мартадан, апрель, май ва июнь, сентябрь ойларида эса 1 мартадан суғорилади.

Ҳар бир суғоришдан сўнг бодом кўчатларини атрофи ўтоқ қилинади ҳамда ер юмшатилади.

Ҳар бир ёғингарчиликдан сўнг лалми ерлардаги намликни сақлаш мақсадида бодом экилган боғлардаги ер юмшатилади.

Баҳор ва куз мавсумларида бодом кўчатларининг атрофи чопилади. Бодом кўчатлари ҳосилга киргач боғларни суғориш 3—4 марта гача камайтирилади.

Ҳосилни йигиши. Бодом ёнғонини йигиб-териб олиш даври унинг навларини пишиб етилиш муддатлари билан боғлиқ. Мева қобиғининг ёрилиши мевасининг пишиб етилганлигидан далолат беради. Бодом мевасини дарахт тагига олдиндан тўшалган қанорга дарахт шохларини енгил силкитиб йигиб-териб олинади. Мева қобиғидан бодом ёнғони дархол ажратиб олинади ва 5—6 см қалинликда ёйилади ҳамда соя жойда шамоллатиб 8—10 кун давомида қуритилади. Қуритилган бодом ёнғони ёғоч

тахтали яшикларга жойланади ва қуруқ шамоллатиладиган хонада 2 йилгача сақланади.

ОДДИЙ ДАСТАРБОШ — TANACETUM VULGARE L.

Оддий дастарбош — *Tanacetum vulgare* L. астралдошлар — *Asteraceae* (мураккабгулдошлар — *Compositae*) оиласига киради.

Кўп йиллик, бўйи 50—150 см га етадиган, ўзига хос ҳидли ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, сершох, туксиз ёки бир оз тукли. Барги оддий, патсимон ажралган, устки томони тўқ яшил, пастки томони кулранг-яшил. Поянинг пастки қисмидаги барглари бандли, ўрта ва юқори қисмидагилари эса бандсиз бўлиб, пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари сариқ, саватчага тўпланиб, қалқонсимон тўпгулни ташкил этади. Меваси — чўзиқ писта.

Ўсимлик ёз бўйи гуллайди.

Географик тарқалиши. Молдова, Украина, Белорус, Россиянинг Узоқ Шимол ҳамда Урал, қуи Волга бўйи чўл туманларидан ташқари, ҳамма ерда учрайди. Асосан йўл ёқаларида, аҳоли яшайдиган ерларга яқин жойларда, ўтлоқларда, ўрмон четларida ва сув бўйларida ўсади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот ярим шарсимон саватчага тўпланган гуллардан иборат. Саватчадаги гуллар сариқ рангли, найчасимон бўлиб, гул ўрнига жойлашган. Саватча кўндалангига 6—8 мм, кулранг-яшил тусли, ланцетсимон кўринишдаги умумий ўрама баргчалар билан қопланган. Саватча четидаги гуллар уч тишли, саватча ўртасидаги гуллар эса беш тишли, оталиги 5 та, оналик тугуни бир хонали, пастга жойлашган.

Махсулотнинг камфора ҳидига ўхшаш ўзига хос ҳиди ва ўткир мазаси бор.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 9%, жигарранг ва қорайган саватчалар 8%, ўсимликнинг бошқа бўлаклари (барглар, 4 см дан узун бўлган айрим гул бандлари) 7%, тешигини диаметри 2 мм ли элақдан

ўтадиган майда қисмлар 10%, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 1% дан кўп, тўпгуллар — саватчалар ва уларнинг бўлаклари 60% ҳамда флавоноидлар ва фенолкарбон кислоталар йиғиндинсининг микдори лютеолинга нисбатан ҳисоблаганда 2,5% дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Гултўпламлар таркибида 1,5—2% эфир мойи, флавоноидлар (кверцетин, лютеолин, апигенин, хризоэриол, диосметин, изорамнетин, аксилларин ва бошқалар), алкалоидлар, ошловчи моддалар, кўп тўйинмаган боғланишга эга бўлган лактон (полииинли лактон) ва танацетин аччиқ моддаси бўлади.

Эфир мойи таркибида а ва b (47% гача) — туйонлар, камфора, туйол, борнеол, пинен ва бошқа бирикмалар бор.

Ишлатилиши. Оддий дастарбош гули гижжа ҳайлаш учун ҳамда жигар ва ичак касалликларини даволашда ишлатилади.

Доривор препарати. Дамлама. Танацеҳол препарати (гултўпламидан олинган флавоноидлар ва фенолкарбон кислоталар йиғиндиси кукун-порошок ёки таблетка ҳолида чиқарилади). Препарат тиббиётда ўт ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Махсулот жигар касалликларида (холецистит, гепатит ва бошқалар) ишлатиладиган чой-йиғмалар ва Здренко йиғмаси таркибига киради.

Оддий дастарбошни ўстириш технологияси

Оддий дастарбош кўп йиллик ўсимлик бўлгани учун уни кузда ва эрта баҳорда экиб кўпайтириш мумкин. Ўзбекистонда тарқалган барча тупроқларда яхши ўсади. Унинг илдиз тизими яхши тараққий этганлигини эътиборга олиб уни эрозияга учрайдиган тупроқларда экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тупроқни емиришдан ҳимоя қиласди.

Оддий дастарбош экиладиган ерларни кузда ҳайдашдан олдин маҳаллий ўғит ва суперфосфат билан озиқлантириб, 25—28 см чуқурлиқда ҳайдаб қўйилади. Эрта баҳорда ерлар борона қилиниб мола билан

текисланади ва бегона ўтларнинг қолдиқларидан тозаланади. Уруғ эрта баҳорда тупроқ ҳарорати 15—17°C бўлганда бир чизик бўйлаб, қатор оралари 60 см дан қилиб экилади. Унинг уруғлари майда бўлганлиги сабабли бир текис экилиши учун уни чириган гўнг ёки қумга аралаштириб экилади. Уруғлар 0,5 см чуқурликда экилади. Гектар ҳисобига 7—8 кг уруғ сарфланади. Март ойининг охирида экилган уруғлар 10—12 кунда униб чиқади. Майсалар 3—4 та чин барг чиқариши билан культивация билан эгатлар олинади.

Ҳар бир уяда 1—2 та ўсимлик қўчати қолдирилиб ягана қилинади. Уялар оралиги 10—12 см дан кам бўлмаслиги керак. Оддий дастарбош бегона ўтлар билан bemalol рақобатлашади ва иккинчи йили уларни тўлиқ сиқиб чиқаради.

Ўсимликнинг яхши ўсиши ва ривожланиши ва ундан юқори ҳосил этиштириш учун агротехник тадбирларни юқори савияда ўtkазиш керак бўлади.

Дастарбошни биринчи озиқлантириш ўсимлик униб чиққандан кейин ораларига ишлов берилиб, гектар ҳисобига 30 кг азот ва 20 кг калий ўғити беришдан бошланади. Дастарбош озуқа элементларга кўпроқ талабчан ҳисобланади.

Иккинчи озиқлантириш шоналаш даврига тўғри келади ва фосфорли ва калийли ўғитларни кўпроқ талаб қиласи. Унинг ўсишини ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида гектар ҳисобига 30 кг азот, 20 кг фосфор ва 30 кг калий ўғити билан озиқлантирилади.

Ўсимликнинг бўйи биринчи йили август ойларига бориб 1 метрга етади ва гулга киради. Унинг гуллаш фазасида гектар ҳисобига 40 кг дан азот бериб озиқлантиришни тутатилади.

Дастарбошни ўғитлаш сугоришдан олдин амалга оширилади.

Ҳавонинг ҳарорати ва тупроқ намлигининг ҳолатига қараб вегетация давомида 8—9 марта ораларига ишлов берилади. Ҳаво ҳарорати юқори бўлган йили сугоришни кўпайтириш керак. Дастарбош тўпгулларини

биринчи йилидаёқ йиғиб олинади. Ўсимлик ноябрь ойигача гуллайди ва уни тез-тез йиғиб олишга тұғри келади.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимликнинг ер устки қисми иккинчи йили эрта баҳорда түпгуллари чиққунига қадар саватчага түпланган гуллар очила бошлаганда саватчалар бандсиз йиғиб олинади. Дастанбош экинларидан 5 йилгача фойдаланиш мүмкин. Унинг хомашёси йиғиб олингандан кейин усти берк айвонларда юпқа қилиб ёйилади ва тез-тез шамоллатиб турилади. Қуригандан кейин қопчаларга 20 кг дан қилиб жойланади ёки зичланмасдан 50 кг боғланади.

Дастанбошнинг уруғлари октябрь ойида пишади. Пишиб етилган ясси түпгуллари токқайчиларда қирқилади ва хирмонларга түпланади ва яхшилаб қуритилади ва қопларда 3 йилгача сақланади.

ОДДИЙ ҚОРА ЗИРА — CARUM CARVI L.

Оддий қора зира — *Carum carvi* L. селдердошлар — *Apiaceae* (соябонгудошлар — *Umbelliferae*) оиласига киради.

Икки йиллик, бўйи 30—80 см га етадиган ўт ўсимлик. Биринчи йили илдизидан илдизолди барглар, иккинчи йили эса илдизолди барглар ҳамда поя ўсиб чиқади. Пояси тик ўсуви, цилиндрический, кўп қиррали, юқори қисми шохланган. Илдизолди барги узун бандли, поядагилари эса қисқа банди билан кетма-кет жойлашган. Барги 2 ва 3 марта чизиқсимон барг бўлакларига ажралган. Гуллари майда бўлиб, мураккаб соябонга, түпланган. Косачабарглари аниқ билинмайдиган, тожбарги оқ ёки пушти рангда, оталиги 5 та, оналик тугуни 2 хонали, пастга жойлашган. Меваси — чўзиқ қўшалоқ писта.

Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси июль-августда пишади.

Географик тарқалиши. Ўрмонларда, ўрмон четларида ва ўтлоқ ерларда ёввойи ҳолда ўсади. Асосан Украина, Белорус, Россиянинг Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон чўл зоналарида, Сибирнинг жанубида, Кавказ ва

Ўрта Осиёning тоғли туманларида учрайди. Россия, Украина, Белорус республикаларида ўстирилади.

Маҳсулотнинг ташқи қўриниши. Тайёр маҳсулот ён томонлари ўроққа ўхшаб бир оз эгилган, чўзинчоқ, қўшалоқ пистадан иборат. Мева тўқ қўнғир рангли, икки бўлакли бўлиб, узунлиги 3—7 мм, эни 1,5 мм. Ҳар қайси яримта меванинг ташқи томони дўнг, ички томони эса текис. Узунасига туртиб чиққан 5 та қовурғаси бўлиб уларнинг 3 таси дўнг томонга, иккитаси эса ён томонга ўрнашган. Меваси ниҳоятда хушбўй ва аччиқ.

XI ДФ га кўра мева намлиги 12%, умумий кули 8%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 1,5%, пишмаган, синган мевалар ҳамда поя ва барг аралашмаси 2%, эфир мойи бор бошқа ўсимликларнинг уруғ ва мевалари аралашмаси 1%, органик аралашмалар ва эфир мойи сақламайдиган бошқа ўсимликларнинг уруғ ва мевалар аралашмаси 1%, минерал аралашмалар 1% дан ошмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Мева таркибида 3—7% эфир мойи, 14—22% ёғ, 20—23% оқсил моддалар, флавоноидлар (кверцетин ва кемферол) ҳамда ошловчи моддалар бўлади. XI ДФ га кўра мева таркибидаги эфир мойининг миқдори 2% дан кам бўлмаслиги лозим.

Эфир мойи майдаланган мевадан сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади.

Қора зиранинг эфир мойи сарғиш суюқлик бўлиб, зичлиги 0,905—0,915; рефракция сони 1,4840—1,4890. Мой таркибида 50—60% карвон, 40—50% лимонен, 40—70% карвақрол, дигидрокарвон ва дигидрокарвеол бирикмалари бўлади.

Ишлатилиши. Қора зира мевасининг препарати ичак атониясини даволашда, оғриқ қолдирувчи ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшилаш учун, меваси баъзан бошқа доривор ўсимликлар билан бирга сийдик ва ел ҳайдовчи восита сифатида, шунингдек, меъда касалликларида, мева суви эса ичак санчиғида (айникса, болаларда), тиш оғриғида ва миозитда ишлатилади (баданинг яллиғланган жойига суртилади).

Қора зира меваси озиқ-овқат, парфюмерия ва бошқаларда ҳам катта аҳамиятга эга.

Доривор нрепаратлари. Қора зира меваси, эфир мойи (қандга 1—3 томчи томизиб истеъмол қилинади) ва мева суви. Меваси меъда йиғмалари-чойлари таркибиға киради.

Қора зира ўсимлигини ўстириш технологияси

Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғолди минтақаларида табиий ҳолда учрайди. Қора зира Тошкентнинг Ботаника боғида 1947 йилдан буён экилиб келинади. У икки йиллик ўсимлик ҳисобланади. Иссиқликка талабчан эмас, совуққа чидамли.

Қора зирани уруғини кузда ва эрта баҳорда экса ҳам бўлади. Ўсимликни яхши ўсиши ва ривожланиши учун унумдор (сугориладиган типик ва тўқ бўз тупроқлар) ерларни ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўсимлик ҳозирги кунда кенг майдонларда Украина ning қора тупроқларида экиб келинмоқда.

Ерларни кузда 25—28 см чуқур ҳайдаб, гўнг ва фосфор ўғити билан озиқлантириб, бегона ўтлар қолдиқларидан тозалаб қўйиш лозим.

^ Эрта баҳорда ерларни бороналаб ва мола билан текислаб бегона ўтлардан тозаланади.

Тупроқ харорати 12—14°C бўлганда, март ойининг охири ва апрель ойларининг бошларида ёппасига қаторлаб ёки кенг қаторлаб (45, 60 см) экилади. Гектарига 4—5 миллион дона уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 2—3 см дан ошмаслиги керак.

Экинларни парваришлиш майсалар ердан қўқариб чиққандан кейин амалга оширилади. Баҳорги ёқсан ёмғирлар натижасида ҳосил бўлган қатқалоқларни ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида қатор ораларига ишлов берилади.

Биринчи озиқлантириш гектарига 40 кг дан азот ва 30 кг дан калий ўғити бериб суғорилади. Суғоришдан кейин албатта, культивация қилиб қатор оралари юмшатилади ва туп сонлари кўпайиб кетган бўлса ягана қилинади. Иккинчи озиқлантиришни июннинг охири ва июль ойларининг бошларида 30 кг азот ва 20 кг фосфор ўғити билан озиқлантирилади ва суғорилади. Вегетация давомида қатор оралари 4—5 марта юмшатилади, 6—7 марта суғорилади ва бегона ўтлар, зааркунандаларга ва касалликларга қарши курашилади. Қора зиранинг биринчи йили ўқ илдизи ва барг халтаси ривожланади, лекин гулламайди. Иккинчи йили эрта баҳорда борона қилинади ва бегона ўтлардан қатор оралари тозаланади. Ўсимлик тез ривожланади ва гуллайди. Ўсув давомида азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилади. Июнь ва июль ойларида қора зиранинг меваси пиша бошлайди. Унинг 60% меваси пишиб етилганда ҳосил дон комбайнлари билан йигилади.

Унинг меваси тиббиётдан ташқари зиравор сифатида консерва ишлаб чиқаришда ва нон ёпишда қўлланилади. Ундан ташқари яхши асал берувчи ўсимлик ҳисобланади.

Маҳсулот тайёрлаш. Кашнич тайёрлашга ўхшаш.

ЗИЎИР — LINUM USITATISSIMUM L.

Зифир — **Linum usitatissimum L.** зифирдошлар — **Linaceae** оиласига киради.

Бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, ингичка, цилиндрсимон, юқори қисми шохлаган. Барги ланцетсимон ёки чизиқсимон, ўткир учли, текис қиррали бўлиб, пояда кетма-кет, бандсиз ўрнашган. Гуллар поя ва шохлари учида бўлади. Косача барги, тож барги ҳамда чангчиси (оталиги) бештадан, оналик тугуни эса беш хонали, юқорига жойлашган. Тожбарги зангори, томири эса чангчи ипига ўхшаб, бинафша рангга бўялган. Меваси — 10 уруғли, юмалоқ, куруқ кўсакча.

Июнь-август ойларида гуллайди.

Экиладиган зифир бир неча хил бўлиб, узун толали ҳамда сершохлиси алоҳида аҳамиятли ҳисобланади. Узун толали зифир асосан тола, сершохлиси эса мой олиш учун экилади.

Узун толали зифирнинг баландлиги 60—120 см бўлиб, пояси кўп шох чиқармайди, кўсаклари пишганда очилмайди. Сершох зифирнинг баландлиги 30—50 см бўлиб, кўсаклари пишганда очилади.

Географик тарқалиши. Узун толали зифир Украина, Белорус, Россиянинг Европа қисми Марказий ва ўарбий вилоятларида, сершох зифир эса жанубий туманларда, ўарбий Сибирь ва Шимолий Кавказ ҳамда Ўрта Осиёда ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот ясси, тухумсимон уруғдан иборат. Уруғнинг бир учи ингичка, иккинчи томони эса энли ва юмалоқ, усти силлиқ, ялтироқ ва сарғиш-кўнғир рангли бўлади. Агар уруғнинг устки кўриниши ялтироқ бўлмаса, у пишмаган — сифатсиз ҳисобланади. Маҳсулот ҳидсиз, шиллиқ, ёғга ўхшаган мазали бўлиб, сувга солганда усти шилликланади ва сув тагига чўкади.

XI ДФ га кўра, маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 6%, ўсимликнинг бошқа қисмлари (кўсакча, мева бўлакчалари, мева банди эзилган мевалар) 1% дан, органик аралашмалар 2% дан ва минерал аралашмалар 0,5 % дан ошмаслиги лозим.

Кимёвий таркиби. Зифир уруғи таркибида 30—48% қурийдиган мой, 5—12% шиллиқ моддалар, 18—33% оқсил моддалар, 12—26% углеводлар, ферментлар ва каротин бўлади. Ўсимликнинг ҳамма органларида (айниқса, майласида) линамарин глюкозиди учрайди.

Уруғнинг шиллиқ моддалари гидролиз қилинса, галактоза, ксилоза, арабиноза ва рамноза қандлари ҳамда галактурон кислота ҳосил бўлади.

Ишлатилиши. Зифир уруғи ўраб оловчи ва ич юмшатувчи дори сифатида қўлланилади. Шиллиқ эритма тайёрлаш учун уруғ бутунлигича

иссиқ сувда (1 : 30) чайқатилади. Шиллик моддалар уруғининг эпидермис қаватида бўлганидан тезда сувда эриб, ажралиб чиқади.

Уруғнинг 15—20% ли қайнатмаси оғиз чайқаш учун ишлатилади. Кунжара кукуни (порошоги) (баъзан бутун уруғни янчиб тайёрланган кукун- порошок) тананинг оғриётган жойига қиздириб қўйилади.

Зифир мойи тиббиётда, озиқ-овқат саноатида ва техникада қўлланилади.

Зифир мойидан олинадиган линетол препарати (олеин, линол, линолен ва бошқа ёғ кислоталарининг этил эфирларининг аралашмаси) ва унинг комплекс препарати — ливиан атеросклероз касаллигини даволаш ва олдини олишда ҳамда куйганни ва нур терапияси натижасида заарланган жойларни даволашда қўлланилади.

Зифир поясини ивитиб, тола олинади. Бу тола тўқимачилик саноатида кенг ишлатилади.

Доривор препаратлари. Шиллик эритмаси, 15—20% ли қайнатма, уруғ кукуни — порошоги (уни), ливиан препарати.

Зифир ўсимлигини етиштириш технологияси

Зифир Ўзбекистоннинг сугориладиган ва намлик етарли бўлган лалмикор ерларида егиштирилади. У Афғонистон, Эрон, Хитой, Туркия, Канада, Америка, МДҲ ва Ўрта Осиё давлатларида кўпроқ экиласди. Ўзбекистонда асосан зигирнинг „Бахмал-2“ нави экилиб келинмоқда.

Зифир учун унумдор, механик таркиби ўртача, шўрланмаган, юмшоқ за бегона ўтлардан тоза ерлар ажратилиши лозим. Уни дуккакли ва ҳайдаб экиласдиган экинлардан бўшаган ерларга экиш тавсия қилинади. Зифир экиласдиган ерларни кузда 22—25 сантиметр чуқурликда шудгор қилиб қўйилади. Эрта баҳорда ерни текислаш учун борона қилиниб мола босилади.

Ўсимликни экишдан олдин уруғлари электромагнит машиналарида чирмовик уруғидан тозаланади. Экиш учун бир текис уруғлар танлаб

олинади. Унинг унувчанлиги 80—85 ва тозалиги 95 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Зигирнинг уруғи экишдан олдин фузариум ва бошқа касалликларга қарши дориланади. Зигирни март ойининг охири ёки апрелнинг бошларида сабзавот ёки дуккакли дон экиладиган сеялкаларда тез кун ичида ёппасига қаторлаб 4,5—5 сантиметр чуқурликда экилади ва гектар ҳисобида 25—30 кг уруғ сарфланади. Баҳорги ёқкан ёмғирлар натижасида ҳосил бўлган қатқалоққа қарши зиг-заг борона билан юмшатилади. Зигир тез етиладиган ўсимлик, вегетацион даври 70—95 кун ҳисобланади. Экилгандан 8—10 кун ўтгач майсалари униб чиқади. Униб чиқсан майсалар 4—5 градус совуққа чидайди. Зигир биринчи даврларда секин ривожланади. Шоналаш даврида намликни кўпроқ талаб қиласди. Ўсимликни биринчи озиқлантиришни майсалар униб чиққандан кейин гектарига 30 кг азот ва 20 кг фосфор ўғити бериш билан бошлаш тавсия қилинади. Иккинчи озиқлантиришни ўсимлик ғунчалагандан сўнг 40 кг азот ва 30 кг калий ўғити бериш билан тугаллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўсимликни озиқлантириш натижасида унинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Вегетация давомида зигирни 4—5 марта суғорилади. Уни озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Ҳар бир суғоришдан кейин ўсимлик оралари культивация қилиниб, бегона ўтлардан тез-тез тозаланиб турилиши лозим.

Зигирни яхши ўсиши ва ривожланиши учун ерни ҳайдашдан олдин кузда 10—15 тонна гўнг ва 30 кг фосфор ўғити берилиши керак. Вегетация давомида гектарига 70 кг азот, 40 кг фосфор ва 30 кг калий ўғити билан озиқлантирилиши керак.

Агар зигир шоналаш даврида етарли суғорилмаса, тўсатдан бўладиган иссиқлик ўсимлик поясининг юқорига ўсишини сусайтиради, шохланиб кетишига сабабчи бўлади, ҳосилдорлиги ва унинг сифати пасайиб кетади.

Махсулот тайёрлаш. Зигир тўлиқ етилганда поялари ва кўсакчалари сарғаяди, уруғи қўнғир ёки қора рангга киради. Шу даврда маҳсус мосланган дон комбайнларида ўриб-йигиб олинади. Янчилган уруғлар дон тозалайдиган машиналарда тозаланади, кейин қопларда ёки 50 сантиметр баландликда

уюлган ҳолда сақланади. Пояси тола олиш учун ишлатилади. Яхши парвариш қилинган зигирпоя майдонларининг ҳар гектаридан 1,3—1,5 тонна уруғ йиғиб олиш мумкин бўлади.

БЎЁҚДОР РЎЯН

Бўёқдор рўян — **Rubia tinctorum L.** ва грузия рўяни **Rubia iberica C. Koch.** (**Rubia tinctorum L. var. Iberica Fisch. ex DC**) рўяндошлар — **Rubiaceae** оиласига киради.

Рўян турлари кўп йиллик, бўйи 30—150 см гача бўлган ўт ўсимлик. Илдизпояси узун, судралиб ўсувчи, шохланган, цилиндрический, йўғон, бўғинли, кўп бошли. Пояси бир нечта, тўрт қиррали, бўғинли, сершоҳ ва илмоқли дағал туклар билан қопланган. Барги ланцетсизмон-тухумсизмон, ялтироқ, пастки томонидаги йўғон томирлари илмоқли дағал туклар билан қопланган, жуда ҳам қисқа банди билан поядга 4—6 тадан тўп-тўп бўлиб жойлашган. Гуллари майда, яшил-сариқ рангли, барг қўлтиғидан ўсиб чиқсан ярим соябонга тўпланиб, рўваксизмон гултўпламини ташкил этади. Гулкосачаси аниқ билинмайди, тожбарги 5 та, бирлашган, воронкасизмон-ғилдираксизмон, оталиги 5 та, оналик тугуни 2 хонали, пастга жойлашган. Меваси — 1—2 уруғли, шарсизмон, олдин қизил, кейинчалик қора рангга айланувчи сершира ҳўл мева.

Июнь-август ойларида гуллайди, меваси — август-сентябрда пишади.

Географик тарқалиши. Рўяннинг ватани Ўрта Ер денгиз мамлакатлари. Украина, Молдова, Россиянинг Европа қисмининг жанубида, жануби-шарқида, Кавказда (Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Догистонда) ва Ўрта Осиёда учрайди. Асосан ариқ бўйларида, буталар орасида, каналлар бўйида, далаларда ва боғларда ўсади. Рўян плантацияларда ўстирилади.

Махсулот асосан Догистонда, Озарбайжоннинг шимоли-шарқий қисмида ва Чечен-Ингушетияда тайёрланади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот илдизпоя ва илдиз бўлакчаларидан иборат. Илдизпоя бўлакчаларининг йўғонлиги 2—18 мм, устки томони қизғишқўнғир рангга бўялган. Уни кўндалангига кесганда пўстлоқ қавати қизил-кўнғир, ёғоч қисми эса қизил рангда кўринади. Маҳсулотнинг ўзига хос кучсиз ҳиди, олдин ширироқ, кейин бир оз буриштирувчи ва аччиқроқ мазаси бор. Илдизпоя сувни қўнғир-қизил рангга бўйди.

Маҳсулот намлиги 13%, умумий қули 10%, рўяннинг бошқа қисмлари (поя, барг ва бошқалар) 1,5%, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 1% дан кўп, маҳсулот таркибидаги антрагликозидлар (гликозид ҳолида бирлашганлар) миқдори 3% дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Илдизпоя таркибida 5—6% гача антрацен унумлари (ализарин, руберитрин кислота, галиозин, пурпурин, ксантопурпурин, псевдопурпурин, рубиадин-глюкозид, мунистин, луцидин, иберицин ва бошқалар) бўлади.

Руберитрин кислота гликозид бўлиб, гидролизланганда ализарин агликони ва примвероза (ўз навбатида ксилоза ва глюкоза қандлардан ташкил топган) дисахаридига парчаланади.

Илдизпояда антрацен унумларидан ташқари 15% гача қандлар, пектин модда ҳамда лимон, олма, вино кислоталари бор.

Ишлатилиши. Рўян ўсимлиги спазмалетик ва сийдик ҳайдаш ҳамда буйрак тошларини (фосфатларни) юмшатиш таъсирига эга. Шунинг учун уни доривор препаратлари сийдик йўллари тош, буйрак тош ҳамда ўт пуфаги тош ва подагра касалликларида қўлланилади.

Доривор препаратлари. Илдизпоя қукуни (порошоги), қуруқ экстракт (таблетка ҳолида чиқарилади). Илдизпоя экстракти юқорида айтиб ўтилган касалликларда қўлланиладиган цистенал ва бошқа препаратлар таркибига киради.

Бўёқдор рўян ўсимлигини ўстириш технологияси

Рўянга ажратилган далалар эрта кузда шудгордан олдин ҳар гектар ерга 15—20 тонна органик ўғитлар, суперфосфат бериб 27—30 см чуқурлиқда ҳайдалади. Агар ўсимлик ёғингарчилик кам бўлган автоморф тупроқларда ер ҳайдаш билан бирга гектарига 20 кг азот ва калий ўғитини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Рўян уруғидан ва илдизпоя қаламчаларидан ҳам кўпаяди. Экишдан олдин уруғни стратификация қилмаса ҳам бўлади. Эрта баҳорда ҳайдалган ерлар борона, мола ва культивация қилинади. Тупроқнинг ҳарорати 10—12°C бўлганда март ойларининг ўрталарида гектарига 13—15 кг уруғ сарфланади. Унинг экилиш чуқурлиги 4—5 см дан кам бўлмаслиги лозим. Уруғнинг унувчанлиги 75—80% дан кам бўлмаслиги керак.

Тупроқнинг ҳарорати мўътадил ва намлик етарли бўлса экилган уруғлар 10—12 кунда униб чиқади. Агар илдизпоя қаламчалардан кўпайтириладиган бўлса унинг унувчанлик даражаси 80—90% дан кам бўлмаслиги керак. Илдизпоялар эрта баҳорда 8—10 см чуқурлиқда экилиши лозим. Гектарига ўртacha 10—12 центнер илдизпоя сарфланади. Ўсимликнилг зичлиги 1 метрда 10—15 дона. Уруғ ва қаламча қатор оралари 60 см дан қилиб экилса, ўсимлик иккинчи ва кейинги йилларда илдизлари яхши ривожланиб тупроқ юзасини бутунлай қопланишга шароит яратилади.

Рўян ўсимлиги биринчи йили 7—8 марта суғорилади, кейинги йилларда суғориш сони камайтирилади. Биринчи йили ўсимлик оралари юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади.

Биринчи ўғитлаш май ва июнь ойларида гектарига 30 кг азот, 20 кг калий ўғити бериш билан амалга оширилади. Иккинчи озиқлантириш август ойларида 30 кг азот ва 20 кг суперфосфат ўғити бериш билан тамомланади. Ўсимликни озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Бўёқдор рўяннинг иккинчи ва учинчи йиллари, дастлабки мевалари кўнгир тусга кирганда уларнинг тўқилиб кетишига йўл қўймасдан йиғиб олинади. Илдиз ва илдизпоясини кеч кузда ёки эрта баҳорда плуг билан ерни 30—35 см

ағдариб тупроқдан тозалаб, сувда ювиб ва 45—50°С да илдизини сушилкада қуритиб олинади.

Уруғлари қўлда ёки механизмларда йифиб олинади. Ҳар гектар ердан ўртacha 80—100 кг уруғ ва 13—14 центнер қуруқ илдиз йифиб олиш мумкин.

АРСЛОНҚҮЙРУҚ — LEONURUS

Беш бўлакли арслонқўйруқ — *Leonurus quinquelobatus* Gilib. (*Leonurus villosus* Desf.), оддий арслонқўйруқ — *Leonurus cardiaca* L. ва туркистон арслонкуйруқ — *Leonurus turkestanicus* v. Krecz. et Kupr.; ясноткалошлар — **Lamiaceae** (лабгулдошлар — **Labiate**) оиласига киради.

Кўп йиллик, бўйи 50—150 (баъзан 200) см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тўрт қиррали, тик ўсуви, шохланган. Барги оддий, панжасимон беш бўлакли, юқоридагилари уч бўлакли бўлиб, пояда банди билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари 5 бўлакли, икки лабли, поянинг юқори қисмидаги барглар қўлтиғида ҳалқа шаклида ўрнашиб, бошоқсимон тўпгул ҳосил қиласи. Меваси уч қиррали, тўқ жигарранг 4 та ёнгоқчадан ташкил топган.

Июнь ойидан сентябргача гуллайди ва меваси етилади.

Арслонқўйруқ ўсимлигининг бу уч тури бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, баргларининг тузилиши билан фарқ қиласи. Беш бўлакли арслонқўйруқ ўсимлигининг барги сертук.

Географик тарқалиши. Белорус, Украина, Россиянинг Европа қисмида (шимолдан ташқари), Кавказ ва ўарбий Сибирда аҳоли яшайдиган жойларга яқин ерларда, бўш ётган ва ташландиқ жойларда, экинзорларда ўсади.

Махсулотни асосан Волга бўйидаги жойларда, Бошқирдистонда ва Воронеж вилоятида тайёрланади.

Туркистон арслонқўйруғи асосан Ўрта Осиёда (Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларини) тоғли туманларидағи

тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли ва шағалли-тупроқли қияларида ўсади. У Ўзбекистонда тайёрланади.

Маҳсулотнинг ташқи кўрниши. Тайёр маҳсулот 30—40 см узунликда қирқилган ўсимликнинг ер устки қисмидан (поя, барг ва гулларидан) иборат. Пояси тўрт қиррали, ичи ковак, қизил бинафша рангга бўялган. Барги тўқ яшил, тукли (оддий ва Туркистон арслонқўйруқларининг барги эса туксиз), поянинг пастки қисмидагилари тухумсимон шаклли ва юраксимон асосли, ўрта қисмидагилари панжасимон 5 бўлакка қирқилган, юқори қисмидагиларни эса чўзиқ эллипссимон ёки ланцетсимон, уч бўлакли ёки уч бўлакка қирқилган бўлиб, пояда банди билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари поянинг юқори қисмидаги барглари қўлтиғида ҳалқа шаклида ўрнашиб, бошоқсимон тўпгул ҳосил қиласди. Гулкосачаси 5 тишли, найчасимон, қўнғироқсимон, гултожиси икки лабли, пушти ёки пушти-бинафша рангли, оталиги 4 та бўлиб, шундан юқоридаги 2 таси калта, оналик тугуни тўрт бўлакли, юқорига жойлашган.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 12%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 6%, сарғайган ва қўнғир рангга айланган барглар 7%, поя бўлакчалари 40%, йўғонлиги 5 мм дан ошиқ бўлган поялар 3%, органик аралашмалар 3% ҳамда минерал аралашмалар 1% дан ошиқ бўлмаслиги керак.

Бутун маҳсулот учун: тешигининг диаметри 3 мм бўлган элакдан ўтадиган майда бўлаклар 10%, қирқилган маҳсулот учун: 7 мм дан ошиқ бўлган қисмлар 17%, тешигининг диаметри 0,5 мм бўлган элакдан ўтадиган қисмлар 16% дан ошиқ бўлмаслиги лозим. 70% ли спиртда эрувчи экстракт моддалар миқдори 15% дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Арслонқўйруқ ўсимлигининг кимёвий таркиби ҳали етарли ўрганилган эмас. Ўсимлик таркибida флавоноидлар, 2,01—9% гача ошловчи моддалар, 0,035—0,4% гача алкалоидлар (ўсимлик гуллай бошлаганида), 0,05% эфир мойи, n-қумар кислота, витамин С, иридоидлар, сапонинлар, аччиқ, қанд ва бошқа моддалар борлиги аниқланган.

Маҳсулотнинг flavonoидлар йигиндисидан рутин, кверцитрин, гиперозид, кверцетинни 7-гликозиди, кверцетин ва квинквелозид, алкалоидлар йигиндисидан леонуринин акалоиди (мевасидан) ва 0,4% гача стахидрин ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Арслонқуйруқнинг доривор препаратлари тинчлантирувчи восита сифатида (валериана препаратларидек) гипертония, нерв кўзгалиши ва баъзи юрак касалликлари (юрак неврози, кардиосклероз)ни даволаш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, суюқ экстракт. Маҳсулот тинчлантирувчи чой-йифмалар ва Здренко йифмаси таркибиға киради.

Арслонқуйруқ ўсимлигини ўстириш технологияси

Ўзбекистоннинг сугориладиган (шўрланган тупроқлардан ташқари) барча ерларида экиб ўстириш мумкин.

Арслонқуйруқдан юқори ҳосил етишириш учун уни унумдор сув билан яхши таъминланган ерларга экишни тавсия қиласиз. Ҳайдаб экилаёттан экинлардан бўшаган ерларга экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Арслонқуйруқ ёғочланган илдизпояли, илдиз тизими юза, яъни тупроқнинг 20 см қатламида тарқалган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлганлиги учун уни кузда ва эрта баҳорда ҳам экиш мумкин.

Ерларни кузда ҳайдашдан олдин гектар ҳисобига 30 тонна гўнг ва 50 кг суперфосфат ўғити билан озиқлантириб 20—25 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади.

Арслонқуйруқ асосан уруғдан қўпайтирилади. Кеч кузда қуруқ уруғлар гектарига 12—18 кг дан экилади ва эрта баҳорда 7—8 кг дан стратификация қилиниб 1,5—2 см экилади.

Сугориладиган ерларга уруғ экилгандан кейин 60—70 см оралиқда сугориш эгатлари олинади ва кетма-кет сугорилади.

Уруғни гүнгө ёки дараҳт қипиғига аралаштириб экилса баҳорда ёғадиган ёмғирлардан) қатқалоқ ҳосил бўлмайди ва уруғлар тўлиқ униб чиқади. Уруғ экилгандан 15—20 кун кейин майса чиқа бошлайди.

Арслонқуйруқни биринчи йили парвариш қилишда, қўлда ўтоқ қилинади, оралари юмшатилади, яъни культивация қилинади ва ўсимликларни ораларини сийраклаштириш учун ягана қилинади.

Ўсимликлар оралиғи 15—20 см дан қилиб ва ҳар бир уяга 1—2 тадан ўсимлик қолдирилади. Тўпбарг гул чиқаргандан кейин культивация қилиш билан бирга гектар ҳисобига 50—60 кг дан азот ва 20 кг дан калий ўғити билан озиқлантирилади ва суғорилади. Иккинчи ва учинчи озиқлантириш шоналаш ва гуллаш фазаларида гектарига 30 кг азот, 20 кг фосфор ва 30 кг калий ўғити билан озиқлантирилади. Бу даврда ўсимликнинг ўғитга бўлган талабчанлиги энг юқори бўлади ва поялари 2—2,5 метрга етиб қолади. Вегетация давомида арслонқуйруқ 7—8 марта суғорилади ва жами 110 кг азот, 80 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити берилади.

Унинг хомашёси барг, гул шоналари билан биргаликда 40 см узунликдаги поясидир. Кўпчилик ўсимликларда тўпгуллари қуи қисмларидаги гулларининг учдан икки қисми қийғос гуллаганда, тўпгулларнинг юқори қисми шоналаётган давр хомашёнинг тўла етилган вақти ҳисобланади. Уруғлари тўлиқ етилганида хомашё сифати бузилади.

Хомашёни поясини 35—80 см оралиғида қирқиши имконини беради, яъни унинг воситасида арслонқуйруқ поясини ўртача 50 см баландликда қирқиши мумкин. Хомашёни қайта жиҳозланган комбайнларда йиғиши мумкин. Биринчи йили унинг ҳосилдорлиги гектарига ўртача 25 центнерни, кейинги йилларда 35 центнердан ҳосил йиғиби олиш мумкин. Уруғларнинг ҳосилдорлиги ўртача гектарига 5—6 центнерни ташкил қиласи. Бир далада арслонқуйруқни 3—4 йил сақлаш мумкин. Унинг хомашёси соя ерда куритилади.

**ҚИРҚМАБАРГ (ДОРИВОР) МОЙЧЕЧАК (ГАЗАКҮТ) —
CHAMOMILLA RECUTITA (L) RASCHERI (MATRICARIA RECUTITA
L.).**

Қирқмабарг (доривор) мойчечак (газакүт) — **Chamomilla Recutita (L.) Rascheri (Matricaria Recutita L.)**; хушбүй (яшил) мойчечак (газакүт) — **Chamomilla suaveolens (Pursh.) Rydb. (Matricaria suaveolens Buchen., Matricaria discoidea D. C.)**; астралдошлар — **Asteraceae** (мураккабгулдошлар — **Compositae**) оиласига киради.

Доривор мойчечак бўйи 15—40 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлиқ. Пояси тик ўсувчи, сершох, ичи ковак. Барги икки марта патсимон ажралган, сегментлари ингичка чизиқсимон, ўткир учли. Поя ва шохчалари узун бандли (яшил мойчечакники калта бандли) саватчага тўпланган гуллар билан тамомланади. Саватча четидаги гуллари оқ, тилсимон, ўртадагилари эса икки жинсли, сариқ, найчасимон. Меваси — қўнғир-яшил писта.

Май ойидан бошлаб кузгача гуллайди.

Географик тарқалиши. Доривор мойчечак кенг тарқалган бўлиб, у асосан ўтлоқларда, экинзорларда (бегона ўт сифатида), йўл ёқаларида ўсади. Асосан Россиянинг Европа қисмининг жанубида, Кавказ, Қрим, Украина, Сибирнинг жанубий туманлари ва Ўрта Осиёда учрайди.

Яшил мойчечак Собиқ Иттифоқнинг Европа қисмида, ўарбий Сибирь ва Узок Шарқда кенг тарқалган.

Махсулот асосан Украинанинг жанубида (Қрим, Херсон, Николаев, Одесса вилоятларида), камроқ Краснодар ўлкасида, Ростов вилояти, Молдова республикаси ва бошқа ерларда тайёрланади.

Мойчечак жуда тез кўпаяди. Ҳар иккала мойчечакка талаф кўп бўлганидан Украина, Белорус ва бошқа ерларда ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот саватчага тўпланган гуллардан иборат. Доривор мойчечак саватчасининг диаметри 4—8 мм, ярим шарсимон бўлиб, ўрама барглари черепицага ўхшаб жойлашган.

Саватча четидаги оқ тилсимон гуллари 12—18 та бўлади. Ўртадаги гуллари сариқ, икки жинсли, найчасимон, гулкосачаси бўлмайди, гултожиси бештишли, оталиги 5 та, оналик тугуни бир хонали, пастга жойлашган.

Яшил мойчечакнинг саватчаси майдароқ бўлиб, яшил найчасимон гуллардан ташкил топган. Гулкосачаси юпқа парда шаклида, гултожиси тўртишили.

Саватчанинг гул ўрни конуссимон, туксиз ва ичи бўш. Ана шу белгилари билан доривор (оддий) ва хушбўй (яшил) мойчечак саватчаси бошқа ўсимлик аралашмаларидан (мойчечак ўсимлиги ўсадиган ерда учрайдиган *Matricaria inodora.; Leucanthemum vulgare Lam.; Anthems* турларидан) фарқ қиласди.

Ҳар иккала мойчечак маҳсулотининг хушбўй ҳиди ва аччиқроқ ўткир мазаси бор.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 12%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 4%, тешигининг диаметри 1 мм ли элакдан ўтадиган саватчанинг майда қисмлари 30%, поя, барг аралашмалари ва гул бандининг узундиги 3 см дан ошиқ бўлган (5 см дан ошиб кетмаган), саватчалар одатда 9% (яшил мойчечак учун 2%), қорайган ёки қўнғир саватчалар 5% (яшил мойчечак учун 8%), органик аралашмалар 3% ва минерал аралашмалар 0,5% дан ошмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Саватчага тўпланган гуллар таркибида 0,22—0,8%) эфир мойи, апиин, кверцимеритрин, кверцетин, лютеолин ва бошқа (35 тача бирикмалар) flavonoидлар, гвайянолид гурух лактонларидан матрикарин ва матрицин, гетероциклик ҳалқали полиин лактонлар, прохамазулен, қумаринлар (умбелли-ферон, герниарин), диоксикумарин, каротин, витамин С, шиллик, аччиқ ва бошқа моддалар бўлади.

XI ДФ га кўра, оддий мойчечак гули таркибида 0,3%, яшил мойчечакда 0,2% эфир мойи бўлиши керак.

Эфир мойи кўк суюқлик бўлиб, таркибида 1,64—8,99% хамазулен, 20% гача сесквитерпен спиртлари, кадинен, трициклик спирт, бисаболен ва

унинг оксидлари, каприл, нонил, изовалериан кислоталар ҳамда бошқа терпен ва сесквiterпенлар бор. Эфир майи таркибидаги сесквiterпенларнинг умумий миқдори 50% гача бўлади. Хамазулен эфир майининг асосий таъсир этувчи қисми ҳисобланади.

Ишлатилиши. Мойчечак ичакларнинг ёпишиб қолиши (ичаклар спазми) га, микробларга, аллергияга ва яллиғланишга қарши ҳамда яраларни даволовчи таъсирга эга. Шунинг учун унинг доривор препаратлари меъда-ичак (ичак ёпишиб қолганда ва ич кетганда) ва гинекологик касалликларни даволашда ҳамда тер ва ел ҳайдовчи дori сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, мойчечак гули юмшатувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши (офиз, томоқни чайқашда, шифобахш ванна ҳамда клизма қилишда) восита сифатида қўлланилади.

Мойчечак гули таркибидаги кимёвий бирикмалар комплекси (хамазулен, матрицин, апигенин, герниарин ва бошқалар) таъсир этувчи қисм ҳисобланади. Хамазулен тинчлантирувчи хоссага ҳамда ичакларнинг ёпишиб қолиши, аллергияга ва яллиғланишига қарши таъсирга эга. Апигенин, апиин ва герниаринлар ҳам ичакларнинг ёпишиб қолишига қарши таъсир қиласди.

Доривор препаратлари. Мойчечак гулидан (саватчалардан) дамлама тайёрланади. Саватчалар меъда касалликларида, томоқ чайқашда ишлатиладиган ва юмшатувчи йифмалар — чойлар таркибиға ҳам киради.

Мойчечак ўсимлигини ўстириш технологияси

Ниҳолларни биологик хусусиятлари: мойчечак уруғларини униши 6—7°C дан бошланса-да, оптимал ҳарорат 20—25°C ҳисобланади. Агар уруғлар экилгандан сўнг намлик етарли бўлмаса, уруғлар узоқ вақтгача унмаслиги мумкин. Бу вақтда уруг экилган майдонлар суғорилади.

Ниҳоллар униб чиққандан сўнг (намлик ва ҳавонинг ҳарорати нормал даражада бўлганда) 20—40 кунда ҳар бир ниҳолда 6—10 тадан розетка барглари ўсиб чиқади. Кузда экилган ниҳоллар шу ҳолда қишлиайди.

Эрта баҳорда экилган ниҳоллардан апрель ойининг биринчи ўн кунлигига 7—9 тадан розетка барглари ўсиб чиқади. Март-апрель ойи даврида баҳорнинг сел ёмғир келиши натижасида розетка барглари тез ўсиши ва йириклиниши натижасида ўсимлик ўртасида пояни ўсиб чиқиши ва шохланиши кузатилади. Ўсимликнинг намлик билан яхши таъминлаб борилса, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши натижасида май ойининг биринчи ўн кунлигига дастлабки гуллар очилади. Умуман олганда баҳорда экилган уруғлардан 30—50 кунда дастлабки гулларни очилишини кўрамиз. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўсимлик пояларида эндиғина пайдо бўлган гунчалардан 10—12 кунда гуллар очилиши мумкин. Шубҳасиз бунга ҳавонинг ҳарорати, тупроқ намлиги ва тупроқдаги озиқа элементлар муҳим роль ўйнайди.

Кунларнинг иссиқлиги ва тупроқ намлигига қараб, ўсимликдаги битта саватча 5—6 кун очилиб туриши мумкин. Ҳавонинг ҳарорати ўртача 19—21°C бўлганда гулларни яхши очилиши кузатилган. Ҳароратнинг 30°C дан ортиши гулларнинг очилишига салбий таъсир этиши билан бирга уларнинг майдалашишига олиб келади. Гулларни очилишида ёруғлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳавонинг булатсиз очик бўлиб туриши гулларни тез очилишига ёрдам беради.

Ўстириш усуллари. Мойчечак ёруғ севар, нам севар ва уни унумдор ерларда ўстириш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли аввало уруғларни сепишдан олдин ҳар гектар ерга 20—25 тоннадан маҳаллий ўғит (гўнг) ва суперфосфат солиб, тупроқ 25—30 см чуқурликда ҳайдалади. Ўсимлик ўсиши ва ривожланиши учун тупроқда минерал моддалар етарли бўлиши керак. Мойчечак ўсимлигини 2—3 йил экиб, сўнг ўрнига бошқа доривор ёки қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Акс ҳолда йил сайнин ҳосилдорлик пасайиб бориши мумкин. Мойчечак баҳорги ёзги ўсимлик бўлгани сабабли, июль ва август ойларида ундан бўшаган майдонларга кечки экинлар экиб улардан қўшимча ҳосил олиш ҳам мумкин.

Мойчечак экиладиган майдонлар иложи борича ёруғлик яхши тушадиган, дараҳтзорлар бўлмаган ва унумдор тупроқ бўлгани маъқул.

Нихоллар ўсиш даврида бегона ўтларни кўпайиб кетишини ҳисобга олган ҳолда 4—6 см чуқурлиқда культивация ўтказилиши, бегона ўтларни йўқолишига сабаб бўлади. Ўсимликни йиғишириб олгандан кейин ҳам тезлик билан шудгор қилиниши, шу майдонларни бегона ўтлардан тозаланишига, ўсимлик қолдиқларини тупроқ остида чиришига ёрдам беради.

Мойчечак ўсимлигини ўғитлаш тизими. Мойчечак ўсимлиги Европа давлатларида ва Россия Федерацияси ҳудудларида ўстирилганлиги сабабли бу ўсимликнинг биологияси ва ўғитлаш тизими қисман ўрганилган. Ўзбекистонда доривор ўсимликларни дехқончилиги энг ёш йўналиш бўлганлиги сабабли барча доривор ўсимликлар каби мойчечак ўсимлигининг биологияси ва ўғитлаш тизими бизнинг шароитда тўлиқ ўрганилмаган.

Мойчечак экиладиган ерларни механик таркиби, ўртача шўрланиш даражаси жуда паст бўлиши лозим. Ўсимлик экиладиган майдонлар кузда гектарига 25—30 тонна гўнг ва фосфорли ўғитларни йиллик нормасини 70% солиниб ҳайдалиши керак.

Мойчечакни ўсиб ривожланиши давомида икки марта: биринчиси — майса ҳосил бўлган даврда (март ойининг биринчи ўн кунлигига), иккинчиси ғунчалаш даврида (апрель ойининг учинчи ўн кунлигига) гектарига 30—40 кг ҳисобида азотли ўғитлар берилади. Азотли ўғитларни ўсимликни суғоришдан олдин берилади. Ўсимликни азотли, фосфорли ва органик ўғитлар билан яхши озиқлантирилганда мойчечак гулларини гектарига 1,5—3,0 центнерга ошганлиги аниқланган

Касалликга қарши қурашиш. Мойчечак ўсимлиги вегетация давомида барча маданий ўсимликлар каби ун шудринг касаллиги билан касалланиши мумкин. Айниқса соя ерда экилган ўсимликлар тез касалланади. Ун шудринг касаллигини олдини олиш ва даволаш мақсадида фунгицидлардан — топас препаратидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ

хисобланади. Касалликни олдини олиш мақсадида 100 литр сувга 25 мл топасни эритиб пуркалади. Касаллик белгилари пайдо бўлганда эса 100 литр сувга 30 мл дан препарат эритилиб пуркалади. Профилактика мақсадида май ва июнь ойида бир мартадан пуркалса, касалликни даволашда 7—14 кун оралиғида тақорорлаб турилади.

Ердаги кўпчилик ҳашарот личинкалари ва лавлаги узунбурун, колорадо кўнғизи, каналар ва кўнғизларни йўқотиш мақсадида каратэ препаратини пуркаш ёки унинг ўрнига 3 кт/га хлорофос препаратидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бу хилдаги препаратларни иложи борича март ойи охири ва апрель ойида ўтказган маъқул.

Замбуруғ касалликларига асосан грозан препарати, айрим ҳолларда ун шудринг касаллигига қарши олтингугурт қўлланилади.

Касаллик ва заарли ҳашаротларга қарши курашнинг яна бирдан бир йўли алмашиб экишни йўлга қўйиш билан бирга бегона ўтларга қарши курашишдир.

Махсулот тайёрлаш. Махсулот ўсимлик қийғос гуллагандан тайёрланади. Саватчалардаги гуллар гуллай бошлаганда тилсимон гуллар юқорига қараган бўлиб, тўлиқ гуллаган даврида горизонтал ҳолатга ўтади. Гуллаб бўлгандан сўнг тилсимон гуллар пастга қараб йўналади. Айни шу вақтда найчасимон гулларда мева ҳосил бўла бошлайди. Саватчалардаги гуллар қийғос гуллаган даврда, яъни тилсимон гуллар горизонтал ҳолатга ўтган вақтида саватчалар таркибида эфир мойи энг кўп йифилади. Шунинг учун маҳсулотни шу даврда тайёрлаш тавсия этилади. Саватчалар қўл билан юлиб ёки халтачали маҳсус қайчи билан қирқиб, ёки халтали маҳсус хокандозга ўхшаган тароқ ёрдамида юлиб олинади. Йифилган саватчалар аралашмадан тозалангандан сўнг соя ерда ёки қуритгичларда 40 дан ошиқ бўлмаган ҳароратда қуритилади.

Мексика бандидевонаси — **Datura innoxia** Mill.; итузумдошлар — **Solanaceae** оиласига киради.

Кўп йиллик (ўстириладигани бир йиллик), бўйи 60—150 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, яшилроқ ёки қизғиш-бинафша рангли, сертук, айрисимон шохланган. Барги оддий, бандли, кулранг-яшил, тухумсимон ёки чўзиқ-тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали ёки чети бир оз ўйилган ва поядга кетма-кет жойлашган бўлиб, бошни айлантирувчи ёқимсиз ҳиди бор. Гуллари йирик, оқ, фақат бир кечада гуллайди. Гулкосачаси сертук, беш тишли, шишган ва узун найсимон, асос қисми мева билан бирга қолади, гултоjisи найча шаклидаги воронкасимон, беш тишли бўлиб, учлари қайрилган; оталиги 5 та, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси — кўп уруғли, шарсимон, кулранг-яшил ёки қўнғир рангли ва тиканли кўсакча.

Мексика бандидевонаси июль-октябрь ойларида гуллайди, меваси август ойидан бошлаб пишади.

Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли.

Географик тарқалиши. Ватани Марказий ва Жанубий Америка. Полтава ва Чимкент вилоятларида, Краснодар ўлкасида, Кримда ва Молдова республикасида ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот майдалаб қирқилган мева ва уруғдан иборат. Уруғ кийшиқ, буйраксимон, қиррасида эгри-буғри ўсимталари бўлиб, устки томони майда чукурчали, хира кулранг-қўнғир ёки оч сариқ, узунлиги 4—5 мм, эни 3,5—4 мм, қалинлиги 1—1,5 мм. Уруғи ҳидсиз, шўртанг мазаси бор.

Майдалаб қирқилган мева шакли ва кўриниши ҳар хил қўнғир-яшил бўлакчалардан иборат. Уруғ ўрни оқиши-сариқ, устки томони ғовак сўрғичлар билан қопланган. Мева пўстида ўткир учли, ингичка, жуда кўп тиканлар бўлади. Косачабаргининг асос қисми ҳамда меваси, банди сертук. Мевасининг ўткир, наркотик ҳиди бор.

Маҳсулот намлиги 12%, умумий қули 5%, органик аралашмалар 1,5% ва минерал аралашмалар 1% дан ошиқ, скополамин алкалоидининг миқдори 0,2% (мевада) — 0,3% (уругда) дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ҳамма қисмида (баргида 0,23—0,39%, поясида 0,15—0,24%, илдизида 0,21—0,46%, мевасида 0,76—0,83%, уруғида 0,83%) алкалоидлар бўлади. Асосий алкалоиди скополамин. Меваси таркибida 0,38—0,55% ва уруғида 0,31—0,77% скополамин бўлади. Мевадан скополаминдан ташқари гиосциамин, норгиосциамин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Скополамин марказий нерв системасини тинчлантирувчи таъсирга эга (атропиндан фарки). Шунинг учун скополамин гидробромид баъзан хирургик операциядан олдин, марказий нерв системасини тинчлантириш учун морфинга қўшиб, тери остига юборилади. Бундан ташқари, асаб касалликларини даволашда, шунингдек, денгиз касаллиги ва бошқа касалликларда тинчлантирувчи, қусишини тўхтатувчи восита сифатида (аэрон таркибida) қўлланилади.

Доривор препарати. Скопаламин гидробромид. Скопаламин алкалоидининг камфора билан ҳосил қилган бирикмаси аэрон препарати таркибиага киради.

Бангидевона ўсимлигини ўстириш технологияси

Бангидевона ўсимлигини Ўзбекистоннинг намгарчилик етарли минтақаларида тарқалган тупроқларда, айниқса, суғориладиган типик ва ўтлоқи тупроқларда экиб ўстириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бангидевонани помидор, картошка, тамаки (итузумдошлар оиласига мансуб) каби ўсимликлар экилган майдонларга жойлаштириш тавсия этилмайди. Чунки бу ўсимликларни заарловчи ҳашаротлар бангидевонани касаллантирувчи ҳашаротлар ҳисобланади. Бангидевона экиладиган тупроқларда қанақангি ўтмишдош экин экилганлигидан қатъий назар, куз ойларида ерларни ҳайдаш

олдидан гектарига 20—25 тонна чириган гўнг, 70 кг дан соф фосфор ўғити билан озиқлантирилиб, 25—27 см чуқурликкача трактор билан ҳайдаб қўйиш лозим бўлади. Бангидевонани эрта баҳорда экилса ҳосилдорлик юқори бўлади. Ўсимлик уруғини эрта баҳорда экишдан олдин ерларни борона ва молалар билан текислаб тупроқ ҳарорати 15—17°C бўлганда қатор ораларини 60 см дан қилиб сабзавот экадиган сеялкалар гектарига 10 кг уруғ сарфлаб, унинг чуқурлиги ўртacha қумлоқ тупроқларда 4—5 см, механик таркибли оғир бўлган ерларда эса 3—4 см чуқурликда экилади. Ўсимлик уруғлари экилгандан кейин 15—22 кунда ўсиб чиқади. Унинг вегетацион даврининг узунлиги (майсалар униб чиқиб то гуллагунча) 100 кунгача боради.

Бангидевонани ўсиб чиқкан ёш ниҳоллари бегона ўтларга унчалик бардош беролмаслиги сабабли тезлик билан қатор ораларига ишлов берилишни кучайтириш лозим, бу айниқса бангидевонани шоналаш давригача давом эттирилади. Ўсимликни қатор ораларини ишлашда кўчатларни тупроқ ва кесакчалар кўмиб юбормаслиги учун механизмлардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак бўлади. Ўсимлик 3—4 та чин барг чиқаргандан кейин яганалаб, ҳар бир уяга орасини 60 см дан қилиб 2 тадан соғлом кўчат қолдирилади. Бангидевонани ораларига кейинги ишлов беришда ва бегона ўтларни йўқотишида тупроқнинг зичланишига қараб давом эттириш лозим бўлади. Кейинчалик ўсимликнинг бўйи 1 метрга етганда сербарг бўлганда бангидевона ўтларни сиқиб кўяди. Бангидевона ўсимлигини ўсиши, ривожланиши, хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларнинг кўпроқ тўпланишига, унга бериладиган органик ва минерал ўғитлар миқдорига, вегетация давомида амалга ошириладиган арготехник тадбирларга боғлиқдир. Биринчи озиқлантиришни бангидевона 5—7 та чин барг чиқарганда бошлаш керак бўлади. Ўсимлик азотли ва фосфорли ўғитларни кўпроқ талаб қиласи. Бу даврда гектар ҳисобига 30 кг азот 20 кг фосфор берилади. Ўғит бериш натижасида майсалар тез ривожлана бошлайди. Ўсимлик ўғитларга талабчан бўлганлигини ҳисобга олиб, иккинчи

ўғитлашни шоналаш даврида гектарига 30 кг азот ва 20 кг калий ўғитларини бериш билан амалга ошириш керак бўлади. Ҳар бир ўғитлаш ўсимликни суғоришдан олдин амалга оширилади. Ўғитлаш натижасида ўсимликнинг бўйи 30—40 см га кўтарилади ва барглар сони ҳам кўпаяди. Бангидевона ёппасига гуллаганда гектарига 40 кг дан азот, 20 кг дан фосфор ва калий ўғити бериш билан тугалланади. Ўтказилган тадбирлар натижасида унинг асосий хомашёси ҳисобланган барглари жуда яхши ривожланади. Вегетация давомида бангидевона ўсимлигига 100 кг азот, 70 кг фосфор ва 50 кг калий ўғити билан озиқлантириш тавсия этилади. Мавсум давомида бангидевона экинзорлари ҳаво ҳарорати ва тупроқ таркибидаги намликни ҳисобга олган ҳолда 8—9 марта суғориш тавсия қилинади. Бангидевона мева ҳосил қилгандан кейин унинг баргларини териш мумкин бўлади. Биринчи навбатда тўлиқ етилган ва кўк баргларни думсиз терилади. Ундан кейин етилган ва очилганлари терилади. Намгарчилик ёмғир ёққанда ва совуқ тушганда баргларни теришни тавсия қилинмайди.

Агар озиқлантириш суғориш ва қатор ораларига ўз вақтида ишлов ўтказилса зааркунанда касалликларга йўл қўйилмаса бангидевона ўсимлигидан 10—12 центнергача қуруқ барг йиғиб олиш мумкин. Бангидевона баргларини 3 маротаба (қўлда) йиғиб олингандан кейин, силос йиғадиган камбайн билан ўсимликни ўриб олиб даладан ташқарига чиқариб ёқиб юборилади.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимликнинг яхши пишиб етилмаган яшил рангли меваси қайчи ёки ток қайчи (тиканли бўлганлиги учун) билан қирқиб олинади. Сўнgra йиғиб олинган меваларни пичан қирқадиган машинада қирқиб, қуёшда ёки қуритгичда 40—50 дан ошиқ бўлмаган ҳароратда қуритилади. Кейин уруғи мевадан ажратилади ва алкалоид олиш учун заводларга юборилади. Уруғ ва мевадаги алкалоидлар турли усуслар билан ажратиб олинади (уругида мой бўлади, мевасида эса бўлмайди).

ТЕШИКДАЛАЧОЙ — *HYPERICUM PERFORATUM L.*

Тешик далачой — **Hypericum Perforatum L.** ва доғли (түртқиррали) далачой — **Hypericum maculatum Crantz.** (**Hypericum quadrangulum L.**); далачойдошлар — **Hypericaceae** оиласига киради.

Далачой турлари күп йиллик, бўйи 30—100 см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси ва илдизи сершох. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, силлиқ, туксиз, қиррали бўлиб, юкори қисми қарама-қарши шохланган. Барги оддий, чўзиқ-тухумсимон, текис қиррали бўлиб, поядা бандсиз қарама-қарши жойлашган. Гуллари тилла сариқ рангда, бўлакли, қалқонсимон рўвакка тўпланган. Меваси — уч хонали, кўп уруғли, пишганда очиладиган кўсакча. Уруғи майда, чўзинчоқ ва чуқурчали бўлиб, қўнғир рангга бўялган.

Июнь-август ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Далачой турлари йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, бедазорларда, ўрмонларда, ўрмон четларида, буталар орасида ўсади. Асосан Украина, Белорус, Молдова, Болтиқ бўйи давлатлари, Россиянинг Европа қисми ва ўарбий Сибирнинг ўрмон, ўрмон-чўл зonasида, Кавказда ҳамда Ўрта Осиёда учрайди.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот барг, гул, пишмаган мева аралашмаларидан ҳамда қисман баргсиз поядан иборат. Пояси цилиндричесимон, юкори қисми шохланган, икки қиррали ва туксиз. Барги чўзиқ-тухумсимон, текис қиррали, туксиз, узунлиги 0,7—3,5 см, эни 1,4 см, унда нуқта шаклидаги жойлар учрайди. Гули тўғри, гулкосачаси чуқур беш бўлакка қирқилган, тожбарги 5 та, тилла рангда, чўзиқ-эллипссимон, юкори қисми қийшиқ ва тишсимон қиррали, оталиги кўп сонли, оналик тугуни уч хонали, юкорига жойлашган. Маҳсулотнинг хушбўй ҳиди, аччиқроқ, бир оз буриштирувчи мазаси бор.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 8%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 1%, органик аралашмалар 1%, минерал аралашмалар 1%, тешигининг диаметри 2 мм бўлган элақдан ўтадиган майда қисми 10%, поя ва ён шохчалар 50% дан ошмаслиги керак. Қирқилган

маҳсулот учун 7 мм дан ошиқ бўлган бўлакчалар 10%, тешигининг диаметри 0,315 мм бўлган элакдан ўтадиган майда қисми 10% дан ошиқ бўлмаслиги лозим. Экстракт моддалар (эритувчи 40% ли спирт) 25% дан кам бўлмаслиги керак.

Маҳсулот таркибидаги флавоноидлар йифиндисининг микдори рутин бўйича ҳисоблаганда XI ДФ га кўра 1,5% дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибida 10—12,8% ошловчи моддалар, 0,1—0,4% атрацен унумлари (гиперицин, псевдогиперицин ва бошқалар), флавоноидлар (гиперозид, рутин, кверцитрин, изокверцитрин, кверцетин, мирицетин ва бошқалар), 0,1—0,33% эфир мойи, 55 мг % каротин, 1151,8 мг % витамин С, 34 мг % холин, жуда оз мидорда алкалоидлар ва 10% гача смола бўлади.

Ишлатилиши. Маҳсулотнинг доривор препаратлари буриштирувчи, антисептик ва яра тўқималарини тез битирувчи таъсирга эга. Тиббиётда меъда-ичак (колит, ич кетиши), оғиз бўшлиғи (гингивит ва стоматит) касалликлари ҳамда II ва III даражали куйишларни даволашда, шунингдек, оғизни чайиш учун ишлатилади.

Ўсимликнинг ер устки қисми бактерицид таъсирга эга.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, суюқ экстракти, бактерицид препарат новоиманин, пефлавит (катехинлар йифиндиси таблетка ҳолида Болгарияда чиқарилади, витамин Р таъсирига эга).

Новоиманин тўқ қўнғир рангли кукун (порошок) бўлиб, улар сувдаги, сув билан спирт ва сув билан глицерин аралашмасидаги 0,5—1% ли эритма ҳамда кукун (порошок) ва суртма ҳолида оддий, йирингланган яралар, куйган жой, чипқон ва бошқа йирингли жараёнларни даволаш учун ишлатилади.

Далачой ўсимлигининг мойли экстракти (далачой мойи) меъда-ичак яраси касалликларини даволашда ишлатилади.

Ўрта Осиё, Кавказ ва Олтойда ўсадиган далачойнинг тури — дағал далачой (*Hypericum scabrum* L.) Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларидағи

тоғларнинг тоғ олди қисмидан то ўрта қисмигача бўлган юмшоқ тошли ва шағалли тоғ қияларида, очик, текис ва бошқа ерларда кенг тарқалган.

Далачойнинг бу тури тешик далачойдан бўйининг пастлиги (20—50 см), поясининг пастки қисми қизғиши-бинафша рангли ва одатда бир нечта бўлиши, баргининг майда (узунлиги 10—15 мм), барг қўлтиғидан қисқарган (1—4 см) шохчалар ўсиб чиққанлиги ҳамда сариқ гулларининг қалқонсимон рўвакка тўпланганлиги билан фарқ қиласи.

Дағал далачой май-июль ойларида гуллайди, июнь-августда меваси этилади.

Дағал далачой ер устки қисмининг кимёвий таркиби ва унинг фармакологик таъсири ҳамда клиника шароитида касалликларни даволаш хоссалари чуқур ўрганилди. Натижада дағал далачой ер устки қисми таркибида тешик далачой ер устки қисми таркибида учрайдиган кимёвий бирикмалар борлиги (ошловчи моддалар, flavonoидлар, витамин С, каротин, органик кислоталар, антоцианлар, смола, углеводлар ва бошқалар), ошқозоничак (ич кетиш, колит, энтероколит), оғиз бўшлиғи (гингивит, стоматит) ҳамда яраларни ва куйган ерларни даволаш хусусияти бир хил эканлиги аниқланди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ДВТТСНҚ (Доривор воситалар ва тиббиёт техника сифатини назорат қилиш) Бош бошқармаси томонидан дағал далачой ер устки қисмига тузилган ВФМ тасдиқланди ва уни доривор препаратларини тиббиёт амалиётида тешик далачой препаратлари билан бир қаторда юқорида қайд этилган касалликларни даволаш учун буриштирувчи ва антисептик восита сифатида қўллашга рухсат этилди.

Махсулот намлиги 9%, умумий қули 7%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган қули 1%, поялар 45%, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 1% дан кўп бўлмаслиги керак. Майдалангандан (қирқилган) махсулот учун 7 мм дан йирик бўлган бўлаклар 10%, тешигини диаметри 0,310 мм ли элакдан ўтган майда қисми 10% дан ошиқ бўлмаслиги керак.

Фармокопея талабига кўра маҳсулот таркибидаги ошловчи моддалар миқдори 5% дан, флавоноидлар йифиндининг миқдори (рутинга нисбатан) 1,5% дан кам бўлмаслиги лозим.

Тешик далачойни ўстириш технологияси

Тешик далачой кўп йиллик ўт ўсимлиги бўлиб, асосан уруғидан кўпайтирилади. Ўсимликни экишдан олдин ерни кузда 25—28 см қилиб ҳайдалади. Ҳайдашдан олдин гектарига 20—25 тонна гўнг ва 50 кг дан суперфосфат ўғити берилади.

Далачойдан юқори ҳосил етиштириш учун эрта баҳорда тупроқнинг юқори қатламини уруғ яхши кўмиладиган, нормал униб чиқиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратиладиган қилиб юмшатиш, ҳаво алмашинишини яхшилаш, пастки қатламлардан урукқа нам келишини таъминлаш ва бегона ўтларни йўқотишга қаратиш керак бўлади.

Эрта баҳорда ерни экишдан олдин бороналаб текисланади, ўсиб келаётган бир йиллик бегона ўтлар йўқотилади. Март ойининг охири ва апрель ойининг бошларида уруғлар сертификация қилиниб сабзавот экадиган сеялкаларда қатор ораларини 60 см ли ва уруғни 0,5—1 см чуқурликда экиласди. Уруғи жуда майда бўлганлиги учун уни қумга аралаштириб (1 : 50) экиласди. Гектарига 4—5 кг дан уруғ сарфланади. Унинг уруғлари 5—6°C да 12—16 кундан кейин кўкариб чиқиши мумкин. Лекин уруғларнинг ердан тез кўкариб чиқишида тупроқ ҳарорати 18—20°C бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар тешик далачой уруғлари кузда экилган бўлса улар эрта баҳорда тез ривожланади ва ҳосилдорлиги баҳорда экилган уруғларга нисбатан юқори бўлади. Ўсимликнинг майсалари нозик бўлганлиги сабабли уни бегона ўтлардан тозалаб, тезлик билан қатор оралари культивация қилиниб юмшатилади.

Агар ўсимлик қалин жойлашган бўлса уни ягана ҳам қилинади ва 1 мерга 10 тадан ўсимлик қолдирилади. Биринчи йили ўсимликни 10—12 марта суғорилади, қатор оралари 4—5 марта культивация билан юмшатилади ва 3—4 марта оралари қўлда ўтоқ қилинади. Ўсув давомида гектар ҳисобига 40 кг дан азот, 30 кг дан калий ўғити берилади. Ўсимликни озиқлантириш, суғоришдан олдин амалга оширилади. Июнь ва июль ойларида далачой тўлиқ гуллаганда унинг ер усти қисмини гулли шохлари шонаси 30 см дан ошмасдан силос ўрадиган механизмлар ёрдамида ёки қўлда ўриб олинади ва хомашёсини тезлик билан маҳсус мосламаларда қуритилади. Биринчи ўримдан кейин ўсимликнинг яхши ривожланиши учун далачой экилган майдонларнинг ҳар гектарига 80—100 кг дан аммофос ўғити билан озиқлантирилади. Орадан 30—40 кун ўтгандан кейин далачойни иккинчи марта ўриб олиш мумкин.

Унинг ҳосилдорлиги биринчи ўримга нисбатан кўпроқ ҳам бўлиши мумкин. Далачой биринчи йили мева бермайди. Иккинчи йили эрта баҳорда далачой экилган майдонларни ўсимлик қолдиқларидан тозалаб узунасига ва кўндалангига борона қилиниб, азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилади.

Тешик далачой экилган ерларда тўлиқ кўчат сақланса ўз вақтида озиқлантирилса, суғорилса ва бегона ўтлардан тозаланса ҳар гектар ердан ўртacha 3—4 тонна хомашё ва 500—600 кг уруғ йиғиб олиш мумкин бўлади.

Махсулот тайёрлаш. Ўсимлик гуллаганида ер устки қисмининг юқорисидан 15—20 см узунликда ўриб олинади. Соя ерда қуритиб, поядан барглар ва гулларни янчиб, ажратиб олинади.

ДОРИВОР ЛИМОНЎТ — *MELISSA OFFICINALIS L.*

Доривор лимонўт — *Melissa Officinalis L.* ясноткадошлар — *Lamiaceae* (лабгулдошлар — *Labiatae*) оиласига киради.

Кўп йиллик, сертукли, 30—60 см баландликдаги ўт ўсимлиқ. Пояси битта ёки кўп, қарама-қарши шохланган. Барглари тухумсимон, бир оз ўткир учли, сер тукли (устки томонидан), арасимон қиррали бўлиб, қисқа банди билан поя ва шохларида қарама-қарши ўрнашган. Оқ рангли, тукли, икки лабли гуллари гул банди билан барг қўлтиғига жойлашиб, тўп гулни ҳосил қиласди. Меваси — 4 та ёнфоқча.

Июнь-августда гуллайди, меваси июль-августда етилади.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиё, Крим, Кавказ, Россиянинг Европа қисмининг жанубида ва бошқа давлатларда дараҳт сояларида, тоғли туманларда тошлар соясида ва бошқа соя ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Маҳсулот 30 см гача узунликдаги шохланган, сербарг ва тўрт қиррали поя бўлаклари, барглар ва гуллар аралашмасидан ташкил топган. Барглари тухумсимон, ўткир учли, йирик арасимон қиррали бўлиб, узун банди ёрдамида поя ва шохларида қарама-қарши жойлашган. Гуллари узун, тукли гул бандли ва осилган кўринишида бўлиб, сийрак тўпгулга жойлашган. Косачаси тиканли тишли, гултожиси икки лабли, оқ рангли.

Маҳсулот намлиги 10% дан, умумий кули 9,7% дан, хлорид кислотанинг 10% ли эритмасида эримайдиган кули 0,3% дан, маҳсулотнинг қорайган қисмлари 10% дан, поя ва ён шохчалар бўлаклари 30% дан, органик аралашмалар 1% дан ва минерал аралашмалар 1% дан кўп ҳамда таркибидаги титрланадиган полифеноллар йигиндиси 11% дан кам бўлмаслиги керак.

Майдаланган маҳсулот учун 7 мм дан йирик бўлган қисмлар 10%дан ва тешигининг диаметри 0,5 мм бўлган элакдан ўтадиган майда қисмлар 10% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми таркибидаги 0,01—0,33% эфир мойи, С витамины, каротин, фенилкарбон кислоталар (кофе, хлороген, розмарин, ферул, протокатех ва бошқалар), тритерпенлар, flavonoидлар

(лютеолин-7-гликозид ва бошқалар), 5—10% ошловчи ва бошқа моддалар, уруғида 20—27% ёғ бор.

Лимонўтнинг эфир мойи гераниол, линалоол, нерол, фарнезол ва уларни сирка кислотаси билан бирикмаси, лимонен, пулегол, гераниал, нерал ва бошқа терпенлардан ташкил топган.

Ишлатилиши. Лимонўт доривор препаратлари Ибн Сино айтишича юракни мустаҳкамлайди ва унга ёрдам беради, шунингдек, трахома, хиқичоқ тутиш, оғиздан ёмон ҳид келиши ва бошқа касалликларни даволайди.

Халқ табобатида лимонўт билан невроз, бронхиал астма, аёлларни токсикоз, климакс, юрак уришини бузилиши ва бошқа касалликлар даволанади.

Лимонўт дамламаси клиник шароитида синовлардан ўтган ва уни тиббиёт амалиётида тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи восита сифатида қўллашга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган.

Доривор препаратлари. Дамлама.

Доривор лимонўт ўсимлигини ўстириш технологияси

Доривор лимонўт ўсимлигини Ўзбекистоннинг барча тупроқ-иқлим шароитида экиб ўстириш мумкин. Ўсимликдан юқори ҳосил йиғиб олиш учун унга шўрланмаган, механик таркиби ўртacha, унумдор, дуккакли ва ғалласимон экинлардан бўшаган ерларни танлаш тавсия этилади.

Доривор лимонўтни бир далада 5 йилгача сақлаб ҳосил олиш мумкин. Ўсимлик экиладиган ерларни кузда 25—28 см чуқурликда сифатли қилиб ҳайдалади. Ҳайдаш олдидан гектар хисобига 20—30 тоннадан чириган маҳаллий гўнг ва 50 кг дан фосфор ўғити билан озиқлантирилади. Экиш олдидан ерларни текислаш, бир йиллик ва кўп йиллик begona ўтлар ургуни камайтириш мақсадида узунасига ва кўндалангига дискали борона билан 6—8 см чуқурликда юмшатилади ва молалаш лозим бўлади. Лимонўт ёруғсевар,

намсевар ва кўп йиллик ўсимлик бўлганлиги учун уруғидан ёки шингилларини бўлиб экиш йўли билан кўпайтирилади. Лимонўтни март ойининг охири ёки апрель ойининг бошларида тупроқ ҳарорати 12—15°C бўлганда экиласди. Уруғларни сабзавот экадиган сеялкаларда 2—3 см чуқурликда экиласди. Уруғлар тупроққа бир текис тушиши учун донадор суперфосфат билан аралаштириб экиласди. Гектарига 6 кг уруғ сарфланади.

Агар тупроқда нам етарли бўлмаса уругларни униб чиқиши учув суғориш жўяклари тортилиб тезлик билан суғорилади. Уруғлар экилгандан кейин майсалар 10—12 кунда униб чиқади. Ўсимликда 3—4 та чин барг ҳосил бўлганда қатор оралари юмшатилади ва 20—25 см оралиғида 2—3 тадан ўсимлик қолдириб ягана қилинади. Доривор лимонўтни шоналаш даврида гектар ҳисобига 30 кг дан азот ва 20 кг дан калий ўғити билан озиқлантирилади. Вегетация охиригача ўсимлик 9—10 марта суғорилади. Ҳар 3—4 марта суғорилгандан кейин, ўсимлик оралари культивация қилинади ва бегона ўтлардан тозаланади.

Лимонўт июнь-август ойида гуллайди, мевалари июль-августда етилади. Унинг хомашёлари (ер устки қисми) июль-август ойларида ўриб олингандан кейин азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилади ва суғорилади.

Лимонўтнинг хомашёси жуда нозик бўлганлиги учун тезлик билан куритилмаса сифати бузилади.

Иккинчи йили эрта баҳорда оралари юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланиб вегетация давомида гектар ҳисобига 70 кг азот, 50 кг фосфор, ва 30 кг калий ўғити билан озиқлантирилади ҳамда 7—8 марта суғорилади.

Доривор лимонўт экилган майдонларнинг гектаридан 1 тоннагача барг йиғиб олиш мумкин.

Махсулот тайёрлаш. Ўсимлик тўлиқ гуллаган вақтида юқори учидан 20—30 см узунликда (поянинг пастки баргиз қисми олинмайди) қирқиб олинади ва соя, ҳаво ўтиб турадиган ерда қуритилади.

ОРТОСИФОН — ORTHOSIPHON

Ортосифон (буйрак чой) — *Orthosiphon stamineus* Benth.; ясноткалошлар —**Lamiaceae** (лабгулдошлар — **Labianae**) оиласига киради.

Кўп йиллик, бўйи 1—1,5 м га етадиган доим яшил ярим бута ёки бута. Пояси бир нечта, тўрт қиррали, асос қисми ёғочланган бўлиб, пастки қисми тўқ бинафша, юқори қисми яшил-бинафша ёки яшил, бўғимлари эса бинафша рангга бўялган. Барги оддий, банди билан поядা бутсимон шаклда қарама-қарши ўрнашган. Гуллари ҳалқага ўхшаш тўпланиб, шингилсимон тўпгулни ташкил этади. Гули қийшиқ, оч бинафша рангли. Гулкосачаси қўнғироқсимон, икки лабли, гултожиси ҳам икки лабли, оталиги 4 та, оналик тугуни тўрт бўлакли, юқорига жойлашган. Меваси — 1—4 та ёнғокчадан иборат.

Июл-август ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Ватани Жануби-Шарқий Осиёning тропик районлари. У ёввойи ҳолда Индонезияда (Ява, Суматра ва Борнео оролларида), Бирмада, Филиппинда ва Шимолий-Шарқий Австралияда ўсади. Бир йиллик ўсимлик сифатида Грузияning субтропик туманларида ўстирилади. Ўсимлик қишида оранжереяда сакланади. Эрта баҳорда ундан 2 та баргли новдачалар кирқиб олинади ва оранжереяда кўчат қилиб ўтқазилади. Май ойида эса бу кўчатлар очиқ ерга ўтқазилади.

Махсулотнинг гашқи кўриниши. Тайёр маҳсулот қуритилган 2 жуфт баргли 2 см узунликдаги новдачадан иборат. Барги чўзиқ тухумсимон ёки ромбсимон-эллипссимон, ўткир учли, арасимон қиррали бўлиб, юқори томони туксиз, пастки томони тукли, узунллиги 2—5 см, эни 1,5—2 см. Барг кўлтиғида сертук куртак бўлади. Маҳсулот ҳидсиз, бир оз аччик, буриштирувчи мазаси бор.

Маҳсулот намлиги 12%, умумий кули 12%, қорайган барглар 2%, 2,5 мм дан йўғон поялар 1%, 5 см дан узун поялар 3%, тешигининг диаметри 1 мм ли элакдан ўтадиган майда қисми 2%, органик аралашмалар 0,5% ва минерал аралашмалар 0,5% дан кўп ҳамда экстракг моддаларининг миқдори 35% дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибida тритерпен сапонинлар, тинозит, аччиқ ортосифонин гликозиди, 1,5% гача вино, лимон ва бошқа кислоталар, 0,2—0,66% эфир мойи, 5—6% ошловчи ва бошқа моддалар ҳамда кўп миқдорда калий тузлари бўлади. Сапонинлардан бирининг англикони — сапофанин а-амирин эканлиги аниқланди.

Ишлатилиши. Ортосифон ўсимлигининг препарати сийдик ҳайдовчи воситаси сифатида буйрак (буйрак тош касаллиги) ҳамда холецистит ва юрак гликозидлари билан биргаликда юрак кон томири системасининг П—Ш даражали касалликларида ишлатилади.

Доривор препарати. Дамлама.

Ортосифон (буйрак чой) ўсимлигини етиштириш

Ортосифон бир йиллик кўчат экини сифатида Грузия субтропикларида етиштирилади. Ўзбекистоннинг ихтисослаштирилган хўжаликларида синовдан ўтказилган. Аниқланишича, буйрак чойи очиқ ва офтобли ерларда яхши ўсади. Унумдор ва намлик етарли тупроқларда яхши ривожланади. Ўсимлик поя қаламчалардан кўпайтирилади. Кўчат ҳар йили, декабрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб иссиқхоналарда ҳаво ҳарорати 18—22°C да тайёрланади. Қаламчалар 5—7 см узунликда тайёрланади. Новдаларидаги барглар олиб ташланади, фақат учидаги баргларгина қолдирилади. Буғланишини камайтириш учун йирик барглар кўндалангига 2 га бўлинади ва майда баргларга тегилмайди. Шу тарзда тайёрланган қаламчалар 60 x 45 см ўлчамли ва баландлиги 25 см бўлган кўчат қутиларга ўтказилади. Дренаж учун қутиларнинг тагига 2—3 см қалинликда керамзит

ёки майда шағал, кейин йирик донадор қум солинади. Дренаж устига 10—15 см қалинликда 1 : 1 : 1 нисбатда органик масса аралаштирилган тупроқ, чириган гүнг ва қум солинади. Унинг устига унумдор тупроқ ва 5—6 см қалинликда йирик қум билан ёпилади. Қаламчаларни қиялатиб устки қум қатламига 3—5 см чуқурликда, 5 x 5 оралиқда экилади ва лейкада тўйинтирилиб суғорилади.

Ундан кейин қутининг усти шиша ва шаффоф плёнка билан ёпиб қўйилади. 1 квадрат метр ерга 4 та қаламча экилади. 1 гектар ерга етарли кўчат тайёрлаш учун 300 квадрат метр ёпиқ грунт талаб этилади. Қаламчаларни экишда жавонлардан, иссиқхона тубидаги ерлардан фойдаланиш мумкин, лекин бунда ҳам юқорида баён этилаётган дренаж озиқавий муҳит бўлиши керак. Қаламча парвариши, ҳар кунги суғориш вақти-вақти билан тупроқ устидаги зааркунандаларни йўқотиш учун қум юзасини юмшатилиб турилади. Қаламчаларнинг 85—90% тутади. Илдиз олгандан кейин суғориш сони камайтирилади, лекин тупроқ доим нам ҳолатда сақланади. Сўнgra шиша ёки плёнка аста-секин олиб ташланади. Қаламчаларни далага олиб чиқиб экилгунга қадар апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида иссиқхонадаги кўчатлар бўйи 15 см га етади ва 1 тадан 4 тагача поя бўлиб, яхши ривожланган попук илдизлар ҳосил бўлади. Буйрак чой ўсимлигини етиштириш учун унумдор, бегона ўтлардан тозаланган, шамолдан пана тупроқлар танланади. Кўчатларни экиш учун ерлар 20—25 тонна маҳаллий ўғит ва суперфосфат ўғитлари билан озиқлантирилиб, 20—25 см чуқурликда ҳайдалиши керак.

Суғориш эгатлари олинишидан олдин тупроқ 2 марта молаланади. Жўякларнинг узунлиги ернинг нишаблигига, тупроқнинг механик таркиби ва физик хоссаларга боғлиқ ҳолда олинади. Кўчатлар очиқ далаларга апрелнинг ўрталарида экилади. Кўчатларни кутидан илдизи атрофидаги тупроқ билан кўчириб олиб, уни бузмай жўякларга 5—8 см чуқурликда экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўчатларнинг оралиғи бир-бирига нисбатан 15 см бўлиши керак. 1 гектар ерга ўртacha 120 минг қўчат тўғри келиши керак. Кўчатлар

экиш тугаллангандан кейин 6—7 кунда бир марта суғориб туриш лозим. Ҳар 2—3 суғоришдан кейин күчатлар оралари юмшатилади ва ўтоқ қилинади.

Буйрак чой ўсимлигини биринчи ўғитлаш июль ойида гектар ҳисобига 50 кг азот ва 20 кг фосфор ўғити бериш билан бошланади. Иккинчи марта озиқлантиришни август-сентябрь ойларида 30 кг азот ва 20 кг калий ўғити бериш билан тугалланади. Озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Кейинги йиллар учун октябрь ойининг бошларида ўсимликлардан қаламчалар тайёрланиб иссиқхоналарда (юқорида баён этилган услугуб асосида) экилади. Иссиқхоналарда экилган буйрак чой оқсанот ва алеуродит ҳашаротлари билан заарланади. Бу ҳашаротлар ўсимлик баргларининг орасига тухум қўйиб, унинг сокларини сўради ва катта заар етказади. Касални олдини олиш мақсадида фосфорорганик препаратлардан антио ва актеликнинг 2% ли суюқлиги билан ўсимликлар ишланади.

Буйрак чой ўсимлигининг хомашёси унинг барги ва кейинги вақтларда бутун ер устки қисми ҳам ишлатиладиган бўлган.

Унинг хомашёсини июнь ойининг ўрталаридан ҳар 15—20 кунда совук кунлар бошлангунча қўлда терилади.

Мавсум давомида яхши парвариш қилинган майдонлардан 2 тоннага яқин қуруқ хомашё йиғиб олиш мумкин.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик новдасининг учки қисмини 2 жуфт барги билан бирга (флеш) йил бўйи беш-олти марта кўлда териб олинади, сўнгра қалин қилиб, салқин ерга 24—36 соат (ферментация қилиш учун) ёйиб қўйилади. Маълум вақт ўтгандан сўнг тезлик билан юпқа қилиб ёйиб, қуёшда ёки 30—35°C ҳароратда қуриткичларда қуритилади.

НАШАСИМОН КЕНДИР — APOCYNI CANNABINI

Нашасимон кендир — **Arcosum cannabini L.**; кендирдошлар — **Аркосумасеа** оиласига киради.

Нашасимон кендир кўп йиллик, бўйи 1—1,5 см га етадиган ўт ўсимлиқ. Илдиз системаси ер остида жуда кучли тараккӣ этган бўлиб, ўсимликнинг вегетатив кўпайишида катта аҳамиятга эга. Ер остида илдизнинг юқори қисмидан турли томонга йўналган ҳамда горизонтал жойлашган ер остки ётиқ новдалар — столонлар чиқади. Столонлар маълум ерда ер устки поя ва илдизлар ҳосил қиласди. Натижада кендир ўсимлиги бирбири билан ер остида чатишиб, бир неча гектарга тарқалиб кетади. Пояси тик ўсувчи, яшил ёки тўқ қизил рангли бўлиб, қарама-қарши шохланган. Барги оддий, ланцетсимон ёки чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали, туксиз пояда қисқа банди билан қарама-қарши, баъзан кетма-кет ўрнашган. Гуллари рўваксимон қалқонга тўпланган. Гулкосачаси чуқур беш бўлакка қирқилган, гултожиси пушти ёки оқ, цилиндрический-қўнфироқсимон бўлиб, ярмисига қадар беш бўлакка қирқилган. Оталиги 5 та, оналиги иккита мева баргидан ташкил топган. Меваси — пишганда очиладиган баргча.

Июн-август ойларида гуллайди, меваси сентябрь-октябрда етилади.

Географик тарқалиши. Бу ўсимлиқ ёввойи ҳолда Шимолий Америкада ўсади. Москва вилояти, Ўзбекистонда (Тошкент вилоятида) ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот илдизпоядан ва ер остки ётиқ новдадан ташкил топган. Новдалар узунлиги 5—15 см, диаметри эса 0,6—1,5 см. Илдизпоянинг устки томони кулранг-қўнғир, ичи эса оч сариқ рангли бўлади. Маҳсулот ҳидсиз бўлиб, оғизни ловуллатувчи аччиқ мазаси бор.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 0,8% гача юрак гликозидлари, танин, каучук, оз миқдорда алкалоидлар, органик кислоталар, тритерпен (олеанол кислота, амирин, лупеол ва бошқалар) ҳамда бошқа бирикмалар бўлади.

Илдизпоя ва столонидан 0,17—0,50% гача цимарин (гидролизланганда цимароза кандигав ва строфантидин агликонига парчаланади), апоканнозид, циноканнозид, 0,33% гача К-строфантин-*b* ва

бошқа юрак гликозидлари ажратиб олинган. Уруғида 0,35%, баргida эса кам миқдорда юрак гликозидлари бор.

Ишлатилиши. Нашасимон кендир ўсимлигининг препаратлари юрак касалликларида (қон айланишининг II ва III даражали бузилишида) ишлатилади. Бу ўсимлик препаратларини чет мамлакатлардан келтириладиган строфант ўсимлиги препаратлари ўрнида ишлатиш тавсия этилган. 1 г цимариннинг биологик кучи 38000—44000 ЛЕД ёки 5600—6900 КЕД бўлиши керак.

Доривор препаратлари. Цимарин стандарт.

Нашасимон Кендир ўсимлигининг ўстириш технологияси

Биринчи марта 1953 йилда Ўзбекистоннинг „Ботаника“ боғининг олимлари томонидан иқлимлаштирилган ўсимлик ҳисобланади. Бизнинг шароитимиизда ўсимликни илдизидан ва уруғидан қўпайтирилади.

Нашасимон Кендир ўсимлиги унумдор, ўртача механик таркибли, ёруғ ва нами етарли ерларда юқори ҳосил беради.

Ўсимликнинг илдизи тупроқнинг 2 метрли қатламигача етиб боради. Нашасимон Кендир экиладиган ерларни ишлашда тупроқнинг юқори қатламини сифатли қилиб ҳайдаш лозим. Ер юмшатилганда, ҳайдалма қатlam тупроғининг физик хоссалари ҳамда сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ режими яхшиланади ва нам тупроқ тўпланади. Нашасимон Кендирнинг вегетацион даври унинг ёшига қараб давом этади. Тўрт йиллик ўсимликнинг ривожланиш цикли 175—180 кунни ташкил қиласди. Ўсимликни яхши парвариш қилинса бир далада 6—8 йил ўсиши ва ҳосил бериши мумкин. Ўсимлик экиладиган майдонларни кузда тайёрланади. Унинг илдизларини яхши ривожланиши учун ер ҳайдаш олдидан гектарига 20—25 тоннадан органик ўғит ва 50 кг дан суперфосфат ўғити бериб, 28—30 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Эрта баҳорда нашасимон Кендир экиладиган майдонлар

борона, мола каби механизмлар ёрдамида текисланади ва бегона ўтлар илдизларидан тозаланади.

Ўсимлик уруғини март ойларининг биринчи ўн кунлигига сабзавот экиладиган ускуналар ёрдамида қатор ораларини 60—70 см дан қилиб 3—4 см чуқурликда экилади ва гектарига 6—8 кг дан уруғ сарфланади. Уруғ экилган майдонлар майсалар униб чиққунгача доимо нам ҳолатда сақланиши тавсия қилинади. Бунинг учун уруғ экилгандан кейин дархол кам нормада, тупроқ ювилиб кетмайдиган қилиб сугорилади.

Уруғлар 10 даражадан юқори ҳароратда 10—12 кундан кейин униб чиқади ва унинг чин барглари 7—9 кунда пайдо бўла бошлайди. Ўсимликни парвариш қилиш кўчатлар ҳосил бўлгандан кейин бошланади. Пайкаллар ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор оралари культивация ёрдамида жуда эҳтиётлик билан (ўсимлик тупроқ остида қолмасилги учун) юмшатилади. Ўсимликни биринчи озиқлантириш майсалар униб чиққандан кейин гектар ҳисобига 40 кг дан азот ва 30 кг дан калий ўғити беришни тавсия қилинади.

Нашасимон Кендири озиқ элементларга жуда талабчан бўлганлигини ҳисобга олиб, иккинчи озиқлантиришда гектарига 40 кг азот, 20 кг дан фосфор, калий ўғити бериш билан тутатилади. Озиқлантириш ҳар бир сугоришдан олдин амалга оширилиши керак. Ўсимликни ораларига ишлов бериш, сугориш ва ўғитлаш натижасида вегетация охирида кўчатларнинг бўйи 40—50 см га етади. Унинг илдизини тез ўсиши натижасида узунлиги 50—55 см гача етиб боради. Вегетация давомида биринчи йили 8—10 марта сугорилади. Нашасимон Кендири иккинчи йили эрта баҳордан ўса бошлайди. Кўчат оралари бегона ўтлардан тозаланади, культивация ёрдамида гектар ҳисобига 40 кг дан азот ва 30 кг дан форфор ўғити бериб сугоришга тайёрланади. Вегетация охирида унинг бўйи 1 метрга етади ва илдизи эса 100—150 см чуқурликкача етиб, вазни оғирлашиб боради. Вегетация давомида 6—7 марта сугорилади.

Нашасимон Кендири вегетатив йўл билан кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Уни қаламчалардан кўпайтириш учун баҳорда тупроқ

ҳарорати 14—16 даража иссиқ бўлганда 3—4 йиллик плантациядаги ўсимликларни илдизини 30—35 см ковлаб, улардан 10—15 см ли қаламчалар тайёрланади ва 60 x 30, 70 x 70 схемада экиласди. Ўртacha бир гектар майдонга 4—5 центнер илдиз сарфланади ёки 21—28 мингта қаламчаларни тупроқнинг механик таркибиغا қараб 7—10 см чуқурликда экиласди. Экишдан олдин гектар ҳисобига 40—50 кг азот ва 40 кг дан фосфор ўғити бериш билан ерлар юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланиб суғориш жўяклари олинади. Икки, уч ой ўтгач экилган қаламчалардан 8—10 жуфт барг пайдо бўлади. Биринчи йили гуллаши мумкин, лекин уруғ ҳосил қилмайди.

Иккинчи йилдан бошлаб ўсимлик уруғ бера бошлайди. Учинчи ва тўртинчи йили ўсимликнинг илдизлари кўпайиб оғирлашиб боради.

Вегетация давомида 5—6 марта суғорилади ва гектарига ўртacha 110 кг азот, 70 кг фосфор ва 50 кг калий ўғити билан озиқлантирилса яхши натижади олинади

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик 3—4 ёшга етганда унинг илдизларини октябрь ойининг ўрталарида картошка қазийдиган механизм ёки плуглар ёрдамида ковлаб олинади. Қазиб олинган илдиз ва илдизпоялари қўлда йиғишириб, 10—15 см дан кесиб тайёрланади ва қуритгич печларида 50—60 даража иссиқда қуритилади. Унинг таркибидағи нами 13—14% ортаслиги лозим. Яхши парвариш қилинган майдонларнинг ҳар гектаридан 1,5—2 тонна ҳосил йиғиб олиш мумкин бўлади.

ТОЎРАЙҲОН — ORIGANUM VULGARE

Оддий тоғрайҳон — *Origanum vulgare* L.; ясноткалошлар — *Lamiaceae* (лабгулдошлар—*Labiatae*) оиласига киради.

Кўп йиллик, бўйи 30—60, баъзан 90 см га етадиган хушбўй ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, юқори қисми сершохли, тукли ва тўрт қиррали бўлади. Барги оддий, чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали бўлиб, банди билан пояда қарама-қарши ўрнашган. Гуллари майда, барг

күлтиғида 2—3 тадан жойлашиб, қалконсимон түпгул ҳосил қиласы. Қалқонсимон түпгуллар поя учида рўваксимон түпгулни вужудга келтиради. Меваси — косачабарг билан бирлашган тўртта ёнғоқча.

Июнь ойидан бошлаб сентябргача гуллайди.

Географик тарқалиши. Собиқ Иттифоқнинг Европа қисмидаги (шимол қисмидан ташқари), Кавказда, Сибирнинг жанубий туманларида ҳамда қисман Қозогистон ва Қирғизистоннинг айрим туманларида учрайди. Қуруқ, очик ўтлоқларда, қуруқ ўрмон ва ўрмон ёқаларида, тепаликлар, қиялар, тошлоқлар ҳамда бутазорларда ўсади.

Тоғрайхон айниқса, Украина, Белорус, Шимолий Кавказ, Волга бўйи ўрта қисмидаги туманлар, Бошқирдистонда кўп ўсади ва шу ерларда тайёрланади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот барг ва гуллар аралашмаларидан ташкил топган. Барги кисқа бандли, чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали, ёки билинар-билинмас тишсимон, устки томони тўқ яшил, пастки томони эса кулранг-яшил, узунлиги 1—4 см. Гул олди баргчалари тухумсимон бўлиб, тўқ бинафша рангга бўялган. Гуллари майда, оч қизил, гулкосачаси қўнғироқсимон, беш тишли, оғизчасида оқ туклар бўлади, гултожиси икки лабли, оталиги 4 та, оналик тугуни тўрт бўлакли, юқорига жойлашган. Барг ҳамда гулкосачабаргида эфир мойли безлар бор.

XI ДФ га кўра маҳсулотнинг намлиги 13%, умумий кули 10%, қорайган ва қўнғир рангли ўсимлик бўлакчалари 7%, поя ва ён шохлар бўлакчалари 40%, органик аралашмалар 1%, минерал аралашмалар 1% ҳамда қирқиб майдаланган маҳсулот учун тешигининг диаметри 7 мм ли элакдан ўтмайдиган йирик қисмлар 10% дан ва тешигининг диаметри 0,5 мм ли элақдан ўтадиган майда қисмлар 10% дан кўп бўлмаслиги керак.

Маҳсулотнинг ўзига хос хушбўй ҳиди ва аччикроқ ўткир мазаси бор.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 0,12—1,20% эфир мойи, ошловчи моддалар, аскорбин кислота (гулида 166 мг %, баргида 565 мг % гача) ва фенол-карбон кислоталар бўлади.

XI ДФ га кўра маҳсулот таркибидаги эфир мойининг миқдори 0,1% (кирқиб майдаланган маҳсулотда 0,08%) дан кам бўлмаслиги керак.

Эфир мойи таркибида 44% гача феноллар (тимол ва карвакрол), 12,5% бициклик ва трициклик сесквитерпенлар, 12,8—15,4% соф ҳолдаги спиртлар ва 2,63—5% геранилацетат бор.

Ишлатилиши. Тиббиётда тоғрайҳондан тайёрланган препаратлар ичак атонияси (ичакнинг бўшашиши, заифланиши) касаллигига ҳамда иштаҳа очувчи ва овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, у балғам кўчирувчи дори ва терлатувчи восита сифатида ҳам кўлланилади. Эфир мойи эса тиш оғригини қолдириш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама. Маҳсулот тер ҳайдовчи ва кўкрак касалликларида ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига киради.

Тоғрайҳонни Ўзбекистоннинг тоғли туманларида ўсадиган яна бир турини тиббиёт амалиётида қўлланишга руҳсат этилган.

Тоғрайҳон ўсимлигини ўстириш технологияси.

Доривор ўсимликлар бир йиллик ва кўп йиллик бўлишидан катъий назар уларнинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун ўсимлик экиладиган худудларнинг иқлим ва тупроқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда экишни режалаштиришни тавсия қилинади. Ўсимликлардан юқори ҳосил этиштиришда уларга мос келувчи агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказиш лозим бўлади. Тоғрайҳон кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, уни кузда ва эрта баҳорда ҳам экиш мумкин.

Тоғрайҳонни ҳайдаб экиладиган экинлардан кейин экилса яхши натижаларга эришиш мумкин.

Тоғрайҳонни унумдор ва нам яхши сакланадиган ерларга экишни тавсия қилинади. Уни Республикализнинг барча тупроқларида (шўрланган ерлардан ташқари) экиб ўстириш мумкин.

Тоғрайхон экиладиган ерларни кузда тайёрлаб, ҳайдаш олдидан гектарига 15—20 тоннадан чириган гүнг ва 40—50 кг дан соф фосфор ўғити, ёғингарчилик етарли бўлмайдиган ва сизот сувлари чукур жойлашган ерларга 20 кг дан азот ўғити билан озиқлантириб 25—28 см чукурликда сифатли қилиб ҳайдаб қўйилади. Натижада тупроқ таркибида қўпроқ нам сақланади. Бегона ўтлар, зааркунанда ва касалликларни камайтиради. Эрта баҳорда уруғларни экишдан олдин ерлар борона ва мола механизмлари билан текисланади. Бегона ўтлар уруғидан тозаланади.

Тупроқ ҳарорати 20—22°C даражага етганда март ойининг охирларида уруғлар ер юзасидан 0,5—1 см чукурликда (уруғ майда бўлғанлиги учун қумга ёки чириган гүнгга аралаштириб) экилади ва ер усти енгил ғалтаклар билан бир оз зичлаштирилади. Ўртacha гектарига 5 кг гача уруғ сарфланади.

Тоғрайхонни парвариш қилиш уруғлар униб чиққандан кейин бошланади. Уруғлар униб чиққунча тупроқ юзасини нам ҳолатда сақланса уруғлар 10—12 кунда униб чиқади. Тоғрайхоннинг майсалари униб чиққандан сўнг, пайкаллар ўтоқ ва ягана қилиниб қатор оралари 60 см, ўсимликлар оралари 15—20 см дан қилиб ҳар бир уяга бир-иккитадан ўсимлик қолдирилади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар доимо тозаланиб, ерлар культивация ёки қўлда юмшатилиб турилиши лозим.

Тоғрайхон бошқа экинларга ўхшаш минерал ва органик ўғитларга талабчан ҳисобланади. Маданий ўғитлардан, айниқса, азотли ўғитларнинг таъсири анча кучли бўлади. Шуларни эътиборга олиб, биринчи озиқлантиришни майсалар униб чиққандан сўнг гектар ҳисобига 25 кг азот ва фосфор ўғити билан озиқлантирилади. Тоғрайхон шоналаш даврида фосфорли ва калийли ўғитларга анча талабчан бўлғанлиги учун иккинчи озиқлантиришда 30 кг азот, 20 кг калий ўғити билан озиқлантирилади. Бу агротехник тадбир сугоришдан олдин амалга оширилади.

Ўсимлик бу даврга келиб шохлаб кетиши натижасида ораларига механизмлар ёрдамида ишлов бериш анча қийинлашади. Тоғрайхон гуллаш

фазасида озиқа элементларни кўпроқ талаб қилади. Шуларни эътиборга олиб гектарига 20 кг азот ва калий ўғити бериб озиқлантиришни тугатилади. Тоғрайҳон ўсимлигини биринчи йили 9—10 мартағача, кейинги йилларда ёғингарчилик ва ҳароратни ҳисобга олган ҳолда 7—8 марта суғорилади. Тоғрайҳонни кўчатлар орқали ҳам кўпайтириш мумкин. Ўсимлик оммавий гуллаган даврда июнь ойининг охири ва июлнинг бошларида ўти (ҳосили) 20 см узунликда ўроқ, боғ қайчилари ва катта майдонларда экилган бўлса, силос ўрадиган агрегатларда (томири билан суғуриб олмасдан) эхтиётлк билан йиғиб олинади.

Махсулот тайёрлаш. Тоғрайҳон ўтлари йиғиб олингандан сўнг сояда қуритилади. Қуритилган ўсимликни 2—2,5 см ли тешикли элаклардан гули билан баргларини пояларидан ажратиб олинади.

Тайёр бўлган маҳсулотни 25 ёки 50 кг ли халталарда сақланади. Хомашёнинг сақлаш муддати 1 йилдан ошмаслиги керак. Хомашёнинг таркибида 13 фоиз намлик, 10 фоиз умумий кул, сарғайган ва қорайган ўсимлик қисми 7%, органик ва минерал аралашмалар 1% дан ошмаслиги лозим.

АЧЧИҚ ШУВОҚ (ЭРМОН)— ARTEMISIAE ABSINTHII

Аччиқ шувоқ (эрмон) — *Artemisiae absinthii* L.; астрадошлар — *Asteraceae* (мураккабгулдошлар — *Compositae*) оиласига киради.

Аччиқ шувоқ (эрмон) кўп йиллик, бўйи 50—100 см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси калта ва шохланган, ундан илдизолди барглар, гул ҳосил қилувчи бир нечта узун поялар ва баргли калта поялар ўсиб чиқади. Пояси тик ўсувчи, бир оз қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Илдизолди барглари узун бандли, учбурчак-юмалоқ кўринишда, икки-уч марта патсимон ажралган. Поядаги қисқа бандли барглари ҳар хил шаклда: поянинг пастки қисмидагилари икки марта патсимон ажралган, ўртадагилари патсимон ажралган, юқоридагилари уч бўлакли. Баргнинг айрим бўлаклари

ланцетсимон ёки чизиқсимон, тўмтоқ учли, текис, айрим бўлаклари баъзан тишсимон қиррали. Эрмон ўсимлигининг поя ва баргларида туклар кўп бўлганидан кумуш рангда кўринади. Гуллари майда, шингилга жойлашган, шарсимон, пастга қараган, диаметри 3 мм ли саватчага тўпланган. Саватчалардан ташкил топган шингиллар рўваксимон гул тўпламини ҳосил қиласди. Саватчадаги ҳамма гуллари сарик рангда, найчасимон, оталиги 5 та, оналик тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Меваси — ўткир учли, чўзинчоқ, кўнғир рангли писта.

Июль-август ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Аҳоли яшайдиган жойларда, йўл ёқаларида, ўтлоқларда, ўрмон четларида, сув бўйларида ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Айниқса, Россиянинг Европа қисмида (шимолий туманлардан ташқари), Молдова, Украина, Белорус республикаларида, Кавказ, ўарбий Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда кўп бўлади.

Махсулот асосан Украина, Молдова, Краснодар ўлкаси, Россиянинг Европа қисмида тайёрланади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Махсулот аччиқ шувоқнинг айрим ер устки қисми ва айрим илдизолди баргларидан иборат.

Ер устки қисми бутун ёки қисман майдаланган, бўйи 25 см дан узун ва йўғон поялар бўлмаган, сербаргли ва гулли поялар учидан ташкил топган. Поялари бир оз қиррали, юқори томони майда, диаметри 2,5—4 мм ли шарсимон саватчали шохчалардан иборат мураккаб ва ёйик рўвак билан тамомланади. Саватчалар пастга қараб осилган, битта ёки иккитадан ланцетсимон қопловчи барглар қўлтиғидан ўсиб чиқсан бўлиб, черепицасимон жойлашган, устки томони сертукли чизиқсимон ўрама барглар билан қопланган. Гуллари майда, саватча четидагилари найчасимон, бир жинсли (оналик гуллар), ўртадагилари — воронкасимон, икки жинсли. Юқоридаги гулолди барглари бандсиз, чўзиқсимон, текис қиррали, пасткилари уч бўлакли, баъзан икки-уч марта патсимон ажралган. Махсулотда гул ҳосил қилмайдиган сербаргли поялар бўлиши мумкин.

Поялари яшил-кулранг, барглари — юқоридан кулранг-яшил, пастки томони кумушсимон-кулранг, гуллари сариқ рангли бўлиб, кучли, ўзига хос ёқимли ҳид ва хушбўй аччиқ мазага эга.

Барглари узун бандли, учбурчак-думалоқ шаклли, икки-уч марта патсимон ажралган ёки бандсиз уч бўлакли ва патсимон ажралган. Барг бўлакчалари ипсимон-чўзиқ шаклли, ўтмас учли, текис қиррали, узунлиги 10 см гача бўлиб, икки томонидан туклар билан қопланган.

Баргларининг юқори томони — кулранг-яшил, пастки томони кумушсимон-кулранг бўлиб, кучли ўзига хос хушбўй ҳид ва аччиқ мазага эга.

Маҳсулотнинг аччиқлик кўрсаткичи 1 : 10000 га тенг.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 13%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 3% (барглар учун 4%, қорайган қисмлар 3%, диаметри 3 мм дан йўғон бўлган поялар (ер устки қисми учун) 3%, тешигининг диаметри 7 мм ли элакдан ўтмайдиган йирик бўлаклар (қирқиб майдалангандан маҳсулот учун) 10%, тешигининг диаметри 0,5 мм (қирқилган барглар учун) ёки 0,310 мм (қирқилган ер устки қисми учун) элакдан ўтадиган майдалангандан қисмлар 10%, органик аралашмалар 2% (барглар учун 1%) ва минерал аралашмалар 1,5% (барглар учун 1%) дан ортиқ ҳамда 70% ли спиртда эриб ажралиб чиқадиган экстрактив моддалар миқдори 20% (барглар учун 25%) дан кам бўлмаслиги керак. Маҳсулотга оддий шувоқ — *Artemisia vulgaris* L. ўсимлигининг қисмлари аралашмаслиги лозим. Бу ўсимликнинг барглари фақат пастки томони кумуш, устки томони тўқ яшил, қуритилгандан сўнг эса қора рангда бўлиши билан ажралиб туради.

Кимёвий таркиби. Аччиқ шувоқ ўсимлигининг ер устки қисми таркибида 0,5—2% эфир мойи (абсинтол), аччиқ гликозидлар (0,09—0,525% абсинтин, 0,03% анабсинтин), хамазулен, прохамазуленоген, артабсин, каҳрабо, олма ва аскорбин кислоталар, каротин, арабсин ва бошқа лактонлар, артемизетин flavonoиди ҳамда ошловчи моддалар бўлади.

Аччиқ шувоқ ўсимлигининг гул тўпламида (саватчаларда) кўп миқдорда (151,0—292,0 мг %), айниқса, гуллашидан олдин (292,0 мг %),

поясида эса энг кам миқдорда (1—3 мг %) хамазулен тўпланади. Поянинг юқори қисмида жойлашган ёш баргларда (175,0 мг %) поянинг пастки қисмида жойлашган баргларга (90,0 мг %) нисбатан 2 баравар кўп хамазулен бўлади.

Эфир мойи тўқ яшил рангдаги заҳарли суюқлик бўлиб, таркибида 24,1—35,2% туйил спирти, кетон-туйон, пинен, кадинен, фелландрен, кариофиллен, бизаболен, хамазуленоген ҳамда туйил спиртининг сирка, изовалериан ва пальмитин кислоталари билан ҳосил қилган эфирлари бор.

Ишлатилиши. Аччиқ шувоқ ўсимлигининг препаратлари иштаҳа очадиган ва овқат ҳазм қилишга ёрдам берувчи дори сифатида ҳамда жигар, ўт пуфаги ва гастрит касалликларида ишлатилади. Ўсимликдан олинган хамазулен бронхиал астма, ревматизм, экзема касалликлари ва рентген нури таъсирида куйган ерларни даволашда қўлланилади.

Доривор препаратлари. Ўсимликдан дамлама, настойка ва қуюқ экстракт тайёрланади. Ўсимлик иштаҳа очувчи ва ўт ҳайдовчи йифмалар — чойлар, меъда касалликларида ишлатиладиган таблеткалар ва аччиқ настойка таркибиға киради.

Аччиқ шувоқ (эрмон) ўсимлигининг ўстириш технологияси

Аччиқ шувоқ ўсимлиги республикамизнинг барча вилоятларида табиий ҳолатда учрайди. Суғориладиган ерларга деярли экилмайди. Ўсимлик ёруғликни яхши кўрадиган иссиқсевар, қурғоқчиликка ва ўртacha шўрланган тупроқларга чидамли.

Республикамизда тарқалган суғориладиган оч тусли ва типик бўз тупроқларда экиб ўстириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аччиқ шувоқ экиладиган майдонларни кузда чириган гўнг ва фосфор ўғити билан озиқлантириб 22—25 см чуқурлиқда ҳайдаб қўйилади.

Аччиқ шувоқ ўсимлигини уруғидан ва илдизидан кўпайтириш мумкин.

Ўсимлик кўп йиллик бўлгани учун у кузда ва баҳорда экилади.

Экишдан олдин кузда ҳайдалган ерларни юмшатиш, тупроқни майнин қилиш ҳамда ҳайдалма қатлам ҳавосини алмашинишини яхшилаш учун борона қилинади. Аччиқ шувоқ уруғини экишга тайёрлаш ва тўлиқ униб чиқишини ҳамда уни парвариш қилишда майнин тупроқли юза қатлам ҳосил қилиш мақсадида яна мола босилади.

Эрта баҳорда ўсимлик экиладиган ерлар текисланиб, бегона ўтлар қолдиқларидан тозаланади. Аччиқ шувоқ уруғларини март ва апрель ойларининг бошларида тупроқ ҳарорати 12—15°C бўлганда қатор оралари 60 см қилиб трактор сеялкаларида тупроқ юзасига экилади. Уруғлари жуда майда бўлганлиги учун уни қуриган гўнг ёки қумга аралаштириб экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир гектар майдонга ўртача 1,5—2 кг уруғ сарфланади.

Аччиқ шувоқни кузда ҳам экиш мумкин. Уруғлар экилгандан кейин майсалар униб чиқмасдан олдин далани кўндалангига культивация билан букетировка қилинади.

Уруғларнинг бир текис униб чиқиши учун далалар бегона ўтлардан тозаланиши ва тупроқнинг намлиги етарли бўлиши лозим.

Аччиқ шувоқнинг уруғлари экилгандан сўнг 20—22 кунда униб чиқади. Ердан униб чиқадиган майсалари жуда майда бўлганлиги сабабли бегона ўтлар орасида қолиб кетмаслигини инобатга олиб қатор ораларини 8—12 см чукурликда юмшатилади.

Аччиқ шувоқ ўсимлигидан сифатли ва қўпроқ хомашё етиштириш мақсадида биринчи йили парваришни юқори савияда ўтказиш талаб қилинади.

Вегетация давомида ўсимлик экилган ерлар бегона ўтлардан тозаланиб турилиши ва тупроқнинг ҳайдалма қатламишининг зичлиги 1,30—1,35 г/см гача сақлаб турилиши, унинг илдизини мўътадил ривожланишига

имконият яратилади. Ўсимликнинг майсалари жуда нозик бўлганлиги учун баҳорда ёқсан ёмғирлар натижасида ҳосил бўлган қатқалоқларни юмшатиш керак бўлади.

Биринчи йили ўсимликнинг илдиз юқорисида тўпбарглар ва 1—5 та поялар, кейинги йилларда эса 25—30 тагача поялар пайдо бўлиб, ўсимлик гуллайди ва ҳосил беради.

Ўсимликнинг шоналаш фазаси 35—45 кун давом этади. Аччиқ шувоқ ўсимлигини вегетация давомида 5—6 марта ораларига ишлов берилади. Биринчи озиқлантиришни майсалар униб чиққандан кейин гектарига 25 кг дан азот ва калий ўғити бериш билан бошлаш лозим бўлади.

Иккинчи озиқлантириш шоналаш даврида гектар ҳисобига 30 кг азот ва 20 кг фосфор ўғити бериш билан амалга оширилади. Бунда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Охирги озиқлантиришни ўсимлик ёппасига гуллаганда 30 кг азот ва 25 кг калий ўғити бериш билан тугатилади. Ўсимликни озиқлантиришда ўғитларни тупроққа киритиш чуқурлиги 10—12 см бўлиши тавсия қилинади. Аччиқ шувоқни озиқлантиришни суғоришдан олдин амалга ошириш лозим. Мавсум давомида ўсимликни биринчи йили 5—6 марта суғориш тавсия этилади.

Агротехник тадбирлар юқори даражада ўтказилса аччиқ шувоқдан гектар ҳисобига 8—10 центнер сифатли хомашё ва 2 центнергача уруғ олиш мумкин бўлади.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаш даврида фақат илдизолди барглари тайёрланади. Гуллаганда эса поянинг учидан 25—30 см узунликда ўриб олинади. Йиғилган маҳсулотлар соя, ҳаво кириб турадиган жойда ёки чердакларда қуритилади.

МАРМАРАК (МАВРАК) — SALVIA

Доривор мармарак (маврак) — *Salvia officinalis L.*; ясноткадошлар — *Lamiaceae* (лабгулдошлар — *Labiatae*) оиласига киради.

Кўп йиллик, бўйи 20—50 см га етадиган ярим бута. Пояси кўп сонли, шохланган, сербарг, тўрт қиррали, пастки қисми бир оз ёғочланган. Барги оддий, узун бандли, поянинг энг юқори қисмидагилари бандсиз бўлиб, пояда қарама-қарши ўрнашган. Гуллари қисқа бандли, майда, поя ва шохларининг юқори қисмida бошоқсимон доира шаклидаги сохта тўпгул ҳосил қиласи. Гули қийшиқ гулкосачаси икки лабли, сертуқ, гултожиси икки лабли, кўк бинафша рангда, оталиги иккита, оналик тугуни тўрт бўлакли, юқорига жойлашган. Меваси — 4 та ёнғоқчадан ташкил топган.

Июнь-июль ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Ватани Ўрта Ер денгиз бўйидаги давлатлар. Молдовада, Украинада, Краснодар ўлкасида ва Кримда ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот узун бандли (2 см), чўзинчоқ ёки кенг ланцетсимон (баъзан барг пластинкасининг асосида битта ёки иккита кичкина бўлраги бўлади) баргдан иборат. Барг пластинкасининг учи тўмтоқ бўлиб, қирраси тўмтоқ тишли. Йирик барглар узунлиги 6—10 см, эни 2—2,5 см, майда барглар узунлиги 2 см, эни эса 0,8 см бўлади. Ёш барглар жуда кўп майда туклар билан (айниқса, пастки томони) қопланганидан кумуш рангли. Катта баргларда туклар кам бўлиб, пластинканинг устки томони кулранг-яшил, пастки томони эса кулранг. Баргда жойлашган 3- ва 4- тартибдаги томирлар барг пластинкасининг юқори томонидан ичкарисига ботиб кирганлиги ва пастки томонидан бўртиб чиққанлиги учун пластинканинг пастки томони бир хилдаги майда катақча шаклида кўринади.

Махсулотнинг ниҳоятда хушбўй хиди ва аччиқроқ ёқимли, бир оз буриштирувчи мазаси бор.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 12%, қорайган ва қўнғир барглар 5%, поя ва гултўплам аралашмалари 13%, тешигининг диаметри 3 мм бўлган элакдан ўтадиган майдаланган қисми 3% (бутун маҳсулот учун), органик аралашмалар 3% ва минерал аралашмалар 0,5% дан ошиқ бўлмаслиги керак. Қирқилган маҳсулот учун 10 мм дан йирик

бўлакчалар 5% дан, тешигининг диаметри 0,5 мм ли элакдан ўтадиган майда қисмлар 10% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг барча органларида эфир мойи бўлади. Барг таркибида 0,5—2,5% эфир мойи, алкалоидлар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, урсол ва олеанол кислоталар ҳамда бошқа бирикмалар бор.

XI ДФ га кўра маҳсулот таркибида эфир мойининг миқдори бутун маҳсулотда 1%, қирқилган маҳсулотда эса 0,8% дан кам бўлмаслиги керак. Эфир мойи таркибида 15% гача цинеол, туйон, пинен, борнеол, камфора, цедрен ва бошқа бирикмалар бўлади.

Ишлатилиши. Доривор мармарак баргининг препаратлари буриширувчи, дезинфекцияловчи ва юқори нафас йўллари яллиғланганда яллиғланишга қарши таъсир этувчи дори сифатида, оғиз (стоматит ва гингивит) ва томоқни чайқаш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама. Мармарак барги томоқ, кўкрак, юқори нафас йўллари яллиғланиши, меъда касалликларида ва ич кетишига қарши ишлатиладиган йиғмалар — чойлар ҳамда бронхолетин препарати таркибига киради.

Мармарак баргидан „Салвин“ доривор препарати олинади. Унинг сувдаги ёки натрий хлориднинг изотоник эритмасидаги 0,1 ва 0,25% ли эритмалари оғиз бўшлиғидаги сурункали яллиғланиш касалликлари (гингивит, стоматит, пародонтоз), йирингли, тропик ва суюкларнинг оқма яраларини даволашда қўлланилади.

Маврак ўсимлигини ўстириш технологияси

Маврак ўсимлигини Ўзбекистон Республикасида тарқалган тупроқ ва унинг иқлимини ҳисобга олган ҳолда сугориладиган ерларда ўстириш, улардан кўпроқ ва сифатли хомашё етиштириш зарур бўлади.

Маврак ўсимлигини суғориладиган унумдорлиги юқори, ўртача механик таркибли тупроқларда ўстириш яхши натижа беради. Кўп йиллик илмий кузатишлар шуни кўрсатдик, ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларга нисбатан экиб ўстириладиган-ларининг таркибида биологик фаол моддалар тўлиқ сақланиши аниqlанган.

Уларнинг таркибида кўп миқдорда компонентларнинг сақланиши ва бу моддалардан тиббиётда тўла фойдаланишда ўсимлик хомашёларини тўғри ва вақтида йифиб олиш асосий аҳамият касб этади. Доривор маврак ўсимлигидан юқори ва сифатли маҳсулот олиш учун агротехник тадбирларни юқори савияда ўtkазиш керак бўлади.

Доривор ўсимликлардан юқори ҳосил олишга қаратилган барча агротехник чора-тадбирлар орасида ерни ишлаш асосий аҳамият касб этади. Чунки ер ишланганда, тупроқнинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари яхшиланади, шу билан бир қаторда барча агротехник тадбирларнинг самарадорлиги ортади, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Маврак ўсимлиги иссиқсевар, ёруғликни яхши кўрадиган, қурғоқчиликка чидамли экин ҳисобланиб, у экилган ерлардан 4—5 йил давомида фойдаланиб юқори ҳосил олиш мумкин бўлади. Маврак экиладиган ерларни кузда тайёрланади ва ер ҳайдаш олдидан тупроқ унумдорлигини бир ҳолатда сақлаб туриш мақсадида ўсимликни ўсиш даврида яхши ривожланиши учун гектар ҳисобига 20 тонна маҳаллий ўғит ва йиллик норманинг 70% ҳисобидан фосфор ўғитини бериб, 25—30 см чуқурлиқда сифатли қилиб ҳайдаб қўйилади.

Эрта баҳорда ер текисланади ва бегона ўтлар колдиқларидан тозаланади. Уруғни март-апрель ойларининг бошларида тупроқ ҳарорати 15—17°C бўлганда қатор оралари 60—70 см қилиб 2—4 см чуқурлиқда сабзавот экадиган ускуналарда экилади ва гектарига ўртача 8 кг сифатли уруғ сарфланади.

Мавракни кеч кузда ҳам экса бўлади. Майсалар баҳорда уруғ экилгандан кейин 12—14 кунда униб чиқа бошлайди. Биринчи қунлар да

майсаларни секин ўсиши кузатила бошлайди ва бегона ўтлар орасида қолиб кетмаслиги учун ерларни культивация ва юмшатиб турлади. Маврак зич экилганда ёки бегона ўтлар кўпайиб кетганда, баҳор серёмғир келганда ўсимликларда қўлсимон замбуруғлар ва зааркунандаларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Ўсимлик тупида икки жуфт чинбарглар ҳосил бўлганида ҳар 15 см оралиғида уячалар 2—3 тадан ўсимлик қолдириб ягана килинади. Ўсимликларнинг илдиз тизимиға зарар етказмасдан эҳтиёткорлик билан қатор ораларига ишлов бериш тавсия этилади. Тупроқнинг намлиги ва ўсимликнинг ҳолатига қараб суғоришни табақалаб ўтказиш лозим. Мавсум давомида мавракни биринчи йили 7—8 мартағача суғориш тавсия этилади. Маврак баргининг сатҳи кучайиши ва илдиз тизимининг ривожланиши даврларида у сувни кўп талаб қиласи. Маврак ўсимлигини яхши ўсиши ва ривожланиши учун уни ўғитлаш энг муҳим агротехник омиллардан бири ҳисобланади.

Мавракни озиқлантиришни майсалар униб чиққандан кейин уларнинг яхши ривожланиши учун қатор ораларига ишлов бериш билан бир вақтда гектар ҳисобига азот ўғитидан 30 кг ва 25 кг дан калий беришдан бошлаш лозим. Ўғитларни 10—12 см чуқурликка солиниш тавсия этилади.

Иккинчи озиқлантириш эса шоналаш фазасида, суғорищдан олдин гектар ҳисобига 30 кг азот ва 20 кг фосфор ўғитини бериш билан амалга оширилади ва унинг ривожланиши янада тезлашади. Охирги озиқлантириш маврак ўсимлиги гуллаган даврда гектар ҳисобига 40 кг азот ва 25 кг калий ўғитини қўллаш билан тугатилади. Калийли ўғитлар мавракнинг совуқقا чидамлилигини анча оширади. Маврак ўсимлиги ривожланиш даврида, айниқса гуллаш фазасида озиқа элементларни кўп талаб қиласи. Ўсимликни озиқлантириш суғорищдан олдин амалга оширилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда вегетация давомида маврак экилган майдонларга ўртacha гектрига 100—110 кг азот, 70 кг фосфор ва 50 кг калий ўғити билан озиқлантирилса яхши натижа беради.

Биринчи йили экилган маврак баргининг ҳосилини сентябрь ойида бир марта йифиб олинади. Иккинчи йили мавсум бошланиши олдидан ўсимликнинг ер устки қисми 5—8 см қолдириб, қирқилади, эски шохлари қирқилиб, даладан чиқариб ташланади. Биринчи терим сентябрь ойининг охирида тугатилади.

Агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказилса бизнинг шароитимизда мавракни баргини 3 марта териб олиш мумкин.

Маҳсулот тайёрлаш. Мармарак барги бир йилда (гуллагандан бошлаб) уч марта қўл билан териб олинади. Биринчи ва иккинчи теримда фақат поянинг пастки қисмидаги барглар олинади. Учинчи теримда (сентябрь ойида) эса поядаги ҳамма барглар ва поянинг юқори қисми — уни (10% гача рухсат этилади) йифиб олиниб, чердакларда ёки ҳаво қуригичларда қуритилади.

БЕЛЛАДОННА — **BELLADONNA**

Оддий (доривор) белладонна — **Atropa belladonna** L.; Кавказ белладоннаси — **Atropa caucasica** Kreyer; итузумдошлар — **Solanaceae** оиласига киради.

Белладонна кўп йиллик, бўйи 2 м га етадиган ўсимлик. Илдизпояси кўп бошли, илдизи эса йўғон ва сершох бўлади. Пояси тик ўсувчи, битта, баъзан бир нечта, йўғон, яшил рангли, пастки қисми шохланмаган, юқори қисмида эса 3 та шох ҳосил бўлиб, улар ўз навбатида айрисимон жойлашган тўп шохчалар чиқаради. Барги оддий, тўқ яшил, појда калта банди билан кетма-кет, жуфт-жуфт жойлашган. Бу жуфт баргларнинг биттаси доим катта бўлади. Йирик барглари эллипссимон, майдалари эса тухумсимон. Гуллари барг қўлтиғида осилган холда якка-якка ёки жуфт-жуфт жойлашган. Гулкосачаси беш тишли, цилиндрисон-кўнғироқсимон, мева билан бирга қолади, гултожиси беш бўлакли, учки қисми орқа томонга бир оз қайрилган бўлиб, бинафша рангга, асос қисми эса сариқ-кўнғир рангга бўялган. Оталиги

5 та, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси — бинафша-қора рангли, ялтироқ, икки хонали, бир оз ясси, кўп уруғли, нордон-ширин мазали хўл мева. Уруғи буйраксимон, қўнғир рангли бўлиб, устки томонида чуқурчалари бор.

Июнь-июль ойларида гуллайди.

Ўсимликнши ҳамма қисми заҳарли,

Доривор белладонна ўсимлиги поясининг юқори қисми безли туклар билан қопланган, тожбарги тўқроқ. Кавказ белладоннасининг пояси туксиз бўлади.

Тиббиётда ҳар иккала ўсимлик ҳам бир хилда ишлатилади.

Географик тарқалиши. Ҳар иккала ўсимлик ҳам 200—1000 м баландликдаги ўрмон ва йўл ёқаларида, сув бўйларида, ўтлоқларда ўсади. Кавказ белладоннаси Закавказъеда, Шимолий Кавказда ва Краснодар ўлкасида, доривор белладонна эса Карпатда, ўарбий Украинада, Кримнинг тоғли, ўрмонли туманларида ва Молдова республикаларида учрайди. Ҳозир белладонналар Краснодар ўлкасида, Кримда ва Полтава ҳамда Воронеж вилоятларида ўстирилмоқда.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот ўсимлик баргидан, ер устки қисмидан ва илдизидан иборат.

Белладоннанинг барги оддий, эллипссимон ва тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали, яшил ёки қўнғир-яшил рангли, калта бандли, юпқа, туксиз, мўрт, узунлиги 25 см га, эни 13 см га етади. Маҳсулот ҳидсиз бўлиб, аччиқ-ўткир мазаси бор.

XI ДФ га кўра баргининг намлиги 13%, умумий кули 15%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 3%, қорайган ва кўнғир рангга айланган барглари 4%, белладонна поясининг юқори қисми (гули ёки меваси билан бирга) ҳамда айрим мева ёки гуллар аралашмаси 4%, органик аралашмалар 0,5% ва минерал аралашмалар 0,5% дан ошмаслиги керак. Бутун маҳсулот учун: тешигининг диаметри 3 мм ли элакдан ўтадиган майда қисми 4% дан, қирқилган маҳсулот учун 7 мм дан йирик бўлган қисмлар 8%, тешигининг

диаметри 0,5 мм ли элақдан ўтадиган қисми 10% дан ошиқ бўлмаслиги лозим.

Барг намни тез тортиб оладиган — гигроскопик бўлганлиги сабабли, уни куруқ хоналарда ва оғзи ёпиладиган идишларда сақлаш керак.

Ўсимликнинг ер устки қисми қирқилган поя, барг ва гуллар аралашмасидан ташкил топган. Поясининг устки томони оч яшил, ичи оқиш, говак ўзакли бўлиб, узунлиги 4 см, йўғонлиги 1,5 см га teng.

Ер устки қисмининг намлиги 13%, барглар 45%, жумладан сарғайган, қўнғир рангли ва икки томони қорайган барглар 4%, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 1% дан ошиқ, алкалоидлар йифиндиси (гиоциаминга ҳисоблаганда) 0,35% дан кам бўлмаслиги керак.

Илдизи қирқилмаган (цилиндрсимон) ёки узунасига қирқилган, устки томони оч кулранг-қўнғир, буришган, ички томони эса кулранг-сарғиш, оқ-сарғиш рангли бўлиб, узунлиги 20 см га, йўғонлиги 0,6—2 см га teng. Илдизи ҳидсиз, аччиқ, ўткир мазаси бор.

Илдизнинг намлиги 13%, умумий кули 6%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 2%, ичи қорайган илдизлар 3%, асос қисми ёғочланган илдизлар 3%, органик аралашмалар 0,5%, минерал аралашмалар 1%, узунлиги 1 см дан кам бўлган илдиз қисми 3% дан ошиқ бўлмаслиги лозим. Қирқилган маҳсулот учун 7 мм дан йирик бўлган қисмлар 10%, тешигининг диаметри 1 мм ли элақдан ўтадиган қисм 10%, минерал аралашмалар 0,5% дан ошиб кетмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ҳамма қисмида (илдизида 0,40—1,30%), баргига 0,14—1,20%, поясига 0,20—0,65%, гулида 0,24—0,60%, пишган мевасига эса 0,70% гача) алкалоидлар бўлади.

XI ДФ га кўра барг таркибидаги алкалоидлар йифиндиси 0,3% дан, илдизидаги (IX ДФ га кўра) алкалоидлар йифиндиси 0,5% дан кам бўлмаслиги лозим.

Маҳсулот таркибига алкалоидлардан ташқари оз микдорда учувчан асослар: N-метилпирролин, N-метилпирролидин ва пиридин, илдизида яна

кусгигрин бўлади. Атропин, гиосциамин, скополамин (гиосцин), апоатропин (атропамин) ва белладонин белладоннанинг асосий алкалоидлариридир. Белладонна алкалоидлари тропан гуруҳига киради, улар мураккаб эфир типида тузилган. Тропан пирролидин билан пиридииннинг азот орқали бирлашишидан ҳосил бўлган бициклик бирикма бўлиб, унинг спирти — тропанол (ёки тропин спирти) троп (а-фенил, b-оксипропион) кислота билан бирлашса, мураккаб эфир — атропин (ва чапга бурувчи изомери гиосциамин) алкалоиди ҳосил бўлади. Тропанол спирти атроп кислота билан бирлашиб, апоатропин (изомерии белладонин), окситропанол-скопин спирти эса троп кислота билан бирлашиб, скополамин (изомерии гиосцин) алкалоидлари ҳосил килади.

Белладонна ўсимлигининг ер устки қисмида алкалоидлардан ташқари, даволаш учун аҳамиятсиз бўлган метилэскулин гликозиди ҳам бўлади. Унинг флуоресценция бериш хусусияти бор, шунинг учун белладонна ўсимлиги билан заҳарланганликни аниқлашда суд тиббиёт (суд-медицина) экспертизасида катта аҳамиятга эга.

Баргдан тайёрланган спиртли ажратмага аммиак эритмасидан бир томчи томизилса, эритмада гликозид метилэскулин ёки унинг агликони метилэскулетин („хризатроп кислота“) бўлгани учун кўк флуоресценция ҳосил бўлади.

Ишлатилиши. Белладонна препаратлари турли спазматик ҳолларда (ичак ва сийдик йўллари спазмида) антиспазматик ҳамда меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигида, холецистит, ўт пуфагининг тош касаллигида, буйрак санчиғида оғриқ қолдирувчи дори сифатида, шунингдек, бронхиал астма касаллигини даволашда ҳамда сўлак ва шиллиқ безлари ажратадиган суюқликни камайтиришда ишлатилади. Булардан ташқари, кўз касалликларида кўз қорачигини кенгайтириш учун ҳам қўлланилади. Илдиз препарати Паркинсон касаллигини даволаш учун берилади.

Белладонна ўсимлигининг алкалоидларидан тиббиётда атропип ва скополамин ишлатилади, гиосциамин кўпроқ заҳарли бўлгани учун ишлатилмайди.

Доривор препаратлари. Атропин алкалоидининг тузи — атропин сульфат, баргидан ва ер устки қисмидан қуюқ ҳамда қуруқ экстракт, настойка тайёрланади.

Илдизнинг винода тайёрланган қайнатмаси.

Барги астмага қарши ишлатиладиган йифма-кукун (порошок) таркибиға киради.

Булардан ташқари, белладонна барги ва илдизидан тайёрланган экстрактлар „корабелла“ таблеткаси, солутан, бекарбон, бесалол, беллалгин, белластезин, бепасал, меъда касаллигига ишлатиладиган таблеткалар, „бетиол“ шамчаси, „анузол“ шамчаси, ўсимлик алкалоидларининг йифиндиси эса беллатаминал, аклиман (Чехословакияда чиқарилади), ленбирен (Руминияда чиқарилади) каби мураккаб препаратлар таркибиға киради.

Белладонна ўсимлигини ўстириш технологияси

Белладонна ўсимлиги экиладиган ерларни ҳар томонлама яхши ўрганиш керак. Унинг бўйи 2 метрга етадиган кўп йиллик ўт ўсимлиги ҳисобланади. Ўсимлик асосан Краснодар ўлкаси, Полтава ва Воронеж вилоятларида ўстирилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам экилиб келинмоқда. Ерларни тупроқнинг механик таркибини, шўрланиш даражасини ва унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда ҳайдаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ерларни сифатли қилиб ҳайдалса, ўсимликнинг илдизини яхши ривожланишига имконият яратилади. Белладонна ўсимлигини экишдан олдин кузда 20—30 тонна органик ўғит ва суперфосфат ўғитини йиллик нормасини 70% ини ва сув чуқур жойлашган ерларда азот ўғитидан 20 кг солиб, 25—30 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Белладоннани кузда ёки эрта баҳорда экиш мумкин.

У иссиқсевар, вегетацион даври узун ўсимликлар туркумига киради. Эрта баҳорда ерлар текисланиб бегона ўтлар илдизини териб тупроқ ҳарорати 20—22°C даражада бўлганда экилади. Ўсимликнинг уруғи қаттиқ бўлганлиги сабабли экиш олдидан 2 ой стартификация қилинади.

Гектарига 8 кг уруғ сарфланади. Уруғ чукурлиги 1,5—2 см, қатор оралиғи 60 см дан қилиб экилади. Ўсимликнинг уруғи каттиқ бўлганлиги сабабли 15—17 кунда униб чиқади. Белладонна бегона ўтларга, зааркунандаларга ва иссиқликка чидамсиз ҳисобланади. Белладоннани ўсиш ва ривожланиш даврида, албатта, 2—3 марта бегона ўтлар ва зааркунандалардан сақлаш керак. Ўсимликни вегетация давомида парвариш қилиш ҳайдаб экиладиганлардан фарқ қилмайди. Белладоннани озиқлаштириш шоналаш фазасидан олдин гектар ҳисобига 30 кг азот ва 25 кг калий ўғити беришдан бошлаш керак. Унинг ривожланиши анча тезлашади.

Ўсимликни гуллаш фазасига келиб иккинчи марта гектарига 40 кг дан азот ва қолган фосфор ўғити билан озиқлантирилади. Белладонна иссиқса чидамсиз ва салқинсевар ўсимлик бўлгани учун ўғитлашдан кейин суғориш керак. Агар вақтида суғоришни амалга оширилмаса, унинг барглари кичик ва сифатсиз бўлиб қолиши мумкин. Чунки тиббиётда унинг барги, ўти ва илдизидан фойдаланилади. Мавсум давомида ўсимликни 8—9 марта суғоришни тавсия қилинади. Биринчи йили ўсимлик униб чиққандан то уруғи пишгунча 125—130 кун ўтади. Белладоннани биринчи йили барги 2 марта қўлда териб олинади. Иккинчи йилдан бошлаб унинг ҳосилини 4—5 марта териб олиш мумкин бўлади. Вегетация даври совуқ тушгунча давом этади. Иккинчи йили биринчи бўлиб барги терилади, кейин ўти йиғилади. Учинчи марта барги, кузда эса ўти йиғилади. Шундай усулни қўллаганда ундан кўпроқ ҳосил йиғиб олиш мумкин бўлади. Унинг барги ҳар доим гуллаш олдидан териб олиниши керак.

Йиғилган барглар тезлик билан қуритилади. Қуритилган барглар гигроскопик хусусиятга эга бўлганлиги учун у нам тортмасдан яхшилаб тахлаб, қуруқ қопларда сақланади.

Агар агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказилса, бегона ўтлар ва зааркунандаларга қарши вақтида курашилса, белладонна экилган майдонларнинг гектаридан 15—18 центнер қуруқ барг етиштириш мумкин.

Махсулот тайёрлаш. Ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимлик барги бир ёзнинг ўзида 2 марта қўл билан териб олинади. Плантацияларда ўстириладиганларининг барги ёз бўйи 3—4 марта йифилаверади. Ўсимлик гуллаши биланоқ поянинг пастки қисмидаги барглар, гуллаш охирида эса янги шохлардаги барглар йифилади. Уруғ ҳосил бўлганидан сўнг ўсимликнинг ер устки қисми 10 см узунликда ўриб олинади. Агар ўсимлик ўриб олинганидан сўнг янги шохлар пайдо қилса, улардаги барглар ҳам 1—2 марта йифиб олинади. Ўриб олинган махсулотни 4 см узунликда қирқиб, сўнгра қуритилади.

Плантациялардаги белладонна 5—6 йил давомида ўстирилади. Охирги марта ер устки қисми ўриб олингандан кейин илдизини ковлаб, ювиб, тупроқлардан тозаланади ва 10—20 см узунликда (кўпинча узунасига ҳам) қирқилади.

Ўсимлик илдизи очик ерда, барги ва ер устки қисми қуритгичларда (40°C дан ошиқ бўлмаган ҳароратда) қуритилади. Агар барг очик ҳавода узок вақт куритилса, алкалоидлари парчаланиб кетиши мумкин.

Қирқилган ер устки қисми ва илдизи гален препаратлари тайёрлаш ҳамда илдизидан атропин алкалоиди олиш учун заводларга юборилади.

ЛЕВЗЕЯ — LEUZEA

Левзея — *Rhaponticum carthamoides* (Willd.) Пјин. [*Leuzea carthamoides* (Willd.) D.C.]; мураккабгулдошлар — *Compositae* оиласига киради.

Левзея кўп йиллик, бўйи 50—180 см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси ёғочланган, йўғон, шохланган бўлиб, ер остида горизонтал жойлашган.

Барги оддий, умумий кўриниши эллипссимон ёки чўзиқ тухумсимон, 5—8 та чуқур патсимон бўлакка ажралган. Илдиз олди барглари бандли, поядаги барглари эса бандсиз бўлиб, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари йирик, шарсимон саватчага тўпланган. Саватчанинг ўрама барглари кўп қаторли, ланцетсимон, юқори қисми юпқа, кўнғир рангли ва ҳар икки томони юмшоқ туклар билан тўпланган. Гуллари учмали, қизғиш-бинафша рангли найчасимон бўлиб, беш бўлакли гултожисидан иборат. Оталиги 5 та, оналик тугуни пастга ўрнашган. Меваси — писта.

Июль-август ойларида ўстирилади. Июнда гуллайди.

Географик тарқалиши. Бу ўсимлик тоғлик ерларда (денгиз сатҳига нисбатан 1700—2000 м баландликда) ўсади. У асосан, Сибирнинг ва шарқий Қозогистоннинг тоғлик туманларида (Саян, Олтой ва Кузнецк Олатоғида, Жунгар Олатоғида) учрайди. Москва вилоятида ўстирилади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот майда илдизлар билан қопланган горизонтал, бир оз эгилган, ичи ковак илдизпоядан иборат. Илдизпоянинг узунлиги 12 см, йўғонлиги 0,6—2,6 см, илдизининг узунлиги 3—15 см, йўғонлиги 0,5 см. Илдизи қаттиқ, эгса синмайди. Илдизпоя устида қуриган поялар ўрни сақланиб ўсади. Илдиз ва илдизпоянинг устки томони тўқ жигаррангдан қора ранггача, ичи эса хира сариқ рангли бўлади. Маҳсулот ўзига хос кучсиз хидга, ширинроқ смоласимон мазага эга.

ДФ IX га кўра маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 9%, 2 см дан узун бўлмаган поя қолдири сақловчи илдизпоялар 5%, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 1% дан ошмаслиги ҳамда экстракт моддалар 12% дан кам бўлмаслиги лозим.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 0,1% аскорбин кислота, каротин, инулин, оз миқдорда алкалоидлар, эфир мойи, 5% атрофида ошловчи ва смоласимон моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Левзея ўсимлигининг доривор препаратлари нерв системаси ишининг функционал бузилишида, мия ва организмнинг

жисмоний чарчашида ҳамда бошқа оғир касалликларда организм тонусини күттарувчи дори сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт — **Extractum Leuzeae carthampidis fluidum**, махсулотдан яна „Саян“ номли тонусни күттарувчи ичимлик тайёрланади.

Махсарсимон левзея ўсимлигини етиштириш.

Махсарсимон левзея Ўзбекистонга 1955 йилда Ленинграднинг ботаника боғидан олиб келиб экилган. Ўсимлик ёруғсевар, нисбатан курғоқчиликка чидамлилиги, совуққа бардошлилиги, ўсиб ривожланиш давомида иссиққа талабчан эмаслиги билан ажралиб туради ва 5°C даражагача совуққа чидайди.

Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди тупроқларида яхши ўсади. Левзея ўсимлиги кўп йиллик бўлгани учун уруғидан ва илдизпоя қаламчаларидан экиб ўстирилади. Уни экиш учун бегона ўтлардан тозаланган, ўртacha механик таркибли ерлар танланади. Ундан ташқари алмашлаб экиш далаларида жойлаштириш яхши натижка беради. Экишдан олдин ерлар органик ўғитлар билан озиқлантириб 27—30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб кўйилади. Левзеяни бизнинг шароитимизда эрта баҳорда экиш мўътадил муддат хисобланади. Экишдан олдин ерлар чизелланади ва мола билан текисланади. Ўсимлик экиладиган ҳудуднинг об-ҳаво шароитига қараб мартнинг охири апрелнинг бошларида стратификация қилинган уруғлар билан оддий усулда, қатор ораларини 45—60 сантиметрдан қилиб, уруғларни 2—3 см чуқурликда экилади. Гектарига 20—25 кг уруғ сарфланади.

Дала шароитида майсалар 9—20 кунда униб чиқади. Ҳар бир метр ерда 20—25 та ўсимлик қолдирилади(ягана қилингандан кейин). Экинларни суғориша тупроқ таркибидаги намликни ва ўсимлик ҳолатини ҳисобга олиб суғориш олиб борилади. Вегетация давомида 8—9 марта суғорилади. Экинзорлар биринчи йили 50 кг азот, 30 кг фосфор ва 20 кг калий билан

озиқлантирилади. Озиқлантириш сугоришдан олдин амалга оширилади. Мавсум давомида 4—5 марта культивация қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади.

Иккинчи йили ўсимликнинг шоналаш даврининг бошларида 40 кг азот, 30 кг фосфор ва 20 кг калий ўғити билан озиқлантирилади. Мавсум давомида 6—7 марта сугорилади. 2—3 сугоришдан сўнг ўсимлик оралари юмшатилади. Ўсимликни гуллаш фазасида гектар ҳисобида 50 кг азот ва 30 кг калий ўғити бериб озиқлантириши тутатилади ва унинг ривожланиши янада тезлашади. Левзея ўсимлиги ривожланиш даврида, айниқса гуллаш фазасида озиқа моддаларни кўп талаб қиласди. Шуларни ҳисобга олиб вегетация давомида 80—90 кг азот, 70—80 кг фосфор ва 50 кг калий ўғити билан озиқлантирилса ривожлантирилган хомашёни йифиб олиш мумкин бўлади.

Махсарсимон Левзеяни вегетатив йўл билан кўпайтиришда ўсимлик 3 ёшли бўлганида ҳар тукини 2—3 қисмга бўлиш йўли билан амалга оширилади. Бунда ўсимликларнинг яшовчанлиги 80—95 фоизни ташкил этиши керак. Унинг мавсум давомидаги парвариши юқорида баён этилганлардан фарқ қилмайди. Ўсимликнинг барча қисми хомашё ҳисобланади. Илдиз тармоқлари мавсум охирларида тез ривожланади. Шунинг учун ўсимлик илдизлари кеч кузда йифиб олиниши керак.

Махсулот тайёрлаш. Илдизпоялари билан бирга қазиб олинган илдизпояларнинг қуриган қисмлари қирқиб ташланади, тупроқлардан тозаланади, сув билан яхшилаб ювилади. Йирик илдизпоялар узунасига бўлинади. Хомашё 40—45 даражада ҳароратда қуритилади. Уни 3 йил сақлаш мумкин. Уруги май ойи охири июнь ойининг бошларида қийгоч йифилади. Бунинг учун тўпгуллари қирқиб олиниб, уруги ажратиб олиниб, кейин қуритилади. Мавсум давомида яхши парвариш қилинган ўсимликнинг ҳар гектаридан (3 йил турган) 3—4 тонна хомашё ва 250—300 кг уруг олиш мумкин.

НАЬМАТАК — ROSA (CYNOSBATUM)

Наъматак — **Rosa (Cynosbatum)** XI ДФ сига биноан маҳсулот аскорбин кислотани миқдори бўйича стандарт талабини қондира оладиган наъматакнинг қуидаги турларидан тайёрланади:

Беггер наъматаги — **Rosa beggeriana Schrenk.**

Бурушқоқ наъматак — **Rosa rugosa Thunb.**

Даурия наъматаги — **Rosa davurica Pall.**

Зангезур наъматаги — **Rosa zangezura P. Jarosch.**

Итбурун наъматак — **Rosa canina L.**

Май наъматаги (долчинсимон наъматак) — **Rosa majalis Herrm.**

(Rosa cinnamomea L.)

Майдагул наъматак — **Rosa micrantha Smith.**

Паҳмок наъматак — **Rosa tomentosa Smith.**

Тиканли наъматак — **Rosa acicularis Lindl.**

Федченко наъматаги — **Rosa fedtschenkoana Regel.**

Қалқонбурун наъматаги — **Rosa corymbifera Borkh.**

Кумсевар наъматак — **Rosa psammophila Chrshan.**

Қўқон наъматаги — **Rosa kokanica (Regel.) Regel. ex Juz.**

Раъногулдошлар — **Rosaceae.**

Наъматак турлари бўйи 2 м га етадиган тиканли бута. Новдаси эгилувчан бўлиб, ялтироқ қўнғир-қизил ёки қизил-жигарранг тусли пўстлоқ ҳамда тиканлар билан қопланган. Барги тоқ патли, поядা банди билан кетма-кет ўрнашган. Баргчаси (5—7 та) тухумсимон шаклли ва арасимон қиррали. Гуллари йирик, якка ёки 2—3 тадан шохларга ўрнашган. Гули қизил, пушти, сариқ ёки оқ рангли, хушбуй ҳидли. Гул олди барглари ланцетсимон. Косача барги ва тожбарги 5 тадан, оталик ва оналиклар қўп сонли. Меваси — гул ўрнидан ҳосил бўладиган ширали сохта мева. Ичида оналикларидан ҳосил бўлган бир нечта ҳақиқий мева — ёнғоқчалар бор. Ёнғоқча ўткир учли, сертурк бўлиб, бурчаксимон шаклга эга.

Май ойидан бошлаб, июлгача гуллайди, меваси август-сентябрда пишади.

Наъматак турлари ўрмонларда, ариқ бўйларида, буталар орасида, тоғларнинг қуруқ тошлоқ ён бағирларида ва бошқа ерларда ўсади.

Наъматакнинг айрим турлари бир-биридан мевасининг, новда пўстлоғидаги тиканинг ранги, шакли, катта-кичиклиги ҳамда новдадаги тиканлар сони ва жойлашишига қараб фарқ қиласди.

Май наъматаги бўйи 1—1,5 м га етадиган бута. Шохлари ялтироқ, қўнғир-қизил рангли пўстлоқ билан қопланган. Шохларидаги тиканлари барг бандининг асос қисмида жуфт-жуфт бўлиб жойлашган. Бундан ташқари, тўғри ёки бир оз қайрилган тиканлар шохларнинг пастки қисмида жуда кўп бўлади. Баргчаларининг пастки томонида ёпишган туклар бўлади. Бу ўсимлик Молдова, Украина, Белорус, Болтиқ бўйи, Россиянинг Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон-чўл зонасида, ўарбий ва Шарқий Сибирда, Қоғозистонда учрайди.

Тиканли наъматак бўйи унча баланд бўлмаган бута бўлиб, шохлари қўнғир рангли пўстлоқ ҳамда ингичка, тўғри, дағал туклар (тиканчалар) билан қопланган. Баргининг асос қисмида 2 та ингичка тикани бўлиб, баргчаси туксиз бўлади. Бу ўсимлик Сибирнинг нина баргли ўрмонларида, Узок Шарқда, Тянь-Шань ўрмонларида ҳамда Белорус, Болтиқ бўйи, Россия Европа қисмининг шимолий туманларида учрайди.

Даурия наъматаги. Бу ўсимликнинг шохлари қўнғир-қизил рангли пўстлоқ билан қопланган. Тиканлари қайрилган бўлиб, 2 тадан шохларининг асосида ва барг қўлтиғига ўрнашган. Баргчаларининг пастки томони сийрак туклар ҳамда сариқ безлар билан қопланган. Меваси шарсимон, диаметри 1—1,5 сантиметрга teng, у асосан Шарқий Сибирнинг жанубий туманларида ва Узок Шарқда учрайди.

Беггер наъматаги. Шохлари кўкимтир рангли, тиканлари йирик, ўроқсимон эгилган, асос қисми кенг, сарғиш рангли бўлиб, барг асосида жуфт-жуфт бўлиб жойлашган. Тўпгули — кўпгулли қалқон ёки рўвак. Косача

барги бутун, ўткир учли, гуллагандан сўнг юқорига қараб йўналган. Меваси майда, шарсимон, узунлиги 0,5—1,4 см, қизил рангли, пишгандан сўнг гулкосачаси тўкилади. Натижада меванинг юқори қисмида ҳосил бўлган тешикдан ичидаги ёнғоқчалари ва туклари қўриниб турди. Бу наъматак асосан Ўрта Осиё тоғларининг ён бағирларида, тоғли туманларда ариқ ва дарёлар қирғоқларида, йўл ёқаларида ўсади. Манзарали бута сифатида ўстирилади.

Федченко наъматаги. Йирик, бўйи 2—3, баъзан 6 м гача бўлган бута. Тиканлари йирик, горизонтал жойлашган, қаттиқ, асос қисми кенгайган бўлиб, йирик шохларида зичроқ жойлашган. Мураккаб барг бўлакчалари — баргчалари қалин, зангорироқ, туксиз. Гуллари йирик, оқ ёки пушти рангли. Меваси йирик (5 см гача узунликда), этли, тўқ қизил, тухумсимон, чўзиқ тухумсимон ёки бутилкасимон. Асосан Ўрта Осиёда (Тянь-Шань, Помир-Олой тоғларида) тоғ ёнбағирларида ўсади. Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли худудларида кўп тарқалган.

Бурушиган наъматак. Шохлари сертикан бўлиб горизонтал жойлашган. Мураккаб барг бўлакчалари — баргчалари қалин, буришган, пастки томони тукли. Гуллари қизил ёки тўқ қизил рангли бўлиб, якка-якка ҳолда ёки 3—4 тадан поя ва шохлар учига жойлашган. Меваси йирик, шарсимон, ялтироқ қизил рангли, юқори қисмида юқорига қараб йўналган косача барглари бўлади. Узок Шарқ, Камчатка ва Сахалинда денгизнинг қумлоқ ерли қирғоқларида ўсади. Собиқ Иттифоқнинг Европа қисмида боғлар ва паркларда кўплаб экилади.

Қўқон наъматаги. Қари шохлари бинафша-қўнғир, ёшлари — қизил-жигарранг пўустлоқ билан қопланган. Сертикан, тиконлари қаттиқ, тор учбурчаксимон, асос қисми кенгайган, бир оз эгилган. Гуллари 1—2 тадан жойлашган, сарик рангли. Косача баргларининг учи бир оз патсимон қирқилган, тукли, устки қисми безли, пишган мевада юқорига қараб йўналган. Меваси шарсимон, диаметри 1,5 сантиметргача, қўнғир жигарранг

ёки қарийб қора рангли. Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудлари (ўарбий Тянь-Шань, Помир-Олой тоғлари) нинг ўрта қисмигача бўлган тоф ёнбағирларида ўсади. Ўзбекистоннинг Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидағи тоғли ерларда тарқалган.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот ҳар хил шаклдаги (шарсимон, тухумсимон ёки чўзиқ-тухумсимон) ва катта-кичикликдаги (узунлиги 0,7—3 см, диаметри 0,6—1,7 см), тўқ сарғиш-қизил ёки тўқ қизил рангли сохта мевадан иборат. Сохта меванинг уч томонида тешикчалари бор (гулкосачасидан тозалангандан сўнг ҳосил бўлади). Маҳсулотнинг устки томони ялтироқ, буришган, ички томони эса хира. Ёнгоқчалари (ҳақиқий меваси) каттиқ, сариқ рангли, бурчакли бўлиб, оқ туклар билан қопланган. Маҳсулот ҳидсиз, устки девори нордон-ширин, бир оз буриширувчи мазага эга.

XI ДФга кўра бутун маҳсулот учун: намлиги 15%, умумий кули 3%, наъматак бошқа қисмларининг аралашмалари (поя, барг, косачабарг ва мева бандлари) 2%, қорайган, куйган, ҳашаротлар билан заарланган мевалар аралашмаси 1%, тешигининг диаметри 3 мм ли элакдан ўтадиган майдалангандан мевалар, шу жумладан, айrim ёнгоқчалар 3%, органик аралашмалар 0,5% ва минерал аралашмалар 0,5% дан ошмаслиги лозим. Қирқилган маҳсулот учун: намлиги 15%, умумий кули 3%, туклардан ва ёнгоқчалардан тозаланмаган мева қисми 5%, ёнгоқчалар, туклар, гул банди ва бутун мевалар аралашмаси 0,5%, қорайган, куйган ва ҳашаротлар билан заарланган қисмлари 1%, органик аралашмалар 0,5% ва минерал аралашмалар 0,5% дан ошиқ бўлмаслиги керак.

XI ДФ га кўра холосас, каротолин ва шарбат тайёрланадиган маҳсулот таркибида органик кислоталар миқдори 2,6% дан кам бўлмаслиги, намлиги 15% дан, умумий кули 4% дан, наъматакнинг бошқа қисмлари (шохчалар бўлакчалари, гул косачаси ва мева банди) 2% дан, қорайган, куйган, ҳашаротлар билан заарланган ва касалланган мевалар 3% дан, тешигининг диаметри 3 мм бўлган элакдан ўтадиган мева бўлакчалари, жумладан,

ёнгоқчалар 3% дан, пишмаган (яшил рангдан сариқ рангча бўлган) мевалар 5% дан, органик аралашмалар 0,5% дан ва минерал аралашмалар 0,5% дан ошмаслиги керак.

Холосас препарати асосан итбурун наъматак мевасидан, каротолин препарати ва шарбат наъматакнинг ҳамма турлари мевасидан тайёрланади.

Кимёвий таркиби. Махсулот таркибида (куруқ ҳолда ҳисоблаганда) 4—6%, баъзан 18% гача витамин С, 0,3 мг % витамин В₂, К₁ (1 г махсулотда 40 биологик бирлик миқдорида), витамин Р, 12—18 мг % каротин, 18% атрофида қандлар, 4—5% ошловчи моддалар, 2% атрофида лимон ва олма кислоталари, 3,7% пектин ва бошқа моддалар бўлади.

XI ДФ га кўра витамин С бутун ҳолдаги махсулотда 1%, тозалаб қирқилган махсулотда 2%, кукун ҳолидагисида эса 1,6% дан кам бўлмаслиги керак.

Наъматак уруғида мой, илдизи ва баргида эса ошловчи моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Наъматак ўсимлигининг меваси таркибида бир неча хил витаминлар аралашмаси бор, шу сабабли препаратлари авитаминон касалликларини даволашда ва олдини олишда ишлатилади. Бундан ташқари, наъматак меваси кондитер саноатида махсулотларни витаминлаштириш учун қўлланилади.

Наъматак турларининг мевасидан каротолин препарати ва наъматак мойи тайёрланади. Каротолин меванинг юмшоқ-этли қисмининг мойли экстракти (таркибида асосан каротиноидлар ҳамда токофероллар, тўйинмаган ёғ кислоталар ва бошқа моддалар сақланади) бўлиб, тропик яралар, экзема (гуш), эритродермитнинг баъзи турлари ва яраланган шиллиқ пардаларни даволаш учун суртилади ёки докага шимдирилиб, шикастланган жойга қўйилади.

Наъматак мойи маҳсус усул билан мевадан тайёрланади. Мойни тропик яралар, дерматозлар (терининг турли яллиғланиш ва диатез касаллиги), сассиқ димоғ (озена), ярали колит, ётоқ ва бошқа яра,

ёрилишларни даволаш учун уларга суртилади ёки докага шимдирилиб, кўйилади.

Доривор препаратлари. Аскорбин кислота — витамин С (кукун, драже, таблетка ва ампулада эритма ҳолида чиқарилади), мевадан дамлама, экстракт, каротолин, наъматак мойи ва шарбат (хўл мевадан) ҳамда таблеткалар (кукунидан) тайёрланади.

Мева витаминли ва поливитаминли чойлар — йифмалар таркибига киради. Хўл мевадан яна турли витамин концентратлари ва витаминга бой озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади.

Аскорбин кислота эса галоскорбин препаратлар таркибига киради.

Наъматакнинг кам миқдорда витамин С сақлайдиган тури — *итбурун* наъматак бўйи 3 м келадиган катта бута бўлиб, бошқаларидан гулкосачасининг патсимон қирқилганлиги, гуллаб бўлгандан сўнг косачабаргларининг пастга қараб йўналиши, ҳамда мева пишиши олдида уларнинг тушиб кетиши билан фарқ қиласи. Шунинг учун ҳам итбуруннинг пишган мевасини юқори қисмида тешикчалари бўлмайди.

Итбурун Ўрта Осиёда, Россиянинг Европа қисмида ва Кавказда тоғли туманларда (тоғдаги сув ёқаларида), ўрмон четларида, боғларда, ёнгоқ ва арча ўрмонларида ўсади.

Кимёвий таркиби. Итбурун меваси витамин С ни кам сақловчи наъматак турларига киради. Мева таркибида 0,2—2,2% витамин С, К, В₂ ва Р, 4—12 мг % каротин, 8,09—18,50% қанд, 1,2—3,64% соф ҳолидаги органик (лимон ва олма) кислоталар, 0,03—0,04% эфир мойи, 2,7% ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар, уруғида эса 8,46—9,63% ёғ бўлади.

Ишлатилиши. Маҳсулотдан тайёрланган препарат-холосас жигар касалликларини (холецистит ва гепатит) даволашда ишлатилади. Сохта мева ичидағи мевачалари (**Semina Cynosbati.**) сийдик ҳайдовчи дори сифатида кўлланилади.

Доривор препаратлари. Заводларда маҳсулотдан экстракт — холосас тайёрланади.

Наъматакни ўстириш технологияси

Наъматак турлари кўп уруғ ва мева бериши билан биргалиқда поликарпик ўсимлик ҳисобланади. Адабиётларда кўрсатилишича ва олиб борилган тажрибалар натижалари наъматак уруғларини қийин унувчи уруғлар қаторига кириши аниқланган. Ҳақиқатан ҳам табиатда бу ўсимликни ёш ниҳоллари камдан-кам ҳолларда учраши кузатилган.

Наъматак уруғларини тайёрлашда Ўзбекистон шароитида август ойини биринчи ярмида ўсимлик меваси сарғиш-қизғиши ранга ўта бошлаганда йифилади. Ўсимлик мевалари уруғидан ажратилиб, 1 қисм урукқа 3 қисм кум билан аралаштирилади. Аралашма 60—70 см чуқурликдаги ўрага солиниб усти ёпилган ҳолда, ҳар 10—15 кунда намлаб, иложи бўлса 1 ойда бир марта уруғларни чуқурдан олиб яна аралаштирилган ҳолда қайта кўмиб кўйилади. Уруғлар шу усулда стратификация қилинганда уларни унувчанлиги ортади. Тайёрланган уруғлар кузда 30—35 см чуқурликда ҳайдалган, гўнг ва фосфорли ўғитлар билан ўғитланган, бороналаб текисланган ерларга (эрта баҳорда), қатор оралиғи 65—70 см ли жўякларга сепилади ёки 55—65 см жўякларга кўчат оралиғи 10—15 см қилиб 3—4 тадан уруғлар 1,0—1,5 см чуқурликда экиб чиқилади. Экилган уруғларни устига 1 см қалинликда майда чиритилган гўнг ёки ёғоч қипиги ҳам сепилса намликни саклаб туришга ёрдам беради. Шу билан бирга ниҳолларни совук уришидан асрайди. Баҳорнинг келишига қараб, дастлабки ниҳоллар март ойининг биринчи декадасида ўсиб чиқади. Март ойида ўсимликни бегона ўтлардан тозалаб қатор ораларига ишлов берилади. Ҳар ойда 3—4 мартадан сугорилиб, культивация қилинади. Май-июнъ ва июль ойларида гектар ҳисобига 50—60 кг азотли ўғитлар билан озиқлантириш ниҳолларни яхши ўсишига ёрдам беради.

Наъматак ўсимлигига замбурургли ун шудринг касаллиги тез тарқалиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда апрель ойидан бошлаб ҳар ойда икки мартадан олтингугурт кукуни пуркаб турилади

Айрим наъматак ўсимлигини пол-пол қилиб ҳам экиш мумкин. Бунинг учун юқоридаги усулда тайёрланган уруғларни кеч куз ноябрь-декабрь ойларида ёки февраль ойида узунлиги 5—8 м, эни 1,0—1,5 м пол қилиниб тупроқлари юмшатилиб, февраль ойларида уруғлар сепилади. Уругни устига 1,5—2,0 см калинликда чиритилган гүнг ёки ёгоч қипиги сепилади. Ёғингарчилик кам бўлган вақтларда уруғ экилган майдонлар суғорилиб турилади. Ниҳоллар униб чиққандан кейин ҳам азотли ўитлар билан озиқлантирилиб, тез-тез суғориб турилади. Май ойида ниҳолларга олtingугурт кукуни пуркалади. Яхши парвариш қилинганда май ойининг биринчи декадаларида ниҳолларни бўйи 10—15 см, пояда 6—8 тагача барглар пайдо бўлади ва илдизлари 10—12 см га етади. Шу ниҳолларни илдизларини 1,0—2,0 см чилпиб, қатор оралиқлари 60—65 см, кўчат оралиғи 10—15 см қилиб сув қуишлиб захлатилган эгатларга экиб чиқилади ва тез-тез суғорилиб турилади.

Экилгандан 10—15 кундан сўнг кўчатларни қатор ораларига ишлов бериш, азотли ўғитлар билан ўғитлаш ва вақти-вақти билан олtingугурт препарати билан пуркаш ишлари олиб борилади. Кўчатларни июнь ва июль ойларида бегона ўтлардан тозалаб ҳар 10—12 кунда суғориб турилади. Кеч куз ойларига бориб кўчатлар тайёр бўлади. Кўчатларни куз ойларида ёки эрта баҳорда қатор оралиғи 5—6 м, кўчат оралиғи 2—3 м қилиб ўтқазиб наъматакзорларни барпо этиш мумкин. Наъматак майдонларини қатор ораларини ишлаш билан биргаликда замбуруғли, вирусли касалликларига қарши кураш олиб бориш, азотли ўғитлар билан озиқлантириш ва куз ойларида органик ўғитлар билан ўғитлаш лозим бўлади.

Наъматакни вегетатив йўл билан қўпайтириш усуллари

Наъматак турларини вегетатив қўпайтириш уруғидан қўпайтиришга нисбатан анча қулайлиги мавжуд, шу билан бирга уларни тезроқ ҳосилга кириши ҳам кузатилган.

Бу усул билан күпайтиришда 30—35 см узунликда ўсимлик пояларидан олиниб қаламчалар тайёрланади. Уларни уч томонларини юқорига қилиб боғ-боғ қилиниб ерга күмиб қўйилади. Март ойининг бошларида қаламчаларни қатор оралиғи 70—75 см, кўчат оралиғи 30—35 см қилиб, олинган қаламчалар экиб чиқилади. Қаламчаларни 10—15 см қисми тупроқдан чиқиб туриши керак. Ўсимликни икки йил мобайнида яхши парваришлаб ўстирилади. Учинчи йилга боргандага март ойининг биринчи ўн кунлигига плантациялар ҳосил қилиш учун тайёрланган ерга қатор оралиғи 5—6 м, кўчат оралиғи 2,0—3,0 м масофада экиб чиқилади. Ўсимликни экишда кўчат ва қатор оралиғига ишлов бериш ва унинг ҳосилини териб олиш ҳисобга олиниши лозим.

Наъматак экилган жўяклар якинидан сугориш учун эгатлар олинади. Жўяклардаги тупроқ тўла намланадиган даражада жилдиратиб сугорилади, кейин культивация қилинади, чукурлардан ўсиб чиқкан йирик бегона ўтлар қўлда юлиб ташланади. Бунда шуни ҳам назарда тутиш керакки, культивация чукур ботганида ёки қўл кучи билан чукур чопилганида илдиз тармоғи заарланиши мумкин. Илдиз заарланган ерда бачкилари кўпайиб кетадики, у ўсимлик турининг ривожланишига халақит беради, туп ҳосили камаяди. Ҳосил бўлган илдиз бачкилари аста олиб ташланиши керак. Агар унинг илдиз тармоғи яхши ривожланган бўлса, нобуд бўлган кўчатлар ўрнига экилади. Агар илдизлари яхши ривожланмаган, кесилган бўлса, яхши ривожлангунига кадар алоҳида ерга ўтқазиб қўйилади. Тавсия этилган агротехникага қаътий амал қилинганда навли наъматаклар экилганидан кейинги иккинчи йили мевага киради. Кўчатлар 2—3 йили ва ундан кейинги йилларда қийғос мевага киради.

Наъматак экилган ерларга гектар ҳисобига 110 кг азот, 80 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити берилади. Ўғитлар сугоришдан олдин берилиши мақсадга мувоғик бўлади.

Наъматак поялари 5 йилгача ўсиб туради, кейин улар ўсиб чиқиши билан алмаштирилади. Эски поялар вақти-вақти билан қирқиб ташланади.

Ёки ҳар 6—7 йилда экинзорнинг барча поялари олиб ташланиб, ёшартирилган экинзор бир йилдан кейин гулга ва мевага киради. Наъматакнинг асосий касаллиги япроқ ва ёш поялари, шохчаларга куясимон замбуруғ тушишидир. Унга қарши курашиш учун ўсимлик олтингугурт кукуни билан севен қоришимаси воситасида ишлов берилади. Ҳар гектар ерга 20—30 кг олтингугурт ва 1—2,4 кг севен солинади.

Наъматак билан иш олиб борилганда қалин қўлқоп кийиш зарур бўлади. Унга ишлов беришда ва улардан фойдаланишда маҳсус кўникма ва билимга эга бўлган мутахассислар шуғулланиши керак.

Наъматак меваларини йиғиши ва қуритиш

Наъматак мевалари тўлиқ пишиб етилмасдан қизил рангга ўта бошлигандан то совуқ тушгунча йиғилади. Ҳосил тўлиқ пишганда (сентябрь ойларида) йиғиши тавсия этилмайди. Чунки пишиб етилган меваларни қуритиш қийин ва ўсимлик ўсадиган майдонларда совуқ тушиши натижасида ундаги аскорбин кислотанинг кескин камайиб кетиши ҳам кузатилган.

Меваларни йиғишида резина ёки бризентли қўлқоплардан фойдаланиш мумкин.

Серҳосил майдонлардан ўртача 1 тоннагача наъматак мевасини йиғиши мумкин. Ҳар бир иш кунида 20—25 кг наъматак мевасини йиғиши мумкин.

Наъматак мевалари маҳсус қуритувчи мосламаларда 80—90°C да бир неча соат давомида ёки куз ойининг иссиқ кунларида салқинда қуритиш тавсия этилади. Меваларни қуритиш вақтида вақти-вақти билан аралаштириб туриш талаб этилади. Офтобда қуритиш натижасида хомашёнинг сифати бузилиши мумкин.

ЕРЁНҮОҚ — ARACHIS

Ерёнфоқ (арахис) — *Arachis hypogaea* L., дуккақдошлар — *Leguminosae* оиласига киради.

Ерёнфоқ бир йиллик ўт ўсимлиқ. Илдизида дуккакли ўсимликларга хос туганаклари бўлади. Пояси тик ўсувчи, сершох, узунлиги 10—75 см. Барги жуфт патли мураккаб бўлиб, узун банди билан пояда кетма-кет жойлашган. Барг қўлтиғидан ўсиб чиққан сариқ рангли гуллари рўвакка ёки шингилга тўпланган. Косача барги бешта, бирлашган, тож барги бешта, дуккаклилар оиласига хос тузилган. Гули бир кунлик. Оталаниш процессидан сўнг косача, тожбарги ва оталиклари қурий бошлайди. 2—3 кундан кейин оналик тугуни жойлашган гул банди олдин юқорига, кейин эса пастга қараб ўсиб, ерга 8—10 см киради ва ер остида оналик тугунидан мева ўса бошлайди. Меваси — пилла ёки цилиндр шаклида, пишганда очилмайдиган дуккак. Мева ичидаги 2—4 та (баъзан 1—7 та) уруғ бўлади. Уруғи қўнғир ёки оч, тўқ қизил пўст билан ўралган чўзиқ ёки юмалоқ бўлиб, иккита уруғ палладан ташкил топган.

Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси сентябрь ойларида пишади.

Географик тарқалиши. Ерёнфоқнинг ватани Жанубий Америка.

Ерёнфоқнинг тик ўсувчи нави Собиқ Иттифоқ жанубий ҳудудларида: Краснодар ўлкасида, Украина жанубида, Озарбайжон, Грузия ва Ўрта Осиё республикаларида экилади.

Кимёвий таркиби. Ерёнфоқ уруғи таркибида 40,2—60,7% мой, 20—33,7% оқсил моддалар бўлади.

Ерёнфоқ мойи оч сариқ рангдаги тиниқ суюқлик бўлиб, ўзига хос ҳид ва мазага эга. Бу мой қуримайдиган ёғларга киради, таркибида 70% олеин, 13—19% линолен ва 15% туйинган кислоталарнинг глицеридлари бўлади.

ДФ IX бўйича мойнинг солиштирма оғирлиги 0,916—0,921, рефракция сони 1,468—1,472 қотиш ҳарорати 3°C, совунланиш сони 188—195 ва йод сони 85—103, кислота сони 2 дан ошмаслиги лозим.

Ишлатилиши. Тиббиётда ерёнгоқ мойи суртма дорилар, учувчан суртмалар (**Linimentum volatile**) ва мингдевона мойи — **Oleum Hyoscyami** тайёрлашда ишлатилади.

Техникада самолётлар винтини мойлашда, озиқ-овқат саноатида эса маргарин тайёрлашда кўлланилади. Шунингдек, ерёнгоқ мойидан совун ҳам тайёрланади.

Ерёнгоқ магзи конфет ва холва тайёрлашда ишлатилади.

Ерёнгоқни ўстириш технологияси

Ерёнгоқнинг ватани Бразилия бўлиб, Хитой, Япония, Бирма, АҚШ, Италия ва Африка мамлакатларида катта майдонларда экилиб келинади. Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида этиштирса бўлади. Ерёнгоқ факат суғориладиган бўз тупроқларда экилса юқори ҳосил этиштириш мумкин. Оғир қумоқ, шўр ва ботқоқ тупроқларга ерёнгоқ экиш тавсия қилинмайди. Алмашлаб экишда буғдой, арпа, маккажўхори, картошка ва илдизмева экилган майдонлар ерёнгоқ учун энг мўътадил ерлар ҳисобланади. У азот тўпловчи ўсимликлар турига киради ва кўплаб туганаклар ҳосил қиласди, яъни тупроқни азот билан бойитади ва ундан бўшаган ерларга бошоқли ва маккажўхори экилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ерёнгоқ экиладиган ерларни кузда гектарига 15—20 тонна чириган ва 40 кг суперфосфат солиб 25—28 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Эрта баҳорда ерларни борона, мола механизмлари билан текисланади ва бегона ўтлар қолдиқлари тозаланиб ташланади. Ерёнгоқ иссиқ, ёруғ ва намсевар ўсимлик. Тупроқ ҳарорати 14—15 даражага етганда (10—20 апрель) маккажўхори экадиган ёки мосланган сеялкаларда гектарига 70—100 кг уруғни 90 x 20 x 1, 70 x 15 x 2 схемада, 5—6 см чуқурликда экилади.

Ерёнгоқ бир йиллик ўт ўсимлик, илдиз тизими бақувват, ўқ илдиз икки метргача чуқурга етиб боради. Унинг уруғи экилгандан кейин 7—8 кунда униб чиқади ва унга ишлов беришни бошлиш мумкин. Ерёнгоқни яхши

ўсиши ва ривожланиши, ундан юқори ҳосил етиштириш учун қатор ораларини ишлаш ва бегона ўтлардан тозалашни тавсия қилинади. Ўсимликда 3—4 та чин барг чиқарганда гектар ҳисобига 30 кг дан азот ва фосфор ўғити билан озиқлантирилади. Минерал ўғитлар (NRK) 1 : 2 : 0,5 нисбатда, яъни вегетация давомида гектар ҳисобига 90 кг азот, 80 кг фосфор ва 45 кг калий ўғити билан озиқлантирилади.

Ерёнғоқнинг гуллаш ва мева тугиши даврида қолган азот ва калий ўғитларини бериб озиқлантириш тўхтатилиди. Ерёнғоқни озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Вегетация даврида сизот сувнинг чуқур ёки юза жойлашиши ва тупроқнинг механик таркибини ҳисобга олган ҳолда 6—8 марта суғориши тавсия қилинади. Ерёнғоқни ўсув даврида унинг ён томонида ҳосил гуганаги пайдо қилувчи ўсимталар (соқол) мавжуд бўлиб, ўсимталар узлуксиз равишда техника ёки қўл кучи ёрдамида тупроқ билан кўмиб турилса юқори ҳосил таъминланади. Ерёнғоқнинг вегетация даври ўргача 140—150 кун.

Ерёнғоқ уруғини тайёрлаш

Ҳосилини йиғиб олиш ишлари, МТЗ-80 тракторига тиркалган машиналар ёрдамида сентябрь охири октябрь ойининг бошларида ўтказилиши ковладиган машиналар ёки мосламалардан фойдаланиш мумкин ёки қўлда ҳам йиғиб олиш мумкин. Ковлаб олинган ўсимликлар даладан чиқарилиб, дуккаклари (меваси) юқорига қаратилиб, 10—15 кун қуритилиди ва ҳосил поядан териб олинади. Мева намлиги 8—10 фоиздан юқори бўлмаслиги керак. Ерёнғоқнинг ҳосилини қопларда, усти ёпик, шамол яхши тегадиган омборхоналарда сақлаш керак бўлади.

Хар гектар ердан ўртача 14—15 центнер ҳосил етиштириш мумкин.

ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ МЕНТНА PIPERITA L.

Қалампир ялпиз — *Mentha piperita* L., ясноткалошлар — **Lamiaceae** (лабгулдошлар — **Labiatae**) оиласига киради.

Кўп йиллик, бўйи 30—100 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, тўрт қиррали, туксиз ёки сийрак тукли. Барги оддий, чўзиқ тухумсимон ёки ланцетсимон, ўткир учли, қирраси ўткир арасимон. Барглар пояда қисқа бандлар билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, пушти, оч бинафша ёки қизил-бинафша рангда, поя ва шохлар учида ғуж жойлашган бошоқчасимон гул тўплами ҳосил қиласиди. Гулкосачаси найчасимон, бинафша рангли, беш тишли бўлиб, мева билан бирга қолади. Гултожиси бир оз қийшиқ, воронкасимон, тўрт бўлакли (бошқа лабгулдошлардан фарқи), оталиги 4 та, оналик тугуни 4 бўлакли, юқорига жойлашган. Меваси косачабарг билан бирлашган 4 та ёнгоқча.

Географик тарқалиши. Қалампир ялпиз ёввойи ҳолда учрамайди. Уни *Mentha aquatica* L. билан *Mentha spicata* Gilib. нинг ўзаро чатишишидан вужудга келган, деб фараз қилинади. Қалампир ялпиз асосан Украинада (Полтава, Чернигов, Киев, Сумск ва Житомир вилоятларида), Кримда, шунингдек, Краснодар ўлкасида, Воронеж вилоятида, Белорус ва Молдова республикаларида ўстирилади.

Қалампир ялпизнинг икки тур хили бор: қора қалампир ялпиз ва оқ қалампир ялпиз. Оқ қалампир ялпизнинг поя ва томирлари оқ яшил, қора қалампир ялпизнинг поя ва томирлари эса қизил-бинафша рангда бўлади.

Доривор маҳсулот сифатида асосан қора қалампир ялпиз тур хили ўстирилади. Ялпизнинг оқ тур хилининг ҳиди нозик ва ёқимли бўлгани учун у парфюмерия (атир-упа) ва озиқ-овқат саноати учун ўстирилади.

ВИЛР нинг Украинадаги ва бошқа ЗОС лардаги селекционерлари қалампир ялпизнинг кўп эфир мойи ва ментол берадиган серхосил 541-сонли, „Прилукская-6“, „Краснодарская-2“ ва бошқа янги навларини етиштирдилар. Бу навлар совукқа чидамли бўлиб, замбуруғлар билан деярли касалланмайди.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот чўзиқ тухумсимон ёки ланцетсимон, қисқа бандли, ўткир учли, арасимон нотекис қиррали

баргдан иборат. Баргнинг узунлиги 8 см гача, эни 3 см гача бўлиб, устки томони тўқ яшил, пастки томони эса оч яшил рангда. Иккинчи тартибдаги томирлар йўғон томирдан бурчак ҳосил қилиб чиқади ва учлари билан бирлашиб, барг четида параллел чизик ҳосил қиласди. Маҳсулотнинг ўткир ёқимли ҳиди бор, мазаси тилни ачитиб, узоқ вақтгача муздек қилиб туради.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 14%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 6%, қорайган барглар 5%, поя ва гул аралашмалари 10%, тешигининг диаметри 3 мм ли элакдан ўтадиган майда қисми 5% (бутун доривор маҳсулотлар учун), органик аралашмалар 3% ва минерал аралашмалар 1% гача бўлиши керак. Қирқилган маҳсулот учун 10 мм дан йирик бўлакчалар 10% дан, тешигининг диаметри 0,5 мм ли элакдан ўтадиган майда қисми 8% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик баргидаги 2,40—2,75%, гул тўпламида 4—6%, поясида 0,3% эфир мойи бўлади.

Қалампир ялпизнинг янги навлари таркибида 4—5% гача эфир мойи бор.

XI ДФ га кўра барг таркибида (баргни сақлаш даврида эфир мойининг учиб кетишини назарда тутган ҳолда) 1% дан кам эфир мойи бўлмаслиги керак.

Эфир мойи ўсимликнинг ер устки қисмидан сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади. Мой тиник рангиз ёки оч сариқ суюқлик бўлиб, ҳушбўй ҳидга ва оғизни узоқ муддатгача совитадиган ўткир мазага эга.

XI ДФ га кўра қалампир ялпиздан олинадиган эфир мойинииг зичлиги 0,900—0,910, рефракция сони 1,459—1,470, қутбланган нур текислигини оғдириш бурчаги – 18° ($-20^\circ - 32^\circ$), кислота сони 1,30 гача ва эфир сони 11,5 дан юқори (4% дан кам бўлмаган ментол ацетат мураккаб эфирига тўғри келади) бўлиши лозим.

Эфир мойи совитилса, унинг стеароптини — ментол кристалл ҳолида ажралади. Мой таркибида 41—70% ментол, 6—25% ментон, пинен, лимонен,

дипентен, фелландрен, цинеол, пулегон, ясмин ҳамда 4—9% ментолнинг сирка, валериана ва бошқа кислоталар билан ҳосил қилган эфирлари бўлади.

XI ДФ га кўра эфир мойи таркибида эркин ва мураккаб эфир ҳолидаги ментолнинг умумий микдори 50% дан кам бўлмаслиги керак.

Қалампир ялпиз таркибида эфир мойидан ташқари, 40 мг % каротин, гесперидин, эвпаторин ва бошқа flavonoидлар, бетаин, 0,3% урсол ва 0,12% олеанол кислоталар бор.

Ишлатилиши. Қалампир ялпиз барги препаратлари, эфир мойидан тайёрланган ялпиз суви ва настойкаси кўнгил айнишига ва қайт қилишга қарши ҳамда овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилашда ишлатилади. Бундан ташқари, ялпиз суви оғиз чайқаш ва микстуралар таъмини яхшилаш учун қўлланилади.

Эфир мойидан ажратиб олинган ментол қулоқ, бурун, нафас йўллари касалликларида ҳамда тиш оғригини қолдириш учун ишлатилади. Ментолдан бош оғригини қолдирадиган мигрен қалами тайёрланади. Ментол препарати — валидол, кўкрак қисиши (стенокардия) касаллигига ишлатилади.

Эфир мойи ва ментол озиқ-овқат ҳамда парфюмерия саноатида ҳам қўлланилади.

Доривор препаратлари. Баргидан дамлама, эфир мойидан ялпиз суви, настойка тайёрланади; ментол мигрен қалами ва валидол (изовалериан кислотанинг ментол билан ҳосил қилган мураккаб эфиридаги ментолнинг 25—30% ли эритмаси) таркибига киради.

Барг тинчлантирувчи, ўт хайдовчи, меъда касалликларида ишлатиладиган йиғмалар-чойлар ва қорин оғригини қолдириш учун ишлатиладиган таблетка ва томчилар таркибига киради.

Ментол ингофен таркибига киради.

Ялпизнинг бошқа турлари таркибида ҳам ментол бор. Японияда экиладиган **Mentha arvensis L. var. piperascens Hom.** нинг ер устки қисмида 0,05% эфир мойи, мойи таркибида эса 43—90% ментол бўлади.

Қалампир ялпиз ўстириш технологияси

Қалампир ялпиз Россия, Украина давлатларидан ташқари, Ўрта Осиё республикаларида, шу жумладан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида экиб ўстирилмоқда.

Республикамизда ялпиз экиб ўстириладиган майдонлар унумдор, текис, бегона ўтлардан тозаланган ва механик таркиби ўртача бўлган тупроқлар ажратилади. Қалампир ялпизни доривор ўсимликлар экиладиган хўжаликларда уни маҳсус сабзавот ва озиқа боп экинлар режалаштириладиган алмашлаб экиш далаларига жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қалампир ялпизни донли экинлар майдонларига жойлаштириладиган бўлса, ҳосили йиғишириб олингандан сўнг бегона ўтлар хусусиятига, агротехник талабларига кўра, 10—15 см чуқурликда дискали бороналар билан ағдармай юмшатилади. Орадан 15—20 кун ўтгач кузда гектарига 15—20 тонна маҳаллий ўғит ёки комиест ва 40—50 кг дан соф фосфорли ўғитлар киргизиб 27—30 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Ўсимликни экиш олдидан тупроқнинг зичлигига ва бегона ўтларнинг пайдо бўлишига қараб ерларни культивация ва бороналаб қўйилади. Қалампир ялпиз илдизпоя қаламчалардан қўпайтирилади. Экишдан олдин 8—10 см узунликда қаламчалар тайёрланади. Эрта баҳорда қаламчалар (март- апрель ойларида) 10 см чуқурликда тайёрланган, яхши намланган жўякларга бир-биридан 20—25 см масофада маҳсус сеялкаларда ёки қўлда экилади. Қатор оралари 60 ва 45 см дан қилиб, ҳар бир уяга 2 тадан ўсимлик жойлаштирилади ва бир гектар ерга ўртача 5—6 центнер илдизпоя қаламчалари зарур бўлади. Қаламчалар экилгандан сўнг суғориш эгатлари олинади ва тупроқ тўйингунча суғорилади. Кўчатлар экилгандан сўнг 4—5 кун ўтгач кўкармай қолган майдонларга қайта экиш лозим бўлади.

Қалампир ялпиз органик ва минерал ўғитларга жуда талабчан ўсимлик ҳисобланади. Ўсимлик экилгандан 17—20 кун ўтгач ёки ён шохлари пайдо

бўлиши билан гектар ҳисобига 40 кг дан азот, 20 кг дан калий ўғитлари билан озиқлантирилади.

Иккинчи озиқлантириш шоналаш фазасида 40 кг дан азот ва 30 кг дан фосфор ўғитларини бериш билан амалга оширилади.

Қалампир ялпиз гуллаш фазасида минерал ўғитларни жуда кўп талаб қилишини ҳисобга олиб, азотли ва калийли ўғитлардан гектарига 30 кг дан киргизиб озиқлантиришни тўхтатилади. Ялпиз ўсимлигини озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Ялпиз экилган ерларга вегетация давомида гектарига 100—110 кг дан азот, фосфор ва 50 кг калий ўғити берилади. Тупроқ доим нам ҳолатда бўлиши керак. Етарли даражада суғорилмаса, ўсимликнинг бўйи паст ва хомашёси камайиб кетади.

Ўсимлик экилган биринчи йили 12—13 марта суғорилади, 5—6 марта ер юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади, яъни ўтоқ қилинади. Иккинчи йили суғориш сони об-ҳаво шароитига қараб бир оз ўзгариб туради. Ўсимликлар бўш ерларни деярли ҳаммасини эгаллаб, яхшигина ўтзор ҳосил қиласди. Шунинг учун қатор оралари фақат баҳорда юмшатилади. Учинчи йили экинзор юмшатилмайди. Заруратга қараб қўлда ўтоқ қилинади. Тўртинчи йили ялпиз экилган дала баҳорда культиваторлар ёрдамида ҳайдаб ва издизпоялари йиғиб олинади ва бошқа майдонга экилади.

Ялпиз ҳосили тўртинчи йили кескин камаяди, тупроқ ниҳоятда зичлашади, экин сийраклашади, бегона ўтлар кўпайиб кетади ва хомашёси бошқа ўсимликлар билан аралашиб кетади. Дори-дармон мақсадида ишлатиладиган барг олиш учун ўриб олинади, далада сўлитилган поялар шийпонда бир текис ва қорайтиrmай, вақт-вақти билан ағдариб қуритилади. Ялпиз қуригач, яхши тозаланган хирмонга олиб борилиб, барглари паншахалар билан аралаштирилади. Хомашё тешиклари 3 миллиметрли ғалвирда поя, қум ва ҳоказолардан тозаланади, кейин қутиларга оҳиста солиниб жойлаштирилади. Дори-дармон учун ишлатиладиган ялпиз япроқларининг ҳосилдорлиги юқори бўлиши учун унинг ўстириш технологиясини яхши билиш керак бўлади.

Хозирги кунда тавсияларга амал қилиб экилаётган ялпизнинг „Прилукская-6“ навидан 2 тоннадан ортиқ барг йиғиб олинмоқда.

Қалампир ялпиз ўсув даврида ўргимчак кана, шира, ялпиз қўнғизи ва ун шудринг каби зааркунандалар, занг ва фузариос билан касалланишни олдини олиш мақсадида митак, байлетон ва каллоидли олтингугурт препаратлари билан ўсув даврида пуркаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Махсулот тайёrlаш. Қалампир ялпиз ғунчалаш даврида ёки ярим гули очилганидан сўнг пичан ўрадиган машинада ўриб олинади (чунки бу вақтда қалампир ялпиз таркибида эфир мойи кўп бўлади). Биринчи ўримдан сўнг қайтадан кўкариб чиққанини кузда ўсимликнинг тагидан яна бир марта ўриб олинади. Йиғилган маҳсулот хирмонда сўлитилиб, сўнгра сўри устида ёки ҳаво қуритгичида қуритилади. Бунда поядаги барглар тўкила бошлайди. Паншаҳа билан пояни силкитиб, тўкилган барглар йиғиб олинади ва қуёшда охирги марта қуритилади. Уни поя қолдиқларидан, қум, кесак ва бошқа аралашмалардан тозаланиб, яшикларга жойланади. Маҳсулот дорихоналарга ва Гален препаратлари олиш учун заводларга юборилади.

Эфир мойи олинадиган маҳсулот қалампир ялпиз қийғос гуллаганда ииғилади. Бу даврда гарчи эфир мойи кам бўлса-да, таркибида ментол миқдори кўп бўлади. Йиғилган ўсимлик қуритилгандан сўнг, тозаланади ва эфир мойи олиш учун заводларга юборилади.

ЖАЎ-ЖАЎ (АЧАМБИТИ) — CAPSELLA BURSA PASTORIS MEDIC.

Жағ-жағ (Ачамбити) — *Capsella Bursa Pastoris Medic.* карамдошлар — *Brassicaceae* (бутгулдошлар — *Cruciferae*) оиласига киради.

Бир йиллик, бўйи 20—30 (баъзан 60) см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси битта, баъзан бир нечта, тик ўсувчи, шохланган ёки шохланмаган. Илдизолди барглари бандли, чўзиқ ланцетсимон бўлиб, турлича қирқилган

барг пластинкасига эга. Поядаги барглари майда бўлади. Гуллари шингилга тўпланган. Меваси — қўзоқча.

Апрель ойидан бошлаб кузгача гуллайди, меваси июндан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши. Собиқ Иттифоқнинг узок Шимол ва чўл туманларидан ташқари барча ахоли яшайдиган ерларда, йўл ёқаларида, ўтлоқларда ва бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади. Маҳсулот Украина республикасида ҳамда Волга бўйи туманларида йигилади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот поя, барг, гул ва хом мева аралашмаларидан иборат. Пояси сийрак баргли, шохланмаган ёки шохланган, қиррали, туксиз ёки туклар билан қопланган, узунлиги 20—50 см бўлади. Илдизолди барглари (агар маҳсулотда бўлса) чўзиқ ланцетсимон, банд томонига қараб торайиб борувчи, кемтик тишсимон қиррали ёки патсимон кесик, баъзан текис қиррали бўлади. Поясидаги барглари майда, ланцетсимон, текис қиррали бўлиб, бандсиз кетма-кет ўрнашган. Гуллари оқимтири рангли, шингилга тўпланган. Косача ва тожбарглари 4 тадан, оталиги 6 та, шундан 2 таси калта, оналик тугуни 2 хонали, юқорига жойлашган. Меваси тескари учбурчак ёки тескари учбурчак юраксимон қўзоқча. Мевасининг узунлиги 5—8 мм, эни 4—5 мм.

Маҳсулот кучсиз, ўзига хос ҳидли бўлиб, мазаси аччиқ.

XI ДФ га кўра, маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 10%, 10% ли хлорид кислотада эrimайдиган кули 2%, органик аралашмалар 2% ва минерал аралашмалар 1% дан ошиқ бўлмаслиги керак.

Бутун маҳсулот учун: тешигининг диаметри 1 мм бўлган элакдан ўтадиган майдаланган қисмлар 2% дан, илдизидан ажратилмаган поялар ёки айрим ҳолдаги илдизлар, сарғайган барглар ва замбуруғ билан заарланган ўсимлик бўлаклари 3%, қирқилган маҳсулот учун: тешигининг диаметри 7 мм ли элакдан ўтмайдиган йирик қисмлар 10% дан, тешигининг диаметри 0,5 мм бўлган элакдан ўтадиган майдаланган қисмлар 10% дан ошиқ бўлмаслиги

лозим. 70% ли спиртда эрувчи экстракт моддалар миқдори 10% дан кам бўймаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибидаги гиссонин гликозиди, бурса кислота, 0,12% аскорбин кислота, витамин К₁, олма, лимон, вино, фумар кислоталар, холин, ацетилхолин, тирамин, инозит, флавоноидлар (диосмин ва бошқалар), сапонинлар, ошловчи ҳамда бошқа бирикмалар бўлади.

Ишлатилиши. Жағ-жағ ўсимлигининг препаратлари туққандан кейин ва бачадон касалликларида қон оқишини тўхтатиш учун ҳамда бачадон заифлашганда уни тонусловчи восита сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, суюқ экстракт.

Жағ-жағ ўсимлигини ўстириш технологияси

Жағ-жағ ёки ачамбит Республикаизда барча иқлим шароитларида ўсадиган бир йиллик ўт ўсимлиги ҳисобланади. Жағ-жағ ўсимлигини суғориладиган минтақаларда экиб ўстиришда энг асосий омиллардан ҳисобланган ерларни агротехник қонун — қоидаларга риоя қилиб тайёрлаш экиладиган экинлардан юқори ҳосил етиштириш имконини беради.

Ундан ташқари экиннинг турлари, кўп йиллик ёки бир йиллиги ва уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади. Жағ-жағ ўсимлигининг бўйи 60—70 см ва илдиз тизими 10—15 см гача тупроқ қатламларигача кириши мумкин. Жағ-жағ ўсимлигини катта майдонларда экиладиган бўлса, ундан олдин экилган ўтмишдош экинларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Далалар барча бегона ўт илдизларидан тозаланиб, (жағ-жағ бегона ўтларга бардош бера олмайди) илдиз тизимини ҳисобга олган ҳолда ҳайдаш чуқурлиги белгиланади.

Жағ-жағ экиладиган ерларни ҳайдашдан мақсад бегона ўтлардан тозалаш, уларга қарши курашиш, тупроқнинг физик ва кимёвий хоссаларини яхшилаш, ерларни бир хил текислаш ва нам сақлашдан иборатdir. Бу

тадбирларни амалга оширган ҳолдагина, жағ-жағ ўсимлигини ўсиши ривожланиши ва ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Кузда жағ-жағ экиладиган майдонлар 30 см чуқурликда (20—30 тонна гўнг ва 40 кг фосфор ўғити бериб) ҳайдалади. Эрта баҳорда ерлар борона ва мола механизмлари ёрдамида текисланиб, бегона ўтлардан тозаланиб, тупроқнинг 8—10 см ли қатлами 15—17°C қизиганда, 60—70 см оралиғида ариқ олиниб, уруғлар 2—3 см чуқурликда дон ва сабзавот экиладиган сеялкаларда экилади. Гектарига 8—10 кг уруғ сарфлаш тавсия қилинади.

Уруғларни экишдан оддин 0—4°C да тезроқ униб чиқиши учун стратификация қилиш лозим бўлади. Экилган уруғлар 10—15 кунда униб чиқади. Майсалар оралиғи 10—15 см дан қилиб ягана қилинади. Ҳар бир тупда 2—3 тадан соғлом ўсимлик қолдирилади. Тўпбарг ва гул чиқариш фазасида культивация қилинади.

Жағ-жағ ўсимлиги униб чиқандан сўнг биринчи ўғитлашни амалга ошириш лозим бўлади ва гектар ҳисобига 30 кг дан азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилади.

Ўсимлик гуллаш фазасида озиқ элементларни кўп талаб қиласи. Шуларни эътиборга олиб, гуллаш фазасида азотли ва калийли ўғитлардан 40 кг дан бериб озиқлантирилади. Ўсимликнинг гуллари тўкилмаслиги ва пояси бақувват бўлиши учун калий ўғити билан озиқлантирилади. Озиқлантириш сугоришдан олдин амалга оширилади. Ўсув даврида 5—6 марта сугорилади. Унинг вегетацион даври калта бўлганлиги учун озиқлантиришни гуллаш фазасида тутатишни тавсия қилинади. Жағ-жағ экилган майдонларга ўртача гектарига 70 кг азот, 50 кг фосфор ва 40 кг калий ўғити билан озиқлантирилса, яхши ҳосил етиштириш имкони туғилади.

Махсулот тайёрлаш. Ўсимлик гуллаши ва меваси етилиши даврида илдизи билан суғуриб олинади. Илдизини (баъзан, илдизолди барглари билан) ташлаб юбориб, қолган қисмини соя жойда куритилади.

ЎТКИР (НАЙЗА) БАРГ САНО — CASSIA ACUTIFOLIA DEL.

Ўткир (найза) барг сано — **Cassia Acutifolia Del.** дуккақдошлар — **Caesalpiniaceae** оиласига киради.

Ҳар иккала сано ўсимлиги бўйи 1 м га етадиган яrim бута. Пояси шохланган, пастки қисмидаги шохлари ерда судралиб ўсади. Барги жуфт патли мураккаб, 4—8 та жуфт баргчалардан ташкил топган бўлиб, пояда банди билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари шингилга тўпланган. Гули қийшиқ, косачабарги 5 та, асос қисми бирлашган, тожбарги 5 та, бирлашган, сариқ, оталиги 10 та, ҳаммаси эркин ҳолда, оналик тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Меваси — яssi, япалоқ тухумсимон, баъзан бир оз қайрилган, яшил-жигарранг ва кўп уруғли дуккак. Уруғи сариқ ёки яшилроқ, деярли тўртбурчаксимон, тўрсимон бурушган, узунлиги 6—7 мм.

Июнь ойининг охиридан бошлаб, қузгача гуллайди. Меваси сентябрдан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши. Сано ўсимлиги ёввойи ҳолда Африканинг чўл ва яrim чўл вилоятларида (Судан, Нубия ва Қизил денгиз бўйида) ҳамда Арабистоннинг жанубида учрайди. Бир йиллик ўсимлик сифатида Ўрта Осиё ва Кавказда ўстириллади. **Cassia acutifolia Del.** Искандария порти орқали чет элга чиқарилгани учун у яна Африка, Миср ёки Искандария саноси деб ҳам юритиллади. **Cassia anugutifolia Vahl.** Ҳиндистонда ўстирилгани учун Ҳиндистон саноси деб аталади.

Санонинг яна бир тури — тўмтоқ баргли сано (Италия саноси) **Cassia obovata Collad.** бор. Бу сано ҳам Африканинг марказий қисмидан келиб чиқсан бўлиб, баргасининг шакли билан (баргчаси тўмтоқ, тескари тухумсимон) бошқа турларидан фарқ қиласи. Бу ўсимликнинг баргчаси таркибида таъсир этувчи модда — антрацен унумлари кам бўлади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Баргли маҳсулот жуфт патли мураккаб баргнинг бутун ёки қисман майдаланган баргчалари, умумий банлар ҳамда бир оз поянинг ингичка, ёғочланмаган қисми ва гуллар аралашмасидан ташкил топган. Баргчалар ланцетсимон, ўткир учли, барг

пластинкаси ассимметрик, текис қиррали, мүрт, калта бандли бўлиб, узунлиги 1—3 см, эни 0,4—1,2 см (тор барг сано баргини узунлиги 2—6 см, эни 0,6—2 см). Баргчаларнинг иккиласми томири асосий томирдан ўткир бурчак ҳосил қилиб чиқади ва учи билан бирлашиб, барг пластинкаси қиррасига параллел йўналган чизик ҳосил қиласди. Маҳсулот кучсиз ўзига хос ҳид ва шиллик-аччикроқ мазага эга.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 12%, умумий кули 12%, 2 мм дан йўғон поя бўлакчалари 3%, қўнғир рангли, қорайган ва сарғайган барглар 3%, мевалар 4%, тешигининг диаметри 1 мм ли элакдан ўтадиган майдаланган бўлакчалар 3,5%, органик аралашмалар 3% ва минерал аралашмалар 1% дан ошиқ ҳамда баргчалар миқдори 60% ва антрацен унумларини агликонларининг (хризофан кислотасига нисбатан ҳисоблаганда) миқдори 1,35% дан кам бўлмаслиги керак. Булардан ташқари майдаланган (қирқилган) маҳсулот учун 7 мм дан йирик бўлган бўлакчалар 10% ва тешигини диаметри 0,5 мм ли элакдан ўтадиган майда қисми 10% дан ошиқ бўлмаслиги керак.

Мевали маҳсулот кенг овал шакли, ялпок, қалин, бир оз эгилган, узунлиги 3—5 см, эни 1,5—2,5 см ли, жигарранг-яшил рангли дуккаклардан иборат. Уруғлар ялпок, бурчакли — юраксимон, сарғиш-яшил рангли бўлиб, усти тўрсимон буришган.

Маҳсулот намлиги 12%, умумий кули 12%, поя бўлакчалари ва барг бандларининг аралашмаси 10%, органик аралашмалар 3% ва минерал аралашмалар 1% дан кўп, антрацен унумларининг (агликонларга нисбатан ҳисоблаганда) миқдори 1,4% дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Ўткир баргли сано ўсимлиги баргода 6,17%, мевасида 2,70%, тор баргли сано баргода эса 3,77%, мевасида 4,6% гача антрацен унумларининг йифиндиси (сеннозид А, сеннозид В, сеннозид С, сеннозид Э, реин, алой-эмодин, глюко-алой-эмодин, глюкореин ва бошқалар) бўлади. Сано барглари таркибида антрацен унумларидан ташқари, флавоноидлар (изорамнетин, кемпферол ва уларнинг гликозидлари) ҳамда

салицилат ва бошқа органик кислоталар, смолалар ва жуда оз миқдорда алкалоидлар бор.

Меваси таркибида смола бўлмайди.

Антрацен унумлари санонинг ёш баргларида қўп тўпланиб, барг қариган сари улар миқдори ҳам камайиб боради. Агар ўткир баргли сано таркибидаги антрацен унумларининг ёш барглардаги умумий миқдори 5,8% бўлса, барг сатҳи катталашган сари, бу бирикмалар камайиб, охирида 3,8%) қолади. Мева таркибида аксинча антрацен унумлари мева пишиб етилган вақтида максимал тўпланади.

Сано баргининг асосий таъсир этувчи гликозидлари — сеннозид А ва сеннозид В гидролиз натижасида қанд қисми — глюкоза ва агликонлари — сеннидин А ва сеннидин В га парча-ланади. Бу бирикмалар бир-бирининг стериоизомерлари бўлиб, сеннидин А оптик фаол (кучли физиологик таъсир кўрсатади), сеннидан В эса оптик фаол эмас (физиологик таъсири анча кучсиз).

Хиндистоннинг қуруқ (намлик кам бўладиган) туманларида ўсадиган тор баргли сано барги таркибига 4,23% гача сеннозидлар ва 3,54% гача реин бўлади.

Ишлатилиши. Сано препаратлари сурги сифатида ишлатилади. Барг таркибидаги смолалар спиртда ва қайноқ сувда эрийди, бу смолалар ичакни оғритиши хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам тайёрланган дамламани совитиб, смола чўкканидан кейин фильтрлаш лозим. Баъзан барг таркибидаги смолани спиртда эритиб олиб, кейин дори турлари тайёрланади.

Доривор препаратлари. Барг дамламаси, мураккаб сано дамламаси (Вена ичимлиги), қуруқ экстракт (таблетка ҳолида чиқарилади), баргдан тайёрланган кукун (порошок) мураккаб қизилмия (чучукмия) кукуни (порошоги), сано барги ва меваси кафиол мураккаб препарат таркибига киради. Мева таркибида смола бўлмагани учун у анча юмшоқ таъсир кўрсатади.

Сано баргидан Ҳиндистонда тайёранадиган препаратлар — сенаде ва глаксена ҳамда Собиқ Иттифоқда чиқариладиган шу типдаги препарат — сенадексин.

Сано сурги сифатида ишлатиладиган ва бавосил касаллигидан қўлланиладиган чой — йифмалар таркибига ҳам киради.

Сано ўсимлигини ўстириш технологияси

Сано дуккақдошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 1 метрга етадиган ярим бута ўсимликдир. Сано ксерофит ўсимлик, ёруғсевар ва иссиқсевардир. Ўсимлик намгарчиликни ёқтирумайди. Тупроқ ҳарорати 25—30°C бўлганда яхши ривожланади. Сано учун унумдор. механик таркиби ўртача бўлган тупроқларда экишни тавсия қилинади. Сано экиладиган майдонларни кузда ер ҳайдаш олдидан 20—25 тонна органик ўғит бераб 25—28 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Санони дуккакли ўсимликлар экилган майдонларда экишни тавсия қилинмайди. Экиш олдидан баҳорда тупроқ икки марта бороналанади. Апрель ойларининг ўрталарида тупроқ ҳарорати 18—20°C бўлганда уруғлар экилади. Экишдан олдин санонинг уруғи сульфат кислотасида (3 : 1 нисбатда) 18—20 минут ушланиб, уни сувда ювиб ва қуритиб ва сабзавот экадиган мосламаларда (СО-4,2 ёки СКОН-4,2) эгат оралари 70 сантиметр қилиб, 2—3 сантиметр чуқурликда уруғлар экилади. Бир гектар ерга ўртача 8—10 кг уруғ сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Сано уруғидан кўпаяди. Санонинг уруғлари 12—15 кундан кейин униб чиқади. Ўсимлик экилгандан кейин ҳаво ҳарорати пасайиб кетса, намгарчилик қўп бўлса ва қатқалоқ бўлган майдонларда илдиз чириш касаллиги билан заарланади ва униб чиқиши кечикади. Майсалар пайдо бўлгандан кейин 6—8 см чуқурликда культивация қилиниб ва бегона ўтлардан тозаланиб ягана қилинади ва суғорилади. Поялар пайдо бўлгандан сўнг 8—10 см чуқурликда культивация қилиниб, ўсимлик оралари юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади ва минерал ўғитлар билан

озиқлантирилади. Вегетация давомида санони 6—7 марта сугорилади, гектар ҳисобида 80—90 кг азот, 70 кг фосфор ва 50 кг калий билан озиқлантирилади. Ҳар бир ўғитлаш сугоришдан олдин амалга оширилади. Санонинг хомашёси ўриб олингандан кейин ўсимлик экилган майдонларни, албатта, озиқлантиришни тавсия қилинади.

Маҳсулот тайёрлаш. Санонинг ҳосилини йиғиб олиш муддати, ўсимлик тўлиқ гуллаб, мева ҳосил қилган даврдан (ўсимликнинг барглари мовий рангга кирганда) бошланади. Биринчи навбатда 4—5 кун давомида пастки шохчалардаги барглар қўлда терилади. Иккинчи терим 20—25 кундан кейин амалга оширилади ва бу жараён совук тушгунча давом этади. Ўсимликнинг уруғлари (дуккаклари) пишгандан кейин бир неча марта қўлда терилиб тозаланади ва қуритилади. Санонинг териб олинган барглари салқин жойда, брезент устида ёйиб қуритилади. Мавсум давомида яхши парвариш қилинган санонинг ҳар гектаридан 10—12 центнер қуриган барг ва 300 кг гача уруғ йиғиб олиш мумкин бўлади.

АНИССИМОН (ОДДИЙ) АРПАБОДИЁН — PIMPINELLA ANISUM L. (ANISUM VULGARE GAERTN)

Аниссимон (оддий) арпабодиён — *Pimpinella Anisum L. (Anisum Vulgare Gaertn)* селдердошлар — *Apiaceae* (соябонгулдошлар — *Umbelliferae*) оиласига киради.

Арпабодиён бир йиллик, бўйи 30—60 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, тукли, кўп қиррали, юқори қисми шохланган. Илдизолди ва поянинг пастки қисмидаги барглари узун бандли, юмалоқ, буйраксимон, тухумсимон ёки бўлакли, йирик тиҳсимон қиррали. Поянинг ўрта қисмидаги барглари узун бандли, уч бўлакли (бўлаклари ромбсимон), арасимон қиррали, поянинг юқори қисмидагилари эса қинли, 2—5 марта патсимон қирқилган. Поя учидаги барглар бандсиз, уч бўлакка қирқилган ёки бутун, чизиқсимон, ёхуд тор ланцетсимон бўлади. Барглар поядা банди билан ёки

қини ёрдамида кетма-кетма жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, оқ рангли, мураккаб соябонга тўпланган бўлиб, соябонгулдошлар оиласига хос тузилган. Косачабаргларининг тиши билинар-билинмас, гултожиси беш баргли, оталиги 5 та, оналик тугуни икки хонали, пастга жойлашган. Меваси — қўшалоқ писта.

Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси августда етилади.

Географик тарқалиши. Арпабодиён ўсимлигининг ватани Туркия. Воронеж ва Белгород вилоятларида, Волга бўйида, Шимолий Кавказда, Украинада ва Ўрта Осиёда ўстирилади.

Собиқ Иттифоқ селекционерлари арапабодиённинг юқори ҳосилли ва эфир мойига бой янги навларини (Алексеевский №38 ва бошқалар) етиштирдилар. Шу навлар ҳўжалик далаларида ўстирилмоқда.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот сариқ-кулранг ёки кўнғир-кулранг қўшалоқ пистадан иборат. Мева узун бандли, тухумсимон ёки тескари ноксимон, асос қисми кенг бўлиб, учки қисмига қараб торая боради. Мева узунлиги 3—5 мм, эни (асос қисми бўйича) 2—3 мм. Пишган мевасини икки бўлакка (ўртасидан узунасига) ажратиш мумкин. Ҳар қайси мева бўлаги ичидаги биттадан (мева пўстига ёпишган) уруғи бўлади. Мева бандининг юқори қисми айрисимон бўлиб, ҳар қайси қисмига мева бўлаклари ўрнашган. Меванинг юқори қисмida беш тишли гулкосачаси ва икки томонга эгилган оналик устунчаси сақланиб қолган. Яримта меваларнинг ички томони текис, бир-бирига тегиб туради, устки томони эса дўнг бўлиб, 5 та узунасига жойлашган қовурғаларга эга. Қовурғаларнинг иккитаси четки ҳисобланади. Мевадаги туклар жуда майда, улар фақат лупа ёки микроскоп остида кўринади.

Махсулот ўзига хос хушбўй ҳидга ва ширин — ўткир мазага эга.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 12%, умумий кули 10%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 2,5%, синган ва пишмаган мевалар 5%, бошқа эфир мойли ўсимликларнинг хушбўй ҳидли ва арпабодиён бошқа турларининг мевалари аралашмаси 1%, органик аралашмалар, жумладан,

арпабодиён пояси аралашмаси ва бошқа ўсимликларнинг хушбуй ҳид бермайдиган мевалари 1% ҳамда минерал аралашмалар ва тешигининг диаметри 1 мм бўлган элақдан ўтадиган қисмлар 1% дан ошмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Мева таркибида 1,2—3,2% (баъзан 6% гача) эфир мойи, 8—28,4% ёғ ва оқсил моддалар бўлади.

XI ДФ га кўра мева таркибида 1,5% эфир мойи бўлиши керак.

Эфир мойи майдаланган ва пишган мевалардан сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади ва сувдан ажратилиб, сув буғи билан яна бир марта ҳайдаб, тозаланади. Тоза эфир мойи 15°C да оқ кристалл шаклда қотади ва 20° да эрий бошлайди.

Эфир мойи рангсиз ёки оч сарғиш суюқлик бўлиб, ўзига хос ҳиди ва ширинроқ мазаси бор. Зичлиги 0,979—0,991, рефракция сони 1,552—1,560; кутбланган нур текислигини оғдириш бурчаги —2—0°.

Эфир мойи таркибида 80—90% стеароптен-анетол, 10% метилхавикол, анис альдегид, анис кетон ва анис кислота ҳамда бошқа терпенлар учрайди.

Агар эфир мойи ёруғликда узоқ сақланса, мой бузилади. Анетол оксидланиб, анис альдегидга, сўнгра анис кислотага ўтиши мумкин. Шу туфайли мойнинг кислоталилиги ошиб кетади ва у бузилади.

Ишлатилиши. Арпабодиён меваси препаратлари ва мойи тиббиётда бронхит касаллигига балғам кўчирувчи, ичак фаолиятини яхшиловчи, ел ҳайдовчи дори сифатида ҳамда фармацевтикада дорилар мазасини яхшилаш учун ишлатилади.

Арпабодиён уруғидан олинган мой совун пиширишда кенг кўлланилади. Меваси ва эфир мойи озиқ-овқат саноатида, анетол эса парфюмерияда шлатилади.

Доривор препаратлар. Арпабодиён эфир мойи. Арпабодиён эфир мойи кўкрак эликсири ва нашатир арпабодиён томчиси таркибига киради.

Арпабодиён меваси ич юмшатувчи ва кўкрак оғриғига қарши ишлатиладиган йигмалар — чойлар таркибига киради.

Арпабодиён эфир мойи анизет — **Pimpinella anisetum** Boiss. Ўсимлиги мевасидан ҳам олинади. Анизет икки йиллик ўт ўсимлик сифатида ўстирилади. Бу ўсимлик меваси таркибида 8% дан кўпроқ эфир мойи бўлади. Эфир мойи таркибида эса 77—87% анетол бор.

Арпабодиён эфир мойига ўхшаган бир хил кимёвий таркибга эга бўлган эфир мойи тропик мамлакатларда (Хитой, Япония, Вьетнам ва бошқалар) учрайдиган ва ўстириладиган доим яшил **Ilicium verum** Hook. дарахти (могнолиядошлар — **Magnoliaceae** оиласига киради) мевасидан олинади. Бу ўсимликнинг меваси юлдузсимон анис меваси (**Fructus Anisi stellati**) ёки бадъён номи билан озиқ-овқат саноатида ишлатиш мақсадида чет элдан келтирилади.

Аниссимон (оддий) арпабодиён ўсимлигини ўстириш технологияси

Оддий арпабодиён ёки оқ зира-укроп ҳиди анқиб турадиган бир йиллик ёки икки йиллик ўсимлик бўлиб, Ўзбекистонда тарқалган барча суғориладиган ерларда ёки лалмикор ерларда ҳам ўсадиган ёруғсевар ва қурғоқчиликка мослашадиган ўсимлик ҳисобланади. Арпабодиён учун ҳайдаб экиладиган ва қузги экинлардан бўшаган ерларни ажратиш тавсия қилинади. Арпабодиён экиладиган ерларни қузда ҳайдашдан олдин маҳаллий ўғитлар ва суперфосфат бериб 25—28 см чукурликда сифатли қилиб ҳайдаб қўйилади. Сизот сувларининг сатҳи чуқур ва ёғингарчилик кам бўладиган ерларда азот ўғитидан гектар ҳисобига 20—30 кг бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Арпабодиён ўсимлигини уруғларини қузда ва эрта баҳорда ҳам экиш мумкин. Экишдан олдин ер текисланади ва бегона ўт қолдиқларидан тозаланади.

Уругини март ойининг охири ва апрелнинг бошларида тупроқ ҳарорати 15—17°C бўлганда қатор оралари 60—70 см қилиб 1—2 см чукурликда сабзавот сеялкалари билан гектарига 8—10 кг дан уруғ сарфлаб

экилади. Уруғларни бир текис экилиши учун ёғоч қипиқлари, қум ёки чириндига аралаштириб экиш тавсия қилинади.

Баҳорда экилган уруғлар 6—8 кунда униб чиқади. Кузда экилган уруғларнинг бир қисми совуқ тушгунча униб чиқади ва майсалари тўпгулбарг тарзида қишлийди. Сақлаб қолинган экинлардаги майсаларнинг бир қисми тўпгулбарг ҳолатида бўлади ва иккинчи йили гуллай бошлайди. Арпабодиённи яхши ўсиши ва ривожланиши учун уни яганалаш, бегона ўтлардан тозалаш ва ораларига ишлов беришдан бошланади. Биринчи кунларда майсаларнинг секин ўсиши кузатила бошлайди ва бегона ўтлар орасида қолиб кетмаслиги учун ерларни культивация ва юмшатиб турилади. Арпабодиён зич экилганда ёки бегона ўтлар кўпайиб кетганда баҳор серёмғир келганда ўсимликларда зааркунанда ва касаллик пайдо бўлишини олдини олиш керак бўлади. Ўсимлик тупларининг зичлиги бир метрга 10—15 донадан ортиқ бўмаслиги керак. Биринчи йили ўсимликнинг илдиз тизимида зарар етказмасдан эҳтиёткорлик билан қатор ораларига ишлов бериш тавсия қилинади. Тупроқнинг намлиги ва ўсимликнинг ҳолатига қараб сугоришни табақалаб ўтказиш лозим. Мавсум давомида 6—7 марта сугорилади. Арпабодиён ўсув даврида, айниқса илдиз тизимининг ривожланиш фазасида сувни кўпроқ талаб қиласи.

Арпабодиён ўсимлигини майсалар униб чиққандан кейин уларнинг яхши ривожланиши учун қатор ораларига ишлов бериш билан бир вақтда гектар ҳисобига азот ўғитидан 40 кг ва 20 кг дан калий ўғити берилади. Ўғитларни 7—8 см чуқурликда солиш тавсия қилинади. Иккинчи озиқлантириш шоналаш фазасида 30 кг дан азот ва 20 кг дан фосфор ўғити берилганда унинг ўсиши ва ривожланиши янада тезлашади. Охирги озиқлантириш арпабодиённинг пояси ўсиб, гуллай бошлиши даврида гектар ҳисобида 40 кг дан азот ва 20 кг калий ўғити берилади. Бу даврда арпабодиённинг бўйи 2 метргача ва ундан баландроқ бўлиб, кўплаб мева тутган фазасига тўғри келади. Арпабодиён мева тутган фазасида озиқа элементларга жуда талабчан бўлади. Ўсимликни озиқлантириш сугоришдан

олдин амалга оширилиши керак. Шуларни эътиборга олиб мавсум давомида оддий арпабодиён экилган майдонларга ўртача гектар ҳисобига 90—100 кг азот, 70—80 кг фосфор ва 50—60 кг калий ўғити билан озиқлантириш тавсия қилинади.

Иккинчи ва кейинги йилларда арпабодиён экинзорларига гектар ҳисобида 40 кг дан азот, 30 кг дан фосфор ва 20 кг дан калий ўғити билан озиқлантирилади. Кейинги йиллари арпабодиён экилган ерларда унинг илдиз поялари бирлашиб кетиши муносабати билан ораларини қультивация қилиш ва ўғитлаш имконияти бўлмайди. Шунинг учун арготехник тадбирларни шох-шаббалари бирикиб кетгунга қадар амалга оширилиши тавсия қилинади.

Маҳсулот тайёрлаш. Арпабодиён ўсимлигини уруғларини пишиб этилиш даври узоқ чўзилади (август-октябрь). Шунинг учун биринчи уруғ йиғиш қўлда, танлаб олиб борилади. Иккинчи галги уруғ йиғиш механизация ёрдамида ўtkазилади, пояларнинг юқори қисмлари механизм ёрдамида ёки қўлда ўрилади.

Сўнг боғ-боғ қилиб, хирмонга тўпланади. Уруғни қуритиш ва етилтириш 1—1,5 ҳафта давом этади. Ундан кейин ғалла янчадиган машинада уруғлар янчилади, ғалвирларда тозаланади. Уруғни сақлаш муддати 3 йил. Агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширилса сугориладиган ерларга экилган арпабодиённинг ҳар гектаридан 10—15 центнер уруғ йиғиб олиш мумкин.

ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ — CALENDULA OFFICINALIS L.

Доривор тирноқгул — *Calendula Officinalis* L. астралдошлар — *Asteraceae* (мураккабгулдошлар — *Compositae*) оиласига киради.

Бир йиллик, бўйи 30—50 (баъзан 60) см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизи шохланган ўқ илдиз. Пояси қаттиқ, тик ўсуви, асос қисмидан бошлаб шохланган, қиррали бўлиб, юқори қисми безли туклар билан қопланган. Барги оддий, бандли, чўзиқ-тескари тухумсимон, сертуқ, пояди

кетма-кет жойлашган. Поянинг юқори қисмидаги барглари бандсиз, тухумсимон ёки ланцетсимон, гуллари саватчага тўпланган. Меваси — писта.

Июнь ойидан бошлаб, кеч кузгача гуллайди, меваси июлдан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши. Бизда ёввойи ҳолда ўсмайди. Манзарали ўсимлик сифатида Молдова, Украина, Россиянинг Европа қисмининг жанубий туманларида ҳамда Кавказда, доривор ўсимлик сифатида эса Краснодар ўлкасида, Полтава ва Москва вилоятларида ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот диаметри 5 см (3—8 см) бўлган гулбандсиз ёки 3 см дан ошиқ бўлмаган бандли сариқ ёки тўқ сариқ рангли бутун саватчалардан ташкил топган. Саватчанинг ўрама барглари кулранг-яшил тусли, бир-икки қават жойлашган бўлиб, тор ланцетсимон шаклли ва ўткир учли. Гул ўрни ясси, бир оз ботиқ ва туксиз. Саватча четидаги тилсимон гуллари 25—250 та, 2—3 қатор (махсус навларида 15 қаторгача) бўлиб, юқори қисмида 2—3 тишчаси бор. Саватчанинг ўртадаги гуллари найчасимон, беш тишли. Маҳсулот кучсиз, ёқимли ҳидга ҳамда бир оз шўр ва аччиқ мазага эга.

XI ДФ га кўра, маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 11%, 10 ли хлорид кислотада эrimайдиган кули 2%, гул бандининг қолдиқлари, жумладан, таҳлил вақтида саватчалардан ажратилган гул бандлари 6% дан, гуллари тўклиб кетган саватчалар 20%, қўнғир рангга айланган саватчалар 3%, поя ва барг аралашмалари 3%, органик аралашмалар 0,5% ва минерал аралашмалар 0,5% дан ошмаслиги ҳамда 70% спирт ёрдамида ажратиб олинган экстракт моддалари 35% дан кам бўлмаслиги лозим.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 7,6—7,8 мг % каротин (каротиноидларнинг умумий миқдори саватчанинг тилсимон четки гуллари таркибида 3% га етади), 0,62—0,4% эфир мойи, 0,33—0,88% флавоноидлар (кверцетин, изорамнетин, изокверцетин ва бошқалар), кумаринлар (эскулетин, скополетин, умбеллиферон), 3,44% смолалар, 4% гача шиллик, 10,4—11,2% ошловчи моддалар, 19% гача аччиқ модда календен, 6,84% олма,

пентадецид ва оз миқдорда салицилат кислоталар, тритерпен диоллар (арнидиол ва фарадиол), тритерпен сапонин-календулозид ҳамда алкалоидлар бўлади.

Тирноқгул ўсимлигининг барги ва илдизида гликозидлар бўлади. Гликозидлар йигиндисидан календулозид С ва календулозид Д гликозидлари ажратиб олинган. Календулозид С гидролизланганда 2 молекула глюкоза, бир молекула галактоза ва олеанол кислота (агликони)га парчаланади.

Ишлатилиши. Махсулотнинг доривор препаратлари турли яралар, куйганни даволашда, стоматит, ангина ва бошқа томоқ оғриғи касалликларида оғиз ҳамда томоқни чайқаш учун ишлатилади, шунингдек, гастрит, меъда ва ун икки бармоқ ичакнинг яра касалликлари ҳамда жигар касалликларини даволашда қўлланилади. Калефлон препарати меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигига яра битишини тезлатувчи ва яллиғланишга қарши восита сифатида ҳамда гастритни даволашда ишлатилади. Махсулот баъзи рак касалликларида ишлатиладиган препаратлар таркибига ҳам киради.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, „календула“ суртма дори ва калефлон (гулнинг тозаланган экстракти таблетка ҳолида).

Тирноқгулни ўстириш технологияси

Тирноқгулни республикамизнинг барча тупроқ-иқлим шароитларида экиб ўстириш мумкин. Лекин у унумдор ва нами етарли, механик таркиби ўртacha тупроқларда яхши ҳосил беради.

Тирноқгулни яхши ривожланиши, ундан сифатли ва мўл тўпгуллар этишириш мақсадида уларни ўғитлаш, суғориш муддатларини тўғри белгилаш, заараркунанда ва бегона ўтларга қарши курашга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Тирноқгул экиладиган ерларни кузда ер ҳайдаш олдидан гектарига 20—30 тоннадан маҳаллий ўғит ва фосфор ўғитини йиллик нормасини 70% ни бериб, 25—30 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Тирноқгулни кеч кузда

ёки эрта баҳорда экилади. Уруғларни экишга тайёрлашда қуидаги Гост қоидаларига риоя қилиш зарур: уруғ кондицияга етган ва I ёки II класс бўлиши керак; тозалиги 94—96% ва унувчанлиги 70—75% дан кам бўлмаслиги керак.

Тирноқгулни урганини эрта баҳорда экишдан олдин ерларни текислаб, бегона ўтлардан тозалаб, тупроқ ҳарорати 20—22°C бўлганда уруғлар 2—3 см чукурликка қадалади ва гектарига 10—12 кг уруғ сарфланади. Уруғлар экиш ускуналари ёрдамида қатор оралари 60 см қилиб экилади ва уруғлар 7—8 кундан кейин униб чиқиши мумкин. Тирноқгулни парвариш қилиш дастлабки кўчат ҳосил бўлиши билан бошланади. Тирноқгул униб чиққандан кейин, пайкаллар ўтоқ ва ягана қилиниб, қатор ораларига 15—20 см масофада ҳар бир уяга 1—2 тадан ўсимлик қолдирилади. Қатордаги бегона ўтлар мотига ёки кетмон ёрдамида тозаланиб турилади. Қатор ораларида эса тракторли культиваторлар қўлланилиши ҳам мумкин. Ўсимликларни биринчи озиқлантириш майсалар униб чиққандан кейин, гектар ҳисобига 30 кг азот ва фосфор ўғити беришдан бошланади. Тирноқгул озиқа элементларга жуда талабчан бўлгани учун иккинчи озиқлантиришни ўсимлик шоналаш давридан бошланади ва гектарига 40 кг дан азот ва 30 кг дан калий ўғити бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Озиқлантириш ҳар бир суғоришдан олдин амалга оширилишини тавсия қилинади. Суғоришдан кейин тирноқгулнинг қатор оралари юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади.

Охирги озиқлантиришни тирноқгул ёппасига гуллагандага гектарига 40 кг дан азот ва 30 кг дан фосфор бериш билан тугатилади.

Тирноқгул кузда экилганда апрель ойларида майсалар ҳосил бўлади. Ҳар туп кўчатда 3—4 та барг чиққанида эгат олинади. Илиқ куз чўзилиб кетганида уруғларнинг бир қисми қўкаради ва тупбарг тарзида қишини ўтказади. Уни кўпинча совуқ урмайди. Қишдан чиққан кўчатлар 35—40 кунда яъни май ойининг бошларида гуллай бошлайди. Тирноқгул суғориладиган типик бўз тупроқларда экилган бўлса, намгарчилик кўп бўлган йилларда ер юзасида қатқалоқ ҳосил бўлиши мумкин. Бу эса кўчатлар

сонини камайишига олиб келади. Қатқалоқни йўқотиш учун айланма мотига, майда мола ва игнали ғалтаклар қўлланилади. Бундай тадбирлар ўтказилса ниҳоллар заарланмайди.

Июнь ва июль ойларида тирноқгул туплаб кетиши натижасида унинг қатор ораларига ишлов бериш анча қийинлашади ва вегетация давомида жуда кўп кўк масса ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам у озиқа элементларга жуда талабчан ўсимлик ҳисобланади. Шуларни эътиборга олиб, тирноқгулни алмашлаб экиш далаларига жойлаштириш тавсия этилади.

Мавсум давомида тирноқгул экинзорлари ҳаво ҳарорати ва намгарчиликни ҳисобга олган ҳолда 9—10 марта сугорилади.

Унумдор ерларга экилган, бегона ўтлардан тозаланган ва куз ойларида қатор ораларига 70—80 кг фосфор ўғити билан озиқлантирилган, чуқур культивация қилинган тирноқгул экинзорларини 2—3 йил сақлаб фойдаланиш мумкин бўлади. Бунда қайта экиш талаб этилмайди. Ҳар йили тирноқгул уруғи тўкилиши натижасида қишида ва баҳорда ўсиб чиқсан кўчатлардан фойдаланиш мумкин. Тирноқгулни вегетация даврида яхши парвариш қилинса (ўғитлаш, сугориш, заараркунанда ва касалликларга қарши кураш) май ойидан кеч кузгача (совуқ тушгунча) гуллари очилиб туради. Вегетация давомида унинг гулинни 15—20 маротаба териб олиш мумкин. Териб олинган гулсаватчаларнинг ҳосилдорлиги гектаридан 10—18 центнерни ва ундан ҳам кўпроқни ташкил қилиши мумкин.

Тирноқгул ҳам барча маданий экинлар каби ўсув давомида ун шудринг, юлдузсимон пашшалар, ердаги ҳашарот личинкалари, қўнғиз ва каналар, лавлаги узунбурууни, замбуруғлар, ширалар, капалаклар ва бошқа ҳашаротлар билан касалланиши мумкин.

Касалликни олдини олиш мақсадида 100 литр сувга 25 мл топаз препаратини эритиб пуркалади. Ундан ташқари капалак қуртига қарши 1% ли энтобактерин (гектарига 600 л) суспензияси билан пуркалса яхши натижка беради. Тирноқгул экилган майдонларда капалаклар тухум қўйган даврда гектарига 40—45 минг дона трихограммалар қўйиб юбориш тавсия

қилинади. Ун шудринг тушган далаларни эса ҳарорат юқори бўлган даврларда гектарига 30 кг майдаланган олтингугурт билан чанглатиш лозим бўлади.

Ширалар, трипслар ва капалакларга қарши „Данадим“, 40% ли эмульсияси билан ўсимликларни ўсув даврида 2 маротаба пуркалади.

Тирноқгулни ҳосилини йиғиши ва қуритиши. Тирноқгулнинг ҳосилини гуллай бошлагандан теришга киришилади. Янги очилган гулларини биринчи навбатда қўлда терилади. Гул саватчалари тез-тез очилиши муносабати билан ҳар 3 кунда, кечи билан 4—5 кунда териб турилади. Ўсимликдан териб олинган тўпгуллар қизиб кетмаслиги ва унинг сифати бузилмаслиги учун саватчаларда ва тўпламларда 3—4 соатдан ортиқ сақланмаслик керак. Терилган маҳсулот маҳсус қуригич асбобларда (СПК), ҳаво (ВПТ-400, 600) қуригичларда 40—45°C гача қуритилади, 4—6 кун давомида қуритилган маҳсулот босилмасдан маҳсус қофоздан ясалган қопчаларда 20 кг дан қилиб жойлаштириб сақланади. Маҳсулотни қуруқ омборларда сақлаш муддати 2 йилдан ошмаслиги керак.

ОДДИЙ БЎЙМОДАРОН — ACHILLEA MILLEFOLIUM L.

Оддий бўймодарон — *Achillea Millefolium* L. астралдошлар — *Asteraceae* (мураккабгулдошлар — *Compositae*) оиласига киради.

Кўп йиллик бўйи 20—50 (баъзан 80) см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси шохланган бўлиб, ер остки новда ҳосил қиласиди. Бундай новдадан илдизолди барглар ва поялар ўсиб чиқади. Пояси бир нечта, тик ўсуви, юқори қисми шохланган бўлиб, улар қалқонсимон гул тўпламлари билан тамомланади. Барги оддий, икки марта патсимон ажралган бўлиб, пояда бандсиз кетма-кет ўрнашган. Гуллари саватчага тўпланган. Саватчалар ўз навбатида қалқонсимон тўп гулни ташкил этади. Меваси — ясси, тухумсимон, кулранг писта.

Июнь ойидан бошлаб ёз охирларигача гуллайди, меваси августдан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши. Ўсимлик кенг тарқалган бўлиб, ўрмон, ўрмон-чўл ва чўл худудларида ҳамда тоғли туманларда (тоғ этакларидағи текисликларда, тоғ ёнбағирларда) очиқ ялангликларда ва қуруқ ўтлоқлар, қирлар, йўл ёқалари, ўрмон четлари ва бошқа ерларда ўсади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот ўсимликнинг ер устки қисмидан (поянинг юқори қисмидан, баргдан ва гул тўпламларидан ҳамда баъзан илдизолди тўп барглардан) иборат. Пояси бир оз қиррали, сийрак баргли, кулранг-яшил тусли бўлиб, узунлиги 15 см. Барги тукли, кулранг-яшил, икки марта патсимон ажралган. Барг пластинкасининг бўлаги (сегменти) ланцетсимон ёки чизиқсимон бўлиб, 3—5 жуфт тишли бўлакчага қирқилган. Гуллари саватчага тўпланган. Саватчалар ўз навбатида қалқонсимон тўп гулни ташкил этади. Саватча майда, тухумсимон, 3—4 мм узунликда бўлиб, ташқи томонидан ўрама барг билан қопланган.

Саватча четидаги гуллар оқиш, баъзан оч пушти рангли, тилсимон, ўртасидаги гуллари эса найчасимон. Маҳсулотнинг ўзига хос хушбўй хиди ва аччиқ мазаси бор.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 13%, умумий кули 15%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 3%, йўғонлиги 3 мм дан ошиқ бўлган поялар 3%, ўз рангини йўқотган, яъни қора ва қўнғир рангга айланган поя ва барглар 1% дан, тешигининг диаметри 7 мм ли элақдан ўтмайдиган йирик қисмлар (қирқиб майдалангандан маҳсулот учун) 10%, тешигининг диаметри 0,5 мм ли элақдан ўтадиган майда қисмлар (қирқиб майдалангандан маҳсулот учун) 10%, органик аралашмалар 0,5% ва минерал аралашмалар 1% дан ошиқ бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида каротин, К ва С витаминалар, ахиллеин ва бетоницин алкалоидлари, 0,8% гача эфир мойи, матрикарин

изомери, миллефин лактони, 0,31% холин, аспарагин, смола, ошловчи, аччиқ (прохамазулен-ахиллин) ва бошқа моддалар бўлади.

XI ДФ га кўра маҳсулот таркибидаги эфир мойининг микдори 0,1% дан кам бўлмаслиги керак.

Эфир мойи таркибида 1—4% гача хамазулен (асосий қисми, эфир мойини олиш вақтида прохамазулендан ҳосил бўлади), туйон, камфора, борнеол, карифиллен, 10% гача цинеол, чумоли, сирка ва валериан кислоталар бор.

Ишлатилиши. Маҳсулотнинг доривор препаратлари меъда-ичак (меъда яраси ва гастрит ҳамда шиллик қаватнинг яллиғланиши) касалликларини даволаш, иштаҳа очиш ва қон тўхтатувчи дори сифатида (ичакдан, бачадондан ва геморроидал қон оқиши) ҳамда бурун, милк ва яралар қонаганда уни тўхтатиш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт, дамлама, ер устки қисми кукуни (порошоги).

Маҳсулот иштаҳа очиш, қон оқишини тўхтатиш учун ва меъда-ичак касалликларида ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига киради.

Ўзбекистоннинг (Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларининг) тоғли туманларида кенг тарқалган бўймодарон тури — тубулғибарг бўймодарон тўлиқ ўрганилди, унга вақтинча фармакопея мақоласи тузилди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини Дори воситалари ва табиий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан ВФМ тасдиқланди.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тубулғибарг бўймодароннинг гулини пешоб (сийдик) ҳайдовчи, қон оқишини тўхтатувчи ва яраларни битирувчи восита сифатида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берди.

Бўймодарон ўсимлигини ўстириш технологияси

Бўймодарон ўсимлигини Ўзбекистон Республикасида тарқалган барча сугориладиган тупроқларда (шўр ерлардан ташқари) экиб ўстириш мумкин. Айниқса сугориладиган типик бўз тупроқларда экилса яхши ўсади ва ривожланади. Ундан мўл ҳосил йиғиб олиш мумкин бўлади.

Кўп йиллик илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, ёввойи ҳолда ўсадиган бўймодарон ўсимлигига нисбатан, экиб ўситириладиганлари таркибида биологик фаол моддалар кўпроқ тўпланади ва хомашёсини вақтида йиғиб олинади. Ундан ташқари уларнинг айрим ноёб, камайиб кетаётган турларини кўпайтириш имконияти пайдо бўлади.

Бўймодарон экиладиган ерларни кузда органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириб, 25—27 см чуқурлиқда трактор билан ҳайдаб қўйилади. Бўймодарон кўп йиллик ўсимлик бўлгани учун уни кеч кузда ва эрта баҳорда ҳам экиш мумкин. Ўсимликни уруғидан ва вегетатив йўл билан ҳам кўпайтирилади. Экиш даврида энг сараланган уруғлардан фойдаланилади.

Уруғнинг униб чиқиши қобилияти 90—95% дан кам бўлмаслиги керак. Бўймодарон ўсимлигини эрта баҳорда тупроқ ҳарорати 14—15°C бўлганда жўяклар оралигини 60 см дан қилиб сараланган уруғни сабзавот сеялкаларида сепиш мумкин. Экиш чуқурлиги эрта баҳорда 1,5—2 см қилиб гектар ҳисобига 6—7 кг уруғ сарфланади. Кузда эса экиш чуқурлиги 0,5—1,5 см ва уруғ нормаси 8—10 кг дан кам бўлмаслиги керак. Ўсимликнинг уруғлари бир текисликда униб чиқиши учун тупроқда нам етарли бўлиши лозим. Тупроқ жуда майин, ер бир текис молаланган ва уруғ бир хил чуқурлиқда экилиши шарт. Бўймодарон ўсимлигини ўсув даврида ишлов бериш аввало уруғлар униб чиққандан кейин бошланади. Ўсимлик вегетатив йўл билан кўпайтирилганда унинг ривожланиши учун ер чуқур қилиб ҳайдалади. Унга экиш билан бирга гектар ҳисобига 15—20 кг дан азот ўғити ҳам берилади. Нихоллар тупроқ ҳарорати 20°C бўлганда яхши илдиз ота бошлайди.

Бўймодарон ўсимлигини ўсув даврида ишлов бериш, аввало уруғлар униб чиққандан кейин бошланади. Ўсимликнинг қатор оралари юмшатилади,

бегона ўтлардан тозаланади. Қалин ўсган ўсимликларни сийраклаштириш мақсадида ягана қилинади ва ўсимликларни яхши ривожланиши учун имконият яратилади.

Ўсимликни ягана қилиш билан бирга ҳар 15—20 см оралиғидаги уяларга 1—2 тадан соғлом ўсимлик қолдирилади. Тупроқ ҳарорати 20—22°C бўлганда уруғлар 7—8 кунда униб чиқади. Бўймодаронни яхши ўсиши ва ривожланиши ва ундан сифатли хомашё етиштириш учун уларни ўғитлаш, суғориш муддатларини тўғри белгилаш, зааркунанда ва бегона ўтларга қарши чора-тадбирларни юқори даражада ўtkазишни тавсия қиласиз.

Ўсимликни биринчи озиқлантиришни майсалар униб чиққандан кейин, яъни ўсимлик 4—6 чин барг чиқарганда ва бўйи 5—8 см га етганда қатор оралари 5 см чуқурликда культивация қилиниб, ишлов берилади ва бир вақтда гектар ҳисобига ўртacha 30 кг азот ва 20 кг фосфор ўғити бериш билан бошланади. Ўсимлик озиқлантирилгандан кейин унинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади.

Иккинчи озиқлантириш эса шоналаш фазасида, суғоришдан олдин гектарига 30 кг азот ва 30 кг калий ўғитини бериш билан бошланади. Унинг ривожланиши янада тезлашади.

Охириги озиқлантириш бўймодарон ўсимлиги гулга кирганда амалга оширилади ва гектар ҳисобига 35 кг азот, 30 кг калий ўғити бериш билан тугалланади. Бўймодарон ўсимлиги ривожланиш даврида, айниқса гуллаш фазасида озиқа элементларни, айниқса калийни кўпроқ талаб қиласи. Ўсимликни озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Мавсум давомида ўсимлик экилган майдонларга ўртacha гектарига 95 кг азот, 70 кг фосфор, 50 кг калий ўғити берилса, ҳосилдорлиги юқори бўлади. Биринчи йили 8 марта суғорилса ва 5—6 марта ўсимлик оралари культивация қилинса ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Бўймодаронни иккинчи ва кейинги йилларда эрта баҳорда ўсимликни ўсиши олдидан бир марта культивация қилиниб, азот ўғити билан озиқлантирилади.

Иккинчи йили ўсимлик бир-бiri билан бирлашиб ўғитлаш ва ораларига ишлов беришга имкон бўлмай қолади.

Агротехник тадбирлар ўз вақтида юқори савияда ўтказилса, бўймодарондан 1000—1200 кг хомашё ва 400—500 кг уруғ йиғиб олиш имконияти бўлади.

Бўймодарон ўсимлигини суғориладиган ерларга экилганда ҳар хил зааркунанда ва касалликларга чалиниши мумкин. Ўсув давомида ун шудринг, ширалар, замбуруғлар ва бошқа ҳашаротлар катта зарар етказишлари мумкин.

Касалликни олдини олиш мақсадида 100 литр сувга 250 мл топаз препаратини эритиб пуркалади. Ун шудринг тушган далаларни ҳаво ҳарорати юқори бўлган даврларда гектарига 30 кг майдалангандан олтингугурт билан чанглатиш лозим.

Ширалар ва замбуруғларга қарши „Данадим“, 40% ли эритмаси билан ўсимликни ўсув даврида 2 марта пуркалади.

Махсулот тайёрлаш. Ўсимлик гуллаганида (поясининг юқори қисмидан гул ва барглари билан бирга) ўроқ билан ўриб олинади. Баъзан илдизолди тўпбарглар алоҳида йиғилади. Сояларда ерда қуритилади.

ДОРИВОР ГУЛХАЙРИ — ALTHAEA OFFICINALIS L.; АРМАН ГУЛХАЙРИСИ — ALTHAEA ARMENIACA TEN.

Доривор гулхайри — *Althaea Officinalis* L.; Арман гулхайриси — *Althaea Armeniaca* Ten. гулхайридошлар — *Malvaceae* оиласига киради.

Гулхайри қўп йиллик, бўйи 150—160 см бўладиган ўт ўсимлик. Илдизпояси калта, йўғон, қўп бошли. Ўқ илдизи 50 см узунликда бўлиб, юқори қисми ёғочланган бўлади. Пояси — битта ёки бир нечта, тик ўсуви, цилиндричесимон, кам шохли, пастки қисми ёғочланган. Барги оддий бўлиб, банди билан пояда кетма-кет жойлашган, поянинг юқори қисмидагилари бутун, тухумсимон, ўрта ва пасткилари эса уч ёки беш бўлакли, қўшимча

барги майда, ингичка, ланцетсимон ёки чизиқсимон. Барг пластинкаси ўткир учли ва тишсимон қиррали бўлади. Поя, шох ва барги сертук бўлганидан кулранг-яшил тусда кўринади. Гуллари барг қўлтиғига, поя ва шоҳлари учиға жойлашган бўлади. Гулкосачаси икки қаватли. Пастки косача 8—12 бўлакка ажралган, устки косачаси эса беш бўлакли. Косача барглари мева билан қолади. Тожбарги 5 та бўлиб, пушти рангда, оталиги (чангчи) кўп сонли. Улар ипи билан бирлашиб, найча ҳосил қиласиди. Оналик (уругчи) тугуни 15—25 хонали, юқорига жойлашган. Меваси — яssi, юмалоқ, серуруғли, қуруқ мева.

Июнь ойидан сентябргacha гуллайди, меваси июлдан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши. Ариқ, кўл бўйларида, ўтлоқ, тўқай, буталар орасида ва бошқа нам ерларда ўсади. Молдова, Украина, Белорус, Россиянинг Европа қисмининг ўрмон-чўл зонасида ва Крим, Кавказ, ўарбий Сибирь, Қозоғистон ҳамда Ўрта Осиёда учрайди. Украинада ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Илдиз таркибида 11% гача шиллик моддалар, 37% крахмал, 2% гача L-аспарагин, 4% бетаин, 10,2% сахароза ва 1,7% гача мой, пектин ва бошқа бирикмалар бўлади.

Гулхайри илдизининг шиллик моддалари пентозанлар, гексозанлар ва урон кислоталар бирикмаларидан ташкил топган.

Ишлатилиши. Гулхайри илдизининг препаратлари ўраб оловчи, балғам кўчирувчи ҳамда яллиғланишга қарши (айниқса, болаларнинг нафас йўллари касалланганда) дори сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Қайнатма, қуруқ экстракт, кукун (порошок), шарбат.

Кубик шаклида қирқилган илдиз нафас олиш йўллари касалликларида ишлатиладиган турли йиғмалар (*Species pectoralis* ва бошқалар) таркибига киради.

Қайнатма илдиздан фақат совук сувда тайёрланади (маҳсулотдан шиллик модда ажралиб чиқади, крахмал сувда эримаслиги сабабли қайнатмага ўтмайди).

Доривор гулхайри ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган углеводлар аралашмасидан „мукалтин“ номли доривор препарат олинади. „Мукалтин“ препаратини балғам кўчирувчи дори сифатида юқори нафас йўллари ва ўпка яллигланиши касалликларида ишлатилади.

Доривор гулхайри ўсимлигини ўстириш технологияси

Доривор гулхайри кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 3—4 йилда 2—2,5 м га етадиган, илдизпояси йўғон, илдизи қалин этли, 1—2 метр чуқурликкача етади. Илдизпояси ва ўқ илдизи биринчи йили охирларидаёқ ёғочга айланади.

Олимлар томонидан ўтказилган илмий кузатишлардан маълум бўлишича, доривор гулхайри ҳавонинг қуруқлигига ва тупроқнинг қисқа муддатли қуришига (илдиз тармоқлари яхши ривожланганлиги туфайли) бардош беради. У шамолга ва қишининг совуқлигига чидамли ўсимлик хисобланади. Доривор гулхайри республикамизда тарқалган (шўрлангандан ташқари) барча сугориладиган тупроқларда экиб ўстириш мумкин. Уруғлик учун экилган майдонларда ўсимлик 6—8 йил сақланиши мумкин. Шу боисдан доривор гулхайрини полиз, сабзавот экинларидан тозаланган ерларга экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Доривор гулхайри ўсимлиги экиладиган майдонлар кузда ер ҳайдаш олдидан гектарига 20—25 тонна органик ўғитлар ва 40—50 кг суперфосфат ўғити билан озиқлантириб 25—28 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Гулхайри уруғи эрта баҳорда ёки кеч кузда экилади. Кузда экилганларининг униши яхши бўлади. Баҳорда экилган ўсимлик қийғоч униши учун уруғ 2—3 соатга 20—25 даражада иссиқ сувда ивитиб қўйилади. Кейин сув бир оз совигандан сўнг тўшалган брезент ёки бўз устига юпқа қилиб ёйилади, тез қуриши учун тез-тез аралаштириб турилади. Сочилувчанлик хусусиятга эга бўлгандан кейин экишга киришилади.

Уруғларни сабзавот экадиган сеялкаларда 1—2 см чуқурлиқда тупроққа қадалади. Эгатлар оралиғи 60—70 см ва ўсимлик оралиғи 10—12 см қилиб әкилади ва гектарига 10—12 кг уруғ сарфланади. Униб чиққан майсаларда 3—5 та чин барг ҳосил бўлгач эгатлар олинниб кетма-кет суғориб турилади. Мўътадил шароитда доривор гулхайри уруғлари 8—10 кунда, тупроқ намлиги етарли бўлмаган майдонларда 18—20 кундан кейин униб чиқади. Майсалар тўлиқ униб чиққандан кейин, яъни биринчи суғоришдан 7—10 кун ўтгач ягана ўтказилади ва 1 метр ерда 8—10 та соғлом ўсимлик қолдирилади. Ўсимликларни бу даражада сийраклаштириш натижасида уларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Иккинчи ва кейинги йилларда эса ўсимликнинг бўйи 200—230 см дан ошади. Доривор гулхайри экилган майдонлар биринчи йили 5—6 марта ўтоқ қилинади ва оралари культивация ёрдамида юмшатилади. Заруратга кўра ўсимликлар орасидаги бегона ўтлар кўл кучи билан тозаланади. Гулхайри экилган майдон биринчи йили 8—10 марта суғорилади.

Гулхайри минерал ўғитларга (айниқса азотли ва фосфорли) талабчан ўсимлик ҳисобланади.

Биринчи йили апрель-май ойларида суғоришдан олдин 80—90 кг азот, 60—70 кг фосфор ва 30—40 кг калий ўғити билан озиқлантириш тавсия этилади.

Гулхайрининг поялари қирқилмай далада қишида қолдирилади. У қорни тутиб қолишида ёрдам беради. Айниқса эрозияга учрайдиган ерларга экилган доривор гулхайри тупроқни ювилишдан сақлайди.

Эрта баҳорда қуриган поялар даладан йиғиб олингач, ўсимлик оралари культиваторда айни вақтда ҳар гектар ерга 50—60 кг дан азотли ва фосфорли ўғитлар билан (апрель ойининг охирларида) озиқлантирилади. Иккинчи марта шоналаш фазасида гулхайрининг шох-шаббалари туташиб кетгунига қадар (июнь охири) 40 кг дан азот ва 30 кг дан калий ўғити билан озиқлантирилади. Минерал ўғитларни суғоришдан олдин амалга оширишни тавсия қилинади.

Гулхайри ҳаётининг иккинчи йили (август ойларининг бошларида) мева тугади. Уруғлари поясининг 10 см дан 230 см гача баландлигида, асосий қисми 60—80 см оралиғида жойлашади.

Махсулот тайёрлаш. Меваси пишгандан кейин узоқ вақт түкилмай туради. Бу эса то август ойигача уруғларни йиғиб олиш имконини беради. Бунинг учун гулхайри пояси мева жойлашиш баландлигида ўроқ билан кирқилади. Бог-бог қилиб хирмонга олиб борилади. Уруғлари дон совургичда тозаланиб қолларга жойлаштирилади. Унинг илдизини иккинчи йили октябрь ойларида йиғиб олинади. Ярим сантиметр йўғонликдаги ён илдизлари хомашё ҳисобланади. Қазиб олинган илдизлар тупроқ ва унинг қолдиқларидан тозаланиб, оқар сувда яхшилаб ювилади ва 40 градусдан юқори бўлмаган ҳароратда қуритилади. Қуриган илдизлар 20—25 см узунликда жойида қирқилади. Ёғочга айлана бошлаган илдиз ва илдизпоялар олиб ташланади. Қуриган илдиз 20—25 кг дан қилиб қолларга жойлаштирилади. Қуруқ ҳаво алмашиб турадиган хоналарда 3 йилгача сақланади. Агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказилса, гулхайри экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 15—20 центнер қуруқ илдиз йиғиб олиш мумкин бўлади.

КАТТА ЗУБТУРУМ — PLANTAGO MAJOR L.

Катта зубтурум — *Plantago Major L.* зубтурумдошлар — *Plantaginaceae* оиласига киради.

Зубтурум кўп йиллик, калта ва йўғон илдизпояли ўт ўсимлик. Илдизпоясининг юқори томонидан (ер устида) узун, қанотли бандли илдизолди тўпбарглар, пастки томонидан эса (ер остида) жуда кўп майда илдизлар ўсиб чиқкан бўлади. Илдизолди тўпбарглари кенг эллипссимон ёки кенг тухумсимон, текис қиррали ва йирик бўлади. Гул ўки битта ёки бир нечта, туксиз, бўйи — 10—45 см. Гуллари оддий бошоқقا тўпланган. Гули майда, кўримсиз. Гулкосачаси тўрт бўлакка қирқилган, гултожиси оч қўнғир

рангли, тўрт бўлакли, оталиги 4 та, оналик тугуни икки хонали, юқорига жойлашган.

Меваси — тухумсимон, кўп уруғли кўсакча.

Май-июнъ ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Собиқ Иттифоқнинг ҳамма туманларида йўл ёқаларида, далаларда, экинзорларда, ўтлоқларда, ўрмон четларида, ариқ бўйларида ҳамда бошқа нам ерларда ўсади.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимлик барги йил бўйи йифилади. Юпқа қилиб ёйиб, соя ерда қуритилади ёки қуритмай ишлатилади.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида аукубин (ринантин) гликозиди, аччиқ, шиллиқ ва ошловчи моддалар, флавоноидлар (апигенин, гомоплантагенин, лютеолин ва скутелляреин гликозидлари ва бошқалар), каротин ҳамда аскорбин, лимон кислоталар, фактор Т ва витамин К бўлади.

Ишлатилиши. Зубтурум ўсимлигининг доривор препаратлари яллиғланишга қарши ва балғам қўчирувчи восита (барг дамламаси) сифатида, меъда-ичак касалликлари (сурункали гипоацидли гастрит, нормал ва кам кислоталик шароитдаги меъда-ўн икки бармоқ ичак яраси)ни (плантогляюцид препарати), анацид гастрит, сурункали ва тузалиши қийин бўлган колит ҳамда яраларни (қуритилмаган барги ва бурга зубтурумнинг қуритилмаган ер устки қисмининг ширалари биргаликда) даволашда қўлланилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, янги йифилган, қуритилмаган баргнинг консервация қилинган шираси, плантогляюцид препарати, барг брикети.

Барг йўталда бериладиган чойлар — йиғмалар таркибига киради.

Тиббиётда катта зубтурум билан бир қаторда ўрта ҳамда ланцетсимон зубтурум ўсимликлари ҳам ишлатилади.

Ўрта зубтурум — *Plantago media L.* Ўсимлиги баргининг ҳар икки томони тукли ва банди калта бўлади.

Ланцетсимон зубтурум — *Plantago lanceolata L.* Ўсимлигининг барги ланцетсимон бўлиб, узунлиги 15 см, эни — 2—2,5 см.

Катта зубтурум

Ўзбекистон республикасининг барча тупроқ ва иқлим шароитида катта зубтурум ўсимлигини экиб ўстириш мумкин. Унинг яхши ўсиши ва ривожланишида тупроқнинг механик таркиби ўртача, ариқ сувлари яқин ва бегона ўтлардан тозаланган ерлар ажратилиши лозим. Катта зубтурум ўсимлиги экиладиган майдонлар асосан кузда, ер ҳайдаш олдидан гектар ҳисобига 20—25 тонна гўнг, 50 кг дан соф суперфосфат ўғити бериб, 22—25 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади.

Ўсимлик кўп йиллик бўлганлиги учун уни кузда ва эрта баҳорда ҳам экиш мумкин.

Агар катта зубтурум ўсимлигини кузда экилса, ерни экишдан 25—30 кун олдин ҳайдаб қўйилади. Бегона ўтлар пайдо бўлиши билан культивация ва бороналаш ўтказилади.

Кузда уруғлар стратификацияланмасдан қуруқ ҳолда кенг қаторлаб экилади. Бунда уруғ қадаш чуқурлиги 0,5—1,5 см дан ошмаслиги керак.

Кузда ва баҳорда экиладиган уруғларнинг қадаш чуқурлиги 0,5—1,5 см, экиш нормаси гектарига 5—6 кг ва унувчанлик даражаси 70—80% дан кам бўлмаслиги керак.

Уруғларни сабзавот экадиган сеялкаларда экилади. Кўчат қалинлиги 1 метрда 8—10 та туп бўлиши керак.

Уруғлар эрта баҳорда экиладиган бўлса, экиш олдидан уларнинг униб чиқиш қобилиятини тезлаштириш мақсадида (нам қумда 18—20°C ҳароратда 1—2 кун сақланади) стратификация қилинади, кузда экиладиган бўлса, уруғ стратификация қилинмайди. Ўзбекистоннинг иқлим шароитида катта зубтурум ўсимлигини кузда экилса кам меҳнат сарфланади, ишончли ва тўлиқ кўчатлар ҳосил қилиш имконияти туғилади.

Кузда экиладиган уруғлар эрта баҳорда ва баҳорда экилганлари эса, 10—12 кунда қўкариб чиқади. Ўсимлик экилган далалардан фойдаланиш

давомийлиги 3—4 йил. Катта зубтурум ўсимлигини парвариш қилиш ўсимликда чинбарглар ҳосил бўлгандан кейин уларни тупроққа қўшилиб кетмаслиги учун эҳтиёткорлик билан культивация қилиб ер юмшатилади. Бегона ўтлардан тозаланади ва ягана қилинади.

Вегетация давомида ўсимликнинг ривожланишини эътиборга олиб икки марта гектар ҳисобига ўртacha 90 кг азот, 40 кг фосфор ва 40 кг калий ўғити билан озиқлантирилади. Иккинчи ва кейинги йилларда ҳам шоналаш даврида ва баргини йифиб олингандан сўнг культиваторлар ёрдамида икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Мавсум давомида ҳарорат ва намгарчиликни ҳисобга олган ҳолда 10—12 марта суғорилади ва тупроқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш учун 4—5 марта культивация қилинади.

Катта зубтурум экилган майдонларда юқори даражада сифатли агротехник тадбирларни амалга оширилса, гектаридан 1,5—2 тонна қуруқ барг йифиб олиш мумкин.

Махсулот тайёрлаш. Ўсимлик барги йил бўйи йигилади. Юпқа қилиб ёйиб, соя ерда қуритилади, сўнгра майдаланади ва элаб уруғи олинади.

ОДДИЙ ФЕНХЕЛЬ (ДОРИХОНА УКРОПИ) — FOENICULUM VULGARE MILL. (FOENICULUM OFFICINALIS ALL.)

Оддий фенхель (дорихона укропи) — **Foeniculum Vulgare Mill.** (**Foeniculum Officinalis All.**) селдердошлар — **Apiaceae** (соябонгулдошлар — **Umbelliferae**) оиласига киради.

Кўп йиллик (плантацияларда икки йиллик қилиб ўстирилади), бўйи 90—200 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, кўп қиррали ва сершохли. Барги уч-тўрт марта патсимон ажralган ва қини билан пояда кетма-кет жойлашган. Барг бўлаклари ингичка чизиқсимон ёки ипсимон. Гуллари майда, сариқ бўлиб, мураккаб соябонга тўпланган. Соябонда ўрама ва ўрамача барглар бўлмайди. Косача барги жуда майда, тожбарги 5 та,

оталиги 5 та, оналик тугуни икки хонали, пастга жойлашган. Меваси — қўшалоқ писта.

Июль-август ойларида гуллайди, меваси сентябрда пишади.

Географик тарқалиши. Ёввойи ҳолда Ўрта Ер денгизи қирғоғида ўсади. Молдова ва Украина (Хмельницкий вилояти) республикаларида, Воронеж вилоятида, Краснодар ўлкасида ва Шимолий Кавказда ўстирилади.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот оч яшил-қўнғир рангдаги қўшалоқ пистадан иборат. Меванинг ҳар иккала учи бир оз торайган, узунлиги 8—10 мм, эни 4 мм бўлиб, осонлик билан узунасига икки бўлакка ажралади. Ҳар қайси яримта меванинг ташқи томони дўнг, ички томони текис. Яримта мевада 5 тадан туртиб чиқсан қовурғалар бўлиб, учтаси дўнг томонга, иккитаси ён томонга жойлашган.

Маҳсулот ҳиди ва мазаси арпабодиён мевасининг мазасини ва ҳидини эслатади.

XI ДФ га кўра маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 10%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 1%, синган ва пишмаган мевалар 1%, эфир мойи бор бошқа ўсимликларнинг уруғ ва мевалар аралашмаси 1%, органик аралашмалар (таркибида эфир мойи бўлмайдиган ўсимликларнинг уруғ ва мевалари ҳамда дорихона укропининг маҳсулоти ҳисобланмаган қисмлари) 0,6% ва минерал аралашмалар ҳамда тешигининг диаметри 1 мм ли элақдан ўтадиган майда қисмлар 0,5% дан ошмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Мева таркибида 3—6,5% эфир мойи, 20% гача ёғ ва оқсил моддалар бўлади. XI ДФ га кўра, мева таркибида эфир мойи 3% дан кам бўлмаслиги керак. Эфир мойи пишган ва майдаланган мевадан сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади.

У рангиз, ёки оч сарғиш, учувчан, арпабодиён мойи ҳидини эслатувчи ҳидга эга, олдин аччиқроқ-ёқимли, сўнгра ширинроқ маза берувчи тиник суюқлик. Зичлиги 0,960—0,979, рефракция сони 1,527—1,538, +10°C дан паст ҳароратда эфир мойининг кристал қисми (стеароптени) — анетол ажралади.

Эфир мойи таркибида 50—60% анетал, 10—20% фенхон кетони, 10% гача метилхавикол, оз миқдорда анис альдегид ва анис кислота, пинен, фелландрен, камfen ва бошқа бирикмалари бўлади.

Дорихона укропи илдизи таркибида 5 та кумарин бирикмалари борлиги ҳамда улардан 2 таси бергаптен ва умбеллиферон эканлиги аниқланган.

Ишлатилиши. Дорихона укропининг меваси ва препаратлари юқори нафас йўллари яллиғланганда балғам кўчирувчи, ич юмшатувчи ҳамда ел ҳайдовчи дori сифатида меъда-ичак касалликлари ва метеоризм (ичакларда газ тўпланиши, қорин дам бўлиши) да ишлатилади. Баъзан мева ўт пуфаги ва буйрак тоши касаллигига ҳам кўлланилади. Эфир мойи фармацевтикада микстуралар таъмини яхшилаш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Мева кукуни (порошоги) сурги дori сифатида кўлланиладиган қизилмия илдизининг мураккаб кукуни (порошоги) таркибига киради. Бундан ташқари, мева ел ҳайдовчи, ич юмшатувчи чойлар таркибига киради.

Дорихона укропининг эфир мойидан укроп суви тайёрланади.

Доривор укропни ўстириш технологияси

Суғориладиган дехқончилик шароитида доривор укроп ўсимлигини катта майдонларда экиб ўстириш ва ундан кўпроқ хомашё етиштириш мутахассислар олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Маълумки, доривор укропнинг илдиз тизими ўқ илдизли бўлиб, бошқа доривор ўсимликларга қараганда тупроқнинг чуқурроқ (55—60 см) қатламигача етиб боришини ҳисобга олган ҳолда, унга энг унумдор, механик таркиби ўртacha, сув билан яхши таъминланган, кузда экиладиган ва ҳайдаб экиладиган ерларни ажратишни тавсия қилинади.

Доривор укроп иссиқ ва ёруғсевар ўсимлик бўлиб, унинг вегетация даври 120—140 кун давом этади.

Ўсимлик экиладиган ерларни эрта кузда 25—28 см чуқурликда ҳайдаб күйилади. Ҳайдаш олдиdan албатта маҳаллий ўғитлардан гектарига 15—20 тонна ва 50 кг дан суперфосфат ўғити билан озиқлантирилади.

Доривор укропни экиш учун эрта баҳорда ерлар борона ва мола билан текисланади. Бегона ўтларнинг илдизларидан тозаланади. Экиш март ойининг биринчи 10 кунлигида сабзавот экадиган сеялкалар билан қатор ораларини 60 см қилиб амалга оширилади. Уруғларни тупроқнинг нам қатламига 3—4 см чуқурликка қадалади ва 1 гектар ерга экиш учун сарфланадиган меъёри 8—10 кг ни ташкил этади. Уруғларни тупроқ юзасига бир текисда тушиши учун экиш олдидан улар қуруқ ва майда ёғоч қириндиси, гўнг ёки қум билан аралаштирилиб экилади.

Доривор укроп кузда экилганда уруғларнинг бир қисми кўкаради ва тўпбарг тарзида қишлияди. Эрта баҳорда экилганлари 8—9 қунда униб чиқади. Майсалар униб чиққандан кейин кўчкат оралари культиваторлар ёрдамида юмшатилади ва кўлда ўтоқ қилинади.

Вегетация давомида ўсимликни 3—4 марта оралари культиваторлар билан ишланади ва 2—3 марта бегона ўтлардан тозаланиб, ягана қилинади ва ҳар бир метр ерга 10—12 та ўсимлик қолдирилади. Доривор укроп туплаб кетиши натижасида унинг ораларига ишлов беришнинг имконияти қолмайди. Доривор укроп ўғитларга анча талабчан ўсимлик ҳисобланади. Уларни ўғитлаш кўп жиҳатдан ўтмишдош экин турига, ўғит меъёри ва тупроқ унумдорлигига боғлиқ.

Бу экинлар эрта баҳордан жадал ўса бошлайди. Уларга ўғитлаш меъёрини белгилашда олинадиган ҳосил миқдори, ўтмишдош экин ва тупроқ-иклим шароитларини албатта ҳисобга олишни тавсия қилинади. Ўсимликни биринчи озиқлантириш майсалар униб чиққандан кейин гектар ҳисобига 50 кг дан азот ва 20 кг дан калий ўғити беришдан бошланади.

Доривор укроп озиқа элементларга жуда талабчан, айниқса бу ҳолатни гуллаш олдидан кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам иккинчи

озиқлантиришни гуллаш фазасида гектар ҳисобига 50 кг дан азот, 30 кг дан фосфор ва калий ўғити беришни тавсия қилинади.

Гуллаш фазасида берилган ўғитлар ўсимликни яхши ўсиб ривожланиши ва бақувват илдиз отишига имконият туғдиради. Озиқлантириш ҳар бир сугорищдан олдин амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи йили об-ҳаво ва тупроқдаги намлики ҳисобга олган ҳолда 6—7 марта суғорилади. Иккинчи ва кейинги йилларда доривор укроп экилган майдонлар гуллаш фазасигача икки марта гектарига 50 кг дан азот ўғити билан озиқлантирилади.

Маҳсулот тайёрлаш. Доривор укроп ўсимлигини ҳосилини йиғиб олиш бирмунча мураккаб жараён ҳисобланади. Уларнинг уруғларини пишиши бир хил муддатда рўй бермайди. Олдин пишганлари тўкилиб кетиши мумкин. Шуларни эътиборга олиб, уруғлар қўнғир рангга кира бошлаганда биринчи марта қўлда терилади. Шу даврда уларнинг таркибида кўп микдорда эфир мойи тўпланган бўлади. Кейинги йиғимни 10—12 кундан кейин механизмлар ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни қайта жиҳозланган СК-3, СК-4 ва бошқа комбайнлар билан йиғиб даладан олиб чиқиб кетилади. Катта майдонларда экилган доривор укропни узоғи билан 5—6 кун ичida йиғиб олиш тавсия қилинади.

Ўсимликларни етиштиришда юқорида қайд қилиб ўтилган агротехник тадбирларга риоя қилиб парвариш қилинса, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 10—15 центнер уруғ олиш имконияти яратилади.

ДОРИВОР ҚАШҚАРБЕДА (САРИҚБЕДА) — *MELILOTUS OFFICINALIS* DESC.

Доривор қашқарбеда (сариқбеда) — *Melilotus Officinalis Desc.* дуккакдошлар — **Fabaceae** оиласига киради.

Икки йиллик, бўйи 50—100 см га (баъзан 2 м га) етадиган ўт ўсимлиқ. Илдизи сершох, ўқ илдиз. Пояси битта ёки бир нечта, қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Барги уч пластинкали мураккаб барг, пояда банди билан кетма-кет ўрнашган. Баргчаси тескари тухумсимон, тухумсимон ёки чўзиқ ланцетсимон, текис қиррали ёки майда арасимон-тишсимон қиррали ва туксиз бўлиб, узунлиги 3 см. Баргда ингичка, текис қиррали қўшимча баргчалар бор. Гуллари майда, сариқ, шингилга тўпланган. Гулкосачаси ярмисигача учбурчак ланцетсимон шаклдаги 5 бўлакка қирқилган. Гултожиси капалак-гулдошларга хос тузилган. Оталиги 10 та, шундан биттаси бирлашмаган, қолганлари бирлашган. Оналик тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Меваси — тухумсимон, кўндалангига буришган, кулранг тусли, туксиз, бир уруғли дуккак.

Июнь-сентябрь ойларида гуллайди, уруғи эса август ойидан бошлаб этилади.

Географик тарқалиши. Йўл ёқаларида, ўтлокларда, экинзорларда ўсади. Асосан Украина, Белорус, Молдова, Болтиқ бўйи давлатлар, Россиянинг Европа қисмида, ўарбий Сибирда, Кавказда ва Ўрта Осиёда учрайди.

Махсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот майдаланган барг ва гул аралашмаларидан иборат. Маҳсулотнинг ёқимли ҳиди, шўр ва аччиқ мазаси бор.

Махсулотга қашқарбеданинг бошқа турлари (*Melilotus dentatus* Pers. — гули ҳидсиз, қўшимча барги тишсимон қиррали, *Melilotus albus* Desr. — гули оқ рангли) аралашиб қолмаслиги лозим.

Махсулот намлиги 14%, умумий қули 10%, диаметри 3 мм дан йўғон бўлган поялар 2%, тешигининг диаметри 0,5 мм ли элақдан ўтадиган майда бўлаклар 5%, сарғайган, қўнғир рангли ва қорайган бўлаклар 2%, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 0,5% дан кўп бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибидаги 0,4—0,9% гача кумарин, дикумарин (дикумарол), мелилотин, мелилотозид гликозиди, кумар ва мелилот кислоталар ҳамда 0,01% эфир мойи бўлади.

Кумарин ва қисман мелилотин ҳиди маҳсулотга хос ёқимли ҳидни беради.

Ишлатилиши. Маҳсулотнинг доривор препаратлари юмшатувчи ва таъсирловчи дори сифатида яраларни даволаш учун (йирингни сўриб олишда) қўлланилади. Дикумарол қонни ивитмайдиган таъсирга эга, у кумаринга нисбатан 1000—5000 марта кучли таъсир қиласи. Шунинг учун дикумарол антикоагулянт (қон ивишга қарши таъсир этувчи) препарат сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлар. Маҳсулотдан тайёрланган малҳам. Маҳсулот юмшатувчи йиғмалар — чойлар таркибига киради.

Тиббиётда доривор қашқарбеда билан бир қаторда бўйчан (баланд бўйли) қашқарбеда — **Melilotus altissimus Thuill** (бўйи 1,5 м келадиган икки йиллик ўсимлик бўлиб, Собиқ Иттилоғнинг Жануби-ўарбий жисмида ва Олтой ўлкасида учрайди) ва хушбўй қашқарбеда — **Melilotus suaveolens Ledeb.** (доривор қашқарбеда ўсган ерларда учрайди) ўсимликлари ҳам ишлатилади.

Доривор қашқарбедани ўстириш технологияси

Қашқарбеда доривор ўсимликлар дехқончилигига аҳамияти катта.

Ўзбекистонда тарқалган барча, тупроқларда ўсаверади. Ўсимлик курғоқчиликка, совуққа ва шўрланишга жуда чидамли. Қашқарбеда дуккакли ўсимликлар оиласига мансуб бўлганлиги учун тупроқни биологик азот билан бойитади. Шўрланган тупроқларга экилганда сизот сувларини пасайтиради ва шўрланиш даражасини камайтиради. У асал берувчи ўсимлик ҳам ҳисобланади. Қашқарбеда икки йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 75—200 см га етади. Қашқарбеда озиқ-овқатда ва фармакологияда доривор ўсимлик

сифатида фойдаланилади. Унинг гули ва мевасидан хушбўй кумарин моддаси олинади. Ўсимликни экиш учун ерларни кузда 25—28 см чуқурликда шудгор қилинади ва 50—60 кг суперфосфат ўғити билан озиқлантирилади. Қашқарбедани кузда ёки эрта баҳорда уруғидан кўпайтирилади. Уни ҳар хил ўсимликлардан бўшаган ерларда экиш мумкин. Давлат андозаларига сифати бўйича тўғри келадиган уруғлар экиласди. Ерларни бороналаб, мола билан текислаб уруғи эрта баҳорда дон экадиган машинада экиласди, гектарига 20—25 кг уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 2—3 см дан ошмаслиги керак. Кўпинча қашқарбеда қопловчи экинлар билан кўшиб экиласди. Унинг ўсуви даври 85—140 кун давом этади. Баҳорда экилган ўсимлик 5—6 кунда униб чиқади. Шоналаш даврида тез ўсиб, суткалик ўсиши 3—5 см га тўғри келади. Эрта баҳорда ўсиши бошланади. Гуллаш даври 14—15 кун давом этади. Меваси етилганда тўқилади. Қашқарбедага минерал азот кўп ишлатилмайди, чунки ўзи азот тўплайди. Шунинг учун кўпроқ фосфорли ва калийли ўғитлар талаб қилинади. Дастребки ривожланиш даврида унинг фосфорга эхтиёжи катта. Бу даврда фосфор етарли бўлса, кейинги даврларда ҳам у яхши ривожланади. Калийнинг таъсири фосфорга нисбатан кам бўлади. Шу боис биргаликда қўлланилса яхши натижа беради. Қашқарбеда экилган тупроқларнинг тури, унумдорлиги, механик таркибиға қараб вегетация давомида 90—110 кг фосфор ва 50—60 кг калий қўллаш тавсия этилади. Бу ўғитлар органик ўғитларга кўшиб ёки бир қисми экишдан олдин ва биринчи ўримдан кейин берилса унинг ривожланиши тезлашади ва ҳосилдорлиги юқори бўлади. Тупроқ таркибида азот етарли бўлмаса, унинг унумдорлиги паст бўлса, экишдан олдин 40—50 кг азотли ўғит солиш тавсия қилинади. Қашқарбедани ўсиши ва ривожланишида микро ўғитлардан (молибден, бор ва марганец) ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Микроўғитлар бошқа минерал ўғитларга ва уруққа аралаштирилиб солинади. Қашқарбедани ўғитлаш суғоришдан олдин амалга оширилиши лозим.

Маҳсулот тайёрлаш. Ўсимликни пичан учун шоналаш гуллаш даврида ўрилади. Уруғини иккинчи ўришдан олдин йиғилади. Дуккаги 30% етилганда йигишга киришилади. Уларни дон ўрадиган комбайнларда янчид тозалаб олиш мумкин. Барг ва гуллар ажратиб олинади, пояси ташлаб юборилади. Уруги 15% намлиги бўлганда яхши сақланади, бир ўримдан гектаридан 10—12 центнер уруғ тайёрланади. Қашқарбедани вегетация даври давомида 5—6 марта сугориш тавсия этилади.

ЭКМА СЕДАНА — *NIGELLA SATIVA L.*

Экма седана — *Nigella Sativa L.* айиқтовондошлар — **Ranunculaceae** оиласига киради.

Бир йиллик, бўйи 20—75 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси шохланган, поя ва шохларининг учи якка холдаги гул билан тугайди. Пастки барглари қисқа бандли, юқоридагилари бандсиз поя ва шохларида кетма-кет жойлашган. Ҳамма барглари кенг-чизиқсимон, тўмтоқ ёки ўткир учли бўлакчаларга икки-уч марта патсимон қирқилган. Гул косача барглари 5 та, зангори рангли, чўзиқ ёки тухумсимон чўзиқ, учи тўмтоқ; гултожбарглари 5—8 та, икки лабли, косачабаргларидан уч марта калта. Меваси — кўп уруғли баргчалардан ташкил топган тўп мева. Уруги уч қиррали, буришган, оч-қўнғир рангли.

Май-июнда гуллайди ва меваси етилади.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиё (Ўзбекистоннинг Тошкент ва Самарқанд вилоятларида), Россиянинг Европа қисмининг жанубида ва Кавказда экин экиладиган ерларда ёввойилашган ҳолда учрайди. Экинзорларда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Ер устки қисми таркибида витамин С, кумаринлар, флавоноидлар (кемпферол ва кверцетин гликозидлари), уругида — 0,46—1,4% эфир мойи, стероидлар, тритерпен сапонинлар, алкалоидлар, хинонлар, кумаринлар, 30,8—4,2% ёғ ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Ибн Сино седана билан сўгалларни, темиратки, ҳуснбузар, пес (витилиго) ва бошқа тери касалликларини даволаган, шишларни қайтарган, яра ва ярали трахомани, кўз катаректасини ва бошқаларни яхши қилган. Уруғининг қайнатмаси буйрак ва сийдик қопида тош бўлганида уни тушуриш, тўхтаб қолган ҳайзни келтириш, гижжаларни ўлдириб тушириш учун истеъмол қилинади, тиш оғриғида оғиз чайлади.

Халқ табобатида седана уруғи сийдик ва ел хайдовчи, гижжаларни организмдан туширувчи восита сифатида ҳамда йўтал, астма ва сариқ касалликни даволаш учун ишлатилади.

Седана ўсимлигини етиштириш технологияси.

Седана бўйи 70 см гача борадиган бир йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Седана май-июнъ ойларида гуллайди, уруғлари июль-август ойларида пишади. Республикаизнинг барча тупроқ шароитларида экиб ўстириш мумкин. Уни юмшоқ, сув билан таъминланган, ёввойи ўтлардан тозаланган ва озиқа элементлар билан яхши таъминланган ерларга экишни тавсия қилинади. Ўсимлик уруғидан кўпаяди. Седана экиладиган ерларни кузда шудгор қилишдан олдин чириган гўнг ва фосфор ўғити билан озқлантириб 22—25 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Эрта баҳорда ерларни бегона ўтлардан тозаланади. Ерларни текислаш мақсадида уни икки қаторли борона билан ишлаб ва мола билан текислаб уруғ экишга тайёрланади. Уни апрель ойининг бошларида тупроқ ҳарорати 18—20 градус исигандан уруғларни 1—2 см чуқурликда ва кенг қаторлаб 60 см дан қилиб экиласди. Ҳар гектар ерга 12—15 кг уруғ сарфланади. Уруғлар экилгандан сўнг 14—15 кунда униб чиқади. Ёш ниҳоллар баҳорда бўлиб турадиган совуққа чидамли ҳисобланади.

Майсалар униб чиққандан кейин уларнинг оралари юмшатилади, ёввойи ўтларни тез-тез тозалаб турилади. Вегетация охиригача тупроқ намлигини ва ҳаво ҳароратини ҳисобга олган ҳолда 6—8 марта сугорилади.

Баҳорда ҳосил бўладиган қатқалоқлар ва бегона ўтларни йўқотиш учун борона билан кўндалангига ишланади. Седанани вегетация давомида икки марта озиқлантирилади. Ўсув даврида гектар ҳисобига 30 кг азот ва 20 кг калий ўғити бериб озиқлантирилади. Иккинчи озиқлантириш гуллагандан олдин 40 кг азот ва 30 кг фосфор бериш билан тугатилади. Ўсимликни озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади.

Махсулот тайёрлаш. Седана меваси пишишига яқин қолганда ўриб олинади. Уни яхшилаб қуритиб, янчидан уруғлари элақдан ўтказилади ва қуруқ жойларда сақланади. Унинг ҳосили июль-август ойларида йифиб олинади. Седана экилган майдоннинг ҳар бир гектаридан 1—1,2 тонна ҳосил йифиб олиш мумкин. Шуни айтиш керакки, седанани Ўзбекистонда хушманзара ўсимлик сифатида ҳам экиш мумкин.

Бўёқдор масхарни ўстириш технологияси

Бўёқдор масхар ўсимлигини Ўзбекистоннинг барча турдаги тупроқларида, шу жумладан шўрланган ерларда ҳам экиб ўстириш мумкин. Уни кеч кузда ва эрта баҳорда суғориладиган ва лалмикор ерларда ҳам экиш мумкин. Лекин у унумдор, озиқа элементларга бой, механик таркиби ўртacha бўлган тупроқларда яхши ҳосил беради.

Бўёқдор махсар ўсимлигини яхши ривожланиши, ундан сифатли ва мўл ҳосил етиштириш учун уларни ўз вақтида ўғитлаш, суғориш муддатларини тўғри белгилаш, зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашишга қаратиш асосий агротехник тадбирлардан ҳисобланади.

Бўёқдор масхар экиладиган ерларни қузда ер ҳайдаш олдидан органик ўғитлар ва фосфор ўғити билан озиқлантириб, 22—25 см чуқурлиқда ҳайдаш лозим бўлади. Агар ёғингарчилик кам бўлаётган минтақаларда ер ҳайдаш билан бирга гектар ҳисобига 20—30 кг азот ўғитини кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Унинг уруғларини эрта баҳорда ва кеч кузда экилса ҳам бўлади. Чунки унинг майсалари 10—15°C совуққа бардош беради.

Уруғларни экишга тайёрлашда ГОСТ қоидаларига риоя қилиш зарур; уруғ кондицияга етган ва 1 ёки 2 класс бўлиши керак; тозалиги 90—95 ва учувчанлиги 75—80% дан кам бўлмаслиги лозим.

Бўёқдор масхар уруғини эрта баҳорда экишдан олдин, ерларни борона ва мола билан текислаб, бегона ўтлар илдизидан тозалаб, 4—6 см чуқурликда қадалади. Рельефи текис бўлган тупроқларда экилса, гектарига 7—8 кг, тоғ олди минтақаларда экилганда гектарига 18—20 кг уруғ сарфланади. Уруғлар дон ёки сабзавот экиш ускуналари ёрдамида қатор оралари 30, 40 ва 60 см қилиб экилади. Тупроқ ҳарорати 10—15°C бўлганда уруғлар 8—10 кундан кейин униб чиқади. Нихоллар униб чиқмасдан олдин уни борона ва культивация қилинади, бегона ўтлардан тозаланади.

Эгатларнинг қатор ораси 60 см кўчатлар оралиғи 15—20 см дан қилиб, ҳар бир уяга 1—2 тадан ўсимлик қолдирилиб ягана қилинади.

Ўсимликни биринчи озиқлантириш майсалар униб чиққандан кейин гектар ҳисобига 20 кг дан азот ва фосфор ўғити беришдан бошланади.

Бўёқдор масхар азотли ва фосфорли ўғитларга талабчан ўсимлик бўлгани учун иккинчи озиқлантиришни шоналаш фазасида гектар ҳисобига 30 кг азот ва 20 кг дан калий ўғити бериш билан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўғитларни 8—10 см чуқурликка солиш маъқул бўлади. Озиқлантириш ҳар бир сугориш олдидан амалга оширилади. Сугорилгандан кейин ўсимлик экилган майдонларнинг қатор оралари культивация қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади.

Масхар гуллаш даврида ўғитларни кўпроқ талаб қиласи ва охирги озиқлантириш гектарига 30 кг азот ва 20 кг калий ўғити бериш билан тугалланади. Вегетация давомида бўёқли масхар экилган ерларга ўртacha 70—80 кг азот 50 кг фосфор ва 30 кг калий ўғити билан озиқлантирилса, юқори ҳосил етиштириш мумкин бўлади. Масхар дехқончилик борасида вақтли экиладиган ўсимликлар турларига киради.

Профессор Д. Ёрматованинг ёзишича, унинг илдизлари бақувват бўлгани боис тупроқнинг 2,5—3 метр пастидан намни ўзлаштириб, ўсимлик ривожланиши учун шароит яратади, намни жуда тежаб сарфлайди. Ўсимлик гуллаган вақтида ҳаво нам бўлиб, ёмғир кўп ёғса, унинг чангланиши камаяди.

Масхар паст ҳароратга бардош бериш билан бирга иссиққа ҳам чидамли ўсимлик ҳисобланади. Ҳаво қуруқ келса, гармсел шамоллар бўлса, гуллари уруғланмайди ва натижада пуч бўлиб қолади. Ўсимлик сувга ҳам унчалик талабчан эмас. Вегетация давомида 3—4 марта суғорилса, унинг ўсиши ва ривожланиши учун етарли ҳисобланади.

Масхар тўлиқ гуллаб бўлгандан кейин 20—25 кун ичида пишади. Аввало, бош поянинг энг юқорисидаги, кейин ён шохларнинг саватчаларидаги уруғлар етилади. Уруғлари пишиб кетса ҳам тўкилмайди. Чунки саватча барглар билан маҳкам ўралган бўлади. Бу ҳосилни нобуд қилмасдан дон комбайнлари ёрдамида йиғиштириб олиш имконини беради. Ҳосилни йиғиштириб олиб, уни бирданига ўриб янчиш лозим. Агар у аввал ўриб, кейинроқ янчилса, саватчалари ерда қолиб кетади ва ҳосил чўги камаяди.

Агар агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилса, бўёқли масхар ўсимлиги экилган майдоннинг ҳар гектаридан 200—250 кг гача гул барглари ва ўртacha 12—15 центнергacha уруғ йиғиштириб олиш мумкин.

ЭКМА КАШНИЧ — *CORIANDRUM SATIVUM L.*

Экма кашнич — *Coriandrum Sativum L.* Селдердошлар — *Apiaceae* (соябонгулдошлар — *Umbelliferae*) оиласига киради.

Бир йиллик, бўйи 30—70 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси цилиндрический, майда қиррали, туксиз, ичи ковак, юқори қисми шохланган. Барги оддий, қинли, туксиз, илдизолди барглари узун бандли, уч бўлакка қирқилган, қирраси тиҳсимон кесилган, поясининг пастки қисмидаги

барглари қисқа бандли, икки бўлакка қирқилган, ўрта қисмдагилари эса бандсиз бўлиб, ипсимон икки-уч бўлакка ажралган. Барглари пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, умумий ўрамсиз мураккаб соябонга тўпланган; гулкосачаси беш тишли, мева билан бирга сақланиб қолади. Тожбарги бешта, пушти рангда, оталиги 5 та, оналик тугуни икки хонали, пастга жойлашган. Меваси — юмалоқ, қўнғир ёки сарғиш кулранг, қўшалоқ донча.

Июнь ойидан бошлаб, августгача гуллайди, меваси август-сентябрда пишади.

Географик тарқалиши. Ватани Европа жанубидаги давлатлар ҳамда Туркия. Украина, Кавказда, Куйбишев ва Воронеж вилоятларида ҳамда Ўрта Осиё республикаларида ўстирилади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Тайёр маҳсулот юмалоқ шакли пишганда бўлинмайдиган икки бўлакли, қўнғир ёки сарғиш-кулранг, диаметри 4 мм бўлган қўшалоқ доначалардан иборат.

Ҳар яримта меванинг қабариқ томонида сал дўппайган 5 та асосий қовурғалари ва яхши сезилмайдиган 56 та тўғри, кўшимча қовурғалари бўлади.

Пишиб етилган мева ҳушбўй ҳидга ва ёқимли мазага эга.

Мева намлиги 13%, умумий кули 7%, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули 1,5%, эзилган, пишмаган ва бузилган кашнич мевалари 3%, эфир мойли бошқа ўсимликлар мевасининг аралашмаси 1%, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 1% дан ортиқ ҳамда мева таркибидаги эфир мойи 0,5% дан кам бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Кашнич меваси таркибida 0,7—1,5%) ли эфир мойи, 10—20% ёғ, 11—17%) оқсил ва бошқа моддалар бўлади.

Кашничнинг эфир мойи рангсиз ёки оч сарғиш, тиниқ суюқлик бўлиб, ўзига хос ҳушбўй ва ёқимли меваси бор. Зичлиги 0,845—0,862, рефракция сони 1,471—1,478, кутбланган нур текислигини оғдириш бурчаги +56°—+68°.

Мой таркибида 60—80% ли налоол, 5% гераниол ва оз миқдорда борнеол, турли алгедрилар ҳамда терпенларнинг аралашмалари бўлади. Стандарт талабга кўра эфир мойи таркибидаги линолоол миқдори 65% дан кам бўлмаслиги керак.

Ишлатилиши. Кашнич меваси иштаҳа очадиган, овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган, ўт ҳайдайдиган восита сифатида ва бавосил касаллигига ҳамда яраларни даволашда ишлатилади. Кашнич мевасининг эфир мойи антисептик, оғриқ қолдирувчи, ўт ҳайдовчи ҳамда бавосилга қарши дори сифатида қўлланилади, шунингдек, фармацевтикада ичиладиган дорилар таъмини яхшилашда ишлатилади.

Кашнич меваси ва эфир мойи озиқ-овқат саноатида ҳамда парфюмерияда қўлланилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, қукун (порошок) ва спиртли суви. Меваси меъда ва бавосил касалликларида ишлатиладиган ҳамда ўт ҳайдовчи ийғималар — чойлар таркибига киради.

Ўстириш технологияси. Кашнич экиладиган майдонларни кузда ҳайдашдан олдин гектар хисобига 20—25 тонна маҳаллий ўғит ва 40—45 соғ суперфосфат билан озиқлантириб 25—27 см чуқурликда сифатли қилиб ҳайдаб қўйилади. Кашнич унумдор ва очиқ ерларда яхши ўсади. Ерни кузда ҳайдалганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, ҳаво алмашиниши ва озиқа режими яхшиланади. Бегона ўтлар уруғи, заараркунанда ва касаллик қўзғатувчи микроблар миқдори камаяди.

Кашнич совукка чидамли ўсимлик, унинг уруғи 8—10°C униб чиқа бошлайди, шунинг учун унинг уруғларини бир текис ундириб олиш учун бир хил чуқурликда экиш, нормасига риоя қилиш, кўчат қалинлиги бир хил бўлиши тупроқ намидан вақтида фойдаланишига эътибор бериш керак бўлади.

Кашнич уругини кузда ёки эрта баҳорда тор қаторлаб ёки қатор оралари 45 см, 3—4 см чуқурликда сабзавот экадиган ускуналарда гектар хисобига 10—15 кг уруғ сарфлаб оптималь (тупроқ ҳарорати 14—15°C)

муддатларда экилса күчатлар 7—8 кунда түлиқ ўсиб чиқади ва сугорилади. Майсалар ўсиб чиққандан кейин бегона ўтлардан тозаланади, илдизга зарар етказмасдан ораларига ишлов берилади.

Кашничнинг вегетация даври 90—120 кун давом этади.

Кашнич ривожланиш даврига озиқа элементларга жуда талабчан ҳисобланади. Унинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун қатор ораларига ишлов бериш билан бирга гектар ҳисобига 30—40 кг дан азот, 20 кг дан калий ўғити билан озиқлантирилади. Кашнич гуллаш ва кесиш даврида иккинчи марта гектарига 40 кг дан азот, 20 кг фосфор ва 30 кг калий ўғити билан озиқлантирилади.

Кашнич қуруқликка чидамли ўсимлик бўлишига қарамасдан ўсиш ва мева тугиши даврида кўп намликни талаб қиласди. Майсаларни ювиб кетмаслик учун сугориш ишлари эҳтиёткарлик билан олиб борилиши лозим. Вегетация давомида 10—12 марта гача сугорилади.

Агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказилган майдонлардан гектаридан 1000—1200 кг ҳосил йиғиб олиш мумкин.

Махсулот тайёрлаш. Махсулот ёзниг иккинчи ярмида биринчи соябонлардаги мевалар қўнғир рангга кира бошлаган пайтда (50—60% мевалар пишгандан сўнг) йиғила бошланади. Чунки унинг меваси бир вақтда пишмайди. Ўсимлик машинада ўрилади, соябонлар бир томонга қаратиб боғланади сўнгра етилмаган меваларни пишишини тезлаштириш учун боғламаларни соябонларини юқорига қаратиб, бир-бирига суюб, ғарамлаб қўйилади.

Кашнич эрталаб ўриб тўпланади ва боғ-боғ қилиб боғланади, кун исиганда ўрилса қуриган мевалар тўкилиб кетади. Ёғингарчилик пайтида эса усти берк жойларда қуритилади. Меваларни ҳаммаси пишганида ва қуриганидан кейин ўсимлик машинада янчилади, шамол машинада мевалари ажратиб олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Агрохимия (Под ред. Б. А. Ягодина). Москва, 1982.
2. Вопросы агротехники возделывания лекарственных культур. Часть 1, Москва, 1978.
3. Справочник по лекарственным культурам. Воронеж, 1963.
4. Холматов X. X., А. И. Қосимов русча-латинча-ўзбекча доривор ўсимликлар луғати, Тошкент, 1992.
5. Холматов X. X., Аҳмедов Ў. А. „Фармакогнозия“, Тошкент, 2007 й.
6. Мусаев Б. С. „Ўғит қўллаш тизими“, Тошкент, 1998.
7. Атабоева X. Н. ва бошқалар. Тошкент, 1995. Ўсимликшунослик.
8. Мурдахаев Ю. М. Лекарственные культуры в Узбекистане, Ташкент, 2001.
9. Мурдахаев Ю. М. Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар. Тошкент, 1990.
10. Турова А. Д. Сапожникова Э. Н. Лекарственные растения СССР и их применение. Москва, 1982.
11. Мусаев Б. С. Агрокимё. Тошкент, 2001.
12. Эрматов А. Сугориладиган дехқончилик. Тошкент, 1983.
13. Холматов X. X., Ҳабибов. Ўзбекистон доривор ўсимликлари. Тошкент, 1971.

14. Атлас ареалов и ресурсов лекарственных растений СССР. Москва, 1976.

Мундарижа

Сўз боши

Кириш

Доривор ўсимликлар ва уларни етиштиришнинг қисқача тарихи

Доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш

Доривор ўсимликлар хомашёсини тайёрлаш

Доривор маҳсулотларни тайёрлаш, қуритиш, идишларга жойлаштириш

(кадоқлаш) ва саклаш тўғрисида умумий тушунча

Доривор маҳсулотларни тайёрлаш

Доривор маҳсулотларни қуритиш

Маҳсулотларни транспорт воситаларида жўнатиш

Доривор маҳсулотларни сақлаш

Доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва доривор маҳсулотлар таснифи

Оддий канакунжут

Канакунжутни ўстириш технологияси

Тукли эрва (пол-пола)

Тукли эрва ўсимлигини ўстириш технологияси

Қовоқ

Қовоқни ўстириш технологияси

Амарант

Амарант ўсимлигининг агротехникаси

Кунжут

Кунжутни етишириш технологияси

Маккажүхори

Маккажүхорини ўстириш технологияси

Хушбўй рута

Доривор хушбўй рута ўсимлигини етишириш

Эвгенол райҳони

Райҳон ўсимлигини ўстириш технологияси

Ош пиёз

Ош пиёзни ўстириш технологияси

Топинамбур

Топинамбур ўсимлигини ўстириш технологияси

Қора смородина

Смородина (қорақат) ўсимлигини ўстириш технологияси

Пушти катарантус

Пушти катарантус ўсимлигини ўстириш технологияси

Доривор иссон

Доривор иссон ўсимлигини етишириш

Япон софораси (тухумак)

Япон софорасини ўстириш технологияси

Лимон

Лимон етишириш технологияси

Ўсимликни парвариш қилиш

Атиргулнинг турлари

Атиргулни етишириш технологияси

Саримсоқ пиёз (сассиқ пиёз)
Саримсоқни ўстириш технологияси
Бодом
Бодом етиштириш
Оддий дастарбош
Оддий дастарбошни ўстириш технологияси
Оддий қора зира
Қора зира ўсимлигини ўстириш технологияси
Зифир
Зифир ўсимлигини етиштириш технологияси
Бүёкдор рўян
Бүёкдор рўян ўсимлигини ўстириш технологияси
Арслонқуйруқ
Арслонқуйруқ ўсимлигини ўстириш технологияси
Қирқмабарг (доривор) мойчечак (газакўт)
Мойчечак ўсимлигини ўстириш технологияси
Мексика бангидевонаси
Бангидевона ўсимлигини ўстириш технологияси
Тешик далачой
Тешик далачойни ўстириш технологияси
Доривор лимонўт
Доривор лимонўт ўсимлигини ўстириш технологияси
Ортосифон
Ортосифон (буйрак чой) ўсимлигини етиштириш
Нашасимон кендир
Нашасимон кендир ўсимлигини ўстириш технологияси
Тоғрайҳон
Тоғрайҳон ўсимлигини ўстириш технологияси
Аччиқ шувоқ (эрмон)
Аччиқ шувоқ (эрмон) ўсимлигини ўстириш

технологияси

Мармарак (маврак)

Маврак ўсимлигини ўстириш технологияси

Белладонна

Белладонна ўсимлигини ўстириш технологияси

Левзея

Махсарсимон левзея ўсимлигини етиштириш

Наъматак

Наъматак ўсимлигини ўстириш технологияси

Наъматакни вегетатив йўл билан кўпайтириш усуллари

Наъматак меваларини йифиш ва қуритиш

Ерёнғоқ

Ерғоқни ўстириш технологияси

Қалампир ялпиз

Қалампир ялпизни ўстириш технологияси

Жағ-жағ (ачамбити)

Жағ-жағ ўсимлигини ўстириш технологияси

Ўткир (найза) барг сано

Сано ўсимлигини ўстириш технологияси

Аниссимон (оддий) арпабодиён

Аниссимон (оддий) арпабодиён ўсимлигини

ўстириш технологияси

Доривор тирноқгул

Тирноқгулни ўстириш технологияси

Оддий бўймодарон

Бўймодарон ўсимлигини ўстириш технологияси

Доривор гулхайри

Доривор гулхайри ўсимлигини ўстириш технологияси

Катта зубтурум

Катта зубтурум етиштириш

Оддий фенхель (дорихона укропи)
Доривор укропни ўстириш технологияси
Доривор қашқарбеда (сариқбеда)
Доривор қашқарбеданы ўстириш технологияси
Экма седана
Седана ўсимлигини ўстириш технологияси
Бүёкдор махсарни ўстириш технологияси
Экма кашнич
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати